


ДИККАТ


34.
М93



Чалғитувчи
дүнёда
муваффакият
сирлари

К Э Л Н Й Ю П О Р Т

К э л Н ъ ю п о р т



ДИККАТ
ЧАЛГИТУВЧИ ДУНЁДА
МУВАФФАҚИЯТ
СИРЛАРИ

УЎК 37.037.5

КБК 87.77

Н 93

НЬЮПОРТ, Кэл

Дикқат: Чалғитувчи дунёда мұваффакият сирлари /
Кэл Ньюпорт, инглиз тилидан Сожида Самандарова
таржимаси. Тошкент: “Offset-print” МЧЖ, “Nihol”
nashriyoti, 2020. 230 бет.

ISBN 978-9943-23-167-2

Таржимон

Сожида Самандарова

Масъул мұхаррир

Хуршид Йўлдошев

*“Asaxiy Books” лойиҳаси доирасида таржима ва
чоп қилинди.*

Электрон почтаю ижтимоий тармоқлар, кўйингки, барча алоқа восьиталари дикқатимиз, эътиборимиз ва вақтимиз ўғрисига айланди. Чалғимай бир иш килиш оғир бўлиб қолган чалғитувчи дунёда қандай мұваффакият козониш мумкин? Нима килсак, сарфлаган вақтимиз ўзимизга каттарок фойда бўлиб қайтади? Нима килсак, ишимизнинг сифати ва унуми ортади? Нега айрим мұваффакиятли инсонлар ўзини алоқа воситаларидан узок тутишга уринади? Бу каби саволларга Массачусетс технологиялар институти профессори Кэл Ньюпорт ўз тажрибаси ва кузатувлари асосида жавоб беради. Жамланган дикқат самарали ишнинг мухим куроли, уни бошқариш эса осон эмас. Бу китобни ўкиб, сершовқин дунёда ҳаловат топиш ва айни дамда мұваффакият козонишни ўрганасиз.

УЎК 37.037.5

КБК 87.77

ISBN 978-9943-23-167-2

© “Asaxiy Books” МЧЖ, 2020

© Кэл Ньюпорт

МУНДАРИЖА

Кириш	5
Биринчи қисм: Ғоя	
Теран меңнат қадрли	23
Теран иш ноёбдир	47
Теран ишда маъно бор	67
Иккинчи қисм: Қоидалар	
Теран меңнат қилинг	87
Зерикишдан чўчиманг	137
Ижтимоий тармоқлардан воз кечинг	159
Саёзликдан воз кечинг	188
Хулоса	223

КИРИШ

Сен-Галленнинг швейцар кантонида, Цюрих кўлининг шимолий кирғок бўйларида Боллинген номли қишлоқ бор. 1922 йилда психиатр Карл Юнг ўзига узлатхона куриш учун айнан шу жойни танлади. У курилишини ўзи “Минора” деб атаган икки қаватли тош уйдан бошлади. Хиндистонга саёҳати чоғида уйларда медитация учун махсус ажратилган хоналарни кўрганди. У ердан қайтгач, шахсий офис учун бинони кенгайтирди. “Хосхонамда ёлғиз бўламан. У ернинг қалити доимо ёнимда, рухсатимсиз пашша ҳам учиб кира олмайди”, дерди Юнг хонаси хақида.

Ўзининг “Кундалик ритуаллар” китобида журналист Мейсон Карри Юнгнинг “Минора”даги ўзига хос меҳнат тарзи борасида турли-туман манбаларни келтирган. Унинг айтишича, Юнг тонг соат еттида уйқудан тураг, бакувват нонуштадан сўнг хосхонасида икки соат давомида ҳеч нарсага чалғимай ёзарди. Туш пайти эса медитация билан шугулланар ёки атрофдаги қишлоқларга сайр қиласарди. Минорага электр сими тортилмагани боис, кун ўз ўрнини тунга бўшатиб берар ҷоғда мойчироқлардан нур, каминдан иссиқлик тараала бошларди. Юнг одатда соат ўнда уйкуга ётарди. “Бу минорада ором олиш ва янгиланиш ҳисси бошидан кучли эди”, дерди у.

Гарчи Боллинген минораси ором олиш маскани сифатида одамни ўзига жалб қилса-да, Юнгнинг иш фаолияти

нұқтаи назаридан қарасақ, күлбүйига узлатта чекиниш ишдан қочиш әмас әди. 1922 йили бу мулкни сотиб олғач, унинг таътилга чиқиши маблағи ҳам қолмади. Атиги бир йил олдин – 1921 йили у “Психологик турлар” китобини нашр килдирди. Бу китобда Юнг ва унинг дүсті, устози Зигмунд Фрейд ғоялари ўртасидаги каттарыб келаётган тафовутлар жамланған әди. 1920 йилларда Фрейдга қарши чиқиши катта жасорат әди. Ўз китобини янада бойитиши учун Юнг фикрларини тиниклаштириши ва кейинчалик ўзи асос соглан таълимот номига айланған “аналитик психология”ни дастакловчи ўткир мақола ва китоблар ёзиши керак әди.

Юнг Цюрихда маърузалар ва консультация амалийтлари билан банд бўларди, аммо у шу билан кифояланмай, инсондаги англаммаганликни тадқиқ этишини истарди, аммо бу мақсад чукур ва пухта мулоҳаза юритишини тақозо қиласардики, шаҳардаги олатасир ҳаёт тарзи кўпинча бунга имкон бермасди. Юнг Боллингенга ўзининг касбий фаолиятидан қочиш учун әмас, балки уни янада юксалтириш учун чекинган әди.

Карл Юнг 20-асрнинг энг таъсирли мутафаккирларидан бирига айланди. Албатта, унинг муваффақиятли бўлишига сабаблар кўп. Аммо қўлингиздаги китобда мен унинг ютукларида мұхим роль ўйнаган, у астойдил бажарган куйидаги кўникмага дикқат қаратмокчиман:

Теран иш – ҳеч нарсага чалгымасдан, бор ақлий имкониятни ишга соглан ҳолда, чуқур дикқат билан бажарилган ишdir. Бу иш бебаҳо қиймат яратади, маҳоратингизни оширади ва уни ҳар ким ҳам бажара олмайди.

Теран иш интеллектуал қобилиятингизни охирги қатрасигача ишга солишини тақозо қиласади. Психология ва нейрологияда йиллар бўйи олиб борилган тадқиқотлар

КИРИШ

натижаларидан биламизки, теран иш билан бирга кечадиган ақлий таранглик ҳам маҳоратингизни оширади. Бошқача айтганда, теран иш 20-аср бошларидаги академик психиатрия сингари чукур мушоҳада талаб қиласидиган соҳада зарур бўлган фаолият тури эди.

“Теран иш” атамасини ўзим қўлладим, Карл Юнг ўз ишини бундай атамаган бўлса-да, унинг фаолият тарзи теран иш нималигини уққан кишиникидек эди. Юнг ўз касбий фаолиятида теран ишлаш учун куч ва маблағ сарфлаб ўрмонда тошдан минора барпо этди. Бу Юнгни кундалик доимий машғулотларидан айириб қўйди. Мейсон Карри ёзишича, Юнгнинг Боллингенга қилган муттасил сафарлари клиникадаги ишлари учун вакт қолдирмасди, “унга ишониб келган беморлари кўп бўлса-да, Юнг қўл силтаб кетишдан ҳеч уялмасди”. Теран иш, гарчи қўшимча масъулиятни англатса-да, унинг дунёни ўзгартириш борасидаги мақсадлари учун ўта зарур эди.

Дарҳақиқат, агар сиз узоқ ва яқин тарихда яшаб ўтган бошқа кучли таъсирга эга шахсларнинг ҳаётини ўргансангиз, теран ишга содиклик кенг тарқалганига амин бўласиз. Масалан, 16-аср ёзувчиси Мишел де Монтеннинг француз кўрғони тош деворларини кўриб турган жанубий минорадаги шахсий кутубхонасида ишлаши бир қарашда Юнгни эсга солади. Марк Твен “Том Сойернинг саргузаштлари” асарининг катта кисмини ўзи ёзни ўтказадиган Нью-Йоркдаги Квари фермасидаги хужрада ёзган. Твеннинг изходхонаси асосий уйдан шунчалар айро эдики, оиласи уни овқатга чакириб олиш учун анча тер тўкишига тўғри келарди.

Замонлар оша бироз силжиб, сценарийнавис ва режиссёр Вуди Алленни эслайлик. У 1969 йилдан 2013 йилгача бўлган 44 йил мобайнида 44 та фильмнинг сценарийсини ёзib суратга олди ва йигирма учта Академия номинацияси мукофотига сазовор бўлди – ақл бовар қилмас санъаткорона маҳсулдорлик. Ушбу давр мобайнида

Алленнинг компьютери бўлмаган, унинг ўрнига электрон чалғитувчилардан холи ҳолда немисларнинг Олимпия SM3 маркали ёзув машинкасидан фойдаланган. Бу борада Алленга шерик бўлганлардан яна бири назариётчи физик Питер Хиггс эди. У ҳам жамиятдан ажралган ҳолда ишлаган, ҳатто Нобел мукофотига лойик кўрилганда журналистлар уни топа олмай сарсон бўлган эди.

Гарчи “Харри Поттер” романининг ёзилиш даври технология тараққиёти кенг кенг қулоч ёйган бир пайтга тўғри келган бўлса ҳам, унинг муаллифи Ж.К. Роулинг ижтимоий тармоклардан анчагина олисда бўлган. Роулинг жамоаси ниҳоят 2009 йил кузида – ёзувчи “Тасодифий бўш жой” асари устида ишлаётганда унинг номидан “Twitter”-да сахифа очиб юрита бошлади ва дастлабки бир ярим йил давомида кўйилган ягона пост шундай эди: “Бу ҳақиқатан менман, лекин афсуски, бу ерда кўп ёзолмайман, чунки хозирда мен учун қалам ва қофоз афзал.”

Теран иш, албатта, тарихий шахслар ёки техноФобларгагина хос эмас. “Microsoft” компанияси бош ижрочи директори Билл Гейтс йилига икки марта “Тафаккур ҳафталиги”га вакт ажратар, ҳафта давомида ўзини ҳамма нарсадан ажратиб кўяр (кўпинча кўл бўйидаги ёзги ҳовлисида), вақтини ўқиш ва катта ғоялар ҳакида фикрлашга бағишиларди. Айнан 1995 йилги “Тафаккур ҳафталиги” мобайнида Гейтс “Microsoft”нинг эътиборини “Netscape Communications” номли энди танила бошлаган компанияга қаратган машҳур “Интернет пўртанаси” меморандумини ёзиб тутатди. Ажабки, Интернет асри тушиунчалишига ёрдам берган таникли киберпанк ёзувчи Нил Стефенсон билан электрон тарзда боғланишининг деярли иложи йўқ, чунки унинг веб-сайтида электрон почта манзилини эмас, балки нима сабабдан у ижтимоий тармоқлардан унумли фойдаланмаслиги ҳақидаги эссесини учратасиз. Нил бунга кўйидагича изоҳ беради: “Агар мен ҳаётимни шу тарзда курсам, ишлашга

КИРИШ

узоқ ва узлуксиз вактим бўлса, романлар ёзишим мумкин. Бироқ безовта қиласверишса нима ёзаман? Барҳаёт роман ўрнига кимларгадир жўнатган бир даста электрон почта хатларим қолмайдими?!”

Бошқаларга таъсир ўтказа оладиган шахслар орасида теран ишнинг кўп учрашини алоҳида таъкидлаш лозим, чунки шунда уларнинг иш тарзи ҳозирги замонавий ақлий меҳнат кишиларининг – теран иш аҳамиятини унугаётган қатламнинг иш тарзидан қанчалар фарқ қилиши яққол кўринади.

Ақлий меҳнат ходимларининг теранроқ ишлашга бўлган лаёқати сўнишига яхши баҳона ўйлаб топилган: алоқа тармоқлари. Бу – электрон почта ва СМС алоқа хизматлари, “Facebook” ва “Twitter” каби ижтимоий тармоқлардан тортиб, “BuzzFeed” ва “Reddit” сингари ахборот-қўнгилочар веб-сайтлар тўпламини қамровчи кенг маъноли тушунчадир. Умуман олганда, бундай алоқа тармоқларининг тараққиёти, уларга ақли телефонлар ва компьютерлар орқали исталган жой ва вактда боғлана олиш имконияти ақлий меҳнат ходимларининг дикқатини бўлиб юборди. 2012 йилги Маккензи тадқиқотлари натижаларига кўра, ҳозирда битта ақлий меҳнат кишиси ўртача иш ҳафтасининг 60 фоизини электрон ахборот алмашиш ва интернет қидирувларга сарфлар экан, иш вақтининг қарийб 30 фоизи эса биргина электрон хатларни ўқиш ва жавоб қайтаришга кетар экан.

Бундай бўлинган эътибор узоқ вақт сокин тарзда ақл ишлатишни талаб қиласиган теран ишга имкон колдирмайди. Шу билан бирга, замонавий ақлий меҳнат ходимлари ишлашдан ҳам қочаётгани йўқ. Аслида улар ўзларини жуда банд кишилар деб билади. Орадаги тафовутни нима изоҳлайди? Буни теран иш ғоясининг тамомила акси бўлмиш бошқа бир турдаги меҳнат орқали изоҳлаш мумкин.

Саёз иши: Ақлий зўриқиши талаб қилмайдиган, логистик характердаги, кўтинча чалгишлар билан ҳам бажариладиган иши. У катта қиймат яратса олмайди ва уни ҳар ким эплаши мумкин.

Бошқача айтганда, тармоқ воситалари асрида, ақлий меҳнат ходимлари теран ишни тобора саёз муқобилига айлантириб бормоқда – худди тармоқроутерларига ўхшаб узлуксиз равишда электрон хатлар жўнатади ва қабул қиласди, ўша чалғитувчи воситаларга кисқа вақт кириб чиқиши учун тез-тез чалғийди. Теран тафаккур талаб қиласиган ишлар – янги бизнес стратегияни ишлаб чиқиши ёки катта грант олиш учун лойиҳа ёзиши каби салмоқли ишлар бундай шароитда чалкаш, пароканда бўлган, сифати хира тортган самарани беради. Бундан ҳам ёмони, юзаки ишлашга берилиш ортга қайтмас жараён эканлигини кўрсатувчи далиллар кўпайиб бормоқда. Саёз ишлаб вақтингизни ўтказиб, бора-бора теран ишлашга бўлган лаёқатингизни умрбод йўқотасиз.

“Интернет менинг дикқат жамлаш ва мулоҳаза қилиш қобилиятимни сусайтироқда ва мен бу борада ёлғиз эмас эканман”, дея тан олади журналист Николас Кэрр ўзининг 2008 йили “Atlantic”да чиқсан тез-тез тилга олинувчи маколасида. Кэрр ўз мулоҳазаларини Пулицер мукофотининг финалига чиқсан “Саёзлар” китобида янада кенгайтирди. “Саёзлар” асарини ёзиши учун Кэрр кулбага кўчиб ўтиб, алоқадан батамом узилишига тўғри келди.

Тармоқ воситалари ишимизни теранликдан саёзликка томон тортаётгани янгилик эмас. “Саёзлар” интернетнинг миямизга ва ишлаш тарзимизга таъсири ҳақидаги сўнгти вақтларда чиқсан китоблар орасида биринчиси эди. Кейинги китоблар сирасига Уильям Пауэрснинг “Ҳамлетнинг ‘BlackBerry’си”, Жон Фриманнинг “Электрон почта зулми” ва Алекс Сожунг-Ким Панинг “Паришонхотириликка мубталолик” асарлари киради – буларнинг барчасида тармоқ воситалари бизни узлуксиз

КИРИШ

дикқат талаб қиласынан ишимиздан чалғитиши, айни өтфада, дикқатимизни сусайтириши ҳақида сүз боради.

Мавжуд далилларнинг етарлилигини хисобга олган холда, мен ушбу китобда уни яна қайта асослашга вақт сарфламоқчи эмасман. Умид қиласынан, тармоқ воситаларининг теран ишлашга қанчалик салбий таъсир кўрсатиши борасида якдил бўла оламиз. Шунингдек, бу ўзгаришнинг ижтимоий оқибатлари ҳақидаги давомли баҳслардан ҳам тийиламан, чунки бунақа баҳслар боши берк кўчага етаклайди. Мунозаранинг бир тарафида Жейрон Лэниер ва Жон Фриман каби техно-скептиклар бундай тармоқ воситалари ҳозирги ҳолатда камида жамиятта зарар етказишидан ташвиш чекаётган бўлса, иккинчи тарафида, Клайв Томпсон сингари техно-оптимистлар уларнинг жамиятни қай даражада ривожлантираётгани ҳақида бонг урмоқда. Мисол учун, “Google” хотирамизни сусайтириши мумкин экан, аммо энди кучли хотираға заруритнинг ўзи йўқ, чунки ҳозир билишимиз керак бўлган нарсаларни ундан осонгина қидириб топишимиз мумкин.

Бу фалсафий мунозарада тараф олмайман. Бу масалага бўлган қизиқишим янада прагматик ва индивидуал жиҳатга йўналган: саёзликка томон силжиётган ишлаш маданиятимиз (фалсафий жиҳатдан хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин) бу оқимга қарши сузаётган озчилик учун катта иқтисодий ва шахсий имкониятларни очиб беряпти – бу имкониятдан яқинда ёш, лекин аллақачон ишидан зериккан виржиниялик молиявий маслаҳатчи Жейсон Бен самарали фойдаланди.

Иқтисодиётимизда қадрсиз эканлигингизни англаш учун кўпгина усуллар мавжуд. Молиявий маслаҳатчи сифатида иш бошлаганига кўп ўтмай туриб, зиммасига юклатилган вазифаларнинг асосий қисми “Excel” орқали автоматик бажарилиши мумкинлиги Жейсон Бенга сабоқ бўлди.

Бенни ёллаган фирма кенг қамровли битимларда иштирок этаётган банклар учун ҳисобот тайёрларди. (Бен сұхбатларимизнинг бирида “Бу иш анча “қизикарли” туолади,” деб ҳазиллашганди.) Ҳисобот тайёрлаш жараёни бир неча соат давомида “Excel” электрон жадваллар түпламига маълумотларни киритишни талаб этарди. У ишга илк келган пайтда, битта ҳисобот устида ишлашга олти соатгача вакт сарфларди. (Фирманинг энг тажрибали ходимлари эса ушбу вазифани ярим соатга қолмай битирарди). Бу эса Бенга унчалик тўғри келмади.

“Менга ўргатилган усулда жараён жуда мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиласарди”, эслайди Бен. У “Excel” дастурининг фойдаланувчиларга умумий вазифаларни автоматлаштиришга имкон берадиган “макрос” деб номланган хусусияти борлигини билиб олди. Шу мавзудаги мақолаларни ўқигач, тез орада “Excel”да янги ишчи саҳифани очиб, у билан маълумотларни киритишнинг олти соатлик жараёнини битта тутмачани босиш билан алмаштириш мумкин бўлган буйруқлар кетма-кетлигини яратди. Авваллари ҳисобот ёзиш учун бутун иш куни сарфланган бўлса, эндиликда бунга бир соатдан камрок вакт этарди. Бен нуфузли Виржиния университетининг иқтисод йўналишини тутгатганди, ақлли йигит эди ва кўпчилик сингари ёрқин карьерага умид қилаётганди. Лекин асосий профессионал маҳорати “Excel” орқали осонгина қўлга киритилишини англаб етгач, мақсадлари пучга чиқиши мумкинлигини тушунди. Шунинг учун ҳам у дунёда ўз қадр-қимматини оширишга қарор қилди. Бир қанча изланишлардан сўнг якуний хулосага келди: оиласига электрон жадвалчи бўлиб эмас, балки компьютер дастурчиси сифатида ишлашга қарор қилганини айтди. Кўпинча бундай катта режаларда кичик муаммолар ҳам учраб туради: Жейсон Бен дастурлашни умуман билмасди.

Компьютер мутахассиси сифатида тасдиқлашим мумкинки, компьютерларни дастурлаш жуда оғир иш. Бу

КИРИШ

ишга киришганлар бошланғич билимларни әгаллаш учун түрт йиллик коллеж таълимини олади, шунга қарамай, энг яхши иш жойлари учун рақобат аёвсиз. Жейсоннинг эса бунга умуман вақти йўқ эди. “Excel” дастурининг имкониятидан хабар топгач, молиявий фирмадаги ишидан бўшаб, кейинги қадамни қўйишга тайёргарлик кўриш учун уйига қайтди. Унинг аниқ режаси борлигидан отонаси мамнун бўлса-да, ўғилларининг уйдаузок ўтириб қолишидан ташвишда эдилар. Шу боис, Бен нима қилиб бўлса ҳам, мураккаб дастурлаш тизимини тез ўзлаштириб олиши зарур эди.

Айнан шу ерда Бен аксар ақлий меҳнат ходимларининг янада юқорилашига тўскинлик киласидан муаммога дуч келди. Компьютерда дастурлаш каби мураккаб малакани әгаллаш, чалғишиларсиз, ишга дикқат билан ақлий ёндашишни талаб киласиди. Дикқатни жамлашга бўлган ўша эҳтиёж Карл Юнгни Цюрих кўли бўйидаги ўрмонларга етаклаган эди. Бу вазифа, бошқача айтганда, теран ишдир. Кўплаб ақлий меҳнат ходимлари теран ишлашга бўлган қобилиятини йўқотган ва Бен ҳам дастлаб бундан мустасно эмасди.

“Интернетга тез-тез кириб, электрон почтамни текширас эдим, бундан ўзимни тия олмасдим, у мен учун худди бир мажбуриятдек бўлиб колганди”, дейди Бен ўзининг молиявий ишидан кеттунгача бўлган ҳаётини тасвирлаб. Ўз мушкулотини янада чукурроқ тасвирлаш учун Бен молия фирмаси нозири унга берган лойиҳа ҳакида менга гапириб берди. “Улар мендан бизнес режа тузишимни талаб қилишди”, дей тушунтириди у. Бен бизнес режани қандай ёзишни билмасди, шунинг учун беш хил мавжуд намунавий режаларни топиб ўқишига қарор килди, яъни бошлиқларга нима кераклигини тушуниш мақсадида уларни таққослаб, солишишириб кўрди. Бу жуда яхши фикр эди, лекин у анча қийналди: “Дикқатимни умуман жамлай олмасдим. Шундай кунлар бўлдики, деярли ҳар

бир дақиқани аникроғи 98 фоиз вактимни интернетда маълумот излаб ўтказардим”, давом этди Бен. Афсуски, бизнес режа лойиҳаси – карьерасининг бошида ўзини кўрсатиш имконияти – бир четта чикиб қолди.

Ишидан бўшагунига қадар ҳам Бен дикқат жамлаб ишлай олмаслигини яхши билар эди. У дастурлашни ўрганишга киришганида теран ишлашни ҳам ўрганиши кераклигини тушунарди. У қўллаган усул кескин, аммо самарали эди. “Мен компьютерсиз, фақат дарслеклар, ёзув қайдномалари ва рангли қалам бўлган хонага кириб ичкаридан кулфлаб олдим.” У компьютер дастурлаш ҳақидаги дарслекларни мутолаа қилиб, керакли жойларини остига чизиб, фикрларини карточкаларга ёзар, кейин уларни баланд овозда кайтарарди. Дастлаб электрон воситалардан айри яшаш жуда кийин кечди, лекин ўзига бўлак йўл қолдирмади, кўзлагани материалини ўрганишга мажбур эди ва хонасида уни чалғитадиган нарса йўклиги айни муддао бўлди. Вакт ўтиши билан у фикру эътиборини бир жойга жамлай бошлади ва борабора ташқи халақитларсиз кунига 5-6 соат вақтини хонада ўтириб, янги маҳоратни такомиллаштиришга мунтазам сарфлайдиган бўлди. “Тўлиқ ўргангунимча шу мавзу бўйича тахминан 18 та китобни ўқиб тутатдим” эслайди дастурчининг ўзи. Шу алфозда ўтган икки ой мобайнидаги ўқиб-ўрганишлардан сўнг, Бен анча мураккаб “Dev Bootcamp”га, яъни ҳафтасига юз соатлик веб-иловаларни дастурлаш курсига қатнай бошлади. (Дастур бўйича изланаётганда у “Дев” дастурини ҳаётидаги энг оғир иш дея баҳолаган Принстон докторантини учратади.) Ишга бутун тайёргарлиги ва янги эгаллаган теран ишлаш маҳоратини бағишилаган Бен дастурни аъло даражада ўзлаштириди: “Баъзилар мутлақо тайёргарликсиз келарди. Дикқатларини жамлай олмай, ўз вақтида бирор тайинли нарса ўргана олмасди.” У билан дастурда ўқишини бирга бошлаган талабаларнинг ярмигина курсни вақтида тамомлади. Ва

КИРИШ

ниҳоят, теран меҳнат ўз самарасини бериб, Бен нафақат курсни муваффақиятли битирди, балки ўз гуруҳида энг етакчи талаба бўла олди ва Сан-Францискодаги 25 миллион долларлик бошланғич сармояга эга технологик стартапга дастурчи бўлиб ишга жойлашди. У молиявий маслаҳатчи сифатида ишини топширган вактда – бундан атиги ярим йил аввал йилига 40 минг доллар топарди. Компьютер дастурчиси сифатидаги янги иши эса унга 100 минг АҚШ доллари олиб келар, бу маблағ унинг маҳорат даражасига қараб “Кремний водийси” бозори билангина чекланиб қолмай узлуксиз ўсиши аниқ эди.

Бен билан охирги марта гаплашганимда, у янги лавозимида муваффақиятли ишлаётган эди. Теран ишлашнинг янги фидойиси оғиси қаршисидан уй ижарага олди, бу эса унга эртароқ – ҳеч ким келмасдан аввал ва чалғимасдан ишлаб олишга имкон яратди. “Баъзи кунлари дастлабки учрашув олдидан тўрт соат мобайнида диққатимни жамлаб оламан, – дейди Бен, – кейин тушдан сўнг яна 3-4 соат. Мен бу ерда “диққат”ни назарда тутяпман: на электрон почта, на “Hacker News” (технология мухлислари орасида оммабоп веб-сайт), факат дастурлаш.” Эски ишида кун давомида вактининг баъзида 98 фоизини интернетда “дайдиб” ўtkазган Жейсоннинг бундай ўзгариши ҳайратланарли туюлади кишига.

Жейсон Беннинг ҳикоясида муҳим бир ибрат бор: теран ишлаш шунчаки ёзувчилар ва 20-аср бошларида яшаган баъзи файласуфларнинг носталгик майллари эмас, балки бугунги кунда жуда катта қийматга эга маҳоратdir.

Бунингиккисабабибор. **Биринчи сабаб** ўрганиш билан боғлиқ. Ахборот иқтисодимиз тез ўзгарувчан мураккаб тизимларга боғлиқ. Бен ўрганган компьютер дастурлаш тиллари ўн йиллар олдин йўқ эди ва эҳтимол ўн йилдан кейин эскирар. Шу каби, 90-йилларда маркетинг соҳасига келган кадр бугун рақамли аналитикани ўзлаштириши

заруратини билмаслиги мүмкін. **Иқтисодимизда керак-ли кадр бўлиб қолиш учун мураккаб нарсаларни тезда ўрганиш маҳоратига эга бўлишингиз керак.** Бу вазифа эса теран ва астойдил меҳнат талаб қиласди. Агар бу қобилиятни парваришламасангиз, технология ривожланиши билан ортда қолиб кетишингиз хеч гап эмас.

Теран ишнинг аҳамияти борасидаги **иккинчи сабаб** шуки, ракамли тармоқ инқилобининг таъсири икки тифлидир. Агар сиз бирор фойдали нарса яратса олсангиз, маҳсулотга талабгорнинг (масалан, иш берувчилар ёки мижозлар) чеки бўлмайди ва бу ютуфингиз салмоғини оширади. Бошқа томондан, агар ишлаб чиқараётган нарсангиз сифатсиз бўлса, унда муаммога дуч келасиз, чунки мижозларингиз интернетда яхшироқ муқобилини осонгина топиб олади. Компьютер дастурчиси, ёзувчи, маркетолог, маслаҳатчи ёки тадбиркор бўласизми, сизнинг ҳолатингиз Фрейддан ўзмоқчи бўлган Юнгниги ёки стартапда муваффақиятга эришиш учун қизғин ишлаётган Жейсон Бениниги ўхшаб қолади: муваффақиятли бўлиш учун қўлингиздан келган мутлақо аъло нарсани яратишингиз керак, бу эса астойдил ишлашни талаб қиласди, албатта.

Теран меҳнатта бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормокда. **Саноат иқтисодиётида** теран иш жуда муҳим бўлган кам сонли малакали ишчи ва профессионал катлам мавжуд эди, бошқа аксарият ишчилар эса чалғимай, дикқатни жамлаш қобилиятини ривожлантирумасдан ҳам самарали ишлай оларди. Уларга сифати паст маҳсулот учун ҳақ тўлаб келинди ва ўн йиллар давомида бу ҳолат ўзгармай қолди. Лекин **ахборот иқтисодиётига** ўтишимиз билан аҳолининг катта кисми борган сари ақлий меҳнат кишиларига айланиб бормокда. Теран иш, гарчи кўпчилик бу ҳакиқатни англаб етмаган бўлса-да, асосий омил сифатида танилди.

Теран ишлай олиш эскирган, бугунги кунда аҳа-

КИРИШ

миятини йўқотган маҳорат эмас. Аксинча, у суръатни маромида сақлай олмайдиганларни тупуриб ташлайдиган глобал рақобатли ахборот иқтисодиёти мухитида олдинга интиладиган ҳар бир киши учун энг зарур малакадир. Ҳақиқий мукофот “Facebook”дан маҳорат билан фойдалана оладиганлар учун (бу саёз иш, исталган одам эплаши мумкин) эмас, балки хизматни инновацион тақсимлайдиган тизимларни ишлаб чиқа оладиганлар учундир (бу эса теран ўйланадиган вазифа, ҳамма ҳам эпламайди). Теран меҳнат шу қадар мухимки, биз уни Эрик Баркернинг сўзлари билан “21-аср гегемони” деб аташимиз мумкин.

Ҳозиргача икки жараён ҳақида гапирдик: бири теран ишнинг камайиб кетаётгани ва иккинчиси унинг қиймати тобора ўсиб бораётгани:

Теран иши гипотезаси: теран меҳнат қилиши қобилияти тобора ноёблашаётгани билан бир вақтда иқтисодиётда ўта қийматли бўлиб бормоқда. Охироқибат бу маҳоратни шакллантириб иши тарзининг мазмунига айлантирган оз сонли кишилар мувваффақият қозонади.

Мазкур китобни ёзишимдан икки мақсад кўзланган, яъни теран иши гипотезаси чинакам ҳақиқат эканлигига сизни ишонтириш ва касбий ҳаётингиз асосига теран ишни кўйган ҳолда миянгизни чархлаш ва ишлаш тарзингизни ўзгартириш орқали теранликдан фойдаланиш борасида амалий кўрсатмалар бериш.

Охирги ўн йилликни қийин вазифалар устида дикқатни жамлаш қобилиятимни такомиллаштиришга сарф қилдим. Бу қизиқишимнинг манбасига келсак, мен дикқатни жамлай олиш энг зарур касбий маҳорат хисобланувчи Массачусетс Технологиялар институтини (MIT) хид

соблаш назарияси гурухида докторлик курсларида ўқиган назарий компьютер фанлари мутахассисиман.

Шу йиллар мобайнида Макартурнинг “даҳолар стипендияси” совриндори – МТИга ёш вақтида профессор сифатида жалб қилинган киши билан бир жойда яшадим. Бу назарийтчи мутахассиснинг меҳмонхонада атрофига бир гурух олимларни тўплаганча электрон доскага узоқ тикилиб ўтирганига гувоҳ бўлардим. Бу соатларча давом этар, тушлик килишга чиқиб қайтиб келсам, ҳамон тикилаётган бўларди. Бу ғалати профессор билан мулоқот қилиш жуда мушкул эди, чунки у “Twitter”дан фойдаланмас, агар сизни танимаса, хабар жўнатишингиздан наф йўқ эди. Ўтган йили бир йил ичидан нақ 16 та мақоласини нашр килдирди.

Дикқатни жамлашга бу қадар муккамдан кетиш талабалик йилларимда одатий ҳол эди. Шунинг учун, теранликка жиддий қарашимнинг ҳеч ажабланарли ери йўқ. Блогимдан бошқа “Facebook” ва “Twitter” каби ижтимоий тармоқларда ҳисобим йўқлиги дўстларим ва китобларим устида бирга ишлаган баъзи ноширларнинг ҳафсаласини пир қиласарди. Интернетдан ҳам маълумот изламайман, янгиликлардан уйимга элтиб бериладиган “Washington Post” газетаси ва Миллий жамоат радиоси орқали хабардор бўламан. Умуман айтганда, мен билан ҳам боғланиш қийин: шахсий веб-сайтимда электрон почта манзилим кўрсатилмаган ва ҳатто 2012 йилгача мобил телефоним ҳам йўқ эди (ўшандаям ҳомиладор рафиқам ўғлимиз туғилмасидан олдин телефон оласиз, деб туриб олгач, мажбурликдан сотиб олгандим).

Алалоқибат, теранликка иштиёқим ўз мевасини берди. Коллежни тутатганимдан кейинги ўн йил ичидан тўртта китоб нашр эттирдим, фалсафа доктори илмий даражасига эга бўлдим, юқори баҳолангандар илмий мақолалар ёздим ва Жоржтаун университетида профессор сифатида доимий ишга қабул қилиндим. Бу катта ишни бутун иш ҳафтаси

КИРИШ

мобайнида деярли ҳар доим соат беш, узоги олтигача давом эттирардим.

Шундай тифиз вактда ҳам ишлашнинг имкони бор, чунки бўш вақтдан самарали фойдаланишга ишонганим учун саёз ишларни камайтиришга астайдил интилдим. Кунимни синчковлик билан танланган теран иш доирасида режалайман, бунда саёз машғулотлар иш жадвалимнинг энг аҳамиятсиз кичик қисмидан жой олади. Кунига тўрт ёки беш соат, ҳафтасига беш кунлик чалғишиларсиз тўғри йўналтирилган дикқат кўп фойда келтириши мумкин.


Теранликка бўлган иштиёқим касбимга тааллуқли бўлмаган масалаларда ҳам қўл келди. Кўпинча ишдан уйга қайтган пайтимдан тонгтacha, яъни янги иш куним бошлангунгача, компютерга яқинлашмайман (истисно сифатида болалар ухлагач, юритадиган блогимни айтишим жоиз). Электрон почтага бирровга кириб чикиш ёки ижтимоий тармоқларда тез-тез сайр қилишдан ти-йилиб, улардан тамоман алоқани узишим кечқурун рафиқам ва икки ўғлим билан вақт ўтказишмга ва уларга китоблар ўқиб беришимга имкон яратди. Мухтасар қилиб айтганда, хаётимда чалғишилар камлиги инсонлар умрини тобора емириб бораётган асабий ақлий энергия тубидаги “шовқин”дан халос этади. Зерикиб қолишдан ҳеч ҳам ташвишланмайман, бу ҳам ажойиб кўникма бўлиши мумкин, айниқса, эринчоқ ёз тунларида радиода узатилаётган Миллий жамоа ўйинини тинглаб ўтириш.

Ушбу китобни менинг теранликка нисбатан иштиёқим ва бу йўлда бирор иш қилишимга ёрдам берган стратегияларни ёритиш ва тушунтириб беришга уриниш деб аташ мумкин. Ўйларимни сўзга кўчирдим, токи ҳаётингизни теран иш доирасида қайта қуришингизда мен кўрсатган йўл-йўриқларим ёрдам берсин, лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Фикрларимни қоғозга тушириш ва тиниклаштиришдан тағин бир мақсадим – ўз шахсий

тажрибамни янада мукаммаллаштиришdir. Теран иш гипотезасини англашим муваффакиятта эришишимга ёрдам берди, бирок ўзимнинг яширин имкониятларимни тўлиқ юзага чиқардим, деб ўйламайман. Кейинги боблардаги ғоя ва қоидалар билан ошно бўлиб, охирокибат ғалаба қозонаётган пайтингиз, ишонч билан айта оламанки, мен ҳам ишлаётган бўламан – юзакиликларга барҳам бераётган ва бор қучимни теранроқ ишлашга каратаётган бўламан. (Ушбу китобнинг якунида қандай килиб илдамлаётганимни билиб оласиз.)

Карл Юнг психиатрия соҳасида инқилоб килмоқчи бўлиб, ўрмонда бошпана қурди. Унинг Боллинген минораси пухта мулоҳаза килишни ривожлантириш, унинг ёрдамида дунёни ўзгартирган ажойиб ижод маҳсули яратилган масканга айланди. Кейинги саҳифаларда сизни ўз шахсий Боллинген минораларимизни куришга, чалғитувчи дунёда чин киймат яратиш маҳоратига ишлов беришга, ўтган даврдаги энг самарали ва аҳамиятли шахсларнинг “Теран ҳаёт – яхши ҳаёт” деган ҳақиқатини англашга чорлайман.

ФОЯ



Биринчи боб

ТЕРАН МЕҲНАТ ҚАДРЛИ

2012 йилги сайлов яқинлашаётганди. Миллат тақдири учун муҳим бир паллада кузатиладиган одатий ҳолат сифатида “New York Times” веб-сайтига кирувчилар сони ортди. Аммо бу сафар нимадир бошқача эди. Кирувчиларнинг номутаносиб даражада катта қисми, баъзи қайдларда 70 фоизи, ундаги ягона манзилга кираётганди. Бу на бош саҳифадаги долзарб янгилик, на Пулицер мукофотини ютган колумнистлар мақоласи сабабли эди, аксинча, бу бейсбол статистикаридан зерикиб, сайлов натижасини башорат қилувчи шахсга айланган Нейт Силвер юритадиган блог эди. Бир йилга етмай, Кўнгилочар ва спорт дастурлари тармоғи (ESPN) ҳамда Америка телерадиоэшиттиришлар компанияси (ABC News) кўл остида ўн икки ходим ишлашини, спортдан тортиб обхавогача бўлган янгиликлар сегментини юритишини ва, эҳтимолдан анча узоқ бўлса ҳам, “Академия мукофоти”дан кўрсатув тайёрлаш имкони берилишини ваъда қилиб, Силверни “Times”дан тортиб олди. Унинг кўлбола башорат қилиш моделларининг методологик пухталиги бўйича муҳокамалар давом этаётган бўлса-да, 2012 йилда бу 35 ёшли маълумотлар устасининг иқтисодиётда ғолиб чиққанини тан олмаганлар бармоқ билан санарли эди.

Яна бир ғолиб ҳозирда интернетдаги бир нечта энг машхур манзиллар, хусусан, “Twitter” ва “Hulu”нинг таъминотчиси, веб-сайтлар яратиш тармоғи “Ruby on

Rails" асосчиси ва компьютер дастурлаш юлдузи Дэвид Хейнемайер Ханссондир. У "Basecamp" (2014 йилгача "37 сигнал") деб номланувчи нуфузли фирманинг раҳбарларидан бири. Ҳанссон "Basecamp" ёки ўзининг бошка даромад манбаларидан келадиган фойда микдори ҳакида очик гапирмайди, лекин унинг Малибу (Чикаго) ва Марбеллада (Испания) ўтказиладиган автопойгаларда қатнашиб туришидан бу микдор анча катталигини тахмин қилиш мумкин.

Иқтисодиётимиздаги учинчи ва охирги ғолибимиз Жон Дуэр – "Кремний водийси"даги таниқли "Kleiner Perkins Caufield & Byers" капитал фондининг бош директори. Дуэр "Twitter", "Google", "Amazon", "Netscape" ва "Sun Microsystems" сингари технологик инқилобни авж олдираётган ҳозирги кўплаб компанияларни молиялашга кўмаклашади. Ушбу сармоялар келтирган даромад эса жуда катта бўлди: Дуэрнинг соф бойлиги айни чоғда уч миллиард доллардан ошган.

Нима учун Сильвер, Ҳанссон ва Дуэр бунчалар муваффақият қозонди? Бу саволга икки хил жавоб бериш мумкин. Биринчisi "микро" жавоблар бўлиб, ушбу учликнинг муваффақиятига ёрдам берган уларнинг шахсий феъл-атвори ва тактикаларига урғу беради. Иккинчи хилдаги жавоблар, аксинча, "макро" бўлиб, уларнинг индивидуал характеристига эмас, балки улар шуғулланаётган ишнинг хусусиятига диққат қаратилади. Ҳар иккала ёндашув ҳам муҳим бўлса-да, ҳозирги иқтисодиётимиз айнан нимани тақдирлашини яхшироқ ёритгани учун "макро" жавобларни кўпроқ муҳокама қиласиз.

Ушбу фикрни янада кенгроқ тушуниш учун МТИ иқтисодчилари Эрик Брайнийолфсон ва Эндрю Макафига мурожаат қиласиз. Улар ўзининг 2011 йилги "Машина билан пойга" деб номланган анча таъсирли бўлган китобида меҳнат бозоримизни кутилмаган тарзда ўзгартираёт-

ТЕРАН МЕХНАТ КАДРЛИ

ган кучларнинг аёвсиз ўйинида рақамли технологиялар ривожи муҳим роль ўйнашини асослашга муваффақ бўлган. Муаллифлар китоб бошида “Буюк ўзгаришларни бошдан кечирмоқдамиз. Технология кундан-кунга шитоб илгариламоқда, лекин бизнинг маҳорат ва ташкилий саъӣ-ҳаракатларимиз унга етолмай ортда қолмоқда”, деб таъкидлайди. Кўплаб ишчилар учун бу ҳолат нохушликдан дарак беради. Ақлли машиналар ривожлангани сари инсон ва машина қобилиятлари орасидаги тафовут камайиб борар экан, эндиликда иш берувчилар “янги ходимлар” ўрнига “янги машиналар”ни ёллашни афзал кўрмоқда. Коммуникация ва ҳамкорлик технологиялари тараққиёти масофадан ишлашни енгиллаштирмоқда, оқибатда компаниялар маҳаллий иқтидор эгаларини ишсиз қолдириб, узокдаги “юлдуз”ларни ёлламоқда.

Бу ҳақиқатдан тамомила умидсизликка тушмаслик керак. Брайнийолфсон ва Макафи таъкидлаганидек, бу буюк ўзгаришлар ҳамма касбларни жар ёқасига олиб келгани йўқ, аксинча, тақсимлайти. Гарчи қиласиган ишлари автоматлаштирилиши ёки осонгина аутсорсинг қилиниши мумкин бўлган қанчадан-қанча одамлар ишларини йўқотсалар-да, бу тўлқинда нафақат тирик қолган, балки қадри янада ортиб, муваффақият қозонаётганлар ҳам бор. Брайнийолфсон ва Макафи иқтисодиётда икки моделий йўналишни таклиф қилган ягона инсонлар эмасди. 2013 йилда, масалан, Жорж Мейсон иқтисодчиси Тайлор Коуен мазкур рақамли бўлиниш назарияси акс этган “Ўртамиёналий битди” номли китобини нашр қилдирди. Брайнийолфсон ва Макафи қилган таҳлилнинг фойдали жиҳати шундаки, улар бу бўлинишнинг катта фойда келтирувчи томонида турадиган ва ақлли машиналар даврида нисбатан катта фойда кўрувчи учта маҳсус гурухни аниқлади. Мазкур гурухларга Силвер, Ҳанссон ва Дуэрлар мансуб бўлиши ҳеч ажабланарли эмас. Келинг, бу гурухлар нега тўсатдан бунчалар қадрли бўлиб қолганини

тушуниш учун улар билан навбатма-навбат танишиб чиқамиз.

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР

Нейт Силвер мансуб бўлган бу гурӯхни Брайнийолфсон ва Макафи “юқори малакали ишчилар” деб атайди. Робототехника ва овозни аниқлаш соҳасидаги ютуқлар кўплаб паст малака талаб қилувчи ишларни автоматлаштирум оқда. Аммо, ана шу иқтисодчилар таъкидлаганидек, маълумотларни визуализация қилиш, аналитика, юқори тезликдаги алоқа ва тезкор прототиплаш каби технологиялар абстракт ва маълумотларга таянган тафаккурнинг маҳсулдорлигини оширди. Бошқача айтганда, тобора мураккаблашиб бораётган машиналар билан ишлаб, самарали натижаларга эришишга қобил искеъдодлар муваффакият козонаверади. Тайлор Коуен бу воқеликни бир жумла билан ифодалайди: “Асосий савол шу: сиз ақлли машиналар билан ишлай оласизми ёки йўқ?”

Албатта, Нейт Силвернинг катта маълумот базаларини маълумот билан осон бойитиши, кейин уларни ўзининг сирли Монте Карло симуляцияларига кўчириши – юқори малакали ишчининг белгиси. Ақлли машиналар Силвернинг муваффакиятига хеч ҳам тўсқинлик қилмайди, аксинча унга шароит яратади.

СУПЕР ЮЛДУЗЛАР

Ажойиб дастурчи Дэвид Ҳайнмайр Ҳанссон ҳам янги иқтисодиётимизда яхши ўсуви, Брайнийолфсон ва Макафи башорат қилган иккинчи гурӯх – “супер юлдузлар”дан бири. Юқори тезликда ишловчи маълумот тармоқлари, электрон почта ва виртуал учрашув дастурлари каби мулокот воситалари кўплаб ақлий меҳнат соҳаларида минтақавийликни йўқ қилди. Масалан, дастурчини тўлиқ ишга ёллаб, офис очиб бериш, маош тўлашдан наф йўқ. Бунинг ўрнига Ҳанссон каби лойиҳани бир зумда туталлайдиган кучли дастурчига мурожаат қилиб, ҳақини

ТЕРАН МЕХНАТ ҚАДРЛИ

тұлласанғыз бас. Бу тарзда әхтимол оз харажат әвазига салмоқли натижага ериша оларсиз, Ҳанссон эса йилига сон-саноқсиз миқозларға хизмат күрсатиб бойиб кетиши муқаррар.

Офисингиз Айованинг Де Муанесида бўлгани ҳолда Ҳанссон учун Испаниянинг Марбелласидан туриб сизга масофадан хизмат күрсатиши компаниянгизга умуман муаммо эмас, зеро ҳозирги алоқа технологиялари жараённи узлуксиз маромида кетишини таъминлай олади. Аммо бу ҳолат Де Муанеда яшаётган ва барқарор маошга әхтиёжманд малакаси озроқ дастурчиларга ёқмаслиги табиий. Худди шу ҳолат технология ёрдамида масофавий бажарса бўладиган кўплаб ишлар – маслаҳат бериш, маркетинг, ёзиш, дизайн ва ҳоказоларни ҳам қамраб олмоқда. Интеллект бозори ҳамма учун очиб қўйилса, бозор бошидагилар муваффақият қозониб, қолганлар азият чекади.

1981 йилги мухим бир мақоласида иқтисодчи Шервин Розен “ғолиб ҳаммасини қўлга киритадиган” бозорлар математикасини ишлаб чиқди. Унинг асосий мулоҳазалари мазмуни шундай: “Ўртача куйлайдиган хонандалар хонишини эшлиши битта ҳақиқий ажойиб куй тинглаганга етмайди, барибир.” Буни у куйидагича тушунтиради: истеъодод кўп микдорда сотиб олиб ва ҳаммасини кўшиб, салмоғини оширса бўладиган нарса эмас: энг яхши мутахассисларга мукофот бор. Шунинг учун, агар бозорда харидор барча таклифлардан истаганини танлаш имконига эга бўлса ва барчанинг истеъодод даражаси аниқ бўлса, у ҳеч иккиланмай энг яхшисини танлайди. Энг яхши мутахассисларнинг истеъодод даражаси маҳорат нарвонида ўзидан кейингиникидан катта фарқ қилмаса ҳам, “супер юлдузлар” барибир бозорнинг катта қисмини эгаллади.

80-йилларда Розен бу эффектни тадқик қилганида уни кино юлдузлари ва мусиқачилар мисолида ўрганиб чиқди,

чунки шу соҳада аниқ бозорлар мавжуд эди, масалан, мусиқа дўконлари ва кинотеатрларда томошабин турли санъаткорларнинг истеъоди ва чикишларини бемалол баҳолай оларди. Алоқа ва ҳамкорлик технологияларининг жадал ўсиши кўплаб маҳаллий бозорларни худди шундай универсал бозорларга айлантириди. Чекка шаҳарчада мусиқа дўконининг пайдо бўлиши мусиқа ихлосмандига маҳаллий мусиқачиларни четлаб ўтиб, дунёning энг сара хонандалари альбомини сотиб олишига имкон яратгани каби компьютер дастурчиси ёки жамоатчилик билан алоқалар бўйича маслаҳатчини излаётган кичик компания эндиликда ҳалқаро миқёсдаги истеъод бозорига кира олади. “Супер юлдуз” эфекти бугунги кунга келиб Розен ўттиз йил аввал башорат қилганидан кўра кўпроқ сезилмоқда. Бугун иқтисодиётимиздаги янада кўпроқ мутахассислар ўз соҳаларининг “рок юлдузлари” билан рақобатлашмоқда.

ХЎЖАЙИНЛАР

Янги иқтисодимизда яхши яшаётган, Жон Дуэр мансуб бўлган гурух, асосан, буюк ўзгаришларни қилаётган янги технологияларга сармоя киритиш учун капиталга эга шахслардан иборат. Маркс давридан буён яхши маълумки, капиталга эгалик катта устунлик беради. Аммо айрим даврлар бошқаларига қараганда кўпроқ устунликлар бериши ҳам ҳақиқат. Брайнийолфсон ва Макафининг таъкидлашича, урушдан кейинги Европа худди уюм-уюм нақд пул устида ўтириб қолган қитъадек эди, чунки кескин инфляция ва аёвсиз соликлар биргаликда олдинги бойликларни кўз очиб юмгунча супуриб ташлади (бу воқеани “Даунтон аббатлиги эфекти” деб атасимиз мумкин).

Буюк ўзгаришлар даври, урушдан кейинги даврдан фарқли ўлароқ, капиталга эгалик қилиш учун қулай фурсатдир. Бунинг сабабини тушуниш учун, аввало, стандарт иқтисодий тафаккурининг муҳим таркибий қисми бўлмиш

ТЕРАН МЕҲНАТ ҚАДРЛИ

савдолашиш назариясини эслаш жоиз. Унга биноан, капитал ва меҳнат орқали пул топилса, сарфланган сумма даромадга пропорционал бўлади. Рақамли технологиялар кўплаб соҳаларда ишчи кучига эҳтиёжни камайтирад экан, ақлли машиналар эгаларининг даромади ортиб бораверади. Бугунги капиталист ўн уч кишини ишлатган ҳолда, охир-окибат бир миллиард долларга сотилган “Instagram” сингари компанияни молиялаши мумкин. Бунчалик оз иш кучи билан катта қиймат яратиш тарихда яна қачон бўлган? Оз ишчи кучининг ҳиссаси билан яратилган ушбу бойликнинг машина эгалари – бу ўринда корхона инвесторларига ўтган қисми мисли кўрилмагандир. Сўнгги китобим учун интервью берган сармоядор бироз ташвиш билан: “Ҳамма менинг ўрнимни хоҳлайди”, дея тан олгани ажабланарли эмас.

Ташланган арқонни тортиб кўрамиз: мен тадқиқ килган ҳозирги иқтисодий тафаккурга кўра, технологиянинг мисли кўрилмаган ўсиши ва таъсири иқтисодиётимизда кенг миқёсда ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Бу янгича иқтисодиётда уч гуруҳнинг қўли баланд: ақлли машиналар ижодкорона, усталик билан ишлай оладиганлар; ўз иши усталари; капитал эгалари.

Янада аникроқ айтсак, Брайнийолфсон, Макафи ва Кауен каби иқтисодчилар аниқлаштирган Буюк ўзгаришлар ҳозирги даврдаги ягона аҳамиятли иқтисодий тенденция эмас ва ўша уч гуруҳ ҳам ягона омади чопган гурухлар эмас, лекин уларни ушбу китобда тилга олишдан муддао шуки, гарчи булар ягона бўлмаса-да, ўта муҳимлариdir ва улар олға кетишида давом этади. Уларнинг бирортасига кўшила олсангиз, сизнинг ҳам ишингиз бароридан келади. Аксинча бўлганда ҳам имконингиз бор, лекин унда иш ўрнингиз хатарда қолиши муқаррар.

Шундай савол туғилиши табий: Бу ғолиблар жамоасига қандай кўшилиш мумкин? Шаштингизни тушир-

моқчи эмасман-у, тан олишим керакки, тезда капитал түплаб, навбатдаги Жон Дуэр бўлиш сирини билмайман. (Билганимда ҳам буни китобда баён қилмасдим.) Бошқа гурухларга ҳам қўшилиш имкони мавжуд, лекин бу ҳақда келаси бўлимда гаплашамиз.

янги иқтисодиётда қандай ғолиб бўлиш мумкин?

Юкорида ўсишга кодир ва бошқалар учун ҳам очиқ икки гурухни айтдим: ақлли машиналар билан ижодий ишлай оладиганлар ва ўз соҳаси юлдузлари. Ўзаро фарқлари каттариб бораётган рақамли секторлардан бирига ўрнашиш сири нимада? Мен қўйида келтирилган икки қобилиятни ғоят муҳим ҳисоблайман.

Янги иқтисодиётда ўсиш учун икки асосий қобилият:

- 1. Мураккаб нарсаларни тез ўзлаштира олиши.*
- 2. Ишни тез ва мукаммал бажарииш.*

Биринчи қобилиятдан бошлайлик. “Twitter” ва “iPhone” каби жозибадор ва ўта кулай истеъмол технологияларига ўрганиб қолдик. Ҳолбуки, булар жиддий ускуна эмас, шунчаки истеъмол маҳсулотлари, холос. Буюк ўзгаришларни қилаётган ақлли машиналарни тушуниш, бошқаришни ўрганиб олиш эса анча мураккабдир.

Аввалроқ эслаганимиз, мураккаб технологиялар билан яхши ишлай билгани туфайли муваффакият қозонган Нейт Сильверни олайлик. Агар унинг иш услубига чуқурроқ назар солсак, аниқ фактларга асосланган сайлов прогнозларини ишлаб чиқиши “Ким кўпроқ овоз олади?” деб, шунчаки браузердан қидиришдай осон эмаслигига амин бўламиз. Бунинг ўрнига у “StataCorp” компанияси ишлаб чиқсан машҳур статистик таҳлил тизими – “Stata”га сўров натижаларини (250 дан ортиқ ижтимоий сўров ташкилотлари томонидан ўтказилган минглаб сўровларни) юклайди. Булар ҳам ўрганиш осон восита эмас. Масалан, мана, Сильвер фойдаланадиган замонавий маълумотлар базаси билан ишлашни тушунишда керак

бўладиган буйруқ турини келтираман:

МАНЗАРА ЯРАТ шаҳарлар ТАНЛАШ шаҳар номи, аҳолиси, пойтактларнинг дengiz сатҳидан баландлиги, ИТТИФОҚ ТАНЛАШ номи, аҳоли сони, пойтакт бўлмаган.

Ушбу турдаги маълумот базалари билан SQL деб номланган тил орқали мулокот қилинади. Сақланган маълумотлар билан ишлаш учун уларга юқорида кўрсатилгандек буйруқ берасиз. Бундай маълумот базаларига ишлов бериш нозик иш. Мисолдаги “Манзара” яратиш буйруғини олайлик. У бир неча мавжуд жадваллардан маълумотларни йиғиб, худди стандарт жадвал каби SQL буйруклари орқали бошқариш мумкин бўлган виртуал маълумотлар базасини яратади. Манзарани қандай яратиш, реал дунё ҳақидаги маълумотлардан натижа чиқаришни ўрганиш осон эмас.

Нейт Силвер фаолияти бўйича давом этиб, у фойдаланадиган бошқа технология – “Stata”ни кўриб чиқамиз. Бу жуда кучли восита – бошланғич билимнинг ўзи етарли эмас. Масалан, куйида ушбу дастурий таъминотнинг энг сўнгги версиясига кўшилган хусусиятларни келтираман: “Stata 13 тузатиш эфектлари, кўп қатламли GLM, қувват ва намуна ҳажми, умумлашган SEM, прогнозлаш, эфект ўлчамлари, лойиҳа менежери, узун кўрсаткичлар каби бошқа кўплаб янги функцияларни ўз ичига олади.” Силвер ушбу мураккаб дастурдан моделларни яратиш учун фойдаланади.

Ушбу тафсилотларни айтишдан мақсад шуки, аклли машиналарни бошқаришни ўрганиб олиш анча мураккаб жараёндир.¹ Ушбу машиналар билан яхши тиллаша ола-

¹ Кагта компаниялар фойдаланадиган технологиялар қанчалар муракаблигини назарда тутсак, содда истеъмол маҳсулотлари – айникиса, мактабларда – юксак технологиялар иқтисодига одамларни тайёрлайди деган ишонч пучлиги аён бўлади. Талабаларга “iPad” бериш ёки “YouTube”га уйга вазифа видеолар юклаш уларни юксак технологияли иқтисодиётга тайёрлайди, дейиш “Hot Wheels” ўйини талабаларни автомеханиклика тайёрлайди дейишидек асоссиздир.

диганлар сафига қўшилиш учун мураккаб нарсаларнинг ишлаш принципини ўзлаштириш қобилиятингизни мұкаммал ривожлантиришингиз шарт. Технологиялар шитоб ўзгариб кетаётгани боис, ўрганиш поён билмайди: буни тез-тез ва қайта-қайта бажаришга қодир бўлишингиз керак.

Мураккаб нарсаларни тезда ўрганиш қобилияти, албатта, ақлли машиналар билан яхши ишлаш учунгина зарур эмас. У деярли ҳар қандай соҳада, ҳаттоқи технологияга алоқаси бўлмаган соҳаларда ҳам “супер юлдуз” бўлишингизда асосий роль ўйнайди. Масалан, дунёга машхур йога мураббийси бўлиш учун анча мураккаб жисмоний маҳоратни эгаллаш керак. Яна бир мисол, тиббиётнинг маълум бир соҳасида муваффақият қозониш учун албатта тегишли жараёнлар бўйича энг сўнгги изланишлардан боҳабар бўлиб, тезда ўрганиб олишингиз лозим. Ушбу мисоллардан хулоса шуки, агар ўргана олмасангиз, ривожлана олмайсиз.

Энди рўйхатдаги иккинчи асосий қобилият, яъни юксак даражада маҳсулот тайёрлашни кўриб чиқамиз. Агар “супер юлдуз” бўлишни истасангиз, тегишли қўнималарни ўзлаштиришингиз керак, аммо бу ҳам етарли эмас. Пинҳон имкониятингизни одамлар қадрлайдиган ёрқин натижаларга айлантиришингиз керак. Масалан, кўплаб дастурчилар компьютерларни яхши дастурлашлари мумкин, аммо Дэвид Ҳанссон – бизнинг мисолимиздаги “юлдуз”имиз ўзига обрў келтирган лойиҳа – “Ruby on Rails”ни яратишда шу қобилиятидан фойдаланган. “Ruby on Rails” Ҳанссондан бор маҳоратини охиригача ишга солиб, мукаммал ва қийматли натижа кўрсатишини талаб қиласарди.

Ишлаб чиқариш қобилияти, шунингдек, ақлли машиналарни ўрганмоқчи бўлганларга ҳам тегишли. Нейт Силвер учун катта маълумотлар тўпламларини бошқаришни ўрганиш ва статистик таҳдилларни амалга

ТЕРАН МЕХНАТ ҚАДРЛИ

ошириш етарли эмас эди; кейинчалик у машиналардан күпчиликни қизиқтирадиган маълумотни ажратиб ола билиши ҳам лозим эди. Силвер “Baseball Prospectus”да кўплаб статистика мутахассислари билан ишлаган, аммо фақат у янги соҳа – сайловлар прогнозига бу маҳоратни татбиқ қила олди. Бу мисол иқтисодиётимиз ғолиблари сафига қўшилиш учун яна бир йўлни кўрсатади: агар сиз янги маҳсулот ишлаб чиқармасангиз, қанчалик қобилиятили ва иқтидорли бўлманг, ривожлана олмайсиз.

Технология остин-устун қилиб юборган янги дунёда олға силжиш учун зарур икки маҳоратни аниқлаб ҳам олдик, энди эса кейинги савол: Қандай қилиб бу маҳоратларни ривожлантириш мумкин? Мана шу ерда ушбу китобнинг асосий ғоясига етиб келдик: *Юқорида тавсифланган икки асосий маҳорат нечоғли теран ишлишингизга боғлиқ.* Агар ушбу асосий малакани ўзлаштиргмаган бўлсангиз, мураккаб вазифаларни ўрганиш ёки мукаммал натижага эришиш учун кўпроқ қийналишингизга тўғри келади.

Ушбу маҳоратларнинг теран меҳнатга боғликлиги бир қарашда кўзга ташланмайди: у кунт билан ўрганиш, дикқатни жамлаш ва унумдорликни тақозо этади. Кейинги бўйлимларда буларга чуқурроқ ёндашилади ва теран иш билан иқтисодий муваффақият уйғунлиги кутилмаган ўзгаришларга қандай олиб келиши очиб берилади.

ТЕРАН ИШ МУРАККАБ НАРСАЛАРНИ ТЕЗ ЎРГАНИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ “Онгингиз дикқат “нурлари”ни жамловчи объективга айлансин; онгингизда ҳукмрон ва қизиқарли ғоя бўлиб ўрнашган ҳар қандай нарсага интилинг.”

Ушбу насиҳат 20-асрнинг бошларида “Интеллектуал ҳаёт” номли мўъжаз, аммо таъсирли китобни ёзиб колдирган доминикан роҳиби ва ахлоқ фалсафаси профессори Антонен Сертильянжга тегишили. Сертильянж китобни ғоялар дунёсида тириқчилик қилаётганларга “онгни ривожлантириш ва теранлаштириш” учун қўлланма сифатида ёзган. “Интеллектуал ҳаёт”да Сертильянж

мураккаб материални ўзлаштириш зарурлигини таъкидлайди ва китобхоннинг ушбу вазифага тайёрланишига ёрдам беради. Шунинг учун унинг китоби одамлар мураккаб аклий кўникмаларни қандай тез ўзлаштиришини яхшиrok тушунишда асқатади.

Сертильянжнинг юкоридаги насиҳати мағзини чакиш учун аввалрок келтирилган иқтибосга қайтиш жоиз. У “Интеллектуал ҳаёт” китобида қайта-қайта такрорлайди: ўз соҳангизда илгариламоқчи бўлсангиз, тизимли равишда соҳангизга мувофик мавзуларни дикқат нурларини жамлаган ҳолда тадқиқ этиб, улардаги яширин ҳақиқатни ёруғликка олиб чиқишингиз керак. У яна уқтирадики, *ўрганиши дикқатни кучли жамлашни талаб этади*. Бу ғоя ўз давридан анча илгарилаб кетганди. 1920-йиллардаги мафкуравий ҳолатни кузатган Сертильянж ўзлаштирилиши қийин ишларни қандай уddaлаш сирини очиб берган эдикӣ, буни англаш учун академияга етмиш йил керак бўлди.

1970-йилларда психологиянинг бир тармоғи, яъни амалий психология турли соҳалардаги эксперталар бошқалардан нимаси билан ажралиб туришини тизимли тадқиқ қилишни бошлади. 1990-йиллар бошида Флорида Штат университети профессори К. Андерс Эриксон бу ғоянинг ҳамма тарқоқ қисмларини илмий адабиётларга мос келувчи битта ном остида бирлаштира олди: *мақсадли машқ қилиши*.

Эриксон мавзуга доир асосий асарини куйидаги катта даъво билан бошлайди: “Биз [тажрибали эксперт ходимлар ва ўртамиёна ходимлар орасидаги] бу фарқлар ўзгармас эканлигини инкор этамиз. Аксинча, тажрибали ва тажрибасиз ходим ўргасидаги фарқ маълум бир соҳада ўз касбий салоҳиятини ошириш мақсадида мунтазам равища ўз устида ишлашдадир.”

Хусусан, Америка маданиятининг фавқулодда истельдод эгаларига меҳри анча баланд. (“Бу мен учун

қанчалик осонлигини биласизми?” дея ҳайқиради “Доно Уилл Ҳантинг” фильмиде Мэтт Дэмон дунёнинг олд математикларини йўлда қолдирган исботларни топган пайти.) Эриксон илгари сурган ва кенг қабул қилинган (истиснолар ҳам бор²) изланишлар хуносалари ушбу мифларнинг мисини чиқармоқда. Ақлий зўриқиши талаб килувчи вазифани уddaлаш учун машқ талаб этилади – жуда оз истисноли ҳолларда туғма истеъодод етарли бўлади. Шу жойда Сертильянж ўз вактидан анча илгарила б кетганга ўхшайди. “Интеллектуал ҳаёт”да айтганидек: “Даҳоларнинг буюклиги уларнинг бор кучини муайян ишга – тўлиқ иқтидорини намойиш килган ҳолда йўналтира олишидадир.” Эриксон бундан яхшироқ изоҳ бериши мумкин эмас эди.

Шу ўринда, мақсадли машқ қилиш биздан нимани талаб қилиши ҳақида савол туғилади. Одатда, унинг асосий таркибий қисмлари қуйидагича кўрсатилади: (1) Бутун эътиборингизни ўзлаштирумокчи бўлган маҳоратингиз ёки пухта ўрганишга интилаётган ғоянгизга қаратинг; (2) дикқатни тўғри йўналтираётганингизни текшириш мақсадида бошқаларнинг фикр-мулоҳазаларини олиб туринг. Муҳокамамиз учун алоҳида аҳамиятга эга биринчи таркибий қисмда ургу берилганидек, мақсадли машқ қилиш чалғишилар билан бир вактда бўла олмайди,

2 Малколм Гладузлл ўзининг 2008 йилдаги бестселлери “Зукколар ва ландовурлар” китобида мақсадли машқ ғоясини оммалаштиргач, у айниқса психологлар доираларида (Гладузллга оид барча нарсадан шубҳаланувчи гурӯҳ) машҳур бўлиб кетди. Лекин тадқиқотлар мақсадли машқини инкор этмади, балки аъло даражада фаолият юритишининг бошқа усусларини ҳам топишга ҳаракат қилди. Эриксон ўзининг 2013 йилда ёзиг, 2014 йилда “Intelligence” журналининг 45-сони 81-103 саҳифаларда босилиб чиқкан “Нима учун аъло даражада фаолият юритиш алоҳида аҳамиятга эга ва уни оддий одамларни ўрганиб тушуниб бўлмайди: Танқидларга жавоб” мақоласида кўплаб шундай тадқиқотларни инкор қилди. Мазкур мақолада Эриксон ушбу танқидий мақолаларда баён қилинган тажрибаларнинг ўтказилиш усули хатолиги, ўртacha, эксперт бўлмаган одамлар хулкларини ўрганиб, натижани умумлаштириб юборилиши нотуғрилигини таъкидлайди.

аксинча, бўлинишларсиз дикқатни талаб этади. Эриксон таъкидлаганидек: “Тарқок дикқат мақсадли машқнинг асоси ҳисобланувчи жамланган диққатнинг айни аксиdir” (таъкид меники).

Психолог сифатида Эриксон ва бошқа тадқиқотчилар нима учун мақсадли машқ муайян натижа беришига кизиқмайди; улар буни шунчаки самарали хатти-харакат эканлитигини аниклаш билан чекланади. Эриксоннинг ушбу мавзуга бағишлиган илк йирик маколалари чиккандан сўнг ўтган ўн йилликларда нейрологлар шахснинг мураккаб вазифаларни бажаришини яхшиловчи моддий механизmlарни ўрганмоқдалар. Журналист Дэниел Койл ўзининг 2009 йилги “Истеъдод кодекси” китобида сўз юритганидек, ўша олимлар бунинг жавоби нейронлар атрофини копладиган, ҳужайраларнинг тезроқ ва тозароқ ишлашига имкон берадиган изолятор ёғ қатлами – миелинга бориб тақалишига ишонади. Миелиннинг ижобий ўзгаришлардаги ролини тушуниш учун шуни ёдда тутингки, малакангиз хоҳ интеллектуал, хоҳ жисмоний бўлсин, миянгиздаги нейронлар ишлашига боғлиқ. Ушбу янги фаолият илмига кўра, тегишли нейронлар атрофида кўпроқ миелин бўлиши мия ҳужайраларининг ўзаро ахборот алмашувини тезлаштиради. Бирор ишнинг устаси бўлиш миелинлашиш даражасига боғлиқ.

Буни тушуниш жуда муҳим, чунки у мақсадли машқ нима учун муваффакият келтиришининг неврологик асосини изохлайди. Аниқ бир малакага дикқатни жамлаш орқали ўша малакага дахлдор мия ҳужайраларини қайта ва қайта ишлатасиз. Миянинг тегишли қисми тўхтовсиз ишлаши олигодендроситлар деб аталадиган ҳужайраларни ўша қисмдаги нейронларни миелин қатламлари билан ўрашига туртки беради, бу эса маҳоратингизни янада кучайтиради. Чалғимасдан, бажарилажак ишга эътибор қаратиш зарурлигининг сабаби шундаки, бу миянинг тегишли қисми кўпроқ ишлашига олиб келади ва

ТЕРАН МЕХНАТ ҚАДРЛИ

миелинлашишни тезлаштиради. Бундан фарқли ўларок, агар дикқат суст ҳолатда (дейлик “Facebook”ни очиб қўйиб) янги ва мураккаб маҳоратни (масалан, SQL маълумотлар базасини бошқариш) ўрганмоқчи бўлсангиз, миянгизнинг турли қисмлари бир вактда тартибсиз ишлай бошлайди, кучайтириш лозим бўлган нейронлар гуруҳи зўрикиб ишламайди.

Антонен Сертильянж ақлни дикқат нурини жамловчи объектив сифатида ишлатиш ҳақида илк бора ёзиб колдирганидан буён ўтган бир аср мобайнида ушбу маҷозий ўхшатишдан “олигодендросит хужайралар” деган оддий изоҳга ўтиб қўя қолдик. Аммо тафаккур ҳақидаги бу фикрларнинг холосаси бир: мураккаб нарсаларни тезда ўрганиш учун ҳеч нарсага чалғимасдан дикқатни жамлашингиз шарт. Ўрганиш эса бошқача айтганда, теран ишдир. Агар теранликдан чўчимасангиз, иқтисодиётимизда ўз ўрнингизни топишингиз учун зарур бўлган мураккаб тизимлар ва кўникмаларни ўзлаштириш осон кечади. Аксинча, теранликни хушламайдиган, саёзликка ўрганган кўпчилик инсонлардан бири бўлиб колсангиз, бу тизим ва малакаларга осонликча эга чиқиши хаёл қилманг.

ТЕРАН ИШ САРА НАТИЖАЛАР БЕРАДИ

Адам Грант аъло натижа кўрсатган. 2013 йили Грант билан танишганимда, у Пенндаги Уортон бизнес мактабида ишлаётган энг ёш профессор эди. Бир йил ўтиб, ушбу бобни ёзишни бошлаганимда (ва энди ўзимнинг доимий ишим ҳақида ўйлай бошлаганимда), унинг лавозими янгиланди: у энди Уортондаги энг ёш тўлиқ профессор бўлди.³

Грантнинг ўз соҳасида тез ўсиши сабаби жуда оддий: у натижа кўрсатарди. 2012 йилда Грант барчаси йирик

³ АҚШда профессор ўқитувчиларнинг уч даражаси мавжуд – асистент, кичик ва тўлиқ профессорлар. Дастрраб асистент профессор сифатида ишга қабул қилинасиз ва муддатли ишлашга ўтсангиз, кичик профессор мақоми берилади. Тўлиқ профессорлик даражаси эса кўп йиллик меҳнатдан сўнг насиб этиши мумкин.

журналларда чоп этилган еттита мақола ёзди. Бу унинг соҳаси учун жуда баланд кўрсаткичdir (унинг соҳасида профессорлар якка ёки ҳамкорликда ишлайди, уларда илмий тадқиқотларига кўмак берадиган кўп сонли тала-балари ва докторантлари йўқ). 2013 йили бу рақам бештага тушди. Шундай бўлса ҳам бу кўрсаткич ҳануз катта, аммо аввалгисидан пастрок. Унинг бу пастлашини тушунса бўлади – ўша йили бизнесдаги муносабатларга оид баъзи изланишлари ёритилган “Бер ва ол” номли китоби чоп этилди. Унинг китоби мұваффакиятли бўлди дейишнинг ўзи етарли эмас, чунки у “New York Times Magazine” муковасини безаган йирик бестселлерга айланди. 2014 йилда Грант тўлиқ профессорлик лавозимига лойик кўрилганида, у ўзининг бестселлерига қўшимча равишида олтмишдан ортиқ мақолаларини ҳам ёзиб улгурганди.

Мен Грант билан танишганимдаёқ, ўз илмий фаолиятимни кўзлаб, унга профессионал салоҳияти юзасидан саволлар беришдан ўзимни тия олмадим. Бахтимга у бу борадаги фикрлари билан бўлишишдан мамнун эди. Маълум бўлишича, Грант юксак натижа кўрсатиш йўллари ҳақида кўп ўйларкан. У менга, масалан, ўз соҳасидаги бошқа бир неча профессор иштирок этган маҳорат дарсида фойдаланилган слайдлар тўпламини юборди. Мазкур дарсларда илмий ишни мақбул даражада қандай самарали бажариш тўғрисидаги фактик маълумотларга эътибор қаратилганди. Ушбу слайдларга ҳар мавсумдаги вақт тақсимотининг батафсил жадваллари, ҳаммуалифлар билан муносабатларнинг ривожланиш чизмаси вайигирмадан ортиқ номдаги ўкув адабиётлари рўйхати илова қилинган эди. Бу бизнес профессорлари китоб ўқишига муккасидан кетган ва вақти-вақти билан катта ғояга қоқилиб кетадиган ҳардамхаёл анъанавий академикларга ўхшамасди. Чунки улар маҳсулдорликни тизимли равишида ҳал қилиниши зарур бўлган илмий муаммо сифатида кўришади – худди Адам Грант эришгандек.

Грантнинг маҳсулдорлиги кўплаб омилларга боғлик бўлса-да, унинг усулида ўзига хос бир ғоя бор: мурракаб, аммо муҳим интеллектуал ишни узун, узлуксиз қисмларга тақсимлаш. Грант ушбу тақсимлашни бир неча босқичларда бажаради. У таълим бериш учун энг қулай пайт кузги семестр деб билади, чунки кузда бутун эътиборини талабаларга, уларни яхши ўқитишга сарфлай олади. (Бу усул иш берди, чунки Грант ҳозирда Уортондаги энг олий даражали ўқитувчи ва бир талай таълим мукофотлари соҳибидир.) Кузни дарс бериш билан ўтказган Грант баҳор ва ёзда эътиборини фақат тадқиқотларига қаратиш, ҷалғишиларсиз ўз иши устида ишлай олиш имконига эга бўларди.

Грант, шунингдек, вақтини майда қисмларигача дик-қат билан тақсимлайди. Тадқиқотга бағишиланган семестр мобайнида у талабалар, ҳамкаслари учун эшиги очик вақтлар ва фақат тадқиқот билан шуғулланиш учун холи бўлиш вақтларини белгилаб олади. (У одатда илмий мақола ёзишни учта алоҳида вазифага ажратади: маълумотларни таҳлил қилиш, мақоланинг қораламасини ёзиш ва қораламани таҳрирлаб, нашрга тайёр ҳолга келтириш.) Ҳар бири уч ёки тўрт кунни оладиган бу ишлар давомида у кўпинча электрон почтасига “оффисдан ташқарида” автоматик жавобини ёкиб қўяди, нунда хат юборувчилар унинг жавоб беришини кутмайди. “Баъзизда бу ҳамкасларимни саросимага ҳам солиб қўяди. Улар “Сиз иш жойингиздасиз-ку, сизни оғисингизда кўриб турибмиз-ку”, дея хуноб бўлишади”, дейди у. Аммо Грант учун ўз вазифасини битирмагунча мулоқотдан қатъий тийилиш муҳимроқ.

Тахминимча, Адам Грант бошқа жиддий тадқиқотлар билан шуғулланувчи ўртacha профессордан кўпроқ вақт ишламайди (умуман айтганда, бу тоифа ишга муккасидан кетгандар сирасига киради), шунга қарамай, ҳануз ўз соҳасидаги бошқа одамлардан кўпроқ натижага

эришишни уддаламоқда. Бу жумбоқнинг жавоби унинг ўз ишини тақсимлаш йўсинида, деб ўйлайман. Жумладан, ўз ишини катъий ва узлуксиз ритмларга бўлган ҳолда, у унумдорликнинг куйидаги конунини кўллади:

*Юқори сифатли натижса = (сарфланган вақт) x
(дикқатнинг интенсивлиги)*

Агар ушбу формулага ишонсангиз, Грантнинг одатларини англайсиз: у кучли интенсив ишлаш орқали сарфлаган вакт бирлигига тўғри келадиган самарадорликни оширади.

Самарадорлик ҳақидаги ушбу формулани энди учрататётганим йўқ. Бу формула кўп йиллар олдин иккинчи китобим “Қандай килиб аълочи талаба бўлиш мумкин?”ни тайёрлаётганимда эътиборимни тортганди. Ўшанда мамлакатдаги энг рақобатбардош мактабларнинг юкори рейтингга эга элликтача битирувчисидан интервью олдим. Интервьюларда шуни пайқадимки, энг яхши талабалар барча фанлар бўйича умумий баҳо рейтингида улардан куйида турувчи талабалардан камроқ ўқиган. Бу ҳолатнинг изоҳларидан бири юкорида баён қилинган Грант формуласи эди: энг яхши талабалар унумдор ишлашда интенсивликнинг аҳамиятини тушуниб етган ва шунинг учун дикқатни максимал жамлаш учун ўзларининг анъанавий методларидан воз кечган – тестларга тайёрланиш ёки мақола ёзишга кетадиган вақтни натижга сифатига таъсир килмаган ҳолда кескин кисқартира олган.

Адам Грантнинг мисоли шуни кўрсатадики, ушбу интенсивлик формуласи нафақат талабаларнинг умумий баҳо рейтингига, балки бошқа ақлий зўрикишни талаб қиласидиган ишларга ҳам таалукклидир. Аммо нега шундай бўлиши керак эди? Бу саволга Миннесота университетининг бизнес профессори Софи Лерой қизиқарли тарзда жавоб беради. Лерой ўзининг 2009 йилдаги “Ишлаш нега бунча қийин?” мақоласида “эътибор қолдиги” эфекти деган атамани киритди. Мақоланинг ки-

ТЕРАН МЕХНАТ ҚАДРЛИ

риш қисмидә муаллиф тадқиқотчилар бир вақтда бирдан ортиқ вазифани бажаришга уринишнинг ишга таъсирини ўрганиб чиққанини айтади, лекин замонавий оғисларда бир нечта лойиха устида кетма-кет ишлайдиган одамларни учратиш одатий ҳолдир. “Бир йиғилишдан иккинчисига бориш, бир лойиха устида ишни бошлаб, кўп ўтмай бошқасига ўтиб кетиш – ташкилотлар ҳаётининг бир бўлаги”, дейди Лерой.

Мазкур тадқиқот иши аникладики, бирор А вазифадан Б вазифага ўтганингизда дикқатингиз зумда ўзгармайди – дикқатингиз қолдиги биринчи вазифада қолади. Агар А вазифа чекланмаган ва интенсив бўлмаса, қолдик кўпроқ қолади, ҳатто бошқасига силжимасдан биринчи вазифани тугатсангиз ҳам дикқатингиз маълум муддат бўлинганича қолади.

Лерой лабораторияда вазифаларни ўзгартириш орқали дикқат қолдиги эфектининг ишга таъсирини ўрганди. Ана шундай тажрибалардан бирида у тажриба иштирокчиларига сўз пазлларини ечишини топширди. Синовларнинг бирида иштирокчилар ишига аралашиб, уларга бошқа қийин вазифани топширди. Яъни резюмелар билан танишиб чикиб, ишга олиш бўйича тахминий қарорлар чиқаришлари кераклигини айтди. Бошқа синовда эса уларга кейинги вазифани беришдан олдин пазлларни тугатишларига қўйиб берди. Пазл ва ишга ёллаш вазифалари оралиғида Лерой биринчи вазифанинг қолдик микдорини аниқлаш учун тезкор лексик қарорлар ўйинини ўтказди.⁴ Шу ва шунга ўхшаш тажрибалар натижалари аниқ бўлди: Вазифаларни ўзгартиргандан сўнг, дикқат-эътибори бўлинган одамлар навбатдаги

4 Лексик қарорлар ўйинида экранда харфлар қатори кўрсатилади; баъзилари ҳақиқий сўзларни ҳосил килса, баъзилари ундан эмас. Ўйинчи сўзнинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслигини “ҳақиқий” ва “ҳақиқий эмас” тутгиларини босиш орқали тезроқ белгилаши лозим. Ушбу тестлар ўйинчининг онгига нечта аниқ қалит сўз фаоллашганини хисоблашга ёрдам беради, чунки кўпроқ фаоллик ўйинчини “ҳақиқий сўз”ни у экранда зохир бўлган заҳотиёқ таниб олишига ёрдам беради.

вазифада яхши натижа кўрсатмайди ва қолдик қанча кўп бўлса, бажарилган вазифа шунчалик чала бўлади.

“Дикқат қолдиғи” тушунчаси интенсивлик формуласининг не сабабдан тўғри эканлигини тушунтиришга ёрдам беради ва шу асосда Грантнинг самарадорлик сирини очиқлайди. Узоқ вакт давомида факт бир мураккаб вазифани бажариш орқали Грант дикқат қолдигининг салбий таъсирини камайтиришга эришади ва бу, ўз навбатида, унга ягона вазифани сифатли бажаришга имкон беради. Грант мақола устида бир неча кунлаб ёлғиз ишлаб, тўхтовсиз чалғышлар ичида ишлаётган одатдаги профессордан кўра анча юқори самарадорликка эришади.

Гарчи Грантнинг ҳаддан зиёд хилватнишинлигини тўлик тақорорлай олмасангиз ҳам (иккинчи бўлимда теранликни режалаш учун турли хил стратегияларни кўриб чиқамиз), “дикқат қолдиғи” тушунчаси ҳамон аҳамиятли, зеро бироз бўлса-да чалғитувчи вазиятларда ишлаш иш натижангиз учун барибир заарли бўлиши мумкин. Почтангизга келган хатларга ҳар ўн дақиқада назар ташлаб қўйишингиз бир қаращда безараардек туъюлади. Дарҳақиқат, кўпчилик бу ишни экранда почта кутисини доим очиқ қолдиришдан афзалроқ деб ўйлади. Аммо Лерой бу аслида ижобий ўзгариш эмаслигини уқтиради. Почтангизга қисқа вақтга кириб чиқиши дикқат-эътиборингиз учун янги нишонни кўрсатади. Бундан ҳам ёмони хатларни кўргач, улар билан ўша дамда шуғуллана олмаслигинизни англаб, яна асосий вазифага қайтишга мажбур бўласиз. Бундай ҳал қилинмаган кескин бурилиш сабабли бўлинган дикқат ишлаш суръатингизни пасайтиради.

Ушбу индивидуал қузатувлардан аниқ бир аргумент чиқариш мумкин: Энг яхши натижа кўрсатиш учун битта вазифага тўлик дикқат қилиб, чалғимасдан узоқ вақт ишлаш керак. Бошқача айтганда, *сизнинг ишингиз сифатини кўтарувчи иш тури – теран ишдир*. Башарти, узоқ вақт давомида теранлик билан ишлашни ўзингизга

ТЕРАН МЕХНАТ ҚАДРЛИ

ЭП КҮРМасанғиз, профессионал ривожланиш учун тобора сув ва ҳаводек зарур бўлиб бораётган, сифат ва микдор жиҳатдан самарали ишлаш қийин бўлиб бораверади. Истеъдодингиз ва малакангиз ракибларингизни буткул йўлда қолдириб кетмаса, улар орасидаги теран ишловчилар сиздан ўзиб кетади.

ЖЕК ДОРСИ-ЧИ?

Нима учун айнан теран иш иктисодиётимизда тобора муҳим аҳамият касб этаётган қобилияtlарни ўстириши ҳақида ўз аргументимни келтиридим. Мазкур холосага келишдан аввал, бу мавзу муҳокамасида учрайдиган бир саволга дуч келишимиз мумкин: Жек Дорси-чи?

Жек Дорси “Twitter”ни ташкил этишда ёрдамлашган, унинг бош ижрочи директори лавозимидан кетганидан сўнг эса тўлов-процессинг компанияси “Square”ни очди. “Forbes” журнали уни “анча қоидабилмас, ишқалчи” дея таърифлайди. Дорси, шунингдек, кўп вақтини теран ишга сарфламайди, чунки узок вакт узлуксиз фикрлаш имконига эга эмасди – “Forbes” унга ўша таърифни берган чоғда Дорси бир вақтнинг ўзида ҳам “Twitter” (раис сифатида), ҳам “Square”да бошқарувчилик вазифасини бажаарар, иш тартиби ўтғатиғиз эди.

Дорсининг таъкидлашича, ҳар куни иши якунлангач, унинг кўлида турли йиғилишларнинг ўттиздан қирк-тагача баёни бўлади ва кечаси уларни битталаб кўриб, саралаб чиқади. Фақат учрашувлар орасидаги қисқа танаффуслардагина унда вакт бўлади. “Асосан тик оёқда ишлайман, исталган одам келиб мурожаат қилиши мумкин, уларни тинглашим керак”, дейди Дорси.

Бундай иш услуби теран эмас. Дорсининг дикқат қолдиғи шунчалик томир ёйганки, йиғилишлар орасидаги қисқа танаффусларда ҳам унга bemalol халақит беришлари мумкин эди. Шунга қарамай, Дорсининг иши саёз, деб айтмолмаймиз, чунки китобнинг кириш қисмida айтилганидек, саёз иш жуда қадрсиз ва осон бажарилади.

Жек Дорсининг қиладиган иши эса иқтисодиётимизда ниҳоятда қадрланади. (Булар ёзилаётган вақтда 1,1 миллиард доллардан ортиқ бойлиги билан у дунёдаги энг бой одамлар мингталигидан жой олгани ҳам фикримиз далилидир.)

Жек Дорси муҳокамамиз учун жуда аҳамиятли, чунки у биз эътибордан четда қолдира олмайдиган гурух, яъни теранликсиз ҳам иши юришадиган шахслар сирасига киради. Ушбу кисмни “Жек Дорси-чи?” деб номлаганимда, унга умумий саволни ҳам кўшдим: Агар теран иш жуда муҳим бўлса, у ҳолда чалғишлар билан ишласа ҳам, омади юришган одамлар қаердан келади? Бобга хулоса ясащдан аввал мазкур саволга аниқлик киритмасак, теранлик мавзуси батафсил ёритилган кейинги саҳифаларимизда бу савол сизни ўйлантириб қўйиши мумкин.

Дастлаб шуни билиб қўйишимиз лозимки, Жек Дорси иирик компаниянинг олий даражадаги иш юритувчисидир (аслида иккита компаниянинг). Бундай лавозимлардаги шахслар теран ишсиз ҳам ривожланувчилар тоифасида катта аҳамият касб этади, чунки уларнинг ҳаёти тинимсиз чалғишлардан иборат. “Vimeo” бош директори Керри Трейнор электрон почтасиз қанча вакт туро олиши мумкинлиги ҳақидаги саволга шундай жавоб беради: “Шанба кунлари электрон почтамга қарамайман, ҳа, деярли қарамайман кўпинча кундузи... айтмоқчиманки, келган хатларни ўйиман, лекин доим ҳам жавоб ёзавермайман.”

Шу билан бирга, бу иш юритувчилар бугунги Америка иқтисодида тарихдаги бошқа пайтлардагидан анчайин бой ва қадрли. Жек Дорси каби теранликсиз мұваффақиятга эришганлар олий даражадаги иш юритишда кўп учрайди. Бу айни ҳақиқат бўлса ҳам, теранликнинг аҳамиятига заррача путур етказмайди. Нима учун? Чунки мазкур раҳбарларнинг фаолиятида чалғиш уларнинг ишларига хос хусусиятдир. Яхши иш юритувчилар автоматлаштирилиши қийин бўлган қарорлар чиқарувчи мотор бўлиб, IBMнинг “Jeopardy!” шоусида ўйнаган Уотсон компьютеридан фарқ

қилмайди. Улар машаққат билан тажриба түплайди, уни ўз бозорларига мос slab мукаммаллаштиради, кейин уни кун бўйи электрон хатлар, йифилишлар, сайтларга ташрифлар ва шу каби нарсалар кўринишидаги маълумотлар билан тўлдиради. Бош ижрочи директордан тўрт соат вақт сарф-lab битта масала устида теран мушоҳада юритишни сўраш унинг қадрини ерга уриш билан баробар. Бунинг ўрнига ўша масалани теран ўйлаб, ечимини топиб, бошлиқقا якуний қарор қабул килиш учун етказадиган уч нафар ақлли ходим ёллаш афзалроқdir.

Ушбу ўзига хослик ўта муҳим, чунки агар сиз йирик компанияларда олий даражали раҳбарлардан бўлсангиз, кейинги саҳифалардаги маслаҳатларнинг сизга дахли йўқ. Бошқа томондан, бу яна шуни англатадики, ушбу раҳбарларнинг ёндашувини бошқа соҳаларга ҳам татбиқ қила олмайсиз. Дорси чалғиб ишлашга қизиқтиради ёки Керри Трейнор электрон почтасини доимий текшириб туради. Аммо бу сиз ҳам уларга эргашсангиз муваффакият қозонасиз дегани эмас: уларнинг бундай феъллари корпоратив раҳбар сифатидаги баъзи жиҳатларидир.

Бундан кейинги ўринларда учрайдиган истисноли холатларда ҳам айни шу ўзига хосликни эслашимиз жоиз. Иқтисодиётимизда теранлик қадрланмайдиган баъзи соҳалар борлиги ҳам сир эмас. Касби тақозоси билан доимий алоқада бўлиб турадиганлар қаторига раҳбарлардан ташқари, сотувчилар ва лоббиларни ҳам киритишимиз мумкин. Ҳатто теранлик аскатадиган соҳаларда дикқати бўлинган тарзда муваффакиятга эришганлар ҳам бисёр.

Шу билан бирга, ишмегарлича теран эмас экан-ку, деб хулоса чиқаришга ҳам шошманг. Ҳозирги одатларингиз сабабли ишингизда теранлик етишмаслиги касбингизга теранлик хос эмаслигини англатмайди. Кейинги бобда, масалан, ўз мижозларига хизмат кўрсатиши учун доимий электрон почта алоқаси зарурлигига ишонган ўта муваффакиятли юкори даражадаги менежмент маслаҳатчилари ҳақида сўз юритаман. Ҳарвард профессори

уларни батамом интернетдан узилишга кўндирганида (тадқиқотнинг бир қисми сифатида), улар интернетдаги мулоқот ўзлари ўйлагандек муҳим эмаслигидан ажабланишиди. Мижозлар ҳақиқатан ҳам уларга доимий мурожаат килиши шарт эмас эди ва шу боис, дикқати бўлинмаганда уларнинг маслаҳатчи сифатидаги ишлари яхшиланди.

Шунга ўхшаб, мен таниган бир нечта менежер ўз жамоасининг муаммоларига кулок тутиб, уларни тезда ҳал қила олганда қадрлари анча ошганини айтиб, мени ишонтирумоччи бўлди. Улар ўзларининг эмас, бошқаларнинг самарали ишлашига ёрдам беришни вазифалари деб билишади. Лекин кейинги муҳокамаларда шу ойдинлашдики, бу вазифа бажарилиши учун дикқатни бўладиган мулоқотлар шарт эмас. Дарҳақиқат, ҳозирда кўплаб дастурий таъминот компаниялари “Scrum” лойиҳа бошқариш методологиясидан фойдаланади. Ушбу ёндашув бетартиб хабарлашишларни мунтазам, тартибли, жуда самарали учрашувларга алмаштиради. Учрашувлар ҳам чўзилиб кетмаслиги учун тик турган ҳолда ўтказилади.

Бошқача айтсак, теран ишлаш иктисадиётимиздаги ягона қадрланувчи малака эмас ва бу қобилиятни ривожлантирмасдан ҳам яхши ишлаш мумкин, аммо бундай соҳалар камайиб бормокда. Агар ҷалғишлар касбингиз учун муҳим эканлигига ишончли далилларингиз етарли бўлмаса, ушбу бобнинг бошида келтирилган сабабларни ҳисобга олган ҳолда теранлик ҳақида яна бир марта чукур ўйлаб кўринг.

Иккинчи боб

ТЕРАН ИШ НОЁБДИР

2012 йилда “Facebook” Френк Гери ишлаб чиққан янги бош офис режасини оммага эълон қилди. Янги иморатнинг марказида, Марк Цукерберг таъбири билан айтганда, “дунёдаги энг катта очик зал” жойлашади: уч мингдан зиёд ходим тўрт гектардан ортиқроқ майдонда, кўчма мебеллар билан жиҳозланган жойда ишлайди. Албатта, “Facebook” очик офис гоясини илгари сурган Кремний водийсидаги ягона улкан ташкилот эмас. Бундан олдинги боб сўнгидаги танишганимиз Жек Дорси ўзининг “Square”ини жойлаштириш учун эски “San Francisco Chronicle” номли бинони сотиб олиб, уни дастурчилар умумий узун столларда ишлаши учун мослаштирди. “Одамларни офисда очикда ишлашга унладик, чунки омадли тасодифларга каттиқ ишонамиз ва ора-сира тўқнаш келган ходимлар бир-бирига албатта янги бирор нима ўргатади”, дейди Дорси.

Кейинги йилларда йирик бизнесда кузатилаётган тренд – *тезкор хабарлашувнинг (instant messaging) ортганидир*. “Times” мақоласида айтилишича, бу технология энди “ўсмирлар гап сотадиган майдон” эмас, у компанияларга маҳсулдорликни ошириш, харидорларга жавоб беришни кулагаштиришга катта ёрдам беряпти. IBM компаниясининг бош ишлаб чиқариш менежери мақтанади: “Биз бир куннинг ўзида IBM ичидаги иккимillion тезкор хабар жўнатамиз”.

Тезкор хабарлашув соҳасига кирган энг сўнгги муваффакиятли рақобатчилардан бири Кремний водийси стартапи “Hall”дир, у ходимларни фақат чатлар билан чекланиб қолмай, “чинакам ҳамкорлик” қилишга чақиради. Сан-Францисколик таниш дастурчи “Hall”дан фойдаланувчи компанияда ишлар қандай кетишини тасвиirlаб берди. Энг “самарави” ходимлар, унинг тушунтиришича, компаниянинг “Hall” аккаунтига янги савол ёки изоҳ келганда компьютер экранига огохлантириш чиқадиган қилиб иловани созлаб кўяди. Огохлантириш келганда дарров хабарга жавоб тариқасида ўз фикрларини ёзди-да, кисқа танафусдан сўнг ўзининг дастурлаш ишига қайтади. Уларнинг ишлаш тезлигини дўстим ҳаяжон билан тасвиirlади.

Учинчи тренд барча турдаги контент яратувчиларни ижтимоий тармоқларда фаолликкаундаш бўлмоқда. Эски дунё медиа қадриятларини сақлаб келаётган жой бўлмиш “New York Times” ҳам ходимларини “Twitter”да фаол бўлишга ундамоқда, унга материал берувчи саккиз юздан ортиқ ёзувчи, муҳаррир ва сураткашлар бугунги кунда “Twitter”да ўз шахсий саҳифасини очган. Бу ноодатий эмас, балки янгича нормага айланди. Ёзувчи Жонатан Франзен “Guardian”га “Twitter”ни “зўраки тараққиёт” деб атаб мақола ёзганида, унинг устидан роса кулишди. “Slate” онлайн журнали эса Франзеннинг шикоятларини “интернетдаги ёлғиз уруш” деди ва Женнифер Уайнер исмли ёзувчи “The New Republic”да Франзенга жавоб эълон қилди: “Франзен унинг ўзигина амал қиласидиган фатволарини жарсолаётган якка-ёлғиз овоз”. Истеҳзоли #JonathanFranzenhates ҳештеги тезда машҳур бўлиб кетди.

Бизнесдаги бу уч трендни келтириб ўтишимга сабаб, уларда парадокс бор. Сўнгги бобда теран иш шиддат билан ўзгараётган иқтисодиётимизда қадрлироқ бўлиб бораётганини айтдим. Агар бу ҳакиқат бўлса, бу маҳорат нафақат муваффакиятга интилаётган алоҳида шахслар,

ТЕРАН ИШ НОЁБДИР

балки ходимларидан янада жонбозликни кутаётган ташкилотлар томонидан ҳам рағбатлантирилиши керак эди. Афсуски, келтирилган мисоллардан кўриняптики, бундай эмас. Бизнес оламида теран ишдан бўлак кўплаб тоялар илгари сурilmокда, яъни биз юқорида кўриб чиққан тасодифий ҳамкорлик, тезкор алоқа ва ижтимоий тармоклардаги фаоллик шулар жумласидан.

Ёмони шундаки, теран иш ўрнига бир талай трендлар олд ўринга чикмоқда, дард устига чипқон бўлиб, бу трендлар ходимнинг теранликка шўнғиб ишлаш маҳоратини сезиларли сусайтиради. Очик оғислар, мисол учун, ҳамкорликка яхши имконият яратиши мумкин¹, аммо бу “ялпи чалғишилар” эвазига амалга оширилмоқда. “Офис биноларининг сирли ҳаёти” номли Британия телевидениеси шоуси учун ўтказилган тажриба натижаларидан иқтибос келтирсақ: “Бирор ишни энди бошлиган бўлсангиз-у, телефонингиз бирдан жирингласса, дикқатингиз тамомила чилпарчин бўлади, – дейди тажрибани бошқарган нейролог, – Сиз сезмасангиз ҳам миянгиз бу чалғишига жавоб қайтаради.”

Бу ҳолат реал вактдаги ёзишмаларнинг ўсишига ҳам тегишилидир. Назарий жиҳатдан, электрон хатлар уларни очганингиздагина ҳалакит беради, ҳолбуки тезкор мессенжер тизимлари доимо фаол ва бу чалғишилар миқёсини чандон орттиради. Калифорния университетидан информатика профессори Глория Марк дикқат бўлининиши бўйича эксперт ҳисобланади. Кўп тилга олинган ушбу тадқиқотда Марк ва унинг шериклари ҳақиқий оғислардаги интеллектуал ходимларни кузатди ва чалғиши, ҳатто қисқа бўлганда ҳам, вазифани бажаришни анча вақтга кечикитиради, деган хуносага келди. “Буни тажрибада қатнашганлар ҳам ўта заарли бўлишини айтди” деб хуроса қиласи Глория.

1 Иккинчи қисмда бу даъво нима учун асослизигини батагасил баён киламан.

Контент яратувчиларни ижтимоий тармоқларда фаолликка чакиришнинг ҳам теран ишлашга салбий таъсири бор. Жумладан, жиддий журналистларнинг дикқат марказида қатъий равишда журналистика билан шуғулланиш туради, яъни улар мураккаб манбалар ичига шўнгиган ҳолда воқеаларни бир ипга тизиб, ишонарли ёзишлари керак. Шунинг учун ҳам уларнинг дикқатни чалғитувчи онлайн ёзишмаларда иштирок этиши аввало уларнинг ишига алоқасиз. бўлиб, камига чукурроқ мулоҳаза қилишига жиддий халал беради. Нуфузли “New Yorker” журналистларидан бир Жорж Пеккер ўзининг нега ижтимоий тармоқда ёзмаслиги ҳакидаги эссесида шундай дейди: “‘Twitter’ медиага мукласидан кетганларга қопқондир. Ундан чўчишимнинг асосий сабаби ундан маънавий устунлигим эмас, балки у билан ишлай олмаслигимда. Агар шундай килганимда, ўғлим оч қолиши мүкаррар эди.” Дарҳақиқат, у ўша эссени эълон қилганида “Чигални ёзиш” номли китобини ҳам ёзаётганди. У гарчи ижтимоий тармоқлардан фойдаланмаса ҳам, бу асар нашр қилингандан ҳеч қанча ўтмай Миллий китоб мукофотига (National Book Award) сазовор бўлди.

Хуроса шуки, ҳозирги бизнесдаги йирик трендлар одамларнинг теран ишлаш маҳоратини фаол сусайтирмокда, ваҳоланки, бу трендлар ваъда килган фойда (масалан, омадли тасодифлар, сўровларга тезкор жавоблар ва танилиш) теран иш орқали (мураккаб нарсаларни тез ўрганиш, асил натижалар кўрсатиш) топиладиган даромаддан анча кам. Бу бобдан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шу номутаносибликка ойдинлик киритишидир. Теран ишлашнинг камёблиги мазкур одатнинг баъзи бир камчиликлари сабабли эмас. Иш жойимиздаги чалғишиларни жон деб қабул қилишимизнинг сабабига чукур назар ташласак, улар кутганимиздан анча мантиқсиз эканлиги – хато мулоҳаза ва ақлий меҳнат кишиларининг бетайнлиги натижаси эканини англаймиз. Мақсадим

ТЕРАН ИШ НОЁБДИР

— гарчи чалғышларга кучоқ очишимиз кўз юмиб бўлмас ходиса бўлса-да, унинг асоси мўртлиги, теран ишлаш этикасини шакллантиришга қарор қилганингизда ундан осонгина қутулиш мумкинлигига сизни ишонтиришдир.

МЕТРИК ҖОРА ТҮЙНУК

2012 йилнинг кузида “Atlantic Media”нинг технологиялар бўйича бош директори Том Кохран вақти электрон почтада ўтиб кетаётганидан ташвишга тушди. Бошқа яхши технологлар каби у ҳам бу микдорни ҳисоблаб кўришга аҳд қилди. Ўз хатти-ҳаракатларини кузатиб, бир хафтада 511 электрон хат олиб, 284 та жўнаттанини аниқлади. Бу эса беш кунлик иш ҳафтаси учун кунига 160 та электрон хатга тўғри келади. Кохран яна ҳисобладики, битта электрон хабарга ўртacha ярим дақиқа сарфласа ҳам, кунига барибир умумий ҳисобда бир ярим соати худди тармоқ роутери каби маълумот узатишига кетиб қолар экан. Бу эса Кохранга ишининг асосий қисми бўлмаган юмушга кўп вақт сарфлаётгандек туюлди.

У “Harvard Business Review” учун ўтказган тадқиқоти ҳақидаги блогпостида бу оддий статистика компаниядаги умумий аҳвол ҳақида ўйлантириб қўйганини ёзган. “Atlantic Media” ходимлари ўзларига юклатилган маҳсус вазифага диккат қаратиш ўрнига қанча вақтини хат алмашишга сарфлаяпти? Шу саволга жавоб топиш илинжида Кохран компания миқёсида кунига нечта электрон хат жўнатилиши ва улардаги сўзлар сони бўйича статистик тахлил ўтказди. Ва бу рақамларни ҳар бир ходимнинг ёзиш ва ўқиш тезлиги, маоши билан кўшиб тахлил қилди. Натижা эса қўйидагича: “Atlantic Media” учун ҳар бир юборилган ёки қабул қилинган хат 95 центдан тушган, яъни ходимларга эмейлда ўтказган вақти учун ҳам йилига бир миллион доллардан ортиқ маблағ сарфлаган. “Юмшок” алоқа усули кичикроқ компания – “Learjet”ни сотиб олишга етадиган маблағни еб юборган, деб хулоса қиласи Кохран.

Том Кохраннинг тадқикоти безаардек туюлган бир ишнинг қанчалик қимматга тушишини кўрсатди. Лекин бу хикоянинг аҳамиятли жиҳати ўша тадқиқотнинг ўзи ва унинг мураккаблигидир. Мана бундай оддий саволга жавоб бериш қанчалик қийинлигини бир кўринг: Электрон почтага боғланиб қолганимиз охир-оқибат нимага таъсир этади? Кохран компания миқёсида тадқиқот ўтказиб, ахборот технологиялари инфратузилмасидан статистик маълумотлар олиши, шунингдек, ходимларнинг маошлари, ҳарф териш ва ўқиш тезликлари ҳакида эринмай маълумот тўплаб, якуний натижасини дадил айтиш учун статистик моделларга асосланиб ишлашига тўғри келди. Хулоса бошқача чикиши ҳам мумкин, масалан, бу ерда доимий ва қимматга тушадиган эмейллардан фойдаланишдан кўрилган фойданинг заарга нисбати ажратилмаган.

Ушбу мисол теран иш салоҳиятини оширувчи ёки унга ғов бўлувчи кўплаб хатти-харакатларни акс эттиради. Гарчи чалғишининг қимматга тушишини ва теранликнинг аҳамиятлилигини билиб турсак-да, Том Кохран аниқлаганидек, бу таъсир миқёсини осонликча баҳолай олмаймиз. Бу чалғиши ва теранлик билангина боғлиқ одатларга хос хусусият эмас: умуман олганда, ақлий меҳнатнинг талаблари мураккаблашар экан, якка шахс бажарган ишнинг қийматини баҳолаш қийинлашиб бораверади. Француз иқтисодчиси Томас Пикетти бошликлар маошининг ҳаддан зиёд ўсиб бориши ҳақидаги тадқиқотида буни яққол кўрсатиб берди. Унинг аргументи асосидаги ғоя шу: “Якка шахснинг умумий ишлаб чиқаришдаги хиссасини баҳолаш ҳақиқатда жуда қийин.” Бундай баҳолашнинг йўклиги туфайли, раҳбарлар оладиган катта маош ва уларнинг арзимас самарадорлиги ўртасида номутаносиблик келиб чиқади. Пикетти назариясининг баъзи тафсилотлари баҳсли бўлса-да, унинг якка шахснинг хиссасини баҳолаш қийинлиги ҳақидаги ўзак ғояси, унинг танқидчиларидан бири айтгандек, “шубҳасиз тўғридир”.

Шунинг учун, теран ишлаш салоҳиятини ўлдирувчи ҳаракатларни осон илғаш мумкин, деб ўйламаслигимиз керак. Том Кохран кашф қилганидек, бундай ўлчовлар осонликча илғаб бўлмайдиган хира ҳудуддадир, бу ҳудудни “*метрик қора туйнук*” деб атадим. Албатта, теран иш қийматини баҳолашнинг жуда қийинлиги бизнесда ундан воз кечиш кераклигини англатмайди. Таъсирини баҳолаш қийин бўлса ҳам, бизнесда гуллаб-яшнаётган кўплаб бошқа хатти-ҳаракатлар бор. Масалан, ушбу боб ибтидосида тилга олинган учта тренд ёки раҳбарларнинг Томас Пикеттини ўйлантирган катта маошларини эсланг. Аниқ ўлчовнинг йўқлиги сабабли бизнесдаги ишлар бекарор инжикликлару кескин ўзгаришларга нишон бўлади, бу бекарорликда теран иш ривожланмайди.

“Метрик қора туйнук”нинг мавжудлиги бу бобда келтирилган аргументларнинг орт манзарасидир. Келгуси бобларда бизнесни теран ишдан узоқлаштириб, саёз ишларга йўналтирган турфа хил фикрлар ва бир тарафлама қарашларни келтириб ўтаман. Бу саёзликларнинг ҳеч бири, пойdevорга зарар берадигани аниқланганда эди, узоқ вақт сақланиб қолмаган бўларди, аммо “метрик қора туйнук” бу аникликнинг юзага чиқишига йўл кўймайди, оқибатда профессионал дунёда ўзгариш чалғишилар томонга бўлмоқда.

ЭНГ КАМ ҚАРШИЛИК ТАМОЙИЛИ

Иш жойидаги чалғишилар ҳақида гап кетганда, улар орасида ҳозирда кенг тарқалган эмейлни ўқиш ва дархол жавоб ёзиш амалиёти – “*богланни маданияти*”га алоҳида ургу беришимиз лозим. Ҳарвард бизнес мактаби профессори Лесли Перлоу ушбу мавзуни тадқиқ қилиш асносида ходимлар офисдан ташқарида ҳафтасига йигирма-йигирма беш соат вақтини электрон почтани кузатишга сарфлашини аниклади. Улар келган хат – хоҳ ички бўлсин, хоҳ ташқи – бир соат ичидаги унга жавоб ёзишни лозим кўришади.

Бошқа кўпчилик сингари сиз ҳам бу ҳолат ҳозирги замон тезкор бизнеси учун ўта муҳим эканини таъкидлашингиз мумкин, бироқ янада қизиги мана шу ерда келади: Перлоу бу даъвони текшириб кўрди. Батафсилроқ айтадиган бўлсам, у ахборот алмашиш асосий иш маданиятига айланиб улгурган “Boston Consulting Group” менежмент фирмаси раҳбарларини фирма ходимларидан бир гурухининг иш жараёнига бироз ўзгартиш киритишига кўндириди. Перлоу факат битта саволга жавоб топишни истарди: Доимий электрон мулокот ишингизда ҳақиқатан керакми? Шу мақсадда у тажриба ўтказди: жамоанинг ҳар бир аъзосидан иш ҳафтасининг бир кунида, компаниянинг на ташқарисида ва на ичкарисида бирор ким билан боғланмасликни сўради.

“Дастлаб улар бунга каршилик қилди, – эслайди профессор. – Фоямни кўллаб-куватлаган шеригим ҳар бир ходимининг бир кун алоқадан узилиши ҳақида уларга билдириши кераклигини тушунтирганимда асабийлашди. Ходимлар ҳам ишидан айрилиб қолишдан қўрқиб хавотирга тушди”. Лекин жамоа мижозларидан, ходимлар ишидан айрилмади. Аксинча, улар ишларидан, ўзаро яхширок мулокот ва ўрганишдан (ўтган бобда ёритилган теранлик ва маҳоратни шакллантиришни), ишда энг муҳими бўлган “мижозларга янада сифатли хизмат кўрсатиш”дан кўпроқ завқ олди.

Шу ўринда қизиқарли савол туғилади: Нима учун кўпчилик, Перлоу ўз тадқиқотида асослагандек, “боғланиш маданияти” ходимлар маҳсулдорлигига салбий таъсири қиласа ҳам, пировардида катта ёрдам бермаса ҳам, “Boston Consulting Group”га эргашаверади? Менимча, бу саволнинг жавоби иш жойидаги аҳволда:

Энг кам қаршилик тамойили: Бизнес шароитида турли хатти-ҳаракатларнинг иш самарасига ялпи таъсири тўғрисида аниқ фикр қилмасдан, ҳозирги пайтдаги энг осон йўлни афзал кўриши.

Нега “боғланиш маданияти” ҳамон барқ ураётгани ҳақидаги саволга қайтсак, жавоб оддий, юқоридаги тамойилга кўра, чунки шундай қилиш осонроқ. Бунга камида икки йирик сабаб бор. Биринчиси – эҳтиёжларингизга нисбатан эътиборлилик. Агар саволингизга дарров жавоб олишга ёки бирор маълумотни осон топишга шароит бўлса, бу албатта ҳаётингизни енгиллаштиради, ҳеч бўлмаса шу онда. Агар бу каби тезкор жавоблар олишга имконингиз бўлмаса, ишингизни аввалдан режалаш, тартиблироқ бўлиш, сўровингиз жавобини кутаётганда ҳаммасини бир четга суриб, диққатингизни бошқа нарсага қаратишга мажбур бўласиз. Буларнинг ҳаммаси ишлаш тарзингизни янада қийинлаштириб юборади. (Ҳаттоқи улар кейинчалик қанчалик мамнуният ва самара олиб келса ҳам.) Боб аввалида айтилган тезкор хабарлашувлар кўпайиши ана шу ҳолатни кескинлаштирди. Башарти бирор соатлар ичida электрон хат олиш кунингизга яраса, демак бир дақиқа ичida тезкор хабарлашув орқали жавоб олиш бу ютуқни янада кўпайтиради.

“Боғланиш маданияти” ҳаётни енгиллатишнинг иккинчи сабаби, у почта кутиси орқали кунни ўтказишни мақбул амалиётга айлантиради, яъни сиз охирги расмий хатта тезкор жавоб ёзib ташлаётганингиздан – ваҳоланки, унинг кетидан бир дунё бошқаси тўпланиб туради – гўё самарали ишлайдек мамнун бўласиз (бу ҳақда кўпроқ қўйида). Агар электрон почтангизни иш кунингизнинг бўш вақтида текширсангиз, нима устида ишлashingиз кераклиги, қанча вақт ишлashingиз кераклигини чукурроқ мулоҳаза қилингиз лозим бўлади. Режалаш эса ҳаловатингизни бузади. Чунончи, Дэвид Алленнинг ракобатли иш жойларидағи мажбуриятларни ақл билан бошқариш бўйича анча машхур тизим ҳисобланувчи “Ишни бажариш” методологиясини ўрганиб кўринг. Бу тизим келгуси ишни режалаш бўйича ўн беш элементли схемани илгари суради. Бу технология билан хатлар

тизмасида самарали ишлаш мумкин.

Мен бу ерда доимий электрон алоқаны мисол сифатида танладим. Лекин бу бизнесдаги теран ишлашга халал берадиган, компания ишлаб чиқарадиган энг муҳим маҳсулот кийматини тушириб, ўсишга тўсик бўладиган, ўлчовларнинг йўқлиги сабабли кўпчиликни осон қармоқка илинтирадиган одатлардан бири, холос.

Бошқа бир мисол сифатида лойихалар учун мунтазам равишда уюштириладиган учрашувларни олайлик. Бу йиғилишлар кўпайса, узоқ вақт дикқат билан ишлашни имконсиз қилиб қўядиган даражада кун тартибини бўлиб ташлайди. Шундай бўлса, нега ҳамон бу йиғилишларни ўтказамиш? Сабаби оддий: улар осонроқ. Кўпчилик учун бундай муттасил йиғилишлар кунни режалашнинг энг содда (лекин бефойда) шакли бўлиб қолмоқда. Ходимлар ўз вақти ва мажбуриятини ўзи тартиблаш ўрнига, ҳар ҳафта ўтказиладиган йиғилишларда лойиҳа бўйича берилган топширикларни бажариш, зоҳирий самарадорлик кўрсатишга харакат қиласди.

Одамнинг асабига тегадиган яна бир одатлардан бири – келган хатни бир ёки бир нечта ҳамкасбга “Сизнинг бу ҳақдаги фикрингиз қандай?” ёрлиғи билан тарқатишидир. Бунақа хатларга жўнатувчининг арзимаган бир-икки сония вақти кетади, аммо тўлиқ ва батафсил жавобни юбораётган қабул қилувчининг қанча дақиқасини (агар соат бўлмаса) ва диққатини ўғирлаши мумкинлигини тасаввур қилиб кўринг. Хатни жўнатувчи ўша хатга озгина ишлов бериб, бироз эҳтиёткорлик қилганида томонлар ўз вақтларини сезиларли тежаб қолиши мумкин эди. Хўш, воз кечиш осон ва вақтни ўғирловчи электрон почта хатлари нега бунчалик кенг тарқалган? Жўнатувчининг нуқтаи назаридан қарасак, бу иш осонроқ. Бу оз энергия сарфлаб, ўз почта кутисидан бирор нарсани ҳеч курса вақтинча тозалаш усулидир.

Метрик қора туйнук шарофати билан “Энг кам қар-

шилик тамойили” узок муддатли қониқиши ва чинакам қиймат яратишни эмас, дикқат килиш ва режалашнинг нокулайлигини вактингча юмшатувчи иш маданиятини тарғиб қиласди. Шу орқали у иқтисодиётда тобора қадри ошаётган теранликдан узоклаштириб, саёзлик сари бошлийди. Аммо метрик қора туйнук ёрдами билан теранликни саёзлаштираётган тренд фақат бу эмас. Доим мавжуд бўлган ва доим такрорланадиган “маҳсулдорлик”ка талабни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозимки, куйида шунга эътибор қаратамиз.

БАНДЛИК САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ СИФАТИДА

Тадқиқотга ихтисослашган университетда профессор бўлиш осон иш эмас. Бироқ бу касбнинг бир фойдали тарафи бор – аниқлик. Сизнинг илмий тадқиқотчи сифатида қанчалик яхши ёки суст ишлаётганингизни шундай савол бериб аниқлаш мумкин: Бирор аҳамиятга молик мақола нашр қилипсизми? Бу саволга жавоб “h-index” сингари биттагина рақам орқали ҳисобланиши ҳам мумкин. Бу формула унинг ихтирочиси Хорхе Хирш номи билан аталади. У нашр қилинган мақолангиз ва унга берилган ҳаволалар миқдорини ягона қийматта келтиради ва бу қиймат сизнинг ўз соҳангизга қанчалик ҳисса кўшаётганингизни кўрсатади. Масалан, компьютер илми бўйича 40 баллдан баланд “h-index”га эришиш анча қийин, эриша олсангиз, узок муддатли каръора учун кафолат бўлади. Агар “h-index”ингиз кичикроқ рақамни кўрсатса, аҳволингиз чатоқ. Академиклар орасида илмий ишлар бўйича “Google Scholar” оммалашган бўлиб, у керакли мақолаларни осон топиб беради ва ҳатто “h-index”ингизни хафтасига бир неча марта автоматик аниқлаб сизнинг жорий мақомингизни кўрсатади. (Агар қизиқаётган бўлсангиз, бугун тонг бу бобни ёзаётганимда меники 21 эди).

Бу аниқлик профессорнинг қондай ишлаши ёки ишла маслиги ҳакида бир қарорга келишини соддалаштиради.

Масалан, Нобел мукофоти совриндори физик Ричард Фейнман умри охирларида берган интервьюлардан бирида ўзининг ноодатийроқ унумдорлик стратегиясини қуидагича тушунтиради:

“Физикада чинакамига бир иш қилиш учун сизга бўлинмаган, мутлақ яхлит вақт керак бўлади... дик-қатни қаттиқ жамлаш керак... Агар касбингиз бошқарувчилик бўлса, бусизда вақт йўқ деганидир. Шундай қилиб, мен ўзим учун бир мифни ўйлаб топдим: мен масъулиятсизман. Мен фаол масъулиятсизман. Ҳаммага дангасалигимни айтиб юраман. Агар кимдир мендан қабул комиссиясига аъзо бўлишини сўраса, “Йўқ, мен масъулияти эмасман”, дея жавоб бераман.”

Фейнман маъмурий вазифалардан қочарди, чунки улар унинг профессионал ҳаётидаги энг муҳим иши – “физикада чинакамига бир иш қилиш” қобилиятини пасайтириши мумкин эди. Тахмин қилишимиз мумкинки, Фейнман эмейлларга жавоб беришга нўноқ бўлиши, агар ундан очиқофисда ишлаш ёки ижтимоий тармоққа ёзишни талаб қиласангиз, университетни ўзгартириши тайин эди. Ўзимиз учун нима аҳамиятлигини аниқ билсак, нима аҳамиятсизлигини ҳам биламиз.

Профессорларни мисол тариқасида келтиришим боиси, улар ақлий меҳнат кишилари орасида анчайин ажралиб туради, уларнинг аксарияти ўз вазифаларини канчалик яхши бажараётганини кўз-кўз қилмайди.

Ушбу ноаниқлик хақида ижтимоий танқидчи Мэтфю Кроуфорд шундай фикр билдиради: “Менежерларнинг ўзлари бетартиб руҳий дунёда яшайди ва бажариши керак бўлган ноаниқ мажбуриятлардан асабийлашади.”

Гарчи Кроуфорд ўргача менежернинг ақлий меҳнатдаги ташвишларини назарда тутган бўлса ҳам, у таъкидлаган “бетартиб руҳий дунё” бу соҳадаги кўплаб лавозим эгаларига тааллуқлидир. Кроуфорд 2009 йилда чиқсан “Меҳнат дарси – руҳ озиғи” китобида ўша бе-

тартибликтан қочиб, Вашингтондаги илмий марказ директорлигини топширгани, мотоцикллар таъмирлаш устахонаси очганини ёзди. Бузилган мотоциклни олиб, уни тузатиш учун тер тўкиб, сўнг муваффакиятни (унинг устахонадан ўзи юриб чиққанини) кўриш завқи турли мужмал докладлар ва алоқа стратегиялари атрофида кечган кунларидан фарқли ўлароқ, Кроуфордга муваффакият туйгусини берарди.

Шунга ўхшаш ҳолатлар кўплаб ақлий меҳнат кишилари учун ҳам муаммо туғдиради. Улар жамоанинг самарали ишловчи аъзоси эканини ва муайян ютуқларга эришаётганини кўрсатмоқчи бўлади, аммо бу мақсад ўзи нимани англатишини аниқ билмайди. Уларда ишларига нақадар муносиблигини кўрсатувчи “h-index” ҳам, терилиб турган таъмирланган мототцикллар ҳам йўқ. Ушбу бўшлиқни тўлдириш учун кўпчилик самарадорлик анча сезиларли бўлган пайтга – саноат асрига қайтаётгандек туюлади.

Буни тушуниш учун заводларда йигув конвейерлари билан бир вақтда пайдо бўлган, Фредерик Тейлор асос солган “Самарадорлик ҳаракати”ни эслаш лозим. Фредерик кўлида секундомер билан ишчиларнинг ҳаракат тезлигини текширгани билан машҳур. У ишчилар ишни уддалаш учун тезликни қандай орттираётганини ўрганганд. У вақтда маҳсулдорликни баҳолаш осон эди: муайян вақт бирлигida ишлаб чиқарилган маҳсулот. Афтидан, бугунги бизнес дунёсида аксарият ақлий меҳнат ходимлари бошқа ғоя тополмай, профессионал ҳаётларининг бетартиб майдонида ўз қийматини кўрсатиб қўйиш учун маҳсулдорликнинг эски таърифига мурожаат қилишяпти. (Дэвид Аллен унумли иш оқимини тасвирлаш учун ўзига хос “ғалати матоҳлар” иборасидан фойдаланди.) Менимча, бу ходимлар зохирий бандликка интилмоқда, чунки қадр-қимматини намойиш қилишнинг яхшироқ йўли йўқ уларда. Бунга куйидагича ном бәрайлик:

Бандлик самарадорлик мезони сифатида: ўз ишида самарадорлик ва қадрлиликни кўрсатадиган аниқ мезон йўқлиги боис, кўплаб ақлий меҳнат кишилари маҳсулдорликнинг саноатдаги мезонига юзланмоқда: кўзга кўринарли кўп иш қилиши.

Бу ҳолат бошқа кўплаб теранлиқдан чалғитувчи одатларнинг кенг тарқалгани сабабини изохлади. Соатлаб электрон хатлар қабул қилиб ва жўнатиб ўтирангиз, доимий равишда учрашувлар уюштириб, уларда фаол қатнашиб турсангиз, худди “Hall”дек тезкор хабарлашувга муккангиздан кетган бўлсангиз ёки учраган одамдан янги ғоя олиш илинжидаофис бўйлаб изғисангиз – булар бари омма олдида сизни банд одамдек кўрсатади. Агар бандликни маҳсулдорликнинг мезони деб билсангиз, бундай хатти-харакатлар ишингизни яхши бажараётганингизга ўзингизни ва бошқаларни ишонтиришда жуда аскатади.

Лекин бу қараш ҳам жуда мантиқсиз эмас. Баъзи бировлар учун иш фақат шундан иборатдек туюлади. 2013 йилда “Yahoo”нинг янги раҳбари Марисса Маер ходимларига уйдан ишлашни тақиқлаб кўйди. У “Yahoo” ходимлари компания серверига масофадан туриб кирадиган шахсий виртуал тармоқ журнallарини текшириб чиққач шу қарорга келганди. Маернинг дили хира тортди, чунки уйидан ишлаётган ходимлар кун давомида серверга жуда кам киради. У ходимларини эмейлларини текширишга (серверга кириш учун асосий сабаб) етарлича вақт сарфламагани учун жазолаётганди. “Агар ишлаётганингиз кўриниб турмаса, сизларни самарасиз ходимлар деб ҳисоблайман” дея таъкидлаган у.

Холисона ёндашсак, бу ғоя эскириб қолганини англаш қийин эмас. Ақлий меҳнат йигиши конвейери эмас ва маълумотларни саралаб керагини олиш банд бўлиш билан доим ҳам тўғри келавермайди. Аввалги бобда ҳикоя қилинган Уортон университетининг энг ёш профессори

ТЕРАН ИШ НОЁБДИР

Адам Грантни эсланг, у ёзиш учун ташки дунёдан ўзини имкон қадар ихоталашга ҳаракат қиласы. Бу иш эса омма күз олдида банд бўлишнинг айни аксиdir. Агар Грант “Yahoo”да ишлаганида Марисса Маер уни ишдан бўшатиб юбориши аниқ эди. Лекин Грантнинг стратегияси канчалик самаралилигига гувоҳ бўлдик.

Банд бўлишга бу қадар эскича иштиёқни унинг салбий таъсирини фош килиш орқали бартараф этишимиз мумкин, аммо шу онда метрик кора туйнук ўргага чикиб, бундай аникликка тўсиқ бўлади. Ишдаги ноаниклик ва турли иш усулларининг самарасини тарозига солувчи ўлчовлар йўклиги кундалик юмушимизнинг бетартиб руҳий майдонида, холис қараганда, кулгили бўлган одатларнинг ривожланишига йўл очади.

Кейинги бобларда ҳатто ақлий меҳнатда муваффакиятга эришиш нима эканлигини яхши тушунадиганлар ҳам теранлиқдан ўзини олиб қочиши ҳакида сўз юритамиз. Сизни соғлом фикрдан айриш учун биргина алдамчи мафкура етарли.

ИНТЕРНЕТ КУЛЬТИ

“New York Times”нинг Париждаги бюроси бошлиғи Алисса Рубинни олайлик. Аввал у Афғонистоннинг Кобул шахридаги бирорга раҳбарлик қилар, урушдан кейин мамлакатдаги қайта куриш қандай кетаётганини ёритиб бораради. Бу бобни ёзаётганимда эса Рубин француз хукуматининг Руанда геноцидига алоқаси борлиги ҳакида жиддий таъсирили мақолалар чиқараётган эди. Рубин жиддий журналист, ўз ишининг устаси. У ҳам “Twitter”да ёзади, бу албатта бошлиғининг талаби бўлса керак, деб тахмин қилишим мумкин.

Рубиннинг профилида ҳар икки ё тўрг кунда бир ҳафсаласизлик билан ёзилгани кўриниб турган (ундаям “Times”нинг ижтимоий тармоклар идораси қистови билан) қайдлар пайдо бўлади. Баъзи истисноларни ҳисобга олмаганда, унинг ёзганлари шунчаки ўзи яқинда ўқиган

ва ёктирган мақолалари ҳақида.

Ахир Рубин мұхбір-ку, ижтимоий медиа одами эмас. Унинг газета олдидағы киймати мұхим манбаларни түплаб, үрганиб, фактларни жамлаган ҳолда ёрқин мақолалар ёзишдан иборат. Кликбейтларга мұбталолик замонида “Times”га тижорий мұваффакият келтираётган нуфуз ва обрӯ Алисса Рубиндек мұхбірлар мәхнати шарофатидандыр. Шундай экан, не боис, Алисса теран ишидан қалғиб, Кремний водийсидаги қайсиdir бир компания сайтига текинга, саёз контент етказиб беришга ундалмоқда? Энг мұхими, нима учун бу хатти-харакат күпчиликка маъқул күринади? Бу саволларга жавоб берса олсак, нега теран иш жуда камёб бўлиб колганига доир мұхокама қилмоқчи бўлганим охирги трендни яхшироқ тушуниб оласиз.

Бу саволга жавобни Нью-Йорк университетининг мархум профессори ва алоқа назариётчиси Нил Постмандан изласак бўлади. 1990-йиллар бошида, яъни шахсий компьютер инқилоби бошланган дастлабки паллада Постман жамият технологиялар билан таҳликали муносабатга киришаётганини таъкидлаганди. Биз янги технологияларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари, улар берадиган самаранинг келтиражак муаммоларига нисбатини ортиқ мұхокама қилмаяпмиз. Аксинча, у юксак технологиями, демак яхши, дея мавзуни ёпяпмиз, деб таъкидлаган эди профессор.

Бундай маданиятни Постман “*технополия*” деб атади ва ундан инсонларни дадил огоҳлантириди. Мавзу бўйича 1993 йилги китобида шундай ёзади: “Технополия, Олдос Ҳаксли ўзининг “Янги жасур дунё”сида тасвирлаганидек, ўзига муқобилларни сахнадан улоқтиради, уларни на ноқонуний, на ахлоққа зид ва на обрўсиз қилиб қўяди, аксинча, кўринмас ва охир-оқибат аҳамиятсиз бир матохга айлантиради.”

Постман 2003 йилда вафот этди, лекин ҳозир тирик

ТЕРАН ИШ НОЁБДИР

бўлганида 1990-йиллардаги хавотири интернетнинг кутилмаган ва шиддатли ўсиши шарофати билан бунча тез содир бўлганидан ҳайратга тушган бўларди. Хайриятки, ҳозирги интернет даврида Постманинг интеллектуал меросхўри бор. У кўп тилга олинадиган ижтимоий танқидчи Евгений Морозовдир. Ўзининг “Ҳаммасини сақлаш учун, бу ерни босинг” номли 2013 йилдаги китобида Морозов “интернет” (у атай унинг мафкура сифатидаги ролини кўрсатиш учун атамани кўштиронкча олади) аталмиш технополик власвасамиз юзидаги пардани олиб ташлашга уринади: “Интернетни оддий кабеллар ва тармоқроутерларини жозибадор ва таъсирили мафкурага айлантириш кудратига эга донолик манбаи сифатида кўриш бугунги дунё мафкурасидир”.

Морозов танқидига кўра, биз “интернет”ни бизнес ва ҳукуматнинг инқилобий келажаги билан маънодош кўрамиз. Компаниянгизни интернетпарвар қилиш замонавийлик белгиси, ва аксинча, уни рад этиш ҳозирги машиналар даврида аравакаш қамчиси ясаш билан баробар. Эндиликда интернет воситаларини фойдадан умид қилган сармоядорлар пул тиккан, ишнинг боришини ўз ҳолига ташлаб кўядиган 20 яшарлар бошқарадиган компаниялар чиқарган маҳсулотлар сифатида эмас, балки ривожланиш ва, айтиш мумкинки, “янги жасур дунё”нинг нишонаси сифатида қабул киласиз.

“Интернет-марказчилик” (Морозов ишлатган яна бир атама) – бу технополиянинг бугунги кўриниши. Ана шу воқеликни англашимиз зарур, чунки у боб аввалидаги саволга ойдинлик киритади. “New York Times” ижтимоий тармоқлар идорасига эга ва Алисса Рубин сингари ёзувчиларини ишдан чалғитувчи одатларга муттасил мажбурлайди, чунки интернет-марказли технополияда бу муҳокама қилинмайди. Интернетни қабул қилмаган муқобиллар эса Постман айтганидек, “кўринмас ва аҳамиятсиздир”.

Бу кўринмаслик, олдинроқ эслаганимиз Жонатан Франзен ёзувчилар “Twitter”да ёзмаслиги кераклигини даъво қилган кезда кўтарилиган шов-шувларнинг сабабини изохлади. Одамлар китоб маркетингини яхши билгани ва Франзеннинг хulosасига кўшилмагани учун эмас, балки жиддий бир киши ижтимоий тармоқнинг аҳамиятсизлигини даъво қила олиши уларни ажаблантирганди. Интернет-марказчилик технополиясида эса бундай баёнот мунозара эмас, балки байроқ ёкиш, шаккоклиkdir.

Эҳтимол, якинда ўзим ишлаётган Жоржтаун университетига бораётган пайтим ғувоҳ бўлганим воқеа бу ишонч деярли универсал ёндашувга айланганини яхши кўрсатар. Коннектикут йўлига ўтиш учун светофор чироғи ёнишини кутиб, музлатилган озиқ-овқатлар таъминоти логистика компаниясига тегишли юк машинаси ортида тўхтаб турдим. Музлатилган юкларни ташиш – касаба уюшмалари ва маршрут жадвалини бошқаришда керак бўладиган дараражадаги маҳоратни талаб қилувчи мураккаб ва рақобат қучли бизнес. Бу саноатнинг эски мактабига даҳлдор соҳа бўлиб, истеъмолчиларга мўлжалланган, бугунги кунда катта эътибор қозонаётган замонавий технологик стартапларнинг кўп жиҳатдан аксиdir. Шунга қарамай, ўша юк машинаси ортида кутаётганимда, эътиборимни тортган нарса бу компаниянинг кенг миқёсли ва мураккаб ишлари эмас, балки каттагина харажат билан, эҳтимол, буюртма асосида тайёрланиб юк машинасининг орқа томонига ёпиштирилган “Facebook”да бизга ‘лайк’ босинг” деган ёзув эди.

Теран иш технополияда бўлмайди, чунки у сифат, ижодкорлик ва маҳорат каби эскича ва нотехнологик қадриятлар асосига қурилган. Боз устига, теран ишни қўллаб-кувватлаш учун кўпинча янги ва юқори технологиялардан воз кечишга тўғри келади. Теран иш ижтимоий медиадан профессионал равишда фойдаланиш каби чалғитувчи илғор технологик одатлар таъсирида

ТЕРАН ИШ НОЁБДИР

суриб чиқарилди, бунинг сабаби эса теран ишнинг амалий жиҳатдан аҳамиятсизлиги эмас. Ҳакиқатан, агар шу хатти-ҳаракатларимизни ишимиз натижасига таъсирини тарозига соладиган қандайдир мезон бўлганида, ҳозирги технополия қулаши мумкин эди. Бироқ метрик қора туйнук бу аниқликнинг олдини олиб, аксинча, ҳамма нарсани интернетга, яъни Морозов кўрккан ашаддий мафкуравийликка йўналтиради. Бундай ҳаёт тарзида, теран иш “твит”лар, “лайк”лар, ёрлик расмлар, постлар ва бошқа шу каби “шовкин-сурон”га қарши туриши осон эмаслигидан ҳайрон қолмасак ҳам бўлади.

БИЗНЕС УЧУН ЁМОН, СИЗ УЧУН ЯХШИ

Бугунги ишбилармонлик муҳитида теран иш устувор бўлиши керак эди, аммо ундан эмас. Бу жумбокқа берилган турли изоҳларни мухтасар баён қилдим. Булар: теран ишнинг оғирлиги ва саёз ишнинг енгиллиги; ишдан кўзланган аниқ мақсаднинг йўқлиги; саёз иш зоҳиран бандлик бўлиб кўриниши; қийматли самара бериш-бермаслигидан қатъи назар, нимаики интернетга оид бўлса, демак у яхши, деган эътиқод шакллангани. Ушбу трендларнинг барчаси теранликни бевосита баҳолашнинг қийинлиги ёки эътиборга олинмаслиги оқибатида онгимизга сингиб кетган.

Теранликнинг аҳамиятига ишонсангиз, бу ишончингиз бизнес учун ноҳуш янгилик сифатида қабул қилинади, чунки бу уларни ишлаб чиқаришнинг катта ҳажмдаги ўсишидан мосуво қилиши мумкин. Аммо сиз, яъни алоҳида шахс учун бунда бир фойда яшириндир. Тенгдошларингиз ва иш берувчиларингизнинг калтабинлиги сизга катта шахсий устунлик беради. Агар юқорида баён қилинган трендлар давом этаверса, теранлик тобора камёб ва айни чоғда қимматли бўлиб боради. Теран ишда фундаментал бирор нуқсон йўқлигини ва унини ўрнини эгаллайдиган саёз ишларнинг мутлақо нокераклигини билган ҳолда,

ушбу китобда келтирилган пировард мақсад томон ишонч билан қадам ташлашингиз мумкин: теран меҳнат қилиш маҳоратингизни тизимли равишда такомиллаштириб, мўл мукофотларга эришиш.

Учинчи боб

ТЕРАН ИШДА МАЬНО БОР

Ричард Фаррер темирчи. У “Door County Forgeworks” номли устахонасида енг шимариб қадимий ва ўрта асрлар темирчилик буюмларининг айнан нусхасини ясаш билан шуғулланади. “Барча ишларни қўлда бажараман, ижодкорлигим, хомашё билан бевосита муносабатимни чекламайдиган, ишни енгиллаштирувчи асбоблардан фойдаланаман, – деб тушунтиради у. – Юз марта болғалаб бажарадиган ишимни катта машина бир уринишда дўндиради. Бу менинг мақсадимга зиддир. Барча ишларим уларни икки қўл ясаганига далолат қилиши керак.”

PBSнинг (Public Broadcasting Service) 2012 йилги ҳужжатли фильмни Фаррернинг оламига назар ташлайди. У Мичиган кўлининг гўзал Осетр кўрфазидан унча узок бўлмаган Висконсин қишлоқ фермасидаги устахонага айлантирилган омборда ишлар экан. Фаррер тез-тез омборхона эшикларини очиқ қолдириб кетарди (металлни совутиш мақсадида бўлиши мумкин) ва унинг тер тў-каётгани ферма далалари бўйлаб уфқача чўзиларди. Манзара ҳаловат беради, аммо иш бир қарашда оғир туюлади. Ҳужжатли фильмда Фаррер викинглар даврига оид шамширни қайта ясаётгани тасвиirlанган. Ишни бир ярим минг йиллик техникани қўллаган ҳолда пўлатни (ўша давр учун металлнинг жуда соф шакли) эритишдан бошлайди. Натижада эса уч ёки тўртта тахланган смартфон ҳажмига тенг эритма олиниб, унга шакл берилади ва узун, улуғвор

килич тифи сайқалланади.

“Бошланғич боскич жуда оғир кечади”, дейди Фаррер камера қаршисида пўлатни астойдил киздириб, уни болғалаб, ағдариб, яна болғалаб, сўнг яна оловга қўяр экан. Фильмда бошловчининг айтишича, болға ёрдамида шакл бериш учун хам саккиз соат вакт кетар экан. Фаррернинг ишини кузатаркансиз, сиз учун меҳнатнинг мазмуни ўзгаради, унинг шунчаки болға билан шахтада тош қазишга ўхшамаслиги аён бўлади: ҳар бир зарба, қанчалик залварли бўлмасин, дикқат билан бошқарилади. У металга соқоли ва кенг елкалари устига чиқариб қўйилгандек турган ингичка рамкали кўзойнаклари ортидан синчиклаб қараб аник уради. “Металга ниҳоятда эҳтиёткор муносабатда бўлишингиз керак, акс ҳолда уни синдириб қўясиз”, дея тушунтиради у. Яна бир неча болға зарбасидан сўнг у кўшимча қиласиди: “Унга уриб шакл берасиз, аста-секин ўчгач, ундан завқ ола бошлайсиз.”

Фаррер болғалаб керакли шаклни ясад олгач, метални эҳтиёткорлик билан ёнаётган кўмирнинг торгина қозонида айлантира бошлайди ва қиличнинг тайёр бўлганини билдирувчи товуш чиққунча кузатади. Иссиқдан қизариб кетган тигни даст кўтариб авайлаб ушлаганча, совутиш учун ёғ билан тўлдирилган идишга солади. Қиличнинг синиб кетмаслигига ишонч ҳосил қилгач (бу босқичдаги одатий ҳоллардан бири), уни ёғдан тортиб олади. Металда қолган иссиқлик ёқилғини алгангалатади, қилични сариқ олов куршайди. Фаррер ёнаётган тигни кучли кўлларида боши узра кўтаради ва оловни ўчиришдан олдин бир зум унга тикилади. Ушбу қисқа танаффус пайтида алнга ёруғида унинг юзидаги қувонч қўринади.

“Ҳаммасини тўғри бажариш – энг мураккаб иш, – дейди Фаррер, – Ана шу қийинчилик мени қизиқтиради. Менга қиличларнинг кераги йўқ, лекин уларни ясашим лозим.”

Ричард Фаррер мохир уста бўлиб, иши тийракликни талаб этади – ҳатто диққатнинг бироз бўлиниши ҳам, ўнлаб соатлик меҳнатини бир зумда ҳавога совуриши мумкин. У, шунингдек, ўз қилаётган ишидан маъно топган одамдир. Хунармандлар дунёсида теран меҳнат ва яхши ҳаёт ўргасидаги боғлиқлик яққол кўзга ташланади. “Ўзини кўл меҳнати орқали намойиш этишдан мамнунлик инсонга ором беради”, дейди Кроуфорд ва биз бунга ишонамиз.

Аммо эътиборимизни ақлий меҳнатга қаратсак, бу алоқа мўртлашади. Масаланинг бир томони бу – аниқлик. Фаррер сингари хунармандларнинг мақсади аниқ, аммо амалга ошириш қийин. Афсуски, ақлий меҳнатда бу аниқлик ноаниқлик билан алмашади. Ақлий меҳнатда бирор ишчининг нима қилиши ва унинг бошқа ишчиларницидан нимаси билан фарқ қилишини аниқ айтиш қийин: бугунги кунда афтидан ҳамма ақлий меҳнат ишчилари тинка қуритар эмейллар ва “Power-Point” дастурида ишлайди, фақат слайдлардаги жадваллар мазмуни касбларни фарқлаб туради, холос. Фаррернинг ўзи бу рангсизликни шундай изоҳлайди: “Ахборот дунёсининг катта йўлларию кибер фазосидан кўнглим аллақачон совиб бўлган”.

Ақлий фаолиятдаги теранлик ва маънолилик ўргасидаги боғлиқликни лойқалатувчи яна бир ҳолат – ходимларни саёз ишларга ундаётган овозлар гирдоби. Аввалги бобда айтилганидек, биз интернет билан боғлиқ ҳар нарса инновацион ва зарур деб қабул қилинган даврда яшамоқдамиз. Тезкор электрон хатлар ва ижтимоий тармокларда фаол иштирок этиш каби теранликка гов бўлувчи одатлар макталмоқда, аксинча, улардан юз ўғирганлар шубҳа остида қолмоқда. Бирор кимса Фаррерни “Facebook”дан фойдаланмагани учун айбламайди, лекин агар ақлий меҳнат кишиси шундай қарорга келса, шахсий тажрибамда гувоҳи бўлганимдек, унга эксцентрик – ғалати одам сифатида қаралади.

Ақлий фаолиятда теранлик ва маъно ўртасидаги боғлиқлик унчалик равшан эмаслиги, бу боғлиқлик амалда йўклигини англатмайди. Ушбу бобнинг мақсади теран меҳнат ахборот иқтисодиётида ҳам хунармандчилик соҳасида бўлгани каби мамнуният ва қоникиш бера олишига сизни ишонтиришдир. Кейинги бўлимларда ушбу фикримнинг тўғрилигини асослаш учун учта аргумент келтираман. Мазкур аргументлар миқёси хусусийдан умумийга томон боради: неврологик нуқтаи назардан бошланиб, психологик кейин фалсафий ёндашувгача ёритилади. Теранлик ва ақлий фаолиятга қай ёндан хужум қилишингиздан қатъи назар, теран фаолиятни саёзликдан устун қўя билсангиз, Ричард Фаррер каби хунармандларни ҳаяжонга солган маънога сиз ҳам эришасиз. Шундай қилиб, биринчи бўлимнинг охирги бобидан асосий холоса шуки, теран ҳаёт нафақат иқтисодий фойда келтиради, балки ҳаётни мазмунли қиласди.

ТЕРАНЛИК УЧУН НЕВРОЛОГИК АРГУМЕНТ

Илмий мавзуларда ёзувчи Уинифред Галлагер, кутилмаган ва мудҳиш воқеадан сўнг – унга шунчаки саратон эмас, балки ўта авж олиб кетган жиддий саратон ташхиси қўйилгач, дикқат ва баҳт ўртасидаги боғлиқликка дуч келди. У ўзининг 2009 йилги “Завқ” номли китобида ёзганидек, ташхисдан кейин касалхонадан чиқаётуб, тўсатдан кучли савки табиийни хис этган: “Бу касаллик менинг бутун дикқатимни ўғирламоқчи бўлди, лекин мен бор эътиборимни имконим қадар ҳаётимга қаратдим”. Шундан кейин муолажалар дармонини анча қуритса-да, Галлагер миясининг нобадиий асаллар ёзиш жараёнида тобланган кисми унинг энг яхши нарсаларга – фильмлар, сайр ва 6:30 мартинига дикқатини қаратишга ёрдам берди. Бу вақтда унинг ҳаёти қўркув ва ачиниш билан ўтган бўларди, аммо роҳатбахш бўлди, деб таъкидлайди унинг ўзи.

Галлагернинг қизикувчанлиги кучайиб, дикқатнинг –

нимага эътибор бериш ва нимани эътиборсиз қолдириш – ҳаётимиз сифатини белгилашда қандай аҳамиятга эгалигини яхшироқ тушунди. Беш йил илм-фан янгиликларини ёзид, у аклнинг “кенг қамровли назарияси” гувоҳи бўлганига ишонди:

“Ойга ишора қилаётган бармоқлар сингари, антропологиядан тортиб, таълимгача, феъл-автор иқтисодидан тортиб, ошлавий маслаҳатгача бўлган илмлар бир овоздан дикқатни моҳирона бошқарииш яхши ҳаёт кечиришининг тамал тоши ва тажрибангизни ҳар жиҳатдан бойитишнинг ҳақиқий қалити эканини таъкидлайди.”

Ушбу тушунча кўпчиликнинг ҳаёт тажрибаси ҳақидаги субъектив тушунчаларини остин-устун қиласди. Биз шароитимизга қаттиқ эътибор берамиз, чунки нима юз берса (ёки юз бермаса), туйғуларимизга таъсир қиласди деб ўйлаймиз. Шу нуқтаи назардан, кунингизни қандай ўтказишингизнинг майда тафсилотлари унчалик муҳим эмас, чунки лавозимга кўтарилиш, яхши уйга кўчиб ўтиш ёки ўтмаслигингиз кабилар муҳимроқдир. Галлагернинг фикрича, ўнлаб йиллар мобайнидаги тадқиқотлар бу тушунчанинг аксини кўрсатди. Миямиз дунёқарашимизни нимага эътибор беришимизга асосан шакллантиради. Агар саратон ташхисини ўйлаб юраверсангиз, сиз ва сизнинг ҳаётингиз баҳтсиз ва тунд бўлиб қолади, лекин ноҳуш ҳаёлларни кувиб, эътиборингизни кечки мартинига қаратсангиз, гарчи иккала сценарийда ҳам вазият бир хил бўлса-да, ҳаётингиз янада ёқимли бўлади. Галлагер шундай хуласалайди: “Сизнинг кимлигингиз, нимани ўйлаётганингиз, нимани ҳис қилишингизу бажаришингиз, нимани яхши кўришингиз – эътиборингиз қаратилган нарсаларнинг умумий йигиндиси.”

“Завқ” асарида Галлагер онг ҳақидаги ана шу тушучани кувватлайдиган тадқиқотларни келтиради. Жумладан, Шимолий Каролина университетидан ҳиссиёт-

ларнинг ақлий баҳоланишини ўрганган психолог Барбара Фредриксоннинг сўзларини келтиради. Фредриксоннинг изланишлари кўрсатадики, ҳаётингизда нохушлик содир бўлгач, нимага эътибор беришингиз, сизнинг келгусида ги ўй-хаёлларингизни белгилайди. Ушбу оддий танловлар ҳис-туйғуларингизни “қайта тиклаш тутмачаси” бўлиши мумкин. У уй ишларининг нотенг таҳсимоти устида жанжаллашаётган эр-хотинни мисол сифатида келтиради. “Жуфтингизнинг худбинлиги ва ялқовлиги ҳақида ўйлашдан кўра, – дейди у, – ҳеч бўлмаганда можарога сабаб бўлган нарсага эътибор қаратсангиз бўларди, чунки бу муаммо ечими ва кайфият яхшиланишига биринчи қадамдир. Бу ҳаётнинг ёруғ томонига қарашга ундовчи жўн насиҳат каби туюлади, лекин Фредриксон ушбу хиссий “таъсир кучлари”дан тўғри фойдаланиш нохуш воқеалардан кейин сезиларли ижобий натижалар бериши мумкинлигини аниклади.

Олимлар ушбу таъсирни неврологик даражагача барча босқичларда кузатиши мумкин. Стэнфорд психологи Лаура Карстенсен салбий ва ижобий тасвирлар кўрсатилган тажриба қатнашчилари миясининг ФМРТ сканерида олинган суратларидан фойдаланган. Психолог ёш қатнашчиларнинг амигдаласи (ҳиссиётлар маркази) ҳар иккала тасвирни кўрганда ҳам фаоллашганига гувоҳ бўлди. Аксинча, кекса одамларни сканердан ўтказганда, уларнинг ҳиссиёт маркази улар фактат ижобий суратларни кўргандагина фаоллашган. Карстенсеннинг тахминича, кексалар салбий суратни кўрганда уларнинг олд бош мияси амигдала фаоллашувини чеклашга ўрганган. Ушбу кекса қатнашчилар ҳаёт шароити ёшларникидан яхшироқ бўлгани учун эмас, балки уларнинг мияси олинган салбий қўзғалишини эътиборсиз қолдириб, ижобийларини қабул қилишга ўргангани учун ўзини баҳтлироқ ҳис қиласди. Улар ўз дикқатини мохирона бошқариш орқали бирор нарсани ўзгартирмасдан ўз дунёсини яхшилай олдилар.

Яхши ҳаёт қуришда теран ишнинг аҳамиятини чукуррок англаш мақсадида яна Галлагернинг назариясига мурожаат қиласиз. Ушбу назарияга биноан, бизнинг дунёмиз нимага эътибор қаратадиган бўлсан, ўшанинг оқибатидир. Демак, бирор ишга вакт ажратадиган, у яратган ақлий оламга бир лаҳза назар ташланг. Сиз килич ўткирлаётган Фаррер бўласизми ёки алгоритм тузадиган компьютер дастурчисими, ўша қилаётган теран меҳнатингизда жозиба ва аҳамиятлилик ҳисси мавжуд. Шу боис, Галлагер назариясида таъкидланадики, шу алфозда етарлича машғул бўлсангиз, ички дунёнгиз мазмун ва аҳамият жиҳатдан қанчалар бой эканлигини англайсиз.

Шунингдек, иш тартибингизда завқли дикқатни ривожлантиришнинг яширин, лекин анча аҳамиятли фойдаси ҳам мавжуд: дикқатни бу тарзда жамлаш эътибор марказингизни ҳаётимизни қамраб олган ва кутулиб бўлмайдиган ёқимсиз, сон-саноқсиз майда-чўйда нарсалардан йироклаштиради. (Кейинги бобларда сўз юритадиганимиз психолог Михай Чиксентмихайи бу афзалликка берган батафсил изоҳларидан бирида “Муаммолар ҳакида қайғурмаслик, кераксиз икир-чикирларни ўйламаслик учун дикқатни пухта жамлаш”нинг фойдасини таъкидлайди.) Бу хатар, айникса, ноўрин электрон мулокотларга қарамлиқ кўплаб чалғишиларга сабаб бўлувчи ақлий фаслиятда сезилади – агар эътибор билан ёндашилса, ақлий фаолият онгимиз қурган дунёда маъно ва аҳамият яратиши мумкин.

Бу қарашни янада аниқлаштириш учун ўзимни синовдан ўтказаман. Бу бобни ёзишга киришишдан аввал ўзим жўнатган охирги бешта электрон хатни кўриб чиқайлик. Куйида ўша хатлар мавзуси ва қисқача мазмуни берилган:

Re: ШОШИЛИНЧ колниупорт Брендинг рўйхатдан ўтгани. Бу хабар веб-сайт эгаларига ўз

доменларини Хитойда рўйхатдан ўтказишга ёрдам беришни ваъда қилган фирибгар компаниянинг одатий алдамчи таклифига жавоб тарзида ёзилган. Улар кераксиз хабарлар жўнатавериб асабимга тегишганди, шунинг учун вазминлигимни йўқотиб (албатта, фойдасиз), уларга хатда ҳеч бўлмаса “веб-сайт” сўзини тўғри ёзганда ишончлироқ бўлишини айтиб жавоб ёздим.

Re: СР. Бу хабар оиласмининг бир аъзоси билан у “Wall Street Journal”да ўқиган мақола юзасидан сұхбат эди.

Re: Мұхим маслаҳат. Бу эмейл энг яхши пенсия сармояси стратегиялари ҳақидаги сұхбатнинг бир қисми.

Re: Fwd: Study Hacks. Бу хат шаҳримизга келган танишим билан учрашишга вақт топишга уринаётган пайтимдаги (чунки унинг вақти тифиз эди) сұхбатнинг бир парчаси.

Re: Шунчаки қизиқ. Буниси эса бир ҳамкасбим билан бирга офис ички тартибидағи баъзи тиканли масалаларга (илмий бўлимларда тез-тез учрайдиган сийқаси чиққан муаммолар) доир сұхбатимизнинг бир қисми.

Ушбу хатлар аклий фаолиятда дикқат-эътиборингизни банд қилувчи саёз юмушларга яққол мисолдир. Юқоридаги намуналарда келтирилган баъзи масалалар заарсиз, жумладан, қизиқарли мақолани муҳокама қилиш, баъзилари эса жуда чарчатади, масалан, пенсия жамғармаси стратегияси тўғрисидаги сұхбат (бундай турдаги муҳокама тўғри иш қилмаёттанингиз ҳақидаги одатий гаплар билан яқунланади), баъзилари жаҳлингизни чиқаради, чунки ўзи шундогам банд бўлган кун тартибига яна бир йигилишни тиқишишади, баъзилари ғазабнок, жумладан, спамларга ошкора жаҳл билан жавоб қайтарилади,офисдаги муаммолар ҳақида айтилади.

ТЕРАН ИШДА МАЬНО БОР

Аксарият аклий меҳнат ходимлари иш кунининг кўп қисмини шу турдаги саёз ташвишлар билан ўтказиб юборади. Ҳатто улардан ишларини астойдил бажариш талаб этилса ҳам, электрон почталарини тез-тез текшириб туришни канда қилмаслиги уларнинг дикқат марказида айнан нима туришини кўрсатади. Галлагер бу иш кунини режалашнинг аҳмоқона усули эканлигини таъкидлайди, чунки онгингиз кундалик стресс, асабийлашиш, жаҳлдорлик ва икир-чикирлар асосида ишдаги ҳаётингизни бошқаради. Электрон почтангиз таъсирида яралган онгин-гиздаги оламда яшаш ёқимли эмас.

Ҳамкасларингиз жуда самимий, меҳрибон ва ўзаро муносабатларингиз доимо илиқ бўлса-да, дикқатингизни саёзликнинг алдамчи оқимига қўйиб берсангиз, Галлагер аниқлаган бошқа неврологик тузокқа тушиб қолишингиз эҳтимоли бор: “Дикқат бўйича беш йил мобайнида тайёрлаган хабарларим баъзи ҳақиқатларни тасдиқлади. Уларнинг орасида шундай тасаввур бор: эринчоқ онг – иблиснинг устахонаси... Сиз дикқатни йўқотганингизда, онгингиз тўғри йўлдан кетиш ўрнига хато йўналишни танлайди”. Неврологик нуқтаи назардан қарасак, дикқатингизни тортган аксар саёз ишлар зарарсиз ёки қизиқдек кўринса ҳам, саёз ишлар билан тўлган қунингиз толиқтирадиган, хафа киладиган кундир.

Ушбу топилмаларнинг маъноси аниқ. Ишда (айниқса аклий ишда) теран фаолиятга кўпроқ вақт ажратиш инсон миясига мураккаб неврологик механизмлар орқали шундай туртки берадики, оқибатда ишингиздан ҳақиқий маъно ва қониқиши олиш кўпаяди. Галлагер ўз китобини шундай якунлайди: “Саратонни бошимдан кечирарканман, ҳаётимнинг қолган қисмини қандай ўтказишни режалаб олдим. Мақсадларимни эҳтиёткорлик билан танлайман... кейин уларга бутун дикқатимни қаратаман. Қисқаси, мен мақсадли ҳаёт кечирмоқчиман, чунки шу энг яхши ҳаётдир”. Унга эргашсак, нақадар оқилона иш бўларди.

ТЕРАНЛИК УЧУН ПСИХОЛОГИК АРГУМЕНТ

Нима сабабдан теранлик маъно яратиши ҳақидаги навбатдаги аргументни дунёнинг энг машҳур (ва фамилиясини ёзишда энг кўп хато килинадиган) психологларидан бири Михай Чиксентмихайи баён этган. 1980-йилларнинг бошида Чиксентмихайи Чикаго университетидаги ёш ҳамкасби Рид Ларсон билан биргаликда кундалик одатларнинг психологик таъсирини ўрганишнинг янги усулини ихтиро қилди. Ўша пайтлари турфа ҳаракатларнинг психологик таъсирини баҳолаш кийин эди. Агар лабораторияга бирор кишини олиб келиб, ундан бир неча соат илгари айнан бир муддат давомида ўзини қандай ҳис қилганини сўрасангиз, эслай олмасди. Бунинг ўрнига унга кундалик бериб, кун бўйи ўзини қандай ҳис қилгани ҳақида маълумот киритиб боришни сўраганингизда ҳам, у буни ихлос билан килиши душвор эди – шунчаки бу жуда кўп иш.

Чиксентмихайи ва Ларсоннинг янгилиги шахсга сўровни керакли вактда етказиб берадиган янги технологиядан (ўша давр учун) фойдаланиш эди. Янада аниқроқ айтсак, улар тажрибада катнашаётганларга пейжер (шахсий кўнғироқлар қурилмаси) тарқатди. Бу қурилмалар худди ҳозирги замонавий смартфонлардаги иловалар каби ихтиёрий танланган пайтда овоз чиқаарди. Сигнал бўлганда иштирокчилар худди шу онда нима қилаётгани ва ҳиссиятларини қайд қилиб боради. Баъзан бу маълумотларни ёзib бориш учун маҳсус журнал, баъзан эса соҳа ходими боғланиб савол бериши учун телефон рақам бериларди. Сигналлар ахён-ахёнда белги берса ҳам, эътибор бермасликнинг иложи йўқ эди ва иштирокчилар тажриба талабларига риоя қиласди. Ўзлари машғул бўлаётган ишни *айни ўша пайтда* қайд қилиб боришлари сабабли жавоблар аниқ бўларди. Чиксентмихайи ва Ларсон бу ёндашувни намуна асосидаги тажриба методи (НТМ) дея номлади ва у кундалик ҳаётнинг ҳар бир

ТЕРАН ИШДА МАЪНО БОР

палласида ўзимизни қандай хис қилишимизни бемисл шаклда ўрганиш имконини берди.

Бошқа муҳим кашфиётлари қатори, Чиксентмихайининг НТМ асосида ўтказган тадқиқоти ўн йиллар давомида шакллантирган назариясини амалда асослашга шароит яратди: “Энг яхши лаҳзалар инсоннинг танаси ёки онги бирор оғир ва арзирли ишни бажариш учун кўнгилли равишда ўзини мумкин қадар зўриқтирганда бўлади.” Михай Чиксентмихайи бу шуурий ҳолатни “оким” (flow) деб агади. (Бу атама 1990 йилда чикқан айни шу номдаги китоби орқали оммалашди.) Ўша даврда бу янгилик анъанавий тушунчани рад этди. Кўпчилик ҳордик чиқариш уларнинг ўзини баҳтли ҳис этишига ёрдам беришига ишонарди (хозир ҳам ишонади). Кам ишлаб, кўпроқ дам олишни истаймиз. Бироқ Чиксентмихайининг НТМ тадқиқотлари бунинг хатолигини кўрсатди:

“Ажабки, ишилаш аслида бўш вақтдагидан кўра кўпроқ завқ бераркан, чунки оқим каби фаолиятларнинг ҳам ўзига яраша мақсадлари, қоидалари ва тўсиқлари бор, булар барчаси инсонни ўз ишига янада жалб қилиб, бутун диққат-эътиборини тортади, ўзини унумтиради. Бўш вақтда эса тартиб бўлмайди, завқланиш мумкин бўлган шаклга келгунича анча тер тўкишингиз керак бўлади.”

Эмпирик жиҳатдан баҳоласак, одамлар дам олаётганида эмас, ишилаётганида ўзлари ўйлаганидан кўра баҳтироқдир. НТМ тадқиқотлари тасдиқлаганидек, ҳафтасига одам қанча кўп ўзини “оким”да ҳис қиласа, шахснинг ўз ҳаётидан мамнунлиги шунчалик юқори бўлади. Афтидан, инсонлар бирор катта куч ва саъй-харакат талаб қиласидан ишга теран берилган пайти энг яхши натижага кўрсатади.

Албатта, оқим назарияси ва аввалги бобимизда ёритилган Уинифред Галлагер ғоялари ўргасида боғлиқлик бор. Иккиси ҳам теранликнинг саёзликдан устуворлигига ургу беради, бироқ улар бу устуворликка иккى хил изоҳ

берган. Галлагернинг нуктаи назарига кўра, дикқат қартилаётган нарсанинг мазмуни аҳамиятлироқдир. Агарда аҳамиятли нарсаларга бутун эътиборимизни қаратсак, ва шу боис, саёз салбий ишларни четга сурсак, ишдаги ҳаётимиз аҳамиятли ва ижобий кўрина бошлади. Чиксентмихайнинг оқим назарияси эса, аксинча, дикқат-эътиборнинг мазмуни аҳамиятига шубҳа билан қарайди. Гарчи у Галлагер тилга олган тадқиқотни ёқласа ҳам, унинг назариясига кўра, теранликка шўнғиши ҳиссининг ўзи етарли ва ёқимлидир.

Теран меҳнат ва “оқим”нинг ўзаро боғлиқлиги аниқ бўлиши лозим: теран иш “оқим” ҳолатини пайдо қилувчи энг мувофиқ фаолиятдир (Чиксентмихайи “оқим”ни юзага келтирувчи омилларни санаганда онгнинг зўриқиб ишлаши, дикқатни жамлаш, бор вужуди билан киришишни тилга олганки, булар айнан теран иш учун ҳам хосдир). Ҳозир ўрганганимиздек, “оқим” завқ-шавқ беради. Мазкур икки ғояни бирлаштиrsак, теранликни ёқловчи психологияк аргумент чиқади. Чиксентмихайнинг НТМ тадқиқотлари шуни яққол кўрсатадики, теранликка шўнғиши онгимизни тартибга солиб, ҳаётимизга қиймат беради. Чиксентмихайи янада чуқурлашиб, “ишлар “оқим”даги фаолиятга иложи борича ўхшаши учун қайта ташкилланиши зарур” дея замонавий компанияларни бу воқеликни қабул қилишга чақиради. Шу билан бирга, у бундай қайта тузишлар мушкул ва кескин кечишини ҳам қистириб ўтади (менинг аввалги бобдаги аргументларимга қаранг). Чиксентмихайи *ҳар бир шахс “оқим” ҳолатига кира олиши* учун ўзига имкониятни қандай яратишни ўрганиши зарурлигини ҳам изоҳлайди. Пировардида, экспериментал психология оламига қилган қисқа саёҳатимиздан чиқарган сабоғимиз куйидагича: теран иш маҳсули бўлган “оқим” атрофида ўз касбий фаолиятимизни шакллантиришимиз қониқишишга етакловчи ишончли йўлдир.

ТЕРАНЛИК УЧУН ФАЛСАФИЙ АРГУМЕНТ

Теранлик ва маънолилик орасидаги боғлиқликни тасдиқловчи сўнгги аргумент билан танишиш учун неврология ва психологиянинг мустаҳкам оламидан бироз четлашиб, фалсафий ёндашувга мурожаат қиласиз. Бу мавзуни кенгрок очиб бериш учун бир жуфт олимдан ёрдам оламиз. Улар кирк йилдан буён Берклида фалсафадан таълим бериб келаётган Хуберт Дрейфус ва мазкур китобни ёзаётганимда Ҳарвард фалсафа факультети мудири бўлиб ишлаётган Шон Дорранс Келлидир. 2011 йилда улар ҳаммуаллифликда ёзган “Нурли барча нарсалар” асарида муқаддаслик ва маъно тушунчалари инсоният тарихида қай тарзда тадрижий шаклланганини муҳокама қилган. Улар бу тарихни қайта тиклашга ҳаракат қилишди, чунки бу тарих бизнинг кунимизга келиб якун топишидан хавотирда эди. “Дунё турфа шаклдаги муқаддас ва нурли нарсалар олами эди. Ҳозир эса ўша нурли нарсалар биздан олислаб кетаётгандек”, дейилади китоб аввалида.

Хўш, бу орада нима содир бўлди ўзи? Муаллифлар таъкидлашича, бунинг жавоби Декарт. Декартнинг скептицизми таъсирида ҳақиқат маёги бўлган Худо ёки киролни четга сурган, аниқлик излаган шахс ҳақидаги эътиқод пайдо бўлди. Унинг натижаси бўлмиш маърифатчилик инсон ҳуқуқлари тушунчасини яратди ва кўпчиликни жабр-зулмдан озод қилди. Лекин, Дрейфус ва Келли таъкидлашича, маърифатчилик сиёсий жабҳада кўп ижобий ўзгаришлар қилган бўлса-да, метафизик соҳада у маъно яратувчи муқаддасот ва тартиботни йўқ қилди. Маърифатчилик давридан кейин биз оламда нима маънога эгаю, нима эга эмаслигини аниқлашни ўз олдимизга мақсад қилиб кўйдикки, бу афтидан ҳар кимнинг ихтиёрида бўлгани учун яширин нигилизмга йўл очди. “Маърифатчиликнинг автоном шахсни метафизик жиҳатдан қабул қилиши нафақат ҳаётни зерикарли қиласи, айни чоғда, умуман яшаб бўлмас муҳит яратади”, дейди

Дрейфус ва Келли хавотир билан.

Бу муаммо бир қарашда теран ишдан қоникишини англаш борасидаги изланишимизга алоқаси йўқдек түюлса-да, Дрейфус ва Келли таклиф қилган ечимни ҳисобга олсак, касбий фаолиятимиздаги маъно манбайнини англаш юзасидан янги ва анча бой тушунчаларни кашф этамиз. Бундай боғлиқлик у қадар таажжубли эмас, зеро Дрейфус ва Келлининг замонавий нигилизмга билдирган муносабати мазкур бобда сўз юритилган мавзу – ҳунармандликка асосланган.

Дрейфус ва Келли ўз китобларининг хуроса қисмида баён қилганидек, ҳунармандлик муқаддаслик ҳиссини қайта уйғотишда катта роль ўйнайди. Улар мисол тариқасида ҳозирда ўлик касбга айланиб ултурган ёғоч от-арава ғилдираклари ясовчи устани келтиради. “Ҳар бир ёғоч бўлаги ўзига хос бўлиб, ўз шахсиятига эга, – дейди муаллифлар ғилдирак ясовчи устанинг ишини тасвирлаб бўлгач. – Ёғочсоз ўзи ишлов берадиган ёғочга дилдан яқин бўлади. Унинг нозик хислатлари мохирлик билан юзага чиқарилиши лозим”. Ҳунарманд ёғочнинг шу “нозик хислатларини” қадрлар экан, у маъно манбайнини ўзидан ташқаридан излашдек маърифатчиликдан кейин шакланган тушунчага дуч келади, деб таъкидлайди муаллифлар. Ғилдираксоз ҳунарманд ёғочнинг ўзи ишлов берадиган хислатларидан қай бири қадрли ва қайсилари қадрсиз эканлиги тўғрисида ўзбошимчалик билан қарор чиқармайди; бу қадр ёғоч ва бажариладиган ишнинг ўзида мужассам.

Дрейфус ва Келлининг тушунтиришича, бундай муқаддаслик ҳунармандлик учун жуда хос. Ҳунарманднинг вазифаси, хуросалайди улар, “маъно яратиш эмас, балки аллақачон ўзида мавжуд бўлган маънони англаш маҳоратини сайқаллашдир.” Бу эса маънонинг тартибли оламини яратган ҳолда ҳунармандни автоном индивид нигилизмидан озод қиласди. Шу билан бирга, бу маъ-

ТЕРАН ИШДА МАЬНО БОР

но олдинги даврларда тилга олинган манбалардан хавфсизроқ туюлади. Ҳар ҳолда ғилдираксоз уста бир бўлак қарагайнинг хос сифатидан мустабид ҳукмдорни оқлаш учун осонликча фойдалана олмайди.

Ўз ишидан қониқиши масаласига қайтсак, Дрейфус ва Келлининг ҳунармандликни маънога элтувчи йўл сифатида кўриши Ричард Фаррер каби кишиларнинг иши нега кўнглимизга бунчалик яқинлигини нозик изохлайди. Бу файласуфларнинг таъкидлашича, қўпол металдан санъат асари яратадиганда Фаррернинг чехрасида пайдо бўлган мамнунлик замонавий ҳаётда машакқатли ва қадрли бўлган нарсани – муқаддас бир нарсани қадрлаш ифодасидир.

Англаганимиздек, анъанавий ҳунармандликда мужассам бўлган муқаддасликни ақлий фаолият дунёсига боғлашимиз ҳам мумкин экан. Бунинг учун, аввало, икки муҳим жиҳатга эътибор қаратишимиш лозим. Биринчиси, гарчи ёққол кўриниб турса ҳам, аммо унга алоҳида ургу бериш керак: маъно манбаи сифатида қўл меҳнатида қандайдир яширин сир йўқ. Кучли маҳорат талаб қиласидан ҳар қандай фаолият – хоҳ жисмоний, хоҳ ақлий бўлсин – муқаддаслик туйғусини юзага келтириши мумкин.

Ушбу қарашни кенгроқ ёритиш учун ёғоч ўймакорлиги ёки металлга ишлов бериш сингари қадимий ишлардан замонавий компьютер дастурлашига ўтайлик. Дастурлаш бўйича фавқулодда истеъод соҳиби Сантьяго Гонзалеснинг интервью чоғи ўз ишини қандай тасвирилаганига эътибор беринг:

“Гўзал код қисқа ва лўнда бўлиши керакки, ўша кодингизни бошқа дастурчига берганингизда “Вой, бу жуда яхши ёзилган код экан”, десин. Бу худди шеър ёзишига ўхшайди.”

Гонзалес компьютер дастурлаши ҳақида Дрейфус ва Келли тилга олган ҳунармандлар ўз ҳунарларини

тасвирилагандек гапиради.

Компьютер дастурлаш соҳасидаги ажойиб китоб – “Прагматик дастурчи”нинг мұқаддима қисміда дастурлаш ва эски хунармандлық ўртасидаги боғлиқлик ўрта аср кон ишчилари ишончини ифодаловчи мисол орқали яққол күрсатиб берилади: “Биз, оддий тошларни кесувчилар доимо черков жомеини тасаввур қилишимиз керак”. Кейин китобда дастурчилар ҳам ишларига шу тарзда муносабатда бўлиши кераклиги уқтирилади:

“Ҳар қандай лойиҳанинг умумий тузилишида инди-видуаллик ва маҳорат күрсатиш учун доим жой бор. Бугунги замонавий муҳандисларга ўрта аср черков қурилишида ишлатилган техникалар қанчалик қадимий кўринса, юз йиллардан кейин бизнинг муҳандислик усулларимиз ҳам шундай кўринади. Уста маҳоратимиз эса доимо ҳурматга сазовор бўлиб қолаверади.”

Бошқача айтганда, қилаётган ишларингиз Дрейфус ва Келли назарда тутган маънени яратса оладиган маҳорат бўлиши учун очиқ ҳавода тер тўкишингиз шарт эмас. Ахборот иқтисодиётининг кўпгина маҳоратталаб ишларида хунармандликка хос потенциал бор. Ёзувчи ё маркетолог, маслаҳатчи ёки ҳуқуқшунос бўласизми, ишингиз барибир хунардир, агар ўз кобилиятингиз устида ишласангиз, уни ҳурмат ва қунт билан кўллай билсангиз, моҳир ғилдирак ясовчи уста сингари касбий ҳаётингиз заҳматларидан маъно-мазмун топишингиз мумкин.

Баъзи одамлар ишлари жуда зерикарлилигини таъкидлаб, ақлий меҳнатлари маъно-мазмун манбаси бўлолмаслигини айтиши мумкин. Бироқ анъанавий хунармандликни кўриб чиқиши ёрдам бериши мумкин деб ўйлаш ҳам хато. Ҳозирги маданиятимизда биз ишларнинг тавсифига катта аҳамият берамиз. Масалан, “Ҳиссиётларингга эргаш” (менинг сўнгги китобим мавзуси) қабилидаги маслаҳатга қаттиқ амал қилишимиз “каръерангиздан қониқишингизда

ТЕРАН ИШДА МАЬНО БОР

танлаган ишингизнинг хос хусусиятлари мухим роль ўйнайди”, деган (хато) ғоя маҳсулидир. Шу тарикә фикр-ласак, кишига қоникиш ҳиссини бериши мумкин бўлган баъзи касблар, дейлик, нотижорий ташкилот ёки дастурий таъминот компаниясида ишлашдан бошқа барчаси руҳсиз ва зерикарли бўлиб қолади. Дрейфус ва Келли фалсафаси бизни бундай тузоклардан саклайди. Улар келтирган ҳунармандларнинг иши асло юксак иш эмас. Бутун инсоният тарихи давомида темирчилик ёки ғилдирак ясовчи усталик ҳавас қиласларли касб бўлмаган. Аммо бу мухим эмас, чунки ишнинг ўзига хосликлари аҳамиятсиз. Бу ишлардан чиқадиган маъно ишнинг ўзи эмас, балки унда кўлланадиган маҳорат ва ҳунарнинг ўзида мужассам қадрият самарасидир. Бошқача айтганда, ёғоч ғилдирак юксаклик эмас, аммо унга шакл бериш юксаклик бўла олади. Худди шу гап ақлий меҳнат қилувчиларга ҳам тегишли. Сизга юксак ишнинг кераги йўқ, аксинча, ўз ишингизга ёндашувингиз юксак бўлиши лозим, холос.

Ушбу мунозаранинг иккинчи асосий хulosаси шуки, моҳир ҳунарманд бўлиш жуда теран вазифадир ва, бинобарин, теран ишлашга содикликни талаб қиласди. (Эсланг, биринчи бобда теран иш маҳоратни ривожлантириш ва уни олий даражада қўллаш учун керак, деган эдим – булар ҳунармандлик ўзагидир.) Шу боис, теран иш, Дрейфус ва Келли тасвирлагандек, касбингиздан маъно топишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Демак, ўз карьерангизда теран ишни қабул қилиш ва уни маҳоратингизни шакллантиришга йўналтириш ишингизни чалғитувчи, залварли мажбуриятлардан мамнунлик ва қоникиш багишлайдиган фаолиятга айлантиради, порлок ва ажойиб оламга йўл очади.

HOMO SAPIENS DEEPENSIS


Биринчи бўлимнинг дастлабки иккита боби амалий характерда эди. Уларда теран иш иқтисодиётимизда тобора мухим аҳамият касб этаётгани, айни чоғда камёб бў-

либ бораётгани (баъзи бир мантиқсиз сабабларга кўра) таъкидланди. Бу классик бозор зиддиятларини акс этиради: агар ушбу маҳоратни ривожлантирсангиз, профессионал жиҳатдан юксаласиз.

Ушбу якуний бобда эса иш жойини яхшилаш бўйича амалий мунозара қилинмайди. Шунга қарамай, бу аввалги ғояларни мустаҳкамлаш учун зарур. Навбатдаги саҳифаларда касбий ҳаётингизни теранликка асосланган ҳаётга айлантиришнинг қатъий дастури баён қилинади. Бу, албатта, мураккаб ўтиш жараёни ва бошка шу каби уринишларда бўлганидек, пухта асосланган амалий аргументлар сизни муайян даражагача интилишга руҳлантиради. Ўша даражага эришгач, келгуси интилишингиз ўз-ўзидан давом этиб кетиши керак. Бу бобнинг асосий мағзи ҳам шунда: теранлик қабул қилингач, у ўз-ўзидан ривожланиши муқаррар. Теран фаолиятта хоҳ неврологик, хоҳ психологик ёки фалсафий жиҳатдан ёндашасизми, улар ҳаммаси теранлик ва маънонинг ўзаро боғлиқлигига олиб боради. Бу худди тур сифатида инсон зоти теранликда яшновчи ва саёзликда сўлувчи “*Homo sapiens deepensis*”га айланиб бораётгандек.

Олдинги саҳифаларда теранликни қабул қилган Уинифред Галлагердан қуидагича иқтибос келтиргандим: “Мен мақсадли ҳаёт кечирмоқчиман, чунки шу энг яхши ҳаётдир.” Эҳтимол мазкур бобнинг ва биринчи бўлимнинг асосий ғоясини ифодаловчи энг яхши хулоса шудир: “Нима бўлганда ҳам, теран ҳаёт – яхши ҳаётдир.”

ҚОИДАЛАР



Биринчи қоида

ТЕРАН МЕҲНАТ ҚИЛИНГ

Дэвид Дуэйн билан “Дюпонт айланаси” барыда сухбатлашиб ўтирганимизда у “Эвдемония машинаси” ҳақида гапирди. Дуэйн архитектура профессори, шу боис концептуаллик ва конкретлик орасидаги боғлиқликни тадкиқ қилишга жуда қизиқади. “Эвдемония машинаси” ана шу боғлиқликка яхши мисолдир. Номи юононча “e-daimonia”дан олинган (бор инсоний потенциалингиз рүёбга чиқадиган ҳолат) бу “машина” аслида бино экан. “Машинадан кўзланган мақсад, унда шундай муҳит яратишdirки, токи фойдаланувчилар теран инсоний юксалиш ҳолатига кира олсин, шахсий қобилият ва маҳоратларини намойиш эта олсин”, дейди Дэвид. Бошқача айтганда, у энг теран ишга шўнғиши имконини берадиган килиб лойиҳаланади. Тахмин қилганингиздек, мен ҳам бу лойиҳага жуда қизиқиб қолдим.

Дэвид ғоясини шарҳлар экан, қалам билан унинг тархини чизиб кўрсатади. Тузилма кетма-кет бир илга тизилгандек бешта хонадан иборат бир қаватли торгина тўртбурчак шаклида экан. Ўртада йўлак умуман йўқ, бир хонага бошқаси орқали ўтишингиз керак бўлади. Дуэйн таъкидлаганидек, “[йўлакнинг йўклиги] машина ичига кириб борганингиз сари бирорта жойни четлаб ўтиб кетмаслигинги учун зарур”.

Кўчадан кираверишда биринчи хона галерея, деб аталар экан. Дуэйннинг режасига биноан, бу хонада бинода

килингган теран иш намуналари жойлаштирилади. Бундан кўзланган мақсад, соғлом стрессни вужудга келтирувчи, шерикларнинг бир-бирига ижобий таъсирини қувватловчи маданият яратиш орқали бу ердан фойдаланувчиларни рухлантиришдир.

Галерейдан ўтгач, салонга кирасиз. У ерда, Дуэйннинг фаразича, энг сифатли қаҳва ва бар, шунингдек, юмшоқ ўринидиклар ва Wi-Fi ҳам бўлади. Салон кизикувчанлик ва мунозара кайфияти хукмрон жой бўлади. Бу баҳсласиши, “хаёлга чўмиш”, ва умуман, шу ерда теран ишламоқчи бўлган ғояларингизни бўлишадиган маскандир.

Салондан ўтиб кутубхонага йўл оламиз. Бу хонада шу ерда бажарилган ишларнинг доимий қайди, шунингдек, олдинги ишларда қўлланилган китоблар ва бошқа манбалар сақланади. Лойиҳангиз учун зарур маълумотларни тўплаш ва йиғиш учун нусхаловчи қурилма ва сканерлар ҳам бўлади. Дэвид кутубхонани “машинанинг қаттиқ диски” деб таърифлайди.

Кейинги хонаофислар майдони. У ерда доска кўйилган одатий конференция хонаси, столлар жойлаштирилган алоҳида бўлмачалар бўлади. “Офис унча зўрикиш талаб қилмайдиган ишлар учун мўлжалланган”, дейди Дуэйн. Атамаларимиздан фойдалансак, бу ерда лойиҳангиздаги саёз ишларни битказиб олишингиз мумкин. Дуэйннинг мўлжаллашича, фойдаланувчиларнинг самарадорликни ошириш кўникмаларини ўстиришга кўмаклашувчи администратор ҳам бўлади.

Шу ердан сўнгги хонага, Дуэйн таъбири билан айтганда, “теран иш бўлмаси”га ўтилади (албатта, “теран иш” атамасини менинг мақолаларимдан олган). Ҳар бир бўлма 1.8x3 метр ўлчамда бўлиб, деворлари овоз ўтказмайди. Теран меҳнат хонасидан кўзланган мақсад чалғишиларсиз бутун диққат ва эътибор билан ишлашга шароит яратишидир. У шунаقا бир жараённи тасаввур қилдики, унда 90 дақиқа ичкарида ишлашга сарфланса, 90 дақиқа

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕХНАТ ҚИЛИНГ

танаффус қилинади ва шу зайлда 2-3 марта тақрорланади, чунки шу нуктада миянгиз бир кунлик дикқат чегарасига етади. Ҳозирча “Эвдемония машинаси” фақат меъморий чизмалар тўпламидан иборат холос, аммо режа шаклида бўлса ҳам, унинг теран ишни кувватлаш потенциали Дуэйнни ўзига ром қилди. “Бу лойиҳа миямда ўзим яратган энг қизиқарли архитектура намунаси сифатида сақланиб қолади”, дейди у.

Теран меҳнатнинг асл қадр-киммати кучоқ очиб кутиб олинадиган идеал оламда “Эвдемония машинаси” сингари лойиҳаларга албатта имкон мавжуд. Эҳтимол, Дуэйн яратган дизайн бўйича бўлмас, аммо ишлаш муҳити ва маданияти миямиздан иложи борича кўпроқ фойдаланишга ёрдам беради. Афсуски, бу тасаввурлар ҳозирча ҳақиқатдан йирок, чунки бугун почтамизни эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган ва йиғилишлар поён билмайдиган очик оғисларда ишлаймиз. Бу муҳитда ҳамкасбларингиз энг самарали натижаларга эришишингизни эмас, сўнгти ҳатларга тезроқ жавоб ёзишингизни афзал кўради. Мазкур китоб ўкувчиси сифатида сизни саёз оламдаги теранлик тарафдори дейиш мумкин.

Китобнинг иккинчи бўлимидағи тўрт қоиданинг биринчиси шу зиддиятни бартараф этишга қаратилган. Сизда “Эвдемония машинаси” бўлмаса ҳам, ҷалғитувчи касбий ҳаётингизда куйида баён этилажак стратегияларни кўллашингиз бир қадар ёрдам беради. Улар теран ишни шунчаки истаклигича қолиб кетмасдан, кун тартибингизнинг муҳим бўлагига қандай айлантиришни кўрсатади. (Қолган уч қоида эса дикқат қилиш ва ҷалғишлардан сақланиш стратегияларини кўрсатиб, теран ишлаш одаидан максимал даражада фойдаланишингизга ёрдам беради.)

Бу стратегиялар ҳақида сўз очишдан олдин сизни қийнаши мумкин бўлган бир саволга эътибор қаратишни лозим

топдим: Нима учун чалғышларга бунчалик эҳтиёжманд бўлиб қолдик? Бошқача айтганда, теран ишлаш қадрини англаган эканмиз, уни бошлаш пайти келмадимикан? Бизга дикқатни жамлашимиз учун “Эвдемония машинаси” каби мураккаб қурилма ҳақиқатан керакми ўзи?

Бахтга қарши, сўз дикқатсизликни дикқат билан алмаштириш устида кетганда, масала у қадар содда эмас. Бунинг тўғрилигини тушуниш учун теранлик йўлидаги энг асосий тўсиклардан бирини олайлик: бу – эътиборингизни юзаки нарсага қаратишга бўлган ички истак. Бу истак мураккаб нарсага дикқат қилишни қийинлаштиришини кўпчилик билади, аммо унинг мунтазамлиги ва кучини паст баҳолайди.

2012 йили психолог Вилгельм Ҳофман ва Рой Баумейстер ўтказган тадқиқотни эсланг. Унда 205 киши ихтиёрий пайтда сигнал берадиган мослама билан таъминланганди (биринчи бўлимда сўз юритилган НТМ). Мослама жиринглаганда иштирокчидан ўша онда ва охирги ярим соатда нималарни истагани ва истаётгани сўралади, сўнг у ана шу истак юзасидан яна бир нечта саволга жавоб беради. Бир ҳафта ўтиб тадқиқотчилар етти ярим мингдан ортиқ намуна тўплашга муваффақ бўлди ва улар келган хулосанинг мухтасар ифодаси мана бу: *Инсонлар кун бўйи ўз истаклари билан курашади.* Баумейстер (илмий мавзуда ёзувчи Жон Тимей билан ҳаммуаллифликда) “Иродада кучи” номли китобида хулоса киласи: “Истак истисно эмас, балки норма бўлиб қолди.”

Ўша тажрибада иштирок этганлар асосан беш истак билан курашган: еб-ичиш, ухлаш ва жинсий алоқа. Бундан ташқари, оғир ишдан дам олиш, электрон почта ва ижтимоий тармоқларни текшириш, интернет кезиши, мусиқа тинглаш ёки телевизор кўриш ҳам шу рўйхатдан ўрин олган. Интернет ва телевизорнинг қудрати анча кучли чиқди: Иштирокчилар ўзи мойил бўлиб қолган чалғышлардан белгиланган вақтнинг ўргача ярмигача ўзини

тия олди, холос.

Олинган натижалар мазкур бобнинг теран ишни шакллантириш борасидаги қоидаси учун нохуш янгилик ҳисобланади. Кун бўйи теран ишдан бошқа ҳар қандай истакнинг босимида юришингиз мумкин ва Ҳофман-Баумейстер тадқиқотидаги немис иштирокчиларга ўхшасангиз, бу истаклар сизни енгиши аниқ. Ўша иштирокчилар мағлуб бўлса бўлгандир, аммо мен теран ишнинг аҳамиятини тушунганим учун қаттикроқ тиришиб ғалаба қозонаман дейишингиз мумкин. Бу албатта яхши ишонч, аммо мазкур тажрибадан аввал ҳам ўн йиллар мобайнида ўтказилган тадқиқотлар унинг бехудалигини кўрсатди. Рой Баумейстер томонидан ёзилган яна бир қатор мақолаларда ирова кучи ҳақида аҳамиятга молик (ўша вақтда куттилмаган) қуйидаги ҳақиқат ўрин олган:

сизнинг ирова кучингиз чекланган ва фойдалангани сари камая боради.

Бошқача айтганда, сизнинг иродангиз характерингиздаги чексиз ишлатиш мумкин бўлган хусусият эмас, у кўпроқ мушакларга ўхшайди – чарчайди. Мана нима учун Ҳофман ва Баумейстер тадқиқотида қатнашганлар ўз истаклари билан курашишга қийналди – вақт ўтгани сари ҷалғишилар уларнинг чекланган ирова кучини еб битирди ва ўз истакларига ортиқ қаршилик қила олишмади. Ўз одатларингизни шакллантиришда оқил бўлмасангиз, ниятиңгиздан қатъи назар, бу нарса сизда ҳам бўлиши мумкин.

Бу эса навбатдаги стратегиялар ортидаги рухлантирувчи ғояга олиб боради: теран ишлашга одатланиш йўли – куруқ яхши ният билан чекланиб қолмай, касбий ҳаётингизда бўлинмас дикқатни сақловчи, чекланган ирова кучининг ортиқча сарфланишини камайтирувчи одатлар ва тартибларни жорий қилишдир. Тушдан сўнг интернет титкилаётиб туйкус зарур бир ишни бажаришга қарор қилсангиз, интернетдан узилиш учун бутун чекланган ирова кучингизни ишга соласиз, аммо бунақа уринишлар

доим ҳам муваффакиятли бўлмайди. Агар донолик билан иш тартиби ва одатларингизни шакллантирганингизда, дейлик, тушдан сўнг зўрикиш талаб қиласиган ишларингиз учун тинч жой ва вакт ажратганингизда, унчалик кўп ирода талаб этилмас эди. Пировардида теран ишлашингиз оркасидан ютардингиз.

Шуларни ёдда сақлаган ҳолда, куйида келадиган олти стратегияни ирода кучининг чекланганлиги ҳақидаги илмий билимларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилган тартиб ва одатлар куроли дейиш мумкин. Улар теран дикқат талаб қилувчи режалаган ишларингизни осонлаштиради. Бу стратегиялар ишни режалашнинг муайян тартибини тузиш, ҳар бир ишни бошлашдан аввал дикқатни жамлашни осонлаштирадиган одатларни шакллантиришни талаб қиласиди. Баъзи стратегиялар миянгизнинг қизиқиши уйғотувчи маркази ишлашини, бошқалари эса ирода кучингизни қайта қувватлантиришга мўлжалланган.

Теран ишни энг асосий мақсадга айлантиришга шунчаки уриниб кўришингиз мумкин. Лекин бу уринишни куйидаги стратегиялар билан ёки ўзингиз ишлаб чиқсан стратегиянгиз билан қувватлаш қилаётган теран ишингизни касбий ҳаётингизнинг энг зарур қисмига айлантиради.

ТЕРАНЛИК ҲАҚИДАГИ ФАЛСАФАНГИЗ БЎЛСИН

Таникли компьютер мутахассиси Доналд Кнут теран иш ҳақида ўз веб-сайтида қайғуриб ёзади: “Қиласиган ишим соатлаб ўрганишлар ва бўлинишларсиз дикқатни тақозо этади.” Докторант Брайен Чаппел ҳам тўлиқ ставкада ишловчи ота сифатида теран ишни қадрлайди, чунки фақат шу йўл билан берилган қисқа муддатда диссертация ёза олади. У менга теран ишга илк маротаба дуч келиши “ҳаяжонли” бўлганини айтади.

Бу мисолларни келтиришимдан мақсад, Кнут ва Чаппел теранлик аҳамияти борасида яқдил бўлса-да, иш тарзига теранликни сингдириш ҳақидаги фалсафалари

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕХНАТ ҚИЛИНГ

бир-бирига зид эди. Кнут бошқа ҳамма ишларини четта суриб, теран ишни биринчи ўринга қўйган ҳолда ўзига хос “роҳиблик”ни афзал билди (бу ҳақда кейинги бобда батафсилроқ). Чаппел, аксинча, халакитлар билан тўлган доимий куници бошлашдан олдин ҳар тонг бир пайтда (соат 5дан 7.30 гача) ҳеч қандай истисносиз ишлаб, ритмик стратегияни қўллайди. Иккала ёндашув ҳам иш беради, лекин доим эмас. Кнутнинг ёндашуви касбий мажбурияти катта режалар тузиш бўлган кишиларга қўл келиши мумкин, аммо Чаппел агар саёз ишларни қилмаса, ишидан айрилиши турган гап эди.

Теран ишни касбий фаолиятингизга татбиқ қилиш учун ўз фалсафангиз бўлиши керак. (Аввал айтганимдек, теран иш қилиш режасини узоқни кўзлаб тузмасдан кунликни кунда тузилса, бу чекланган иродангизни бошқариш учун етарли бўлмайди.) Лекин бу мисол танловда хушёрликни ҳам тақозо қиласди: Ўз шароитингизга мувофиқ келадиган фалсафани танлашда эҳтиёт бўлинг, чунки хато фалсафа теран ишлаш одатингиз ҳали мустаҳкамланмай туриб уни барбод қилиши мумкин. Бу стратегия худди шундай нохушликтининг олдини олиш бўйича тўртта синалган фалсафий ёндашувни тақдим этади. Булардан мақсад – иш тартибинингизда теран ишни жорий қилиш учун кўплаб усувлар мавжудлиги, улар орасидан ўзингизга мосини танлашга шошилмасликка сизни ишонтиришдир.

ТЕРАН ИШНИ РЕЖАЛАШНИНГ МОНАСТИК ФАЛСАФАСИ

Келинг, энди Доналд Кнутга қайтамиз. У компьютер соҳасида қилган янгиликлари, жумладан, алгоритмларнинг ишлашини таҳлил қилиш бўйича яратган ёндашуви билан машҳур. Бироқ ҳамкаслари Кнутнинг электрон алоқага муносабати сабабли уни хушламайди. Мабодо Кнутнинг Стэнфорддаги веб-сайтига электрон почта манзилини топиш учун кирсангиз, куйидаги қайдга дуч келасиз:

“1990 йил 1 январдан бери, яъни электрон почтани

үчирганимдан бери баҳтли одамман. 1975 йилда электрон почтадан фойдаланишини бошлаган бўлсам, шу почтам билан ўтган 15 йил битта инсон умри учун кўпдек туюлади. Электрон почта ҳаётда ҳаммадан устун туришини кўзлаганлар учун ажсойиб восита бўлиши мумкин, лекин мен учун эмас. Менинг ишим ҳаммадан пастда бўлиш. Мен қиласидиган иш дикъатни бўлмасдан соатларча ўқиши ва ўрганишидир.”

Кнут ўзини дунёдан узиб ҳам кўймаслигини таъкидлайди. Китоб ёзиш учун минглаб одамлар билан мулоқот қилиши ва уларнинг саволу изоҳларига жавоб бериши лозим. У буни қандай уддалади? Анъанавий уй почтаси орқали. Унинг ёрдамчиси манзилга келган ҳатларни қабул қилиб, зарурларини ажратиб олади. Жуда зарур ҳат бўлса, дарров Кнутга етказади, қолганлари билан Кнутнинг ўзи ҳар уч ойда бир танишиб чиқади.

У теран ишни режалашнинг мен “монастик фалсафа” деб атаган усулига амал қиласи. Бу фалсафа саёз мажбуриятларни кескин камайтириш эвазига теран саъй-харакатларни оширишни кўзда тутади. Монастик фалсафа тарафдорларининг аниқ ва юксак қадрлайдиган касбий мақсадлари бўлади ва эришаётган муваффакиятининг катта қисми ўша ишни сидқидилдан теран бажаришига бориб тақалади.

Кнут касбий мақсадларини қўйидагича изоҳлайди: “Компьютернинг муайян соҳаларини охиригача ўрганишга харакат қиласман. Кейин ўрганганимни ўрганишга вакти йўқ одамларга тушунарли ва осон шаклда етказиб беришга тирищаман.” Кнутни “Twitter”да аудитория йиғишига ёки электрон почтадан кўпроқ фойдаланишнинг имкониятларига кўндириш самарасиз, чунки бундай ишлар компьютернинг аниқ бир соҳасини чукур ўрганиш ва буни ҳамма учун тушунарли шаклда ёзиш мақсадига хизмат қиласиди.

Яна бир монастик теран ишга ўзини бағишлигар шахс

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕХНАТ ҚИЛИНГ

таникли илмий фантаст ёзувчи Нил Стефенсондир. Агар унинг муаллифлик сайтига кирсангиз, электрон ёки уй поча манзилини топмайсиз. Бунинг шарҳини Стефенсон 2000-йиллар бошида аввалги веб-сайтида эълон қилган ва “Internet Archive”га туширилган икки эссесида кўрамиз. 2003 йилда архивланган ўша эссе салардан биррида Стефенсон ўз алоқа дастурини куйидагича изоҳлайди:

“Дикқатимни бўлиб мени безовта қашувчилардан бундай қилемасликларини ўтиниб сўрайман ва электрон хатларга жавоб бермаслигимни эслатаман... Энг зарур гапим ортиқча сўзлар ичида қолиб кетмаслиги учун, қисқа ва лўнда айтаманки, менинг бутун вақтим ва дикқатим аллақачон банд. Илтимос, уларни бошқа сўраманг.”

Бу муносабатни янада тушунарлироқ қилиш учун Стефенсон “Мен нима учун ёмон хат ёзувчиман?” номли эссе ёзган. Нега хабарларга жавоб ёзмаслигининг асосий сабабини шундай изоҳлайди:

“Маҳсулдорлик тенгламаси ночизиқ тенгламадир. Бу менинг нега ёмон хат ёзувчилигим ва юзма-юз сухбатни аҳён-аҳёнда қабул қилишимни изоҳлайди. Агар кунимни узоқ, узлуксиз ва чалгимай ўтказа олсан, романлар ёзаман. Лекин ўша вақтим бўлинса ва парчаланган бўлса, ёзувчи сифатида маҳсулорлигим пасяди.”

Стефенсон бу ерда бир-бири билан мувофиқлаштириб бўлмайдиган иккита вариантни кўради: Ё мунтазам яхши романлар ёzáди ёки кўплаб шахсий почта хатларига жавоб ёзиб, конференцияларга қатнашади ва натижада савияси паст асарлар яратади. У биринчи вариантни танлади ва бу танлов касбий фаолиятида саёз ишнинг ҳар қандай манбасидан имкон қадар йироқлашишини талаб этарди. (2008 йили ёзган илмий-фантастик жанрдаги “Анафема” номли асарида акслий танланган инсонлар ўзларини чал-

ғиган омма ва чалғитувчи технологиялардан ихоталаб, теран тафаккур юритиб, роҳиблардек яшайдиган оламни тасвиirlайди.)

Тажрибамдан шуни биламанки, монастик фалсафа ақлий фаолият билан шуғулланувчи инсонларни ўз-ўзини ҳимоя қилишга мойил қилиб кўяди. Менимча, бундай яшайдиганларнинг ўз қадр-кимматини аниқ билиши ахборот иқтисодиётiga қўшатгани хиссаси мураккаб бўлганларнинг оғрикли нуқтасига тегиб кетади. Шуни эсда туtingки, “мураккаброклик” “камрок” деган маънони англатмайди. Миллиард долларлик компанияни бошқараптган олий даражадаги менежер, гарча роман ёзиб, “Мана бу йил шу китобни ёздим” деб кўрсатадиган аниқ бир нарсаси бўлмаса-да, унинг компаниядаги роли ниҳоятда муҳим. Шу боис, ишига монастик фалсафани татбиқ қилса бўладиган одамлар сони оз ва бу ёмон эмас. Мабодо улар орасида бўлмасангиз, унинг оддийлиги ҳасадингизни келтирмасин. Бошқа томондан, улар орасида бўлсангиз ва сизнинг дунё ривожига қўшган хиссангиз аниқ ва индивидуаллашган бўлса¹, бу фалсафага жиддий эътибор беришингизга тўғри келади, чунки бу ўртамиёна ва ҳамманинг эсида қоладиган каръера соҳиби орасидаги фарқни белгиловчи омилдир.

ТЕРАН ИШНИ РЕЖАЛАШНИНГ БИМОДАЛ ФАЛСАФАСИ

Бу китоб инқилобчи психолог ва мутафаккир Карл Юнг ҳақидаги ҳикоя билан бошланган эди. 1920-йилларда Юнг устози Зигмунд Фрейднинг танқидларидан узоқлашиб, Боллинген шаҳарчаси яқинидаги дараҳтзорда курилган тош уйига мунтазам узлатга чекиниб туришни бошлади.

1 Бу ерда мен “индивидуаллашган” сўзини нисбатан кенгроқ маънода кўлладим. Монастик фалсафа фақат якка ўзи ишлайдиганларгагина тааллукли эмас. Кичик гурухларда олиб борилган теран ишлар мисоллари талайгина. Масалан, Рожерс ва Ҳэммерстейн сингари композиторлар ёки ақа-ука Райллар каби ихтиорчиларни эсланг. Бу сўздан назарда тутилган маъно шуки, мазкур фалсафа каттарок ташкилот аъзоси бўлиш асносида зиммасидаги бошқа мажбуриятларсиз ўзининг аниқ мақсади учун ишлай олувчи кишиларга тегишлайдир.

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕҲНАТ ҚИЛИНГ

Ўша ердалигига Юнг ҳар тонгда одмигина жиҳозланган хонанинг эшигини ичкаридан қулфлаб, халақитларсиз ёзарди. Сўнг келаси куни ёзадиганларини хаёлида пишитиш учун чукур ўйга чўмган ҳолда дараҳтзорда сайдирларди. Фикримча, бу ишларидан кўзланган мақсад – унинг Фрейд ва тарафдорларига қарши интеллектуал жангда муваффакият қозонишига ёрдам берувчи теран меҳнат шиддатини ошириш эди.

Мазкур ҳикояни эслай туриб бир нарсага ургу бериб ўтишни жоиз билдим: Юнг теран ишга монастик жиҳатдан ёндашмади. Доналд Кнут ва Нил Стефенсон касбий фаолиятларида халақитлардан ва саёзликдан батамом холи бўлишга уринган. Юнг эса, аксинча, фақат узлатга кетгандагина улардан холи бўлишга ҳаракат қилган. Қолган пайтларда у Цюрихда бу каби “рохиблиқ”дан анча узоқ бўларди, яъни гавжум клиникани бошқариб, яrim тунгача bemорларни кўрикдан ўтказарди. Бундан ташқари, у Цюрих қаъвахона маданиятида фаол эди ва шаҳарнинг обрўли университетларида маъруза ўқир ва тинглар эди. (Эйнштейн Цюрихдаги университетда докторлик даражасини ёқлаб, бошқасида дарс берган. Табиийки, у Юнгни яхши танирди. Иккиси Эйнштейннинг хусусий нисбийлик назариясини муҳокама қилиб, бир неча марта учрашган.) Юнгнинг Цюрихдаги ҳаёти замонавий технологиялар даврининг ҳамма билан боғланган ақлий меҳнат кишисиникига кўп томонлама ўхшайди: “Цюрих”ни “Сан-Франциско” ва “хат”ни “твіт” билан алмаштирасак, қайсиdir технологиялар компаниясининг иқтидорли директори сиймоси пайдо бўлади.

Юнгнинг бу ёндашувини *теран меҳнатнинг бимодал фалсафаси* деб атадим. Бу фалсафа вактингизни иккига бўлишни, бир қисмини теран ишларга ажратиб, қолганини бошқа нарсаларга сарфлашингизни талаб қиласди. Теран ишлаш мобайнида бимодал ҳодим чалғишиларсиз дикқатини жамлаб, ўзини худди “рохиб”дек тутади. Саёз

фаолият мобайнида эса диққат жамлаш унчалик мұхиммас. Вақтни бу тарзда тақсимлаш бир неча даражада бўлади. Масалан, бутун бир ҳафтани олсак, ҳафтанинг сўнгти тўрт кунини теранликка бағишилашингиз, қолган пайтда ҳаммага эшикни очиб кўйишишингиз мумкин. Ёки йил ҳисобида битта мавсумни тўлиқ теран саъй-ҳаракатларга ажратиш мумкин (аксар илмий иш қилувчилар ёз фасли ёки таътилни танлайди).

Бимодал фалсафага кўра, теран меҳнат самарадорликни кескин ошириши мумкин, факат шахс энг юкори ақлий фаолликка чикиб олгунча етадиган вақт ажратиши керак. Эришилган ақлий фаоллик шундай ҳолатки, унда чинакам янгиликлар килиниши мумкин. Шу боис, мазкур фалсафага биноан, теран машғулот учун сарфланадиган вақтнинг энг кичик бирлиги ҳеч курса бир кундан кам бўлмаслиги лозим. Теран иш учун тонгда бир неча соат ажратиш етарли эмас.

Шу билан бирга, бимодал фалсафани кўлловчилар асосан саёз ишлардан кечолмайдиган, иши шунга боғлик бўлиб қолганлардир. Масалан, Юнгнинг клиникадаги иши унга тўловларни тўлаш, тафаккурини фаоллаштиргани Цюрих қаҳвахонасига бориш учун зарур эди. Саёзлик ва теранлик режимини алмаштириб туриш иккала эҳтиёжни ҳам қондиришга имкон яратади.

Бу бимодал фалсафанинг амалиётда ишлашига замонавийроқ мисолни кўрмоқчи бўлсак, биринчи бўлимда учратганимиз Уортон бизнес мактаби профессори Адам Грантни эслашимиз мумкин. Грантнинг бизнес мактабидаги профессорлик поғоналаридан кўтарилиши мобайнидаги унинг кун тартиби бимодал фалсафа татбиқининг яхши намунасидир. У ўқув йилидаги ҳамма дарсларини бир семестрга жамлади ва шу орқали қолган вақтини теран меҳнат учун ажратди. Теран иш учун ажратилган семестрларда у бимодал ёндашувни ҳафталик кесимда режалади. У ойига бир ёки икки марта уч-тўрт кун

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕХНАТ ҚИЛИНГ

давомида батамом узлатга кетар, эшикни тақа-тақ ёпиб, электрон почтасига “офисдан ташқарида” автоматик жавобини ёқиб кўяр ва чалғишиз ишига бериларди. Бошқа пайтлари у билан бемалол боғланиб, гаплашса бўйларди. Бир жиҳатдан у шундай қилишиям керак эди, зеро унинг ўзи 2013 йилдаги “Бер ва ол” номли бестселлерда бошқаларга беминнат ва беғараз вақт ажратишни профессионал ўсишда муҳим омил эканлигини ёзган.

Теран ишнинг бимодал фалсафасини қўлловчилар хилватга чекинишнинг самарадорлигини таъкидлайди, айни чоғда, касбий фаолиятда саёз ишларнинг ҳам қиймати борлигини тан олади. Эҳтимол бу фалсафани амалиётда қўллашда энг катта тўсик – кисқа теран фаолият ҳам кишининг вақти бемалол бўлишини талаб қилишидир. Агар электрон почтангиздан бир соат нари бўлиш қўлингиздан келмаса, бир кун ёки ундан ортиқ вақт йўқ бўлиб қолиш ғояси умуман иш бермаслиги тайин. Бирок, тахминимча, бимодал тарзда ишлаш сиз ўйлагандан ҳам кўпроқ касбларда қўлланилиши мумкин. Ҳарвард бизнес мактаби профессори Лесли Перлоу ўтказган тадқиқот ҳакида айтиб ўтгандим. Мазкур тадқиқот ишида менежмент маслаҳатчилари хафтада бир кун ҳамма алоқаларни узиб ишлашлари керак бўлди. Маслаҳатчилар мижозларининг норози бўлишидан чўчиганди, аммо улар эътибор ҳам бергани йўқ. Юнг, Грант ҳамда Перлоу тадқиқотида қатнашганлар гувоҳи бўлганидек, агар асосли тушунтириш бериб, аввалдан белгиланган аник вақтларда хат ва сўровларни жавобсиз қолдирсангиз ва бошқа вақтларда яна сизни топиш осон бўлса, одамлар сизни барибир ҳурмат қиласаверади

ТЕРАН ИШНИ РЕЖАЛАШНИНГ РИТМИК ФАЛСАФАСИ

“Seinfeld” шоусининг дастлабки кунларида Жерри Зайнфелд саёҳатлар билан банд бўлса ҳам, комиклар яратишни тўхтатди. Ўша пайтлари Бред Айзек исмли ёзувчи ва қизиқчи тунлари клубда ишлаб юаради. У бир куни

саҳнага чиқиши олдида турган Зайнфелдни учратиб қолиб, у билан гаплашишга муваффак бўлди. Кейинчалик ўзининг ҳозирда классикка айланган “Лайфхакер” мақоласида “Мен ўз имконимни кўрдим. Зайнфелдан ёш ҳаваскор комик учун зарур маслаҳатларни сўрадим. У менга бутун умрга татигулик маслаҳат берди”, деб ёзади.

Зайнфелд Айзекнинг саволига жавобни “яхшироқ комик бўлишни истасанг, яхшироқ ҳазилларни ижод қил, яхшироқ ҳазилларни ижод килиш учун эса ҳар куни ёзиш керак” қабилидаги умумий маслаҳатдан бошлади. Зайнфелд бу тарзда ишлай олишида ўзига аскатган махсус техникани ҳам тасвирлаб беради, яъни у деворга календарь ёпиштириб, ҳазиллар ёзган ҳар бир кунига кизил X қўяркан. “Бир неча кундан кейин занжир пайдо бўлади. Уни ясашда давом эт ва у кундан-кун узайиб бораверади. Бу занжир сенга илҳом бағишлайди. Кейинги ишинг занжирни узмаслик”, дейди Зайнфелд.

Бу занжир методи (ҳозир айримлар уни шундай атайди) мураккаб оғир ишни давомли қилишга интилувчилик – ёзувчи ва фитнес шинавандалари орасида машхур бўлиб кетди. Биз учун эса у теранликни ҳётимизга олиб киришда умумий ёндашув – ритмик фалсафага мисол бўла олади. Бу фалсафага биноан, теран иш билан мунтазам машғул бўлишнинг энг осон усули уни мунтазам одатта айлантиришdir. Максад ритм яратиш, айнан шу ритм бўлса, қачон ва қай шаклда теран ишга шўнғиши ўйлаб ўтирумайсиз. Бу ўринда занжир методи теран ишни режалашнинг ритмик фалсафасига яхши мисолдир, чунки режалашнинг соддалаштирилган усули (ҳар куни ишла) ишлаш кераклигини эслатадиган яхши восита билан бирлаштирилади: календардаги кизил X лар.

Ритмик фалсафани татбиқ қилишнинг яна бир усули – занжир методининг визуал кўринишини теран ишда ҳар кун фойдаланиладиган бошлаш вақтлари билан алмаштиришdir. Ишиңгиз илгарилаёттганининг визуал кўр-

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕХНАТ ҚИЛИНГ

саткичлари чукурлашишдаги түсікіларни йүқотади, ҳатто режалашшдаги энг майда қарорларни камайтириш ҳам түсікіларни озайтиради.

Мазкур стратегия ҳакида гапни бошлашдан аввал жуда банд докторант Брайен Чаппел ҳакида эслагандым. У зарурият сабабли теран меңнатни режалашшнинг ритмик фалсафасини қабул килган. Диссертацияси устида қаттық тер түкаётган пайтда уни ўзи ўқиётган университеттега тұлық ставкали ишга таклиф килиб қолишиди. Карьера жихатдан бу таклиф кутилмаган ажойиб имконият эди ва Чаппел уни бажонидил қабул килди. Лекин бу иш яқинда туғилған фарзанди ҳисобига диссертацияси бобларини ёзіб тугатишини янада мушкуллаштириб юборди.

Чаппел, аввалига бекарорроқ тарзда бўлса-да, теран ишлашни бошлади. У шундай қоида яратди: теран иш орада танаффуслар билан тўқсон дақиқадан давом этиши керак (дикқатни жамлаш учун вакт керак бўлишини у яхши ҳисобга олганди). У умумий иш жадвалида бўш вакт бўлгандагина теран ишга киришишга қарор килди. Табиийки, бу стратегия кутилған самарани бермади. Ўзи бир йил аввал қатнашган диссертация ёзиш лагерида қатыйи теран меңнат билан бир ҳафтада бир бобни батамом ёзіб тугатганди. Тўлиқ ставкали ишни қабул қилгач эса, бутун бир йил ичида атиги битта кўшимча боб ёза олди, холос.

Чаппелнинг ўша йили ёзув ишларининг илгариламай музлаб қолгани уни ритмик услубні қўллашга мажбур килди. Ҳар тонг соат беш яримда ўрнидан туриб ишлашни одат қилди. Соат етти яримгача ишлаб, нонушта қилгач, диссертацияси бўйича кунлик мажбуриятини ўтаб, ишига йўл оларди. Тонгги теранликдан илҳомланган тадқиқотчи энди соат 4:45да ўрнидан турадиган бўлди.

Китобим учун ундан интервью олганимда, Чаппел ўзининг теран меңнатни ритмик режалашшга ёндашувини шундай тасвирлади: “Самараси жуда катта ва ўзингизни

нимададир айбдор хис қилмайсиз”. Унинг иш тартиби кунига 4-5 саҳифа ёзиш ва икки ёки уч ҳафтада диссертациянинг бир боби қораламасини тайёр қилиш эди: бу эрталабки тўққиздан кечки бешгача ишлайдиган одам учун бемисл натижа эди. “Ким айтди мени самарали ишлай олмайди деб? Нега ишломас эканман?” дея таъкидлади у.

Ритмик фалсафа ва бимодаллик ўртасида қизик контраст бор. Эҳтимол, ритмик ёндашув бимодалист илгари сургандек кун бўйи диққатни жамлаб зўрикиб теран тафаккур қилишга имкон бермас, лекин у инсон табиатига мос келади. Теран ишни оз-оздан, лекин узлуксиз ва қатъий тартибда бажаришни йўлга қўйиб, ритмик кун тартиби йилига кенг миқёсли натижаларга эришишингизга йўл очади.

Ритмик ва бимодал ёндашувдан қай бирини танлаш режалаган фаолиятингизда ўзингизни не чоғли назорат қилишингизга боғлиқ. Агар сиз Карл Юнг бўлиб, Зигмунд Фрейд тарафдорлари билан интеллектуал курашга чоғлансангиз, ғояларингизга диққат қаратишга вақт ажратиш қанчалик муҳим эканлигини англайсиз. Аммо ташки босимсиз диссертация ёзаётган бўлсангиз, сизга ишингизнинг барқарор илдамлашини ушлаб турадиган ритмик фалсафадаги одатийлик зарур бўлиши аниқ.

Кўпчиликнинг ритмик фалсафани танлашига сабаб ўз-ўзини назорат қилиш масаласигина эмас, балки баъзи касбларда теран ишлаш учун кунлаб йўқ бўлиб кетишга имкон топилмаслигидир. (Кўпчилик раҳбарлар учун уларнинг электрон хатлари жавобсиз қолмаса бас, истаганингизча диққатни жамлаб ишлашингиз мумкин.) Ритмик фалсафа теран фаолият юритувчи одатий офис ишчилари орасида кенг тарқалганининг асосий сабаби ҳам шу.

ТЕРАН ИШНИ РЕЖАЛАШНИНГ ЖУРНАЛИСТИК ФАЛСАФАСИ
1980-йилларда ўттиз ёшлардаги Уолтер Айзексон “Time” журналида лавозими тез кўтарилаётган журналист эди.

Шу жиҳатдан қараганда, у тафаккур аҳли назарида эди, шубҳасиз. Жумладан, ўша давр “London Review of Books”да Кристофер Хитченс ёзганидек, Айзексон “Американинг энг яхши журналистларидан бири” эди. Айзексон учун журналистик мұваффақият зиналаридаги мұхим қадам – ўз шоҳ асарини ёзишнинг айни фурсати келганди. Шу боис, у мураккаб мавзулардан бири – совук урушнинг илк даврида мұхим роль йүнаган олти шахснинг биографиясини ёзишга қарор қилди. “Time” журналининг ёш мұхаррири Эван Томас билан ҳамкорликда “Донишмандлар: олти дүст ва улар яратған дунё” номли 864 саҳифадан иборат залварли асарни ёзишга киришди.

1986 йилда нашр этилгач, китоб керакли одамлар томонидан илиқ қабул қилинди. “New York Times” асарни “тафсилотларга бой асар” деб атаган бўлса, “San Francisco Chronicle” икки ёш ёзувчини “совук уруш Плутархи” дея кўкка кўтарди. Орадан ўн йилдан камроқ вакт ўтиб, Айзексон “Time” журнали бош мұхаррири лавозимига тайинланиб, журналистик фаолияти чўққисига кўтарилиди (кейинчалик у илмий марказга директор бўлди ва Бенжамин Франклин, Алберт Эйнштейн ва Стив Жобс каби шахсларнинг машҳур биографига айланди).

Менинг Айзексон фаолиятига назар солишимга сабаб илк китоби орқали нималарга эришгани эмас, балки уни қандай ёзгани эди. Бу ҳикояни ўрганишимда омадли танишлик кўл келиб қолди. “Донишмандлар” нашридан бир неча йил олдин Нью-Йорқдаги журналист амаким Жон Пол Нюпорт Айзексон билан ёзги соҳилбўйи уйни ижарага олганди. Амаким ҳанузгача Айзексоннинг ажабтовор ишлаш одатини эслайди:

“Жуда ажсойиб эди... бошқалар ташқаридаги айвонда мазза қилиб дам олаётганида Айзексон китоби устида ишлаш учун ётоқхонага кириб кетарди... таҳминан 20 дақиқадан бир соатгacha ёзув машинкасининг чиқиллаган овози эшишилиб турарди. Кейин у ҳам бош-

қалар сингари ҳордиқ чиқаришга ўтирарди... иш уни ҳеч ташвишга қўймас, вақт бўлди дегунча дарров ишга шўнгирди.”

Айзексон жуда батартиб бўлган: бўш вақт топиши билан теран ишга берилар ва китобини ёзишда давом этарди. Мана қандай қилиб бир киши мамлакатнинг энг яхши журналисти бўлиш билан бирга 900 саҳифали китобни муваффақиятли ёзиб битира олган.

Теран меҳнатни иш тартибингизга бемалол кирита олишингиз мумкин бўлган бу ёндашувни *журналистик фалсафа* деб атаган бўлардим. Бу шуни англатадики, унинг касбида муддатлар жуда мухим, шу боис, Уолтер Айзексон сингари журналистлар бир лаҳзада ёзиш режимига ўта олишга тайёрdir.

Аммо бу ёндашув теран ишлашни энди бошлаганлар учун эмас. Аввал таъкидлаганимдек, мияни саёз ишдан теран меҳнат қилишга ўтказиш қобилияти табиий равишда пайдо бўлмайди. Машқсиз бундай ўзгаришлар чекланган ирода кучингизни заифлаштириб қўйиши мумкин. Шунингдек, мазкур одат сиздан ўзингизга нисбатан ишончни – қилаётган ишингизнинг аҳамияти ва амалга ошишига бўлган ишончни ҳам талаб қиласди. Бундай ишонч эса профессионал муваффақиятлар асосида кучайиб боради. Жумладан, Айзексон учун, шу иш билан илк бора шуғулланаётган ҳаваскор ёзувчидан фарқли ўлароқ, ёзиш режимига ўтиши осонроқ кечган, чунки у ўша вақтда хурматли ёзувчи бўлиш учун ўз устида етарлича ишлаган эди. У салмоқли биография ёзишга қобилияти борлигини биларди ва бу турдаги асарлар касбий фаолиятида муваффақият келтиришига кўзи етди. Бу ишонч узоқ вақт мобайнида оғир ишларни уddyалашда унга куч берди.

Теран меҳнатнинг журналистик фалсафаси тарафдориман, чунки иш жадвалимга астойдил ишлашни киритиш менинг асосий ёндашувимдир. Бошқача айтганда,

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕХНАТ ҚИЛИНГ

теран ишлаш учун узлатга кетмайман (лекин баъзан компьютер мутахассиси, ҳамкасбим Доналд Кнутнинг ташқи алоқани қатъий узиб қўя олишига ҳасад қилиб қўйман), бимодалистлар сингари бир неча кун теран ишлашга шўнгимайман ҳам. Ритмик фалсафа анчайин менга мос тушса-да, кундалик одатимни бажариш учун иш тартибим тўсқинлик қиласди. Ҳар ҳафта бу тўсикка дуч келаман ва имконим қадар теранлик билан ишлашга вакт топишга ҳаракат қиласман. Масалан, шу китобни ёзиш учун бўш вакт бўлиши билан ундан фойдаландим. Фарзандларим ширин уйкуга кетганда ноутбуғимни олиб, хонамга кетардим ва ёзишда давом этардим. Агар рафиқам дам олиш кунлари Аннаполис яқинидаги яшайдиган ота-онасини кўргани борамиз деса, болаларга қараш баҳонасида ёзишни давом эттириш учун уларнинг уйидаги сокин бурчакка тикилиб олардим. Агар ишда бирор учрашув қолдирилса ёки кечга томон бўш вакт бўлиб қолса, бир неча юз сўз ёзиш мақсадида университетдаги севимли кутубхоналаридан бирига борарадим.

Журналистик фалсафани батамом татбиқ этмаслигими ни ҳам тан олишим керак. Масалан, доим ҳам теран ишлаш бўйича қарорларимни бир лаҳзада қабул қиласман. Унинг ўрнига ҳафта бошида қачон теран фаолият билан машғул бўлишимни белгилаб олиб, кун аввалида агар зарур бўлса қайта кўриб чиқаман (менинг кундалик иш тартибим билан танишмоқчи бўлсангиз тўртинчи қоидага қаранг). Теран ишлаш бўйича ҳар лаҳзада карор қилишга заруриятни камайтириб, теран тафаккур юритишга кўпроқ энергия тежаб қоламан.

Мазкур бобни якунлай туриб айтиш жоизки, теран меҳнатни режалашнинг журналистик фалсафасида муваффакият қозониш осон эмас. Лекин қилаётган ишингиз самарасининг аҳамиятига ишончингиз комил бўлса ва теран ишлашга тажрибангиз етса (бу ҳақда қуйида гапирамиз), талабчан иш жадвали шароитида ҳам сал-

моқли теран ишлай олишингиз мумкин.

ТАРТИБГА АМАЛ ҚИЛИНГ

Кўп эътибордан четда қоладиган ҳолат шуки, чинакам киймат яратиш учун ақл ишлатадиганлар камдан-кам ҳолларда бетартиб ишлайди. Пулициер мукофоти соҳиби бўлган биографиялар муаллифи Роберт Карони олайлик. 2009 йили бир журналда ёзилишича, “Каронинг Нью-Йоркдаги офисининг ҳар бир сантиметри қоидалар асосида бошқарилади”, яъни китобларини қаерга кўйишидан тортиб, дафтарларини қай тарзда тахлаши, деворга нима илиши, ҳаттоқиофисда нима кийишигача – хаммаси Каронинг узоқ карьераси мобайнида деярли ўзгармаган тартиб асосида кечарди. У буни қуидагича изоҳлайди: “тартибли бўлишга ўзимни ўргатдим”.

Чарльз Дарвин “Турларнинг келиб чиқиши” асари устида ишлаётганида худди шундай қатъий тартибга амал килган. Ўғли Фрэнсиснинг кейинроқ хотирлашича, тонг соат еттида кисқа масофага сайр қилиш учун уйғонарди. Кейин ёлғиз нонушта қилиб, соат саккиздан тўққиз яrimгача хосхонасида ишларди. Кейинги соатда эса бир кун аввалги келган мактубларни ўқир ва соат ўн яrimдан то пешингчча яна ёзув хонасига қайтарди. Шундан сўнг ғояларини мuloҳаза қилиб, аввалдан белгиланган тартиб асосида аввал иссиқхонаси кейин уйи атрофида сайр қиласарди. Ўзи қониқадиган даражада мuloҳаза қилгунча сайр қилиб, кейин иш кунини тугатарди.

Журналист Мейсон Карри таникли мутафаккир ва ёзувчиларнинг одатларини беш йилча таҳлил қилиб (аввалги икки мисолни ундан олганман), шундай хулоса қилди:

“Кўччилик одамлар санъаткорлар илҳом келганда ижод қиласади деб ўйлади – гўёки қандайдир сеҳрнинг зарбаси, пайкони... ким билсин қаердандир келади. Лекин умид қиласанки, менинг ишим илҳомнинг зарбасини кутиши жуда, жуда ёмон режса эканини

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕҲНАТ ҚИЛИНГ

кўрсатиб беради. Факт шуки, ижод қилмоқчи бўлган инсон учун мен бера оладиган энг яхши маслаҳат – илҳом келишини кутмасликдир.”

Мазкур масалада “New York Times” колумнисти Дэвид Брукс бу воқеликни дангал таъкидлайди: “[Буюк ижодкорлар] рассом каби ўйлади, лекин ҳисобчи каби ишлайди”.

Бу стратегияга кўра, теран иш билан унумли шуғулланиш учун, катта мутафаккирлар айтиб ўтганидек, қатъият ва ғайриодатий тартиблар яратинг. Бу тақлид учун асосли сабаб бор. Каро ва Дарвин сингари даҳолар бу каби тартибларни бошқаларга ўхшамаслик учун қабул қилмаган, чунки ишларидаги муваффақият қайта ва қайта теранликка шўнғиши қобилиятига боғлик эди – миянгизнинг бор имкониятини ишга солмасдан Пулисер мукофотига сазовор бўлиш ёки буюк назария ишлаб чиқишининг иложи йўқ. Уларнинг тартиблари теранликка ўтиш йўлини текислади ва узоқ вақт теран ишлашига шароит яратди. Ишларига жиддий киришмасдан илҳомни кутиб ўтирганларида бошлаган ишларини муваффақият билан туталлаши эҳтимолдан анча узоқ бўларди.

Ҳамма учун бирдек мос келадиган теран иш тартиби мавжуд эмас – шахснинг ўзи ва килаёттан ишига боғлик. Шундай бўлса-да, қўйида ҳар қандай самарадор тартиб жавоб бериши зарур бўлган саволларни келтириб ўтаман:

• Қаерда ва қанча вақт ишлайсиз? Тартибингиз асосида ишлашингиз учун маълум жой зарур. Бу жой учун одатий офисингиз, ёпиқ эшик ва йигиштирилган столнинг ўзи етарли (бир ҳамкасбим агар қийинроқ иш билан банд бўлса, худди меҳмонхоналардагидек эшигига “Безовта қилманг!” ёзувини осиб қўйишини ёқигиради). Мабодо танлаган жойингиз, масалан, сокин кутубхона ёки конференция хонаси бўлса, айни муддао – ижобий натижага эришишингиз эҳтимоли юқорироқ. (Агар очик

офис шароитида ишласанғиз, теран мөхнат учун хилватга чекинишга зарурат күпроқ бўлади). Каерда ишлашингиздан қатъи назар, ишлаш учун аниқ вакт белгиланг, номуайян муддатга чўзилмасин.

• *Ишни бошлигач, уни қай тарзда давом эттироқчилик сиз?* Саъй-ҳаракатларингиз тизимли бўлиши учун баъзи қоидаларга риоя килишингиз жоиз. Масалан, дикқатингизни жамлаб туриш учун интернетдан фойдаланишни буткул тўхтатишиңгиз ёки, дейлик, ҳар йигирма дакиқада ёзган сўзларингизни ҳисоблаб туришингиз мумкин. Акс ҳолда, иш давомида нима қилишингиз кераклиги ёки керак эмаслигини, етарлича қаттиқ ишлаяпсизми йўқми, ўйлайверасиз. Булар ирода кучини сўриб олувчи кераксиз нарсалардир.

• *Ишингизни қандай қилиб қўллаб-кувватлайсиз?* Танлаган ишлаш тартибингиз миянгиз юқори даражада зўрикиб теран ишлай олиши учун дастак бериши лозим. Жумладан, сиз ишни ажойиб қаҳва билан бошлишингиз, етарли энергия тўплаш учун яхши овқатланишингиз ёки ақлни тиниқлаштириш учун сайрга чиқиш каби енгил машқларни қилишингиз зарур. (Нитще айтганидек, “Сайр чоғи келган ғояларгина қимматлидир”.) Бу тарздаги ўз-ўзингизга ёрдам кучингиз текис, исрофсиз сарфланишига ёрдам берадиган воситаларни тартиблаш каби муҳит билан боғлик омилларни ҳам қамраб олади (буни Каро мисолида кўрдик). Муваффакиятингизни жадаллаштириш учун эса ҳаракатларингиз теранроқ бўлишини қўллаб-кувватланг. Ақлий энергиянгизни айни пайтда ўзингизга нима кераклигини ўйлаб, исроф қилмаслигиниз учун бу қўллаб-кувватлов тизимлаштирилиши керак.

Теран ишлаш тартибингизни яратганда ана шу саволларга жавобингиз бўлсин. Лекин шуни ёдда тутингки, маъқул тартиби топиш учун ҳам тажриба керак. Сизни ишонтираманки, бу уриниб кўришга арзийди. Ўзингиз тўғри деб билган ишни қилсангиз, унинг таъсири ҳам

БИРИНЧИ ҚОИЛА: ТЕРАН МЕХНАТ ҚИЛИНГ

кучли бўлади. Теран ишлаш – жиддий фаолият ва унга зинҳор енгил қарамаслик керак. Саъй-ҳаракатларни мураккаб тартиб асосида бажариш – арзирли натижага эришиш учун онгингиз теран ишга киришишига кўмак берадиган тартибни яратишдир.

МУҲИМ ҚАДАМ

2007 йил қиши бошларида Ж.К. Роулинг “Ҳарри Поттер” туркумига кирувчи “Қаттол кучлар”ни ёзиб тугатишга кийналаётган эди. Еттинчи китобни ҳам аввалгилари каби юз миллионлаб мухлисларга манзур келадиган тарзда тақдим этиш масъулияти жуда оғир эди. Роулинг китобхонлар талабини қондириш учун қаттиқ ишлаши керак эди, аммо Шотландиядаги уйида дикқатини жамлаб ишлаш анча қийин бўлаётганди. ““Қаттол кучлар”ни тугатишимга оз қолган пайтда гоҳ уйга ойна артувчи келар, болалар уйда, итлар эса тинмай ҳуарарди”, дея эслайди бир интервьюсида Роулинг. Ёзувчининг сабри битди ва фикрини жамлаш мақсадида нимадир қилиши кераклигини англади. Эдинбург марказида жойлашган беш юлдузли Балморал меҳмонхонасига борди. “Бу жуда чиройли меҳмонхона. Рости, унда туриш ниятим йўқ эди. Дастлабки кун анча яхши ижод қилдим. Сўнг у ерга тез-тез қатнайдиган бўлдим. “Ҳарри Поттер”нинг сўнгти китобини шу ерда тутатдим”, дейди ёзувчи.

Роулингнинг меҳмонхонада туриши унча ажабланарли эмас эди. У ердаги мухит унинг иши учун жуда мос тушарди. Шотландиядаги энг ҳашаматли Балморал меҳмонхонаси классик Виктория даври услубида тарошланган тошлар билан безатилган бўлиб, баланд соатли минораси ҳам бор эди. Шунингдек, мазкур меҳмонхона Роулингни Хогвартни ўйлаб топишга илҳомлантирган Эдинбург қасридан бир неча бино нарида жойлашган.

Роулингнинг Эдинбург саройи ёнидаги ҳашаматли меҳмонхонани танлаши теран иш дунёсида “муҳим қадам” дея аталувчи ноодатий, аммо самарали стратегия

намунасиdir. Нима у “мухим қадам”? Күп вақт ёки маблағ сарфлаб, одатий мухитингизни теран ишлашга ёрдам берадиган шаклда кескин ўзгартирсангиз, килаётган теран ишингиз ўзингизга янада аҳамиятлирек кўрина бошлади. Ишингиз қанчалик аҳамиятли кўринса, онгингизнинг ишни пайсалга солиш майли шунчалик камаяди, ғайрат ва кувват ошади.

Қаерда бўлишингиздан қатъи назар, “Ҳарри Поттер” туркум романларининг биргина бобини ёзиш, табиийки, қаттиқ меҳнат ва ақлий энергия талаб этади. Аммо Хогварт услубига монанд қасрдан сал наридаги эски меҳмонхонада китобнинг бобларини ёзиш учун кунига минг доллардан тўласангиз, ишни бошлаш ва изчил давом эттириш учун кувватни ошириш уйдаги, халақитларга бой оғисдагидан анча осон кечади.

Агар бошқа машҳур теран меҳнат қилувчиларнинг иш тартибини ўргансангиз, “мухим қадам” стратегиясига тез-тез кўзингиз тушади. Жумладан, Билл Гейтс ўз даврида “Microsoft” компаниясининг “Тафаккур ҳафталиги”ни ўтказадиган бош ижрочи директори сифатида машҳур эди. Мазкур ҳафтада у одатий иши ва оиласвий мажбуриятларини ортга ташлаб, китоб ва газеталар бўлган алоҳида уйчага хилватга кетарди. Унинг мақсади компаниясига алокадор муҳим масалалар хусусида чукур, халақитларсиз ўйлаб олиш эди. Ана шундай ҳафталарнинг бирида у интернет саноатда катта кучга айланади дея хулоса қилганди. Гейтс учун “Microsoft”нинг Сиетлдаги штаб-квартирасидаги оғисида унинг теран тафаккур юритишига халал берадиган бирор тўсик йўқ эди, бироқ ҳафталик узлатта чекиниш дикқатини керакли даражагача жамлашига ёрдам берарди.

Массачусетс технологиялар институти (МТИ) физиги ва мукофотлар соҳиби ёзувчи Алан Лайтман ҳам “мухим қадам” стратегиясини қўллайди. У ҳар ёзда Мейндаги “митти орол”га теран мушоҳада килиш ва кувватини тиклаб олиш учун узлатта чекинарди. 2000 йилда берган

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕҲНАТ ҚИЛИНГ

интервьюосида бу қадам ҳақида гапирап экан, оролда нафақат интернет, балки телефондан фойдаланиш ҳам имконсизлигини айтади. “Ўтган икки ярим ойда худди ҳаётимга сокинлик қайтгандек ҳис қиласман. Сокинликни эса топиш жуда қийин.”

Ҳаммада ҳам икки ойни Мейнда ўтказиш имкони топилмайди, лекин Дэн Пинк ва Майл Поллан сингари айрим ёзувчилар катта харажат ва куч сарфлаб, ўз ерларида алоҳида уй қуради ва шу билан бу тажрибани йил мобайнида ўтказади. (Поллан Коннектиутдаги собиқ уйининг орқасидаги ўрмонда алоҳида кулба қургани ҳақида китоб ҳам ёзган.) Бу каби алоҳида бинолар бу ёзувчилар учун ҳаётий муҳим зарурат эмас, фақат ноутбук ва уни қўйиш учун текис юза ҳам етади. Бу уйчаларнинг қиймати уларнинг шинамлигига ҳам эмас, балки яхшироқ ижод қилиш учун “муҳим қадам”ни ифодалашидадир.

Ҳамма “муҳим қадам”лар ҳам доимий бўлиши шарт эмас. Белл лабораториясининг рақобат қилишга ўч физиги Уильям Шоклини рақиблари транзисторни ихтиро қилишда доғда қолдирди. (Бу ҳақда кейинги стратегияда ҳикоя қиласмиз.) Жамоасининг икки аъзоси Шокли Чикагога – афтидан конференцияда қатнашиш учун – кетиб, меҳмонхонадаги хонасига қамалиб олганча, бошқа лойиҳа билан машғул пайтда муҳим кашфиёт қилди. Миясини банд килган ғояни пишитиб, тафсилотларини тартиблигунча, хонасидан чиқмади. Ниҳоят хонани тарк этгач, Нью-Жерсидаги ҳамкасби Муррей Хиллга қайдларини почта орқали жўнатди, чунки у лаборатория дафтариға киритиб, ихтиро вақтини белгилаб қўйиши керак эди. Ана шу пайтдаги теран меҳнат ортидан ихтиро қилинган биполяр транзисторлар Шоклини Нобел мукофотига шерик бўлишга мушарраф қилди.

Самарали натижага олиб келадиган бир марталик “муҳим қадам” стратегияси тадбиркор ва ижтимоий медиа ташаббускори Питр Шэнкмен фаолиятида асосий ўрин тутади. Оммавий нотиқ сифатида Шэнкменнинг қўп вақти

парвозларда ўтади. Вақт ўтиб у түккиз километр баландлик унинг мияси яхшироқ ишлаши учун идеал мухит эканини англаб етди. Ўзининг блог постида ёзганидек “олдимда ҳеч нарса йўқ, демак чалғиш ҳам йўқ, ҳеч нарса мени ўз ўй-хаёлларим билан ёлғиз қолишимга халал бермайди”. Шуни англаганидан сал ўтиб, Шэнкмен икки ҳафта ичида кўлёзмасини тугатиш шарти билан китоб ёзишга шартнома имзолади. Бу муддатда ишни тугатиш қатъий дикқатни талаб этарди ва Шэнкмен бунинг ноанъанавий чорасини топди, яъни Токиога бориш ва қайтиб келиш учун бизнес класс чиптасини сотиб олди. Японияга парвоз мобайнида фақат ёзди, Токиога етиб боргач, бизнес класс кутиш залида эспрессо ичib олди, кейин яна Кўшма Штатларга қайтиш парвозида тўхтамай ёзишда давом этди. Натижаси шу бўлдики, 30 соатлик парвоз сўнгига қўлида тайёр китоб кўлёзмаси туради. “Саёҳат учун 4000 доллар сарф килдим ва унинг ҳар бир пенси қадрли эди”, дейди у.

Юкоридаги мисоллардан хulosса шуки, теранлик учун фақат мухитни ўзгартириш ёки тинч жой излаш етарли эмас, балки асосий омил вазифага жиддий ёндашган ҳолда ишни бажариш психологиясидир. Ёзиш лойиҳаси устида ишлаш учун экзотик жойларга кетиш, тафаккур юритиш учун бир ҳафта ишдан таътилга чиқиш ёки мухим ихтирони қилмагунча меҳмонхонада қамалиб олиш – бу қадамлар сизга ақлий қувватингизни очадиган теран мақсадларингизни энг мухим режангизга айлантиришга туртки беради. Баъзан теранликка шўнғиш учун дастлаб катта қадам ташлаш керак.

ЁЛҒИЗ ИШЛАМАНГ

Теран меҳнат ва ўзаро ҳамкорлик ўртасидаги алоқа чигал бўлади. Уни тушуниб олиш учун вақт керак, чунки ҳамкорликдан самарали фойдаланиш касбий ҳаётингиздаги теранликни оширади.

Мазкур мавзу бўйича мухокамамизни тилга олганимиз чигаллик нима сабабдан ечилмайдигандек кўриниши

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕХНАТ ҚИЛИНГ

билан бошлаган маъкул. Китобнинг биринчи бўлимида “Facebook” компаниясини янги штаб квартираси дизайни сабабли таңқид қилган эдим. Янада аникроқ айтсам, компаниянинг икки минг саккиз юз ходимни бир жойга тўплайдиган дунёдаги энг катта очик офис – гигант хона қуриш мақсади диққатни жамлашга умуман мос келмайди. Савқи табиий ва олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўп сонли ҳамкаслар билан умумий жойда ишлаш диққатни жамлашга имкон бермайди – жиддий ўилашга уринишларингиз бекор кетиши тайин. 2013 йили “Bloomberg Businessweek” мазкур мавзу бўйича охирги тадқиқотларни умумлаштириб, ҳатто “очик офис тиранияси”ни тугатишга чақириди.

Аммо бу офис дизайнинга муносабат турлича бўлди. Мария Конникова “The New Yorker”да хабар берганидек, бу тушунча дастлаб пайдо бўлганда унинг мақсади “алоқава ғоялар оқимини жадаллаштириш” эди. Бу қараш ноанъянавий стартапларни қабул қилган Америка бизнес доираларининг кайфиятига айни мос тушди. “Bloomberg Businessweek” мухаррири Жош Тайренжил “Bloomberg” штаб-квартирасидаофислар йўқлигинишундай изохлайди: “Очиқ офислар жозибадор, у худди ичидаги одамларни муҳим вазифа йўлида бирлаштиргандек... бу ўз навбатида турлича йўсинда ишловчи одамларнинг қизиқишини ортиради”. Жек Дорси эса майдон офисларнинг очиқ дизайнини шундай оқлайди: “Ходимларни очиқ майдонда ишлашга ундеймиз, чунки омадли тасодифларга ишонамиз, бир-бири ёнидан ўтиб юрганда ходимлар бир-бирига нимадир ўргатади”.

Мұхокама марказидаги мазкур тамойилни – бир-бірига түкнаш келганды одамларнинг ўзаро ақыллы ҳамкорлик килиши ва янги ғоялар туғилишига ишончни – “*тасодиғий изжодкорлик назарияси*” деб атайды.

Марк Цукерберг дунёдаги энг катта офис куришга қарор қилғанда, Кремний водийисидаги ва башка жойлардагы

компаниялар қатори, у ҳам мазкур назарияга таянган, деб тахмин қилишимизга асос бор. (Бошқа нобопроқ сабаблар ҳам бор, чунончи, пулни тежаш ва назоратни кучайтириш, лекин булар унчалик жозибадор сабаблар эмас, шу боис кўп ҳам тилга олинмайди.)

Дикқатни ошириш ва тасодифий омадли воқеалардан бирини танлаш зарурати бир қарашда теран ишнинг (индивидуал фаолият) янгича ижодий ғоялар яратишга (ҳамкорликдаги фаолият) номувофиқлигини кўрсатадигандек туюлади. Бу хulosса, шунга қарамай, тўқис эмас. Бу нотўқисликнинг асосий илдизи тасодифий ижодкорлик назариясини тўлиқ тушунмаганликка бориб тақалади. Бунинг тасдиғи сифатида нима аслида янгиликларга туртки беришини тушунишга уриниб кўрамиз.

Муҳокамамиз мавзуси бўлмиш мазкур назариянинг кўплаб манбалари мавжуд, лекин кўпчиликка маълум биттасига шахсий алоқам бор. МТИда кечган етти йилим мобайнида институтнинг машхур 20-биноси ўрнида қурилган янги бинода ишладим. У Шаркий Кэмбриждаги Майн ва Вассар кўчалари кесиши масида жойлашган эди. Иккинчи жаҳон уруши вақтида муваққат бошпана вазифасини ўтаган мазкур бино охир-оқибат 1998 йилда бузилган. Ўз вақтида бу бинода Радиация лабораторияси жойлашган эди. 2012 йилда “New Yorker” мақоласида айтилганидек, дастлаб бинонинг умри битгандек туолганди: “Вентиляция тизими яхши ишламас, йўлаклари қоронғи эди. Деворлар эса ўта юпқа, томдан чакка ўтарди, умуман бино ёзда қайнар, қишида музлар эди.”

Урушдан кейин ҳам Кэмбрижга келувчи тадқиқотчи олимлар оқими тўхтамади. МТИга жой керак эди ва маҳаллий расмийларга ваъда беришганидек, 20-бинони бузиш ўрнига ундан кўшимча жой сифатида фойдаланишда давом этишди. Натижা шундай бўлдики, ядро физикасидан тортиб, лингвистика ва электроникагача бўлган турли номувофиқ факультетлар техника моллари

БИРИНЧИ КОИДА: ТЕРАН МЕХНАТ КИЛИНГ

дўкони ва пианино тузатиш хизмати каби ноодатий ижарадорлар билан қўшни бўлиб қолди. Бино анча арzon курилгани сабабли бу гурухлар майдонни истаганча бўлиб олаверарди. Деворлар ва полни ўзгартириш, асбобускуналарни тўсинларга қотиришга ҳеч ким қаршилик қилмасди. Юқорида сўз юритилган “New Yorker” мақоласида Жерролд Закариянинг илк атом соати устидаги ишлари ҳикоя қилинган. Мақолада олим ўзининг тажриба аппарати учун зарур бўлган уч қаватли цилиндрни ўрнатиш учун 20-бинодан иккита полни олиб ташлагани ҳақида ҳам ёзилган.

МТИда кенг тарқалган ишончга кўра, хоналарини истаганча ўзгартирса бўладиган катта бинода турли бўлимларнинг ёнма-ён жойлашгани сабабли омадли учрашувлар ва ижодкорлик руҳи юқори бўлган. Бу эса урушдан кейин Хомский грамматикасию Лораннинг навигация радарлари ва видеоўйинлар сингари юқори суръатда қилинган ихтиrolарга йўл очган. Охир-оқибат бино Фрэнк Гери томонидан лойиҳалаштирилган 300 миллион долларлик Статистика марказини (ўша ерда маълум вақтимни ўтказганман) барпо қилиш учун бузилганда кўпчилик ачинди. Ўзининг ўтмишдоши бўлмиш “фанерли қаср”ни эслатиб туриши учун Статистика марказининг ички дизайннида тугал ишлов берилмаган фанерлар ишлатилиди ва курилиш белгилари бор цементлар кўринарли шаклда очик қолдирилди.

Мазкур 20-бино шошилинч қурилган пайтда икки юз миль жануби-ғарбда, Нью-Жерсидаги Муррей Ҳиллда “тасодифий ижодкорлик” учун бошқа бир қурилиш боилаб юборилган эди. У ерда Белл лабораторияси директори Мервин Келли ўзининг олимлари ва инженерларини биргаликда ишлашга рағбатлантирувчи янги лаборатория курилишига бошлилик қилаётган эди. Келли университетларнинг анъанавий тартиби – турли соҳаларни алоҳида биноларда жойлаштиришдан воз кечди

ва унинг ўрнига ҳаммасини узун йўлаклар (баъзилари шунчалар узунки, йўлак охирига борганингиз сари нариги бошидаги одамга худди йўқолиб бораётгандек кўринасиз) орқали боғлаган битта ягона тизимга бирлаштириди. Белл лабораторияси солномачиси Жон Гертнер бу дизайн ҳақида шундай ёзади: “Зал бўйлаб юрар экансиз, танишлар, муаммолар, гоялар ва раддияларни учратмаслик мумкин эмас. Ошхонага тушликка кетаётган физик олим худди металл қипиклар олдидан ўтиб кетаётган магнитга ўхшарди.”

Келли жаҳоннинг энг сара ақл-заковат эгаларини тўплади, бу стратегия эса замонавий тарихда энг маҳсулдор инновациялар дунёга келишига замин яратди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўн йилликлар мобайнида лабораторияда бошқа ютуклар каторида куйидагилар яратилди: дастлабки қуёш панели, лазер, алоқа спутники, уяли алоқа тизими ва оптик толали тармоқ. Шунингдек, уларнинг назариётчилари ҳам ахборот назарияси, ҳам дастурлаш назариясини яратади, астрономлари эса Катта портлаш назариясини тажрибалар орқали тасдиқлаб, Нобел мукофотига сазовор бўлди ва, энг муҳими, физик олимлари транзисторни ихтиро қилди.

Тасодифий ижодкорлик назариясини асослайдиган воқеалар ўтмишда кўп бўлгандек туюлади. Транзисторни олайлик, бир қадар ишонч билан айтиш мумкинки, унинг ихтиро қилиниши Белл лабораториясида бутун дунёдан қаттиқ жисмлар физиклари, квант назариётчилари ва жаҳоннинг олд экспериментаторларининг тўпланишини ва уларнинг ўзаро омадли тасодифий учрашувларига, бир-бирларидан ўрганишига шароит яратилишини талаб қилган. Чунки бу ихтиро Карл Юнгнинг тош минорасига ўхшаш жойда теран тафаккур юритаётган якка олимнинг қўлидан келиши даргумон эди.

Бироқ шу жойда биз 20-бино ва Белл лабораторияси каби иншоотларда яратилган янгилик ва ихтиrolарга

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕХНАТ ҚИЛИНГ

айнан нима турткы бўлганининг нозик жиҳатларини билишимиз лозим. Бунинг учун яна бир бор МТИда орттирган тажрибамга қайтамиз: 2004 йилнинг кузида бўлажак янги докторант сифатида келган пайтим 20-бино ўрнида қурилган Статистика марказидан бошпана топган эдим. Марказ янги бўлгани боис, дастлабки талабаларга у ҳақда маълумот берилди. Фрэнк Гери умумий майдон атрофига оғисларни тартиблаган экан, у бир-бирига яқин қаватлар орасидаги очиқ зиналарни таништирди, булар барчаси бинонинг ўтмишдоши – 20-бинода бўлгани каби тасодифий учрашувларга шароит яратиш мақсадида қилинган эди. Ўшандада менинг миямга келган нарса – аввалига бўлмаган, кейинчалик факультет аъзоларининг талаби билан эшикларга ўрнатилган овоз ўтказмайдиган маҳсус тампонлар эди. МТИ профессорлари – уларнинг айримлари инновация технологлари – очиқ оғислар услубидаги иш жойини хушламади, аксинча, ёпиқ шароитда ишлашни маъқул кўрди.

Умумий катта майдонга ёндош овоз ўтказмайдиган оғислар “тўпланиш ва тарқалиш” инновацион архитектурани ҳосил қилди, унда тасодифий учрашувга ҳам, танҳо тафаккур юритишга ҳам шароит бўлади. Бу шундай кенг миқёсни қамраб оладики, бир бурчакда халақитлардан холи танҳо мутафаккирни, бошқасида эса, умумий майдонда тўлиқ ҳамкорликда ишлайдиган, илҳомланган аммо теран фикрлаш учун тиришаётган мутафаккирни кўришимиз мумкин.²

20-бино ва Белл лабораториясида ҳам айни шу архитектура ечимиidan фойдаланилган. Уларда замонавий очиқ оғислар режасига ўхшашликни учратмайсиз.

² Очиқ оғис лойиҳасини дастакловчилар конференция хоналари генералик ва мулоқотни уйғунлаштиради ва чукур ўйлаб ишламоқчи бўлганларга бу шароит яратади, дейишилари мумкин. Ҳолбуки, бунака бемаънилик теран ишнинг инновациядаги ролини камситади. Теран иш илҳомбахш тасодифий учрашувларга ҳамоҳанг эмас, балки кўп хақиқий ютуклар ортидаги меҳнатнинг асосий қисмидир.

Аксинча, улар умумий йўлакка туташган алоҳида оғисларнинг стандарт тархи асосида курилган. Улардаги ижодий рух бу оғисларни боғловчи оз сонли узун йўлаклар билан ҳам боғлиқ бўлиб, тадқиқотчилар бир жойдан иккинчисига борганда ўзаро мулоқот қилишга мажбур бўларди. Бу узун йўлакларни, бошқача айтганда, инновация ўки бўлган дейиш мумкин.

Шу боис, инновацияга кўмак берадиган тасодифий ижодкорлик назариясини рад этмаган ҳолда, теранликни йўқ килувчи очик оғис тушунчасини инкор қиласиз. Улар орасидаги олтин ўрталиқ эса “тўпланиш ва тарқалиш” услугубидаги тартибdir, яъни тўпланганда эшиганингиз гояларга очик бўлинг, аммо тарқалганда теран ишлашни давом эттиринг.

Мехнатнинг шу тарздаги тақсимоти ҳақида бу ҳали ҳаммаси эмас. Тарқалганда ёлғиз ишлаш доим ҳам энг яхши стратегия бўлавермайди. Сал олдин сўз юритилган Белл лабораториясидаги транзистор ихтиросини олайлик, бу оламшумул кашфиёт қаттиқ жисмлар физикаси тадқиқот гурухини ташкил қилган турли йўналишдаги мутахассислар томонидан қилинди, бу гурух вакуум найига қараганда ихчамроқ ва ишонччироқ муқобилни яратиш мақсадида бирлашган эди. Мазкур жамоанинг ҳамкорликдаги мулоҳаза алмашишлари транзистор ихтироси учун зарур шартлардан бири эди ва бу ўз навбатида “тўпланиш” самарасининг яққол намунасиdir.

Тадқиқот жамоаси интеллектуал заминни яратгач, инновация жараёни тарқалганда, алоҳида оғисларга ўтди. Мазкур инновация жараёнининг қизиқарли жиҳати шундаки, у алоҳида оғисларга ўтганда ҳам ҳамкорлик давом этди. Хусусан, икки экспериментатор Уолтер Браттейн ва квант назариётчisi Жон Бардин 1947 йилнинг бир ойида дастлабки қаттиқ ҳолатдаги транзистор ихтиросига асос бўлган кашфиётлар қилди.

Ўша пайтда Браттейн ва Бардин кичик бир лабо-

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕХНАТ ҚИЛИНГ

раторияда бир-бирига яхшироқ ва самаралироқ дизайн яратишга турткы бериб ёнма-ён ишлади. Уларнинг саъй-ҳаракатлари теран меҳнат эди, аммо унинг биз ҳали дуч келмаган тури. Браттейн дикқат билан тажрибавий дизайнни қураётганда Бардиннинг янги назарий қарашларидан фойдаланаарди; Бардин эса Браттейннинг энг сўнгги тажрибаларидан маъно чиқариш, назариясини тажриба хulosалари асосида бойитишга ҳаракат қиласади. Бу орка-олдинга қилинган саъй-ҳаракат теран ишнинг бир шакли бўлиб (илмий доираларда кўп учрайди), мен “оқ доска эффекти” деб атайдиган ҳолатни юзага келтиради. “Оқ доска”да ким биландир баъзи муаммолар устида шерикликда ишлаш ёлғизлиқдагидан кўра масалага теранроқ кириб боришини осонлаштиради. Навбатдаги гоянгизни кутаётган гурухнинг мавжудлиги – хоҳ у сиз билан битта хонада ўтирган одам бўлсин, хоҳ сиз билан виртуал ҳамкорлик қилсин – теранликдан узоклашишга бўлган табиий инстинктни заифлаштиради.

Энди ҳамкорликда ишлашнинг теран меҳнатдаги роли бўйича амалий хulosалар чиқарамиз: 20-бино ва Белл лабораторияси мувваффакияти шуни кўрсатадики, хилватга кетиш самарали теран иш учун зарур шарт эмас. Дарҳақиқат, улар ҳамкорликдаги теран меҳнат кўплаб ишларда, хусусан, инновация илинжиидаги ҳаракатларда яхши натижа бериши мумкинлигини тасдиқлади. Шунинг учун бу стратегия касбий ҳаётингизга теранликни олиб киришда ана шу вариантни ҳам кўриб чиқишини таклиф қиласади. Шунингдек, қуидаги икки маслаҳатни ҳам ёдда сақланг:

Биринчидан, чалғиши теранлик душмани бўлиб қолаверади. Шунинг учун “тўпланиш ва тарқалиш” модели мухим андазадир. Тасодифий учрашувларни теран тафаккур юритишга уринишлардан ажратинг. Ҳар иккаласини аралаштириб, бир-бирига халал бергандан кўра, уларни алоҳида-алоҳида мукаммаллаштиришга уриниб кўринг.

Иккинчидан, теран тафаккур учун хилватта кетганингизда ҳам, зарур бўлганда “оқ доска” эффектини қўллаб кўринг. Масала устида ҳамкорлик килиб, бирбирингизни янада теранроқ ишлашга, янада каттароқ кашфиётларга рухлантиришингиз мумкин бўлади.

Теран фаолиятда, агар мувофик келса, ҳамкорликтан фойдаланилди, чунки у натижани юқорироқ даражага кўтариади. Шу билан бирга, ўзаро мулоқот ва кўтаринки учрашувларни ғояларни саралашда аскатадиган мустаҳкам дикқат-эътиборга соя соладиган даражада идеаллаштириб юборманг.

ХУДДИ БИЗНЕСДЕК ҚАРАНГ

Мана бу ҳикоя бизнес консалтинг оламида кўп айланган: 1990-йиллар ўрталарида Ҳарвард Бизнес мактаби профессори Клейтон Кристенсенга “Intel” компанияси бош ижрочи директори Энди Гров қўнғироқ қилди. У Кристенсенning кескин бурилиш қила оладиган инновациялар ҳақидаги тадқиқот ишига қизиқиб қолгани, унинг назарияси “Intel” учун нималарни англатишини муҳокама қилиш учун Калифорнияга учеб келишни илтимос қилди. Кристенсен етиб боргач, кескин ўзгаришларнинг юз бериш асосларини сўзлай бошлади: бозорнинг қуий қисми учун арzon маҳсулотларини таклиф қила бошлаган стартаплар ўзгармай қотиб қолган катта компанияларни кутилмагандан суринг чиқаради, бироқ вақт ўтиши билан улар арzon маҳсулотлари сифатини яхшилаб, киммат бозорни ҳам забт эта бошлайди. Гров “Intel” ҳам арzon процессорлар ишлаб чиқарувчи “AMD” ва “Сугих” каби ёш компаниялар томонидан шундай таҳдидга дучор бўлаётганини англашиб етди. Кескин ўзгаришлар табиатини англаган Гров нисбатан кучсизроқ, аммо арzon бозорда рақобатга дош берадиган “Celeron” процессорларини ишлаб чиқариш стратегиясини жорий қилди.

Бу ҳикоянинг унча маълум бўлмаган қисми ҳам бор. Кристенсенning эслазича, Гров учирашувдаги танаф-

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕХНАТ ҚИЛИНГ

фус вақтида “Буни қандай амалга ошираман?” деб сўраб қолади. Кристенсен эса қандай қилиб бизнеснинг янги шохобчасини очиш ҳақидаги бизнес стратегияни айта кетади. “Сиз бунчалар содда академик экансиз! Сиздан қандай қилишни сўрадим, сиз эса *нима* қилишим кераклигини айтяпсиз. *Нима* қилишини ўзим яхши биламан. Уни қай йўсинда қилишини билмайман”, дейди Гров.

Кейинчалик Кристенсен изоҳлаганидек, “қай йўсинда” ва “нима” ўртасидаги фарқ жуда муҳим, лекин профессионал дунёда унга етарлича эътибор берилмайди. Мақсадга етишиш стратегиясини топиш кўпинча осон, аммо ўша стратегияни қандай амалга ошириш компанияларни ташвишга солади. Мазкур хиояни Кристенсеннинг “Ижронинг 4 интизоми” номли китобга ёзган сўзбошисида ўқигандим. Бу китобда компанияларга мураккаб стратегияларни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам берадиган тўрт “интизом” (қисқартирилгани 4DX) бўйича кейс-стадилар тўплами берилган. Китобда эътиборимни тортган жиҳат – “нима” ва “қай йўсинда” орасидаги бўшлиқнинг теран меҳнатга кўпроқ вақт ажратиш борасидаги шахсий изланишларимга алоқаси борлиги эди. Гров арzon процессорлар бозорида рақобатлашишнинг аҳамиятини англаганидек, мен ҳам теранликни юқори қўйиш қанчалик мухимлигини тушуниб етгандим. Эндики қилишим лозим иш бу стратегияни қай йўсинда амалга оширишни аниклаб олиш эди.

Мазкур ўхшашликдан руҳланиб, “4DX”ни шахсий иш фаолиятимга мослаштиридим, унинг теран ишлаш мақсадимни амалга оширишга анча ёрдами текканидан ўзим ҳайратга тушдим. Бу ғоялар катта бизнес олами учун ҳам асқатиши мумкин эди, бироқ кўплаб мажбурият ва чалғишилар мухитида ҳам муҳим ишни уddeлаш мумкинлиги ҳақидаги тушунча илдиз отган. Шуларни назарда тутиб, куйида “4DX”нинг тўртта интизомини мухтасар баён қиласман ва, албаттa, ҳар бир интизомни

қай тарзда теран меҳнатта одатланишда қўллаганимни ҳам айтиб бераман.

БИРИНЧИ ИНТИЗОМ: ЭНГ МУҲИМИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИНГ

“Ижронинг 4 интизоми” муаллифлари таъкидлаганидек, “қанчалик кўпига уринсангиз, шунча кам бажарасиз”. Улар ижрони оз, лекин “энг муҳим мақсадлар”га йўналтиришига ургу берган. Бу соддалик реал натижага эришиш учун компания кувватини тўғри тақсимлашга замин яратади.

Бунинг теран ишлашга киришган якка шахс учун аҳамияти шуки, сиз учун энг муҳими нима, ана шуни аниклаб олишингиз зарур. “Теран ишлашга кўпроқ вакт сарфлаш” иштиёқни оширмайди. Бунинг ўрнига аник мақсадларингиз бўлиши иштиёқни барқарор ушлаб турдиган салмоқдор касбий ютуклар келтиради. Дэвид Брукс 2014 йил ёзган “Дикқат қилиш санъати” мақоласида мақсадлар дикқатимизни бошқаришига кўйиб бериш кераклиги ҳақидаги мазкур ёндашувни маъқуллади: “Дикқатингиз устидан ғалаба қилишни истасангиз, ахборотлар оқимидағи турфа хил дикқат бўлувчи майда нарсаларга “йўқ” дейишга уринманг; кучли иштиёқ уйғотувчи нарсаларга “ҳа” денг ва ўша истакларингиз бошқа ҳамма нарсани сикиб чиқаришига кўйиб беринг”.

Илк бора “4DX” асосида тажриба қилиб кўрганимда, келаси йилда бешта юксак савияли илмий мақола чоп этишни кўнглимга тутиб кўйдим. Мақсад катта эди, чунки аввал чиқарганимдан кўпроқ мақолани ният қилгандим, бунинг ўзига яраша мукофоти ҳам бўлар эди (хисобот даври ҳам яқинлашган). Булар иштиёқимни жадаллаштириб мақсадимга етишимда катта ёрдам берди.

ИККИНЧИ ИНТИЗОМ: ОЛДИНДА ЮРИНГ

Муҳимроқ мақсадингизни аниклаб олгач, муваффакиятингизни баҳолашингиз керак бўлади. “4DX”да икки ўлчов тури келтирилган: *оралиқ ўлчов ва дастлабки ўлчов*. Сўнгти ўлчов билан сиз пировардида такомиллаштирумокчи бўлган нарса баҳоланади. Масалан, мақсадингиз новвойхонангиз

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕХНАТ ҚИЛИНГ

хизматидан мижозларнинг розилигини ошириш бўлса, сиз учун оралиқ ўлчов – уларнинг қонициш даражасидир. “4DX” муаллифлари тушунтирганидек, оралиқ ўлчовлар билан боғлиқ муаммо шундаки, улар сизнинг ишлаш тарзингизни ўзгартириш учун жуда кечлик қиласди: “Сиз баҳоингизни олганингизда уларни яратган ижро аллақачон ўтмишда қолади.”

Дастлабки ўлчов эса, аксинча, “оралиқ ўлчовда юкори натижа қайд этиш учун келгусидаги ишларни аввалдан баҳолашдир.” Новвойхона мисолида эса, яхши дастлабки ўлчов ишингизни баҳолаш учун аввалдан бепул намуна маҳсулот олувчи харидорлар миқдори бўлиши мумкин. Бу миқдорни кўпроқ намуналар тарқатиб, янада кўпайтириш мумкин. Рақамларни оширсангиз, оралиқ ўлчовлар ҳам охир-оқибат яхшиланади. Бошқача айтганда, дастлабки ўлчов яқин келажакда қилинадиган, аммо узоқ муддатли самара берадиган ишларингизни аввалдан пухта режалашга имкон беради.

Теран ишлашга киришган якка шахс учун мос келадиган дастлабки ўлчовни топиш осон: бу ўлчов – *муҳим мақсадингиз йўлидаги теран иш учун сарфланган вақтдир*. Менинг мисолимда бу қараш илмий тадқиқотларимни қандай қилишим борасида муҳим аҳамиятга эга. Авваллари йилига нашр қилинадиган мақолалар каби оралиқ ўлчовларга диккат қаратардим. Аммо бу ўлчовлар кундалик ишларимга таъсир ўтказмас эди, чунки киска вақт ичиди узоқ муддатли ва сезиларли таъсирга эга қилишим мумкин бўлган бирор нарса йўқ эди. Теран меҳнат жараённига кириб борганим сари, бу ўлчовлар кундалик фаолиятимга алокадор бўлиб борди: теран иш учун кўшилган ҳар бир кўшимча соат шу заҳоти умумий натижамда акс этарди.

УЧИНЧИ ИНТИЗОМ: ТАБЛО ТЎЛДИРИШНИ КАНДА ҚИЛМАНГ

“Агар баллари таблода қайд қилиб борилса, одамлар бошқача ўйнайдиган бўлади” дейди “4DX” муаллифлари.

Улар яна шуни таъкидлашади, жамоангизнинг бор кучини ташкилотнинг бош мақсадига сафарбар қилмоқчи бўлсангиз, уларнинг дастлабки ўлчовларини оммавий жойга ёзиб кўйинг. Бунақа табло уларнинг дикқатини ана шу ўлчовларга қаратиб, уларни илдамроқ ишлашга ундовчи рақобат хиссини уйғотади. Токи жамоанинг эришаётган муваффакиятта кўзи тушиб тураркан, суръятни пасайтирмасликка қаттиқ уринади.

Теран ишни мақсад қилган якка шахснинг ўша ишга кетган вакти дастлабки ўлчов бўлиши лозим, деб айтиб ўтгандим. Шунинг учун унинг очколар таблоси теран ишга сарфлаган вақт кўрсаткичи бўлиши керак.

“4DX” бўйича олдинги тажрибаларимда бунака таблони кўллаш учун содда, лекин самарали ечим топдим. Карточка олиб, уни семестрдаги ҳар бир ҳафтага мослаб каторга бўлиб чиқдим. Кейин ҳар бир каторни ҳафтадаги саналар билан белгилаб компьютерим экранига яқин жойдаги деворга ёпишириб кўйдим (шундай турса эътибор бермаслигим мумкин эмасди). Ҳар ҳафта ўтгани сари, ўша ҳафтада теран меҳнатга сарфланган вақт миқдорини белгилаб бордим. Мазкур табло берган иштиёқни янада кучайтириш учун қачонки илмий ишимда муҳим натижага эришсам (масалан, ниманидир исботлай олсам), ўша соатни таблоимда албатта белгилаб кўярдим. Бу икки мақсадга хизмат қиласди: биринчидан, у менга теран фаолиятта сарфланган соатлар сони ва аник натижаларни боғлашга имкон яратди; иккинчидан, ҳар бир натижага эришишим учун қанча вақт теран ишлашим кераклигини ҳисоблашда асқатди. Бу эса мени теран ишлаш учун кўпроқ вақт сарфлашга қизиктиради.

ТЎРТИНЧИ ИНТИЗОМ: МАСЪУЛИЯТЛИК РИТМИНИ ЯРАТИНГ

“4DX” муаллифлари фикрига кўра, дастлабки ўлчовга бор дикқатни қаратишнинг энг сўнгги босқичи “жамоаларнинг доимий учрашувлар ритмини уюштиришдир.” Мазкур учрашувлар мобайнида жамоа аъзолари ўз таблолари

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕХНАТ ҚИЛИНГ

қаршиисида шундай жойлашишлари керакки, токи навбатдаги учрашувдан олдин очколарини кўпайтиришга ахд қилиш ва ўтган сафарги учрашувдаги аҳдлари натижасини таҳлил қила олишсин. Бу тарздаги таҳлил бир неча дақиқа давом этиши ҳам мумкин, бироқ натижаси сезилиши учун мунтазам олиб борилиши керак. Муаллифлар айнан мазкур интизом орқали ижро чинакамига амалга ошишини ургулаган.

Теран ишга бор кучини қаратган якка шахс учун эҳтимол бунақа жамоа йўқдир, лекин бу сизни асло доимий масъулиятдан сокит қилмайди. Китобнинг турли қисмларида аввалги ҳафтани сарҳисоб қилиб, келгуси ҳафтанинг режасини тузиш одатини тавсия қилганман (4-қоидага қаранг). “4DX”ни синааб кўриш мобайнида самарали ҳафталаримни таблога қараб сарҳисоб қилишм самарасиз ҳафталарга нима сабаб бўлганини тушунишга ёрдам берди ва, энг муҳими, кейинги кунларда балларимни қандай яхшилаш кераклигини кўрсатди. Бу эса ўз навбатида иш жадвалимни дастлабки ўлчовга мослаштиришимга ва охир-оқибат теран фаолият асосида кўпроқ ишлашимга сабаб бўлди.

“4DX” схемаси ишни бажариш уни режалашдан қийинроқдир, деган ғояга асосланган. Юзлаб кейс-стадилар шуни кўрсатди, унинг муаллифлари муаммоларни енгишда аскатадиган энг асосий интизомларни ажратиб олишни уddaлаган. Шу боис, мазкур интизомлар сизнинг теран ишлаш одатини шакллантиришингизга ҳам ўшандай ижобий таъсир қилса, бундан ажабланмаслик керак.

Холосалаш учун, сўнгти бора ўз шахсий мисолимга қайтаман. Аввал таъкидлаганимдек, илк маротаба “4DX”-ни синааб кўрганимда – 2013-2014-ўкув йили мобайнида бешта илмий мақола нашр қилишни мақсад қилдим. Аввалги йили тўртта чиқарганимни ҳисобга олсак, бу катта мақсад эди. Мазкур “4DX” устидаги тажрибам мо-

байнинда, мақсадимнинг аниқлиги ва таблоимда акс этган дастлабки ўлчов мени аввал ҳеч эришмаганим теранликка олиб борди. Ўша пайти теран ишга кетказган вактим кўпаймади, балки унинг мунтазамлиги кучайди. Теран тафаккуримни мақолаларимнинг битиши муддатига мосласам, ўша “4DX” асосида ишлаш одати бутун йил бўйи дикқатимни жамлашга ёрдам берарди. Тан олишим лозимки, жуда толиктирадиган йил бўлди (айниқса, бир вактнинг ўзида ушбу китобни ҳам ёзаётган эдим). Аммо “4DX”нинг канчалар тўғрилигига амин бўлдим: 2014 йил ёзигача, тўккизта мақолам – мен олдинги йиллари бажаришни уddaлагандан икки ҳисса ортиқ – нашрга қабул қилинди.

“ЭРИНЧОҚ” БЎЛИНГ

“New York Times” блоги учун 2012 йили ёзган мақоласида эссенавис ва карикатурачи Тим Крейдер ўзини куйидагича ёдда қоларли тарзда тасвирлайди: “Банд эмасман. Мен ўзим танийдиган энг эринчоқ, аммо орзуси катта одамман.” Крейдернинг ишга муккасидан кетишни ёқтираслиги бу постни ёзишигача кечган ойларда синовдан ўтганди. Бу даврни эса унинг ўзи куйидагича тасвирлайди: “Мен киши билмас тарзда банд одамга айлана бошладим, чунки ҳар тонгда электрон почтам ўзим хоҳламаган ишни бажаришим ёки қанақадир муаммоларни ҳал килишим сўралган хатлар билан тўлиб кетарди”.

У топган ечим қандай эди? У ўзи “номаълум жой” атаган ерга қочиб кетди: на телевизор, на интернет (унинг учун кутубхонага велосипедда бориб келиш керак бўларди) бор эди. У ерда алоҳида олганда безарар, лекин тўплангандা теран ишлашга жиддий путур етказадиган майда вазифаларни бемалол жавобсиз қолдира оларди. “Айиқтовонларни, бадбўй каналар ва юлдузларни эсладим. Ўқияпман ва ўтган ойлар ичida илк марта ҳақиқатда нимадир ёзяпман”, дейди Крейдер узлатдаги иши ҳақида.

Бизнинг мақсадимиз учун эса Крейдернинг Торо эмас-

лигини билиш кифоя. У бандлик оламини жамиятдаги муносабатлардан норизо бўлиб тарк этмади. Аксинча, у номаълум жойга ажабтовур, лекин фойдали мулоҳазадан рухланиб йўл олди: Бу эса унинг касбида камол топишига кўмаклашди. Мана Крейдернинг изохи:

“Бекорчилик дам олиш, енгил-еглиллик ёки ёвузлик эмас, балки худди баданга Д витамин зарур бўлгани каби, у ҳам миямизга зарур, у этишмаса, худди раҳитдан азият чеккандек, ақлий ноқисликдан қийналамиз. Fa-лати туюлиши мумкин, лекин иш бажарилиши учун бу зарур.”

Крейдер ишни бажариш деганда, саёз ишларни назарда тутмаяпти, албатта. Аксар ҳолларда, саёз фаолиятга қанча кўп вақт сарфласангиз, шунча кўп ишни битирасиз. Ёзувчи ва рассом сифатида Крейдер, аксинча, теран меҳнатни – бутун дунё қадрлайдиган маҳсулот яратишни ўйлади. Шу боис ҳам, бу машғулотлар, унинг ишонишича, мунтазам ҳордиқ чиқариб турувчи мия ёрдамига муҳтоҷ.

Бу стратегия Крейдерга эргашиб, касбий талаблардан кўпроқ ва мунтазам равища ўзингизни озод қилишни, қанчалик ғолати туюлмасин, теран иш учун зарур бўлган бекорчиликни ўзингизга одат қилишингизни талаб қиласи. Бунинг эса йўллари кўп. Крейдерга ўхшаб, саёз ишлар дунёсидан узоклашишингиз, “номаълум жой”да яшириниш усулини қўллашингиз мумкин. Лекин бу ҳаммага ҳам тўғри келавермайди. Бунинг ўрнига сизга янада куляйроқ ва кучлироқ йўлни тақлиф этаман: иш кунингиз охирлаганда, келгуси тонгтacha иш билан боғлиқ ҳамма ташвишларингизни хаёлингиздан чиқариб ташланг – кечки овқатдан кейин электрон почтани текшириш ҳам, ўша кунги сухбатларни эслаш ҳам, навбатдаги қийинчиликни қандай бартараф этишини ўйлаш ҳам бўлмасин – ҳаммасини батамом унунинг. Кўпроқ вақт керак бўлса, марҳамат, иш кунингизни чўзинг, лекин ишни битирдингизми, онгингиз Крейдернинг айиктовонларию,

бадбүй каналари ва юлдузларини учратиш учун эркин бўлсин.

Мазкур стратегияни амалга оширишнинг айрим тактикаларини баён қилишдан олдин, нега айнан ишдан узоклашиш қимматли мева беришини кўриб чиқмоқчиман. Тим Крейдер мисоли биз учун етарли дастак, албатта. Шундай бўлса ҳам, бундай дам олишлар ортидаги илмий асосни тушуниб олиш зарар килмайди. Бу борадаги илмий адабиётларни яқиндан ўргансангиз, қуидаги уч эҳтимолий тушунтиришни кўрасиз.

БИРИНЧИ САБАБ: ТАНАФФУСНИНГ ФОЙДАЛАРИ

2006 йил “Science” журналида босилган мақоладан олинганд парчага дикқат қилинг:

“Илмий адабиётлар юз ишлардан буён қарор қилишда онгли мулоҳазанинг самарасини таъкидлаб келмоқда. Бу ерда мазкур қарашининг қанчалик асослангани масаласи кўриб чиқилган. Бизнинг таҳминимизча, у асосланмаган.”

Мазкур мулойимгина айтилган гап остида каттагина даъво ётибди. Ҳолланд психология Ап Декстерхаус бошлигидагимақоламуаллифлари юқоридагигояни ўрганиб, баъзи қарорларни онгостига қолдириш маъқуллигини асослашга харакат қилди. Бошқача айтганда, бу қарорлар устида фаол ўйлашга уриниш бутун маълумотларни онгга юклаб, зарур қарор чиқаришни онгостига қолдиргандан кўра ёмонроқ натижага беради.

Декстерхаус жамоаси тажриба қатнашчиларига машина сотиб олиш учун керак бўладиган маълумотларни бериб, унинг натижасини алоҳида ўрганишди. Иштирокчиларнинг ярмига маълумотларни ўрганиб, сўнг қарор қабул қилиш вазифаси юклатилди. Қолган ярмига эса маълумотни ўқигач, осон жумбоклар бериб, онгли тарзда қарор қабул қилишига халал берилди. Охир-оқибат халакит берилган гурух яхшироқ натижага кўрсатди.

Шунга ўхшаш тажрибалар хулосаси ўлароқ, Декс-

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕҲНАТ ҚИЛИНГ

терхаус ва унинг ҳамкаслари англанмаган тафаккур назариясини (ATH) илгари сурди. Бу қарор қабул қилишда англанган ва англанмаган тафаккурнинг ролини тушунишга уриниш эди. Бу назарияга кўра, қатъий қоидаларни талаб этувчи қарорларда англанган тафаккур иштироки жуда муҳим. Масалан, математик ҳисоб чиқармоқчи бўлсангиз, онгли тафаккур билангина аниқ арифметик қоидаларга асосланиб, тўғри жавобни топа оласиз. Лекин катта миқдордаги маълумот, мужмал ва қарама-қарши тўсикларни ҳисобга олиш лозим бўлган қарорларда англанмаган онг муаммони ечишга кўл келади. ATHга кўра, бунинг сабаби миянгизнинг мазкур қисмларида кўпроқ нейрон боғланишлари мавжудлиги, улар маълумотни тез ишлай олиши ва англанган тафаккурга қараганда самаралироқ қарорлар чиқариш имконига эга-лигидир. Бу назарияга кўра, онгли тафаккурнинг чекланган масалаларга тўғри жавоб берувчи дастурлар тафаккур эса статистик алгоритмлар минглаб терабайт тартибсиз маълумотни қайта ишлайдиган, қийин саволларга кутилмаган фойдали ечимлар берадиган “Google”нинг улкан маълумотлар марказига ўхшайди.

Бу сирадаги тадқиқотлар кўрсатадики, англанган тафаккурга дам бериш англанмаган тафаккурга навбат беришига ва мураккаб касбий муаммоларингизга жавоб топишига йўл очади. Танаффус қилиш самарали фаолиятингизга кетадиган вақтингизни камайтирмаиди, аксинча қилаётган ишингизда хилма-хилликни ортиради.

ИККИНЧИ САБАБ: ТАНАФФУС ТЕРАН ИШЛАШ УЧУН ҚУВВАТ ТЎПЛАШГА ЁРДАМ БЕРАДИ

“Psychological Science” журналининг 2008 йилдаги сонида чиққан кўп тилга олинадиган мақолада шундай тажриба баён қилинади: иштирокчилар икки гурухга бўлинади. Биринчи гурухга тадқиқот ўтказилган университет худудида – Мичигандаги Анн Арбор кампуси яқинидаги

ботаника боғидаги сўқмоқ йўлакча бўйлаб сайр килиш топширилади. Иккинчи гуруҳ эса шаҳарнинг шовқинли маркази бўйлаб сайр килишга юборилади. Иккала гурухга ҳам дикқатни чарчатувчи тескари санаш топшириги берилди ва табиат кўйнида сайр килган гурух бу топширикни 20 фоизга яхшироқ бажарди. Натижа кейинги ҳафтадаги тажрибада ҳам такрорланди, яъни худди ўша иштирокчилар жой алмасиб кўрдилар: муваффакият сири одамларда эмас, балки дарахтзор бўйлаб килинган сайрда бўлиб чиқди.

Мазкур тадқиқот табиат бағрида бўлиш дикқатни жамлаш қобилиятини ривожлантиришини даъво қилувчи “Дикқатни тиклаш назарияси”ни (ДТН) тасдиқлайдиган кўплаб тадқиқотлардан биридир. Илк маротаба мазкур назария 1980 йилларда Мичиган университети психологиялари Рейчл ва Стефен Капланлар (кейингиси тилга олганимиз 2008 йилги тадқиқотнинг Марк Берман ва Жон Жонидес билан бирга ҳаммуаллифларидан биридир) томонидан илгари сурилган бўлиб, у дикқатнинг толикиши тушунчасига асосланади. Эътиборни жамлаш “йўналтирилган дикқат”ни талаб қиласи. Дикқат манбаси эса чекланган: Агар толиктирсангиз, дикқатингизни жамлашга қийналасиз. (Бу ўринда биз бу манбани Баумейстернинг “чекланган ирода кучи захираси” билан айни бир деб ҳисобласак бўлади.³) 2008 йилги мазкур тадқиқотга кўра, гавжум шаҳар кўчаларида юриш “йўналтирилган дикқат”ни талаб қиласи, чунки кўчани качон кесиб ўтишингиз, йўлкани банд қилган имиллаган сайёхлар орасидан ўтиб олишингиз учун дикқат зарур. Тажриба иштирокчиси эллик дақиқа эътибор билан йўл топиб юргач, унинг “йўналтирилган дикқат”и сустлашиб қолган эди.

Аксинча, табиат бағрида сайр килиш, Марк Берман

3 Адабиётда улар бир хиллиги борасида баҳслар мавжуд. Бироқ бизнинг мақсадимиз учун бу аҳамиятга эга эмас. Мухими, тежалиши лозим бўлган, дикқат учун зарур манбалар чекланганидир.

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕХНАТ ҚИЛИНГ

куёш ботиши мисолида айтганидек, “табиий жозибадор стимул”дир. Бу стимул “дикқатни зўриқтирмайди, дикқат жамлаш механизмларининг қайта қувватланиб олишига имкон беради”. Бошқача айтганда, табиат кўйнида сайр қилиб, йўл топиш учун (дейлик, гавжум кўчаларни кесиб ўтиш каби) дикқатни жамлаш заруратидан озод бўласиз. Бу ҳолат эса йўналтирилган дикқат манбалари қайта тикланишига имкон беради. Худди шундай эллик дакиқалик қувватланишдан сўнг тажриба иштирокчиларининг дикқат жамлаш қуввати ўси.

(Сиз ташқарида қуёш ботишини томоша қилиш яхши кайфият бағишлияди ва шу яхши кайфият ишингизга унум беради, дея эътиroz билдиришингиз мумкин. Бироқ тадқиқотчилар бу тажрибани Анн Арборнинг аёз кишида ҳам такроран ўтказган. Совуқ ҳавода ташқарида сайр қилиш иштирокчиларнинг кайфиятини кўтармаган, аммо улар дикқатни жамлашда барибир яхшироқ натижа кўрсатган.)

Биз учун муҳими, дикқатни тиклаш назариясининг татбики табиатнинг ижобий таъсирига боғлиқ эмаслигидир. Бу назариянинг ўзак механизми шундаки, дикқатни йўналтира олиш қобилиятингизни унга дам берибгина қайта тиклашингиз мумкин. Табиат бағрида сайр қилиш ақлий ҳордиқ чиқаришга ёрдам беради, аммо шу каби “табиий жозибадор стимул”ни бера олса ва йўналтирилган дикқатдан холи бўлса, бошқа ҳар қандай ҳордиқ чиқариш машқлари ҳам бу вазифани бажара олади. Жумладан, дўстлар билан кундалик енгил сұхбатлар, овқат пишираётib мусиқа тинглаш, фарзандларингиз билан ўйнаш, югуриш – булар барчаси агар кечки вақтингизни банд қилиб, ишни хаёлингиздан чиқарса, худди табиат кўйнида сайр килганингиз каби дикқатингизни қайта тиклайди.

Бошқа томондан, электрон почтангизни текшириб ва жавоб ёзиб, ёки овқатдан кейин бир нюча соат яна ишлаб,

хордиқ вактингизни ўғирлайверсангиз, йўналтирилган дикқат марказларингиз қайта тикланиши учун зарур танаффусдан мосуво бўласиз. Ҳатто бу ишлар катта вакт олмаганда ҳам, дикқатни тиклаш учун зарур чукур хордик олиш имконидан маҳрум бўласиз. Келаси кунгача ишим битди, деган ишончгина миянгизни зарур қувватни йифиш учун танаффусга чикишга ундаи олади. Хуллас, кечки хордиқ вактингиздан қўшимча ишлаш учун чегириб қолишга уринишингиз кейинги кунингиз унумига путур етказади.

УЧИНЧИ САБАБ: КЕЧКИ ҲОРДИҚ КЕЧКИ ИШДАН МУҲИМРОҚ

Иш кунингизни аниқ вақтда тугатишга одатланиш борасидаги сўнгти аргументни ойдинлатиш учун мақсадли машқ назарияси муаллифи Андерс Эриксонга бирров қайтамиз. Биринчи бўлимда танишганингиздек, мақсадли машқ – бирор маҳоратни шакллантириш учун ўзингизни зўриқтиришдир. Бу фаолият муайян соҳада камол топиш учун зарур. Теран меҳнат ва мақсадли машқ бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Биз учун мақсадли машқ ақлий зўриқиши талаб қилувчи барча ишлар учун умумий воситадир.

Эриксоннинг 1993 йилда нашр этилган “Маҳоратли ишлашни ўрганишда мақсадли машқнинг роли” номли мақолосида ақлий зўриқиши талаб қилувчи фаолиятлар учун керакли қобилиятлар ҳақида қилинган илмий ишларнинг мухтасар баёни берилган. Эриксон таъкидлайдики, бу ишда янги одам учун кунига бир соат дикқатни жамлаб ишлаш меъёр ҳисобланса, тажрибалилар учун бу миқдор тўрт соатгача бориши мумкин, лекин камдан-кам ҳолларда ундан ошади. Жумладан, мақолада тилга олинган тадқиқотлардан бирида Берлин санъат университетидаги энг малакали скрипкачиларнинг машқ қилиш одатлари саналган. Мазкур тадқиқотнинг очиқлашича, малакали скрипкачилар кунига тахминан уч ярим соат – кўпинчча бу вактни икки қисмга бўлган ҳолда – мақсадли машқ

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕҲНАТ ҚИЛИНГ

қилади. Сал бундайреклари эса теран ҳолатда камроқ вақт машқ қилади.

Бу натижалар шуни англатадики, бир кунлик теран ишлаш қувватингиз ҳам чекланган. Иш тартибингизни тузишда пухта бўлсангиз (масалан, тўргинчи қоидада ифодаланган маҳсулдорлик стратегияларидан фойдаланиб), иш кунингиз мобайнида имконингиз етадиган қадар теран фаолиятга улгурасиз. Шу боис, кечга бориб самарали ишлашда давом эта олмайдиган даражага етиб коласиз. Тунга олиб кўйилган ҳар қандай иш эса карьерангизни кўтарадиган кийматли иш бўлмайди, балки бутун саъй-ҳаракатларингиз паст кийматли саёз вазифага айланиб қолади. Кечки ишни сал кейинга қолдирсангиз, катта нарса йўқотмайсиз.

Юкоридаги уч сабаб иш кунингизни вақтида тугатиш борасидаги умумий стратегияни дастаклайди. Келинг, энди унинг татбиқи бўйича баъзи тафсилотларни кўриб чиқамиз.

Мазкур стратегияни муваффакиятли амалга ошириш учун аввало иш кунингиз тугагач, ишингизга оид энг майда нарсалар ҳам диккатингизни тортишига йўл кўймасликка катъий қарор қилинг. Булар жумласига почтантингизни текшириш, иш билан боғлиқ веб-саҳифаларни кўздан кечириш кабиларни киритиш мумкин. Иккала ҳолатда ишнинг қисқагина аралашиб ҳам ўз-ўзини кучайтирувчи оқимга айланиб, аввал айтганимиз танаффуснинг фойдаларини йўққа чиқариши мумкин. (Мисол учун, шанба тонгига электрон почтага келган хатта кўз ташлаш оқибати бутун дам олиш кунларида сезилишини кўпчилик билади.)

Бу стратегияни муваффакиятли кўллашнинг яна бир калити ўзингизга танаффус берини қарорингизни айнан танаффусни доимий одатта айлантириш орқали қувватлашдир. Бу одат кейинчалик муваффакият қозо-

нишингиз эҳтимолини янада орттиради. Батагасирлорк айтсақ, бу одат ҳар бир тугалланмаган вазифа, мақсад ёки лойиҳа таҳлил қилиниб, уни тугатишиңгиз учун аниқ режани ёки режа бўлмагандা бирор қулайрок вақтга олиб кўйишни назарда тутади. Бу жараён мисоли алгоритмдек, яъни сиз доим такрорлайдиган ишларнинг аниқ кетма-кетлиги тарзида бўлиши керак. Ишиңгиз битгач, доим такрорлайдиган жумлангиз бўлсин (масалан, мен ишими якунлагач, “Иш тўхтатилди” дейман). Мазкур сўнгти қадам эришдек тутолади, лекин у онгингишга куннинг қолган қисмида ишга оид ташвишларни вақтинча унтиш мумкинлигини билдириб ишора беради.

Янада аникроқ бўлиши учун келинг, ўзимнинг бу борадаги тартибимдаги босқичлар ҳақида сўзлаб берай. Бу тартибни докторлик диссертациямни ёзаётганимда бошлаганман ва уни ўшандан буён такомиллаштираман. Биринчи қиласиган ишим, кун тугамасидан аввал шошилинч жавоб талаб қиласиган хат йўқлигига ишонч хосил қилиш учун почтами текшириш. Кейин қилинадиган ишларим рўйхатига янгиларини ёки ўша куни хаёлимга келганларини ёзив кўяман. (Бу рўйхатни сақлаб кўйиш учун “Google Docs”дан фойдаланаман, чунки унга хоҳлаган бошқа курилмадан кириб рўйхатни очишим мумкин, шундай бўлса-да, бу ерда муҳими технология эмас.) Вазифаларим ёзилган рўйхатни очгач, ҳар бир рўйхатга кўз югуртириб, календардаги келгуси бир неча кунга назар ташлайман. Бу орқали долзарб бирор нарсани ўтказиб юбормаётганимга, бирор муҳим иш ёки учрашувнинг муддати келиб қолмаганига амин бўламан. Шундай қилиб, жадвалимдаги ҳамма нарсани кўриб чиқаман ва ундаги маълумотдан кейинги кун учун режа тузища фойдаланаман. Режа тузиб бўлгач, “Иш тўхтатилди” дейман ва бу ўша кун учун иш тугаганини билдиради.

Вақтинча танаффус тартиби бир қарашда ўта қаттиқдек

БИРИНЧИ ҚОИДА: ТЕРАН МЕХНАТ ҚИЛИНГ

туюлиши мүмкін, аммо у мұхим асосға зәг: “Зейгарник эффекти”. 20-аср бошларидан илмий тадқиқоттар олиб борган психолог Блума Зейгарник чала қолған ишлар дикқатимизни бошқаришини тасвирлаб беради. Үнга күра, қандай мұхим иш бўлмасин шунчаки соат бешда тўхтатиб, “Эртагача етади” деб айта олсангиз, миянгизни касбингизга оид масалалардан фориғ қилишингиз мүмкін, чунки, Блума Зейгарник тадқиқотлари кўрсатганидек, ҳал бўлмаган мажбуриятлар тун бўйи дикқатингизни банд қилиш учун курашади ва кўпинча ғолиб чиқади.

Дастлаб бу муаммо ҳеч ечилимайдигандек туюлиши мүмкін. Тугалланмай қолған вазифалар доим бўлади, буни ҳар бир ақлий фаолият кишиси тасдиқлаши мүмкін. Шу боис, барча вазифаларни битказиш куруқ хаёлдир. Яхши ҳамки, миямиздан чиқариб ташлашимиз учун ўша топширикни бажаришимиз шарт эмас. Бу масалада эса мазкур қоида аввалида тилга олганимиз психолог Рой Баумейстер Э.Ж. Масикампо билан ҳаммуаллифликда ёзган “Бажардим деб ўйланг!” номли мақоласига мурожаат қиласиз. Психологлар тадқиқот мобайнида иштирокчиларда Зейгарник эффектини синааб кўришди (яъни, олимлар уларга муайян топширик бериб, кейин уларни бажаришларига халақит бердилар), бироқ халақит берилгач, иштирокчилардан тугалланмай қолған топширикни кейинрок қандай бажариш бўйича режа тузишни сўраганларида мазкур эффектининг таъсири камайгани аниқланди. Мақоладан бир парча келтираман: “Максад учун махсус режа тузиш нафақат максадга эришишни осонлаштиради, балки ақлий қувватни бошқа нарсаларга йўналтиришга ҳам имкон беради”.

Олдин сўз юритилган вақтингчалик танаффус тартиби Зейгарник эффектига қарши курашда ана шу тактикани илгари суради. Бу тактика ҳар бир вазифа учун алоҳида режа тузишни талаб қилмаса ҳам (оғир тащвиш), ҳар бир топширикни битта рўйхатга жойлаб, кейинги кун учун

режа тузаттанды уни ҳисобга олишга мажбур килади. Бу тартиб ҳеч бир вазифа унтуилмаслигини таъминлады: ҳар бири кунда қайта күрилади, вакт бўлганда бажарилади. Бошқача айттанды, ҳар лаҳза бу вазифаларни ўйлашдан халос бўласиз, чунки вақтингчалик танаффус тартибингиз буни ўзи ҳал қилади.

Тўғри, бунақа танаффус тартиби асабингизга тегиши мумкин, чунки иш кунингиз тугаш пайтига яна қўшимча ўн-ўн беш дакика (баъзан ундан ҳам кўпроқ) кўшилади, аммо улар илгарироқ муҳокама қилинган тизимли ҳордик чиқариш учун зарур. Тажрибамга суюниб айтишим мумкинки, вақтингчалик танаффус қилиш одати бир ёки икки хафтада тўлик шаклланади, яъни онгингиз вакт бўлганда ишга доир ҳаёлларни ўзидан чиқариб ташлай олиши учун бу одатга кўникиши керак. Кўниккач эса, бу тартиб ҳаётингизнинг узвий қисмига айланниб қоладики, ундан йироқлашсангиз ўзингизни нокулай ҳис қила бошлийсиз.

Психологиянинг турли-туман соҳаларидаги ўн йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар хуносаси шу: мунтазам равишда мияга дам бериш теран ишингиз сифатини янада оширади. Ишлаганда қаттиқ ишланг. Тутатсангиз, тутатинг. Хатларга жавоб қайтариш учун вақтингиз камайиши тайин, лекин уни ўзингиз учун муҳимроқ бўлган иш учун тежаб, вазифаларни бошқа толиккан ҳамкасларингизга қараганда тетикроқ ҳолатда теранроқ бажарасиз.

Иккинчи қоидა

ЗЕРИКИШДАН ЧҮЧИМАНГ

Теран ишлаш санъатини қандай эгаллашни яхширок тушуниш учун якшанба куни, тонг соат олтида Нью-Йоркнинг Баҳор водийсида жойлашган “Исроил жамоаси” синагогига бориб кўринг. Мабодо борсангиз, автотурагроҳда камида йигирмата машинага кўзингиз тушиши аниқ. Ичкарида эса ўнлаб кишининг матнлар устида ишлаётганини кўрасиз – кимдир қадимий тилдаги сўзларни пичирлаб ўқиётган, бошқалар эса жуфт-жуфт бўлиб баҳсга киришган, хона тўрида раввин каттароқ гурухнинг муҳокамасини бошқараётган бўлади. Эрта тонгдан Баҳор водийсига йигилган бу жамоат юз минглаб анъанадор яхудийларнинг бир қисми, холос. Улар ўз эътиқодларининг устунларидан бири – яхудийликнинг мураккаб ёзма анъаналарини ҳар куни ўрганиш учун ҳар эрта тонг ўринларидан туради.

Мазкур оламга мени “Исроил жамоаси” қавмининг аъзоси ва тонгги ўкув гуруҳи иштирокчиси Адам Мерлин олиб кирди. Унинг тушунтиришича, бу машғулотдан кўзланган максади ҳар куни “Талмуд”нинг бир саҳифасини ўрганиб, тафаккур доирасини янада кенгайтириш учун ўкув шериги (*chevruta*) билан ишлаш экан.

Мерлиндаги мени қизиқтирган нарса унинг қадимий матнларни ўқий олиши эмас, балки бу илмни эгаллаш учун килган саъй-ҳаракатларидир. Ундан интервью олганимда тонгги ритуалнинг аклий интенсивлигига алоҳида ургу

бериб гапирди: “Бу асосан теран меҳнатдан иборат қатъий ва жиддий интизомдир. Ўсаётган шахсий бизнесимни бошқараман, лекин миямни энг кўп таранглаштирадигани ҳам шу”. Бундай таранглашиш Мерлингагина хос эмас, аксинча, унинг раввини унга айтишича, “токи ақлий қобилияtingиз охиригача таранглашмагунча, ўзингизни кундалик вазифамни тўлиқ бажардим деб айта олмайсиз”.

Бошқа кўплаб анъанадор яхудийлардан фарқли ўларок, Мерлин ўз динини кечроқ таниган, “Талмуд” билан жиддий шуғуланишни йигирма ёшларида бошлаган. Мерлин ҳақидаги бу кичик маълумот биз учун шуниси билан муҳимки, у бу “аклий гимнастика”ни бошлашидан аввалги ва кейинги ҳолатини киёслай олиши мумкин – натижасидан ўзи ҳайрон. У гарчи машқни бошлаган пайтида анча ўқимишли бўлган бўлса ҳам – учта нуфузли университетнинг дипломи соҳиби эди – кичик диний мактабларга энди қатнай бошлаган, аммо интеллектуал баҳсларда бемалол иштирок эта оладиган муҳлисларини учратди. “Улар касбий фаолиятида анча муваффақиятга эришган, бироқ уларнинг ақл-идрокини юксалтирган омил қанақадир мактаблар эмас, балки ўzlари бешинчи синфдалигидаёқ бошлаган кундалик мустақил ўқишилари эди”, дейди у.

Бироз вақт ўтгач, Мерлин ҳам теранроқ ўйлаш қобилиятида ижобий ўзгаришлар юз берадиганини сезди: “Бизнесдаги ишимга ҳам анча ижодий ёндаша бошладим ва бу, аминманки, кундалик ақлий машғулотлар сабаблидир. Ақлий таранглаштирувчи изчил машқлар йиллар мобайнида ақл-идрок мушакларимни кучайтириб келяпти. Бошида бу мақсадим эмасди, лекин натижа шунаقا бўлиб чиқди.”

Адам Мерлиннинг тажрибаси теран иш борасидаги муҳим бир реалликни кўрсатади: Диққатни жадал жамлай олиш шакллантирилиши шарт бўлган маҳоратдир. Бир қарашда

ИККИНЧИ КОИДА: ЗЕРИКИШДАН ЧҮЧИМАНГ

буғоя ҳаммага очық-ойдиндек күрениши мумкин, бирок күпчилик тушунганидан анча фарқ қилади. Тажрибамдан айтишим мүмкінкі, бўлинмаган дикқатни тиш тозалашга қиёслашади, тиш тозалашни биласиз, сиз учун бу яхшилигини ҳам биласиз, аммо иштиёқ бўлмагани учун бу ишга бепарво қарайсиз. Бу шуни англатадики, агар иштиёқ бўлса, бир кечадаёқ чалғишиларга бой ишингизни ўзгартира оласиз. Аммо бу тушунча дикқатни жамлашнинг муракаблиги, ақлий мушакларингизни кучайтириш учун соатлаб машқ қилиш кераклигини хисобга олмайди. Аникроқ айтсак, Адам Мерлиннинг ўз касбий ҳаётида қўллаёттган ижодий заковати теран фикрлаш бўйича қаҷонлардир қилган қарорининг эмас, балки ҳар тонг шу қобилиятни чархлаб боргани ҳосиласидир.

Мазкур ғоя учун аҳамиятли битта хулоса бор: онгингизни чалғишилардан холи қилиб бормасангиз, дикқатни кучлироқ жамлаш учун қилган ҳаракатларингиз самара бериши қийинлашади. Худди атлетлар танасини машғулотлардан ташқарида ҳам доим парвариш қилиб юрганидек, агар теран иш билан машғулликдан ташқари вақтингизда зерикишдан қочсангиз, дикқатни қаттиқ жамлаш қийинлашади.

Бу даъвога далилларни Стэнфорд университетининг коммуникация воситалари бўйича профессори Клиффорд Насснинг изланишларидан топишимиз мумкин. У рақамлашган технологиялар асрида одамларнинг хуқидаги ўзгаришиларни тадқиқ қилгани билан машҳур. Насснинг тадқиқоти шуни кўрсатдики, инсон дикқатининг онлайн ҳолатда мавзудан мавзуга доимий ўзгариб туриши миянгизга давомли салбий таъсир кўрсатар экан. Насс 2010 йилда NPR (Миллий жамоат радиоси) мухбири Ира Флатоуга берган интервьюсида ушбу топилмани куйидагича умумлаштиради:

“Шундай қилиб, биз одамларни бир вақтда бир неча ишни қиладиган ва камдан-кам ҳолатда бундай

құлападиганларга ажратдик, фарқлар ҳайратланарлы. Бир вактда күп вазифа бажарадиганлар ишларидағи номувофиқликларни ажрата олмайды. Улар қисқа муддатлы хотирани яхши бошқара олмайды ва сурункали тарзда чалғиб юради. Миясинаң бажарапәтгән вазифасыга болғық бўлмаган катта қисмини фаоллаштириб, ақлий аброр ҳолга бориб қолади.”

Шу аснода Флатоу профессордан доимий чалғиб юрадиганлар миясида кечәётган ўзгаришларни пайқайдими деб сўради:

“Биз мулокот қилган бу одамлар “Қаранг, агар дикқат жамлашим керак бўлса, ҳамма нарсани унутиб, бутун дикқатимни ўша ишга қаратаман” дейди. Афсуски, улар миясини шундай ишлатишга одатланганки, дикқатни қаттиқ жамлаши имконсиз бўлиб қолган. Улар ўзаро номутаносиб ишларга киришиб кетаверади, вазифани охиригача етказа олмай қолади.”

Насс аникладики, миянгиз чалғишиларга ўрганиб қолган бўлса, дикқатни жамлашни хоҳласангиз ҳам, чалғишидан кутула олмайсиз. Аникроқ айтсак, ҳатто бир лаҳза зериксангиз, айтайлик, навбатда туриб қолсангиз ёки ресторонда дўстингизни беш дақиқа ёлғиз кутиб қолсангиз, смартфонингизга кўз ташлаб кўйдингиз дейлик, миянгиз Насс айтган “аклий аброрлик” ҳолатига бориб қолиши мумкин. Ҳатто дикқатни жамлаш учун мунтазам равишда режа бўйича иш тутсангиз ҳам, бу ҳолатда миянгиз теран ишлашга тайёр бўлмайди.

Биринчи қоида теран меҳнатни иш жадвалингизга қандай киритишни ва дикқатни жамлаш қобилиятингизни бор куч билан ишлатишга ёрдам берадиган одатлар ва тартибларни қандай ўрнатишни ўргатади. Иккинчи қоида эса ушбу чегарани сезиларли даражада кенгайтиришда асқатади. Кейинги стратегиялар асосидаги ғоя шуки, теран ишлаш

ИККИНЧИ ҚОИДА: ЗЕРИКИЩДАН ЧҮЧИМАНГ

маҳоратингиздан имкон қадар наф олиш учун машқ килиш лозим. Аввалроқ айтилганидек, бу машқлар икки мақсадни кўзлайди: интенсив равишда дикқатни жамлаш қобилиятини ошириш ва чалғишига бўлган майлардан озод бўлиш. Ушбу стратегиялар чалғишилардан сакланышдан тортиб, медитациянинг алоҳида шаклини ўзлаштиришгача бўлган усулларни қамраб олади. Улар онгингизни доимий чалғишилар сабабли юзага келган абгорликдан, дикқат жамлай билмасликдан, дикқатни лазер сингари аниқ йўналтира билишгача бўлган йўл харитасини чизиб беради.

ДИҚҚАТНИ ЖАМЛАШДАН ҲАМ ТАНАФФУС ҚИЛИНГ

Кўпчилик одамлар чалғиган ҳолатдан дикқатни жамлаш ҳолатига осон ўта оламан, деб ўйлади. Лекин аввал айтганимдек, бу ишонч оптимистикдир: агар бир марта чалғисангиз, уни истайдиган бўлиб қоласиз. Ушбу ҳақиқатдан келиб чиқсан ҳолда, мазкур стратегия миянгизни муайян бир вазифа билан банд бўла оладиган қилиб ўзгартириш учун ишлаб чиқилган.

Тафсилотларга ўтмасдан олдин, чалғишиларга мубталоликдан кутулиш бўйича кенг тарқалган, лекин муаммони ҳал қилмайдиган бир тавсияни кўриб чиқайлик. Бу тавсия “Интернет шанбаси”дир (баъзан “рақамли детокс” деб аталади). Ушбу тавсиянинг мағзи шуки, муайян вақт, одатда, хафтанинг бир куни тармоқ технологиялардан узоқлашиш учун ажратилади. Иброний Библияда айтилган шанба Худо ва унинг яратиклари устида мулоҳаза қилиш ва сокинлик учун ажратилган кундир. Интернет шанбаси ҳам экранга тикилганча, ғоғил қолганингиз ишларни ёдингизга солишини англагади.

Интернет шанбаси тушунчасини ким илк марта муомалага киритгани номаълум, лекин уни кенг оммага таништирган киши журналист Уильям Паузэрсдир. У ўзининг 2010 йили чиқсан “Ҳамлетнинг Блэкбернси” китобида технология ва инсоний баҳт ҳакидаги муло-

хазаларини баён қилади. Кейинчалик берган интервьюосида Пауэрс шундай хулоса қилади: “Торо нима қилған бўлса, шуни қилинг, яъни ҳар томонлама тифиз боғланган оламдан салгина ўзингизни узинг, лекин қочманг”.

Чалғиши муаммоси бўйича берилган маслаҳатларнинг аксариси баъзан шовқиндан нари бўлишга вакт топиш кераклигини уқтиради. Баъзи бирорлар йилига бир ёки икки марта шундай тарзда ташвишлардан холи бўлиш керак деса, бошқалар Пауэрснинг “хафтада бир кун” маслаҳатларига амал қилади, қолганлар кунига бир ёки икки соат вакт ажратади. Бу маслаҳатларнинг барчаси бир қадар наф беради, лекин мия билан боғлик чалғиши муаммосини олсак, шу нарса аниқки, Интернет шанбасининг ўзигина чалғиган мияни тиклай олмайди. Ҳафтасига бир кун соғлом овқатланиш билан барibir озмайсиз, чунки қолган кунлари бўкиб овқатланасиз. Шу тахлит, ҳафтасига атиги бир кун чалғишидан холи бўлсангиз, чалғитувчи саёз юмушларга бўлган миянгиздаги майлни босолмайсиз, чунки кўп вактингиз ўша майлларга эрк бериш билан ўтади.

Интернет шанбасига муқобил бошқа вариантни таклиф қиласман: диққатни жамлаш учун *чалғишилардан дам олишини* режалаш ўрнига, *диққатни жамлашдан дам олиб*, чалғишиларга эрк беринг. Ушбу таклифимни янада аникроқ қилиш учун, келинг, Интернетдан фойдаланишини чалғитувчи стимулларни излаш билан синоним дея тахмин қилайлик. (Албатта, интернетдан аниқ ва мақсадли фойдаланишингиз мумкин, лекин чалғиби кетаверадиган киши учун бу жуда қийин.) Худди шу тарзда, интернет йўқ шароитда ишлашни диққатни жамлаб ишлаш билан синоним деб фараз қиласиз. (Албатта, тармоққа уланмасдан туриб ҳам чалғитадиган нарсаларни топишингиз мумкин, аммо уларга қарши туриш осонроқ.)

Ушбу хомаки категориялар асосида стратегиямиз куйидагича бўлади: интернетдан қачон фойдаланишини аввалдан режаланг, сўнг режадан ташқари вактда мут-

ИККИНЧИ КОИДА: ЗЕРИКИШДАН ЧҮЧИМАНГ

лақо фойдаланманг. Ишда компьютерингиз ёнига блокнот күйинг ва унга кейинги сафар интернетта қачон киришиңгиз мумкинлигини ёзиг боринг. Вакт бўлмагунча, қанчалик ўзига жалб қилмасин, тармокка киришдан ўзингизни чекланг.

Ушбу стратегия ортидаги ғоя шуки, чалғитувчи воситаларнинг ўзигина миянинг дикқатни жамлаш имкониятини камайтирмайди. Аксинча, зерикиш ёки ақлий зўриқиши бўлганда паст стимулли/юқори қийматли фаолиятдан юқори стимулли/кам қийматли фаолиятга доимий ўтиш – мана шу онгингизни зерикишга тоқатсиз қилиб кўяди. Ушбу мунтазам ўзгариб туриш сабабли эътиборингизни ўзига тортувчи кўплаб нарсаларни фарқлайдиган ақлий мушакларингиз заифлашади. Интернетдан фойдаланмаслик (бинобарин, чалғитувчи воситадан узоқлашиш) орқали, чалғишига эрк беришларингиз сони камаяди ва шу билан дикқатни бошқарувчи мушакларни кучайтирасиз. Масалан, агар ўттиз дақиқадан сўнг интернетта кираман (интернет блок), деб режаласангиз, зерикишни бошлайтисиз, ўзингизни чалғитувчи нимадир қидирасиз. Ўттиз дақиқалик ўз-ўзингиз билан кураш дикқатни жамлаш гимнастикасига айланади. Кун бўйи режаланган чалғишлиар шу тарзда кун бўйи қилинган ақлий машққа айланади.

Ушбу стратегиянинг асосий ғояси содда бўлса-да, уни амалга ошириш қийин кечиши мумкин. Муваффакиятга эришишда сизга кўмак берадиган уч муҳим жиҳат бор:

Биринчи жиҳат: Ушбу стратегия ишиңгиз интернетдан кўп фойдаланишини ёки электрон почта билан мунтазам ишилашини тақозо қиласа ҳам, иш беради.

Агар кунига интернетда соатлаб вакт ўтказишиңгиз ёки электрон хатларга тезда жавоб беришиңгиз зарур бўлса, жуда соз: бу интернетдан камроқ фойдаланадиганларга нисбатан ўзингизга интернетни чеклаган вактларингиз

сони анча күп бўлишини англатади. Интернетга кирадиган вақтларингизнинг (*интернет блок*) сони ёки давомийлиги деярли муҳим эмас, муҳими интернетга кирмайдиган вақтингиз (*оффайн блок*) яхлитлигини саклаш керак.

Тасаввур қилинг, учрашувлар оралиғидаги икки соат мобайнида ҳар ўн беш дақиқада электрон почтани текширишингиз керак бўлсин. Ҳар текширишга ўртача беш дақиқа кетади деб тасаввур қилинг. Шу боис, икки соат оралиғидаги ҳар ўн беш дақиқада битта *интернет блок* белгиланиши кифоя килади. Қолган вақт эса *оффайн блокка* ажратилади. Ушбу мисолда, икки соатлик вақтнинг тўқсон дақиқасини оффайн ҳолатда ўтказиб, чалғишиларга қаршилик киласиз. Бу интернетга уланишни буткул чеклаб кўймасдан, диккатни жамлаш машқлари ҳисобланади.

Иккинчи жиҳат: Интернет блокларингизни қандай режалашдан қатъи назар, ушбу блоклардан бошқа вақтни интернетдан мутлақо холи ўтказишингиз лозим.

Ушбу вазифани назарий жиҳатдан айтиш осон, аммо одатий иш кунининг ҷалқаш воқелиги олдида кийин бўлиб қолади. Ушбу стратегияни қўллаётганда сиз дуч келадиган муқаррар муаммо бу – оффайн блок вақти бошланганда ҳозирги ишингизни давом эттириш учун интернетдан нимадир олишингиз кераклигини билиб қолганингизда пайдо бўлади. Мабодо кейинги интернет блокингизгача, яъни интернетдан фойдаланиш вақтингизгача узоқ бўлса, ишингиз тўхтаб қолиши мумкин. Бундай вазиятда интернетта тезда кириб, маълумотни олиб, дарров оффайн режимга қайтишга хоҳиш пайдо бўлади. *Бу хоҳишга қаршилик қилишингиз керак!* Интернет жуда алдамчи: почтангиздан битта зарур хатни олиб, чиқиб кетаман деб ўйлашингиз мумкин, лекин бошқа яқинда келган “шошилинч” хатларга қаращдан ўзингизни тийиш осон эмас. Миянгиз интернет блок ва оффайн блок ўртасидаги чегарани бузуб ўтишга ўрганиб қолиши учун унга бир-

ИККИНЧИ ҚОИДА: ЗЕРИКИЩДАН ЧҮЧИМАНГ

Икки имкон берсангиз кифоя, бу эса мазкур стратегия самарасини камайтиради.

Ушбу вазиятда энг муҳими шундаки, ҳатто ишиңгиз түхтаб қолса ҳам, оффлайн блокни бузишга шошилманг. Иложи бўлса, мавжуд блокнинг қолган қисмida бошқа оффлайн иш билан шуғулланиб туринг (ёки дам олинг). Агар бунинг иложи бўлмаса, дейлик, ҳозирги оффлайн ишни зудлик билан бажаришингиз керак бўлса, энг тўғри йўл – жадвалингизни ўзгартиришdir, шунда сизнинг навбатдаги интернет блокингиз тезроқ бошланади. Ушбу ўзгаришни қилишда муҳими – кейинги интернет блокка тезда ўтмаслиkdir. Интернетта камидан беш дақиқадан сўнг киринг. Беш дақиқа ишиңгизни у қадар кечиктирмайди, аммо хулқ-атвор нуктаи назаридан, бу жуда муҳим, чунки у интернетта киришга бўлган кучли истакни унинг асл мақсадидан ажратади.

Учинчи эжихат: *Уйда ҳам, ишда ҳам интернетдан фойдаланишини режалаш дикқатни жамлаш машқларингиз самарадорлигини янада оширади.*

Агар кечқурун ва дам олиш кунлари ҳам смартфон ёки ноутбукингиздан ажрала олмасангиз, ишдан ташқаридағи одатларингиз иш кунингизда миянгизни кайта тиклаш учун килган уринишларингизни йўққа чиқариши мумкин (иш ва ишдан ташқари муҳитнинг фарқи йўқолиб қолади). Бундай ҳолда, иш куни тугаганидан сўнг ҳам, интернетдан фойдаланишини режалаш стратегиясини давом эттиришни тавсия қиласман.

Янада соддалаштиrsам, ишдан кейин интернетдан фойдаланишини режалаганда кечиктириб бўлмас айрим ёзишмаларни (масалан, дўстингиз билан кечки овқатта қаерда учрашишни келишиб олиш учун ёзишиш) ёки маълумот олишни (масалан, ресторан манзилини онлайн олиш) оффлайн блокка вақтинча киритиш мумкин. Ушбу истиснолардан бошқа пайтда оффлайн блокни яхлит сакланг, телефонингизни нари кўйинб, ҳатларни эъти-

борсиз қолдиринг ва интернетдан фойдаланманг. Ушбу стратегияни иш жойига мослаштириб бўлгани каби, ишдан кейинга ҳам мослаштириш мумкин. Масалан, кечкурун вактни мароқли ўтказиш учун интернет керак бўлса, жуда соз: интернет блок муддатини чўзинг. Бу ерда муҳим жиҳати чалғитувчи хатти-ҳаракатларга вактингизни қискартириш эмас, аксинча, кечкурун сал зерикиб қолсангиз, чалғитувчи нарсаларга берилиб кетишдан тийилиш чорадир.

Ишдан ташқари пайтлари мазкур стратегияни қўллаш кийин бўладиган вақт – ниманидир кутишга тўғри келиб қолганидадир (масалан, дўконда навбатда туриш). Агар оффайн блокда бўлсангиз, зерикишдан кутулиш учун ўз хаёлларингиз билан бўлинг. Шунчаки кутиш ва зерикиш замонавий ҳаётда янгича тажрибага айланди, аммо диккатни жамлаш машқлари нуктаи назаридан бу жуда кимматлидир.

Хулоса қилиб айтганда, теран ишда муваффақият қозониш учун миянгизни чалғитувчи стимулларга қарши туришга одатлантиришингиз керак. Бу чалғитадиган хатти-ҳаракатлардан халос бўлишингиз керак дегани эмас, шунчаки улар дикқатингизни банд қилиб кўйишига йўл қўймасангиз кифоя. Интернет блокларини режалашнинг баён қилинган бу оддий стратегияси дикқатни бошқаришда кўп қўл келади.

ТЕДДИ РУЗВЕЛТДЕК ИШЛАНГ

Агар 1876-1877 ўкув йилида Ҳарвард коллежида ўқиган бўлсангиз, унда Теодор Рузвест исмли пишиқ, соchlари кулоғига тушган, мағрут ва ғайратли биринчи курс талабасини кўрган бўлар эдингиз. Агарда ўша йигит билан дўстона муносабат ўрнатган бўлсангиз, тезда жумбоқни пайқаган бўлардингиз.

Бир қарашда унинг дикқати сочилиб кетгандек ту-

ИККИНЧИ ҚОИДА: ЗЕРИКИШДАН ЧҮЧИМАНГ

юлади, бир синфдошининг тили билан айтганда “қизикишларнинг ажойиб тўплами”. Унинг биографи Эдмунд Моррис эса бокс, кураш, бодибилдинг, рақс дарслари, шеър ўқиш машғулотлари ва унга умрбод ошно бўлган табиатшуносликни ўз ичига олган рўйхатни келтиради. (Рузвелтнинг Уинтроп кўчасида жойлашган ижара уйининг эгаси унинг хонада турли жониворларни бўлаклаб, кейин ичини тўлдириб, коллекция қилиш одатидан безор бўлган эди.) Рузвелтнинг ана шу охирги қизикиши шу кадар кучайдики, биринчи курси тугаган йили ёзида “Адирондакнинг ёзги кушлари” номли китобини чоп эттириди. Кушлар ҳақида китобларга жиддий эътибор берувчи “Натол Орнитологлар клуби” бюллетенида бу китоб ҳақида илиқ мулоҳазалар билдирилди. Ана шунинг ўзи Моррисга Рузвелтни “Кўшма Штатлардаги энг билимдон ёш табиатшунослардан бири” дёя баҳо бериши учун етарли бўлди.

Севимли машғулоти билан дарсдан ташқари шугулланиши учун Рузвелт ўзининг асосий мақсади – Ҳарварддаги ўқишига ажратилган вақтини ҳам чеклашга мажбур бўлган. Моррис ўша даврдаги Рузвелтнинг кундалиги ва хатларини ўрганиб, бўлғуси президент ўқишига бир куннинг чорак қисмидан ортиқ вақт сарфламаганини хисоблади. Рузвелтнинг баҳолари пастлаб кетгандир, деб тахмин қилиш мумкин, лекин ундан бўлмаган. Тўғри, энг аълочи талаба бўлмаган, аммо бу борада қийналмаган: биринчи курсида етти фаннинг бештасидан аъло баҳо олган. Бу жумбокнинг изоҳи ҳам унинг ўқищдаги топшириқларга ўзига хос ёндашувидир. У кундалик ишларини эрталабки соат саккиз яримдан то кечки тўрт яримгача бўлган саккиз соат учун режаларди. У шеър ёдлаш ва курсларга, спорт машғулотларига (кунига бир марта) ва тушликка сарфланадиган вақтдан қолган тарқоқ вақтини эса факат ўқиш учун ажратарди. Таъкидланганидек, қолган вақт одатда унча кўп эмасди, лекин у шу оз фурсатдан ҳам

бор дикқатини дарсига қаратиб ва қаттиқ ишлаб, унумли фойдаланарди. “Унинг стол устида ўтказадиган вакти кўп эмасди, – дейди Моррис, – аммо дикқат-эътибори шунчалик кучли ва ўкиши тез бўлгани учун ҳам бошқа ишларга вакт орттиради.”

Ушбу стратегия рузвелтона интенсивликни иш кунингизда вакти-вакти билан қўллаб қўришни талаб қиласди. Хусусан, энг муҳим ишларингиз рўйхатида энг дикқат талаб вазифани (яъни, теран ишлашни талаб қиласдиганини) аниқлаб олинг. Бундай ишни бажаришга одатда қанча вакт ажратса олишингизни чамалаб, кейин уни тугатиш учун бир муддат белгиланг. Агар иложи бўлса, ишни битириш муддатидан барчани боҳабар қилинг. Масалан, лойиҳа тайёр бўлишини кутаётган кишига қачон битиришингизни айтиб қўйинг. Агар бунинг иложи бўлмаса (ёки ишингизга путур етказса), ғайратингизни ошириш учун телефонингизда таймерни ёқиб қўйинг, токи ишни эслатиб турсин.

Теран ишни вақтида бажаришнинг факат бир йўли бўлиши керак – катта куч билан ишлаш, на электрон почтани текшириш, на хаёл суриш, на “Facebook”ни титкилаш ва на қаъва тайёrlагичта қатнашга ўрин бор. Ҳарварддаги Рузвест сингари, ўз вазифангизни дикқатингизнинг мустахкам марказига боғлаш учун унга миянгиздаги ҳар бир бўш нейрон билан киришинг.

Аввалига бу тажрибани ҳафтасига бир марта синаб кўринг – миянгизни интенсив машқ килдиринг, шу билан бирга дам олишга ҳам вакт ажратинг. Тутатгунгача дикқатингизни жамлаб тура олишга ишончингиз комил бўлса, Рузвест услубида ишлаш даражасини ошириб боринг. Шуни ёдда тутингки, муддатни максимал имконингизни хисобга олиб белгиланг. Доимо муддат тугаганига ишора бўлганда (ёки бўлмасдан аввалрок) ишни битиринг, аммо бунинг учун тишни ғичирлатворадиган

ИККИНЧИ ҚОИДА: ЗЕРИКИШДАН ЧҮЧИМАНГ

кучли диққат керак.

Ушбу стратегиянинг ортидаги асосий мотив жуда содда. Теран меҳнат кўплаб ақлий меҳнат кишилари ўргангандан кўра кучлироқ диққат жамлашни тақозо этади. Сиз доимий эришадиган натижани мунтазам оширишга ёрдам берадиган сунъий муддатлардан фойдаланилади – бу маълум маънода миянгизнинг диққат жамлаш марказлари учун машкларни ҳам қамраб олади. Яна бир афзал жиҳати шуки, бу услуб чалғишлиар табиатига мос келмайди (чунки чалғишлиарга йўл кўйиб, белгиланган муддатда ишни тугата олмайсиз). Шу боис, ишнинг ҳар бир тугалланган кисмидан сўнг ўзингизда зерикиш ва янги стимулга эҳтиёж сезсангиз ҳам уларга эрк берманг. Олдинги стратегияда таъкидланганидек, бундай майлларга қанчалик кўп қарши тура билсангиз, қаршилик шунчалик осонлаша боради.

Ушбу стратегияни бир неча ой давомида қўллагач, ишлаш интенсивлигингиз аввалгидан чандон ортгани сари диққат марказини жамлаш нимани англатишни тушуниб оласиз. Мабодо ёш Рузвелт каби бўлсангиз, Натол орнитологик клубининг мудом закий аъзолари назарига тушишга ўхшаш ҳаётий завқларга имкон берадиган ишлар учун бўш вақтни қайта режалаб чиқишингиз мумкин бўлади.

САМАРАЛИ МЕДИТАЦИЯ ҚИЛИНГ

Массачусетс технологиялар институтида кичик илмий ходим сифатида ўтган икки йилим мобайнида турмуш ўртоғим билан тарихий Бикон Хилдаги Пикни кўчасида жойлашган кичкина, аммо шинам квартирада яшадик. Гарчи Бостонда яшаб, Кэмбриждә ишлаган бўлсам-да, бу икки манзил бир-биридан атиги бир ярим километр ма-софада, Чарльз дарёсининг қарама-қарши соҳилларида жойлашган эди. Танамни чиниқтириш илинжида ҳатто узун ва қаҳратон қишида ҳам ишга йўлни имкон кадар пиёда босиб ўтишга қарор килдим.

Тонгда ҳар қандай об-ҳавода Лонгфеллоу кўпригидан

үтиб, кампусга пиёда боришга тұғри келарди (афсуски, шаҳарда йўлларни қор босгач, тезда тозалашмайди). Тушлик пайти яқинлашганда эса югуриш кийимларимни кийиб, Чарльз дарёси кирғоғидаги узокрок йўлдан югуриб, Массачусетс Авеню қўпригидан кесиб үтиб, уйга қайтардим. Уйда тезгина овқатланиб ва ювиниб олгач, метро орқали дарёнинг нариги томонидаги кампусга йўл олардим, иш куни битганда уйга яна пиёда келардим. Бошқача айтганда, мен бу вакт давомида пиёда юришга кўп вакт сарфладим. Шу аснода теран фаолиятга мослашишингизда асқатувчи яна бир машкни ўргандим, бу – “самарали медитация”.

Самарали медитациядан мақсад – аклий эмас, балки жисмонан банд бўлган вақтингизда – юраётган, югураётган, машина бошқараётган, чўмилаётганда бор дикқатингизни касбингиз билан боғлиқ муҳим бир масалага қаратишдир. Касбингиздан келиб чиққан ҳолда бу масала мақола режасини тузиш, нутқ тайёрлаш, бирор нарсани далиллаш ёки бизнес стратегиясини янада муқаммаллаштириш борасида бўлиши мумкин. Хушёрлик медитациясида бўлгани каби, дикқатингиз чалғиганда дарров яна ўша масалага қайтишингиз керак.

Бостонда яшаб юрган чоғимда, ҳеч курса кунига бир марта, кундалик дарёни кесиб ўтишимда самарали медитация билан шуғулланардим ва ўзим билан бирга натижаларим ҳам анча яхшиланди. Жумладан, пиёда юрганимда сўнгти китобимнинг бир боби режасини туздим ва шу билан бирга илмий тадқиқотларимдаги кўпгина техник муаммоларни ечишда ҳам илгариладим.

Сизга ҳам самарали медитация билан шуғулланишни маслаҳат бераман. Ҳар куни вакт ажратиб, шуғулланиш шарт эмас, аммо ҳафтада камида икки ёки учта шундай машғулотларда қатнашишни мақсад қилиб кўйинг. Хайриятки, ушбу стратегияга вакт топиш осон, чунки у шундоғам бекор кетадиган вакт мобайнида амалга

ИККИНЧИ ҚОИДА: ЗЕРИКИЩДАН ЧҮЧИМАНГ

оширилади (масалан, итни сайр қилдириш ёки ишга пи-ёда бориши каби) ва агар түгри бажарылса, иш вактингизни ўғирламайды, аксинча, касбий унумдорлигингизни ошириши мумкин. Дарҳақиқат, ўзингиз учун энг долзарб муаммога нисбатан самарали медитацияни кўллаш учун иш вақтида бироз сайр килсангиз ҳам зарап қилмайди.

Аммо мен ушбу амалиётни унинг унумдорлиги учун таклиф қилмаяпман (гарчи улар бу жиҳатдан наф берса ҳам). У теран фикрлаш қобилиятингизни шахдам ривожлантиради – ана шуниси менга қизик. Тажрибамда гувоҳ бўлганимдек, самарали медитация ушбу қоида бошида таништирилган икки асосий ғояга асосланади. Чалғишга қарши туришга мажбур қилиш ва дикқатни белгиланган масалага такрор-такрор қайтаришга мажбурлаш орқали, у халакитларга қаршилик килувчи мушакларингизни кучайтиради. У сизни бир муаммога дикқатингизни жамлашга мажбуrlаб, уни янада ўткирлаштиради.

Самарали медитацияни түгри бажариш учун, медитациянинг ҳар қандай шакли сингари, яхши машқ қилиш талаб этилади. Ушбу стратегияни докторантуранинг дастлабки ҳафталарида илк марта синаб кўрганимда, бошида чалғишларни енголмай умидсизликка тушиб қолганман, чунки шунча уриниб ҳам аниқ натижани сезмасдим. Ўндан ортиқ машғулотдан сўнг самарасини ҳис қилишни бошладим. Сиз ҳам сабр-тоқат билан бу самарани кутишингиз керак. Ушбу кутилмаган самарани янада тезлатишга ёрдам берадиган икки таклифим бор.

БИРИНЧИ ТАКЛИФ: ХАЛАҚИТЛАРДАН ОГОҲ БЎЛИНГ

Энди ўрганувчи сифатида самарали медитация машқларини бошлаганингизда, онгингиз исён кўтаради, кераксиз аммо қизик ғояларни яратса бошлайди. Масалан, менинг онгим кўпинча дикқатимни чалғитиб, ёзишим керак бўлган электрон хатни ўйлай бошлайди. Оддий қилиб айтганда, туғиладиган бундай фикрлар зерикарли кўринади, аммо

ўша пайтда одамни ўзига тортади. Эътиборингиз муаммодан чалғышни бошлаганини сезсангиз, ўша келиб қолган фикр ҳақида кейинроқ ўйлаб қўришингизни ўзингизга уқтириб, дикқатни яна асл мақсадга қайтаринг.

Бу турдаги чалғиш, кўп жиҳатдан, самарали медитация одатини шакллантиришга тўғанок бўлувчи яққол душманидир. Илғаш қийин, аммо чалғишдан кам зарар бермайдиган яна бир душман – ҳалқа пайдо бўлишидир. Онгингиз, агар у оғир муаммога дуч келса, мумкин қадар уни четлаб ўтиб, энергияни тежашга ҳаракат килади. Тежашнинг бир усули – бу аллақачон билганингиз атрофига ҳалқа ҳосил қилиб, муаммога чукурроқ шўнгишдан тийилишдир. Масалан, бирор нарсани исботлаш устида ишлайтганимда, онгим бошланғич натижаларни тақрорлайверади, ўша натижаларга асосланиб ечимга томон бормайди. Бутун медитация машқини барбод қилиши мумкинлиги боис, онгингиз ҳалқага тушиб қолишидан сакланинг. Агар шундай ҳолатни пайқасангиз, бир жойдан жилмасдан, депсиниб қолганингизни ўзингизга уқтиринг ва кейинги босқичга ўтишга ҳаракат қилинг.

ИККИНЧИ ТАКЛИФИМ: ТЕРАН ТАФАККУРИНГИЗНИ ТАРТИБЛАНГ
 Муаммо тўғрисида “теран фикрлаш” ўз-ўзидан тушунарлидек, лекин аслида ундей эмас. Агар онгингиз чалғишдан кутулса, ўйлаш учун муаммо ва вакт топилса, кейин нима қилиш ҳайратланарли даражада ноаник. Тажрибамдан келиб чиқадиган бўлсам, бундай теран тафаккур учун ҳам бир аниқ структура бўлиши керак. Муаммони ҳал қилишни тегишли ўзгарувчиларни син-чиклаб ўрганиш билан бошлаш ва кейин уларни ишчи хотирангизда сақлашни маслаҳат берган бўлардим. Масалан, китобдаги бирор бобга режа тузаётган бўлсангиз, алоқадор ўзгарувчилар ушбу бобда айтмоқчи бўлган асосий фикрларингиз бўлиши мумкин. Мабодо математик исботлаш устида бош қотираётган бўлсангиз, бу ўзгарувчилар ҳақиқий ўзгарувчилар, тахминлар ёки

ИККИНЧИ ҚОИДА: ЗЕРИКИШДАН ЧҮЧИМАНГ

ёрдамчи теоремалар бўлиши мумкин. Алоқадор ўзгарувчилар аниқлангандан сўнг, ушбу ўзгарувчилар ёрдамида жавоб беришингиз керак бўлган *кейинги босқич саволни аниқланг*. Китоб бобини тузиш мисолида кейинги босқич савол “Мен ушбу бобни қандай қилиб таъсирли бошлишим мумкин?” ва исбот мисолида эса “Агар бу бирликни ҳисобга олмасам, қандай хатога йўл қўяман?” тарзидаги саволлар бўлиши мумкин. Тегишли ўзгарувчилар ва кейинги босқич саволлари аниқлангач, энди дикқат-эътиборингиз учун аниқ нишон пайдо бўлади.

Айтайлик, кейинги босқич саволига ечим топа оласиз, демак эндиғи навбат теран фикрлашга тизимли ёндашувнинг охирги босқичи, яъни аниқланган жавобни қайта кўриб чиқиши орқали ютуқларингизни мустаҳкамлаштириб. Шу аснода жараённи қайта бошлиш орқали ўзингизни кейинги теранлик даражасига кўтаришингиз мумкин. Ўзгарувчиларни кўриб чиқиши ва жойлаштириш, кейинги босқич саволини аниқлаш ва унга ечим топиш, кейин аниқлаганларингизни мустаҳкамлаш дикқатни жамлаш қобилиятингиз учун интенсив машқлардир. Бу сизнинг самарали медитация машқларингиздан кўпроқ наф олиб, теран ишлаш қобилиятингизни янада такомиллаштиради.

ҚАРТАЛАР ДАСТАСИНИ ЁДЛАНГ

Беш дақиқа ичидаги Даниел Килов қўйидагилардан истаганини ёдлаб олиши мумкин: чийлаб ташланган карта дастаси, юзта ихтиёрий рақамлар қатори ёки 115 та абстракт шакллар (бу бўйича Австралия миллий рекордини ўрнатган). Шу боис, Киловнинг яқинда Австралиядаги хотира чемпионатида қаторасига кумуш медалларни кўлга кириптгани сизни ҳайратга солмасин. Киловнинг ўтмишини назарда тутсак, унинг ақлий атлетга айлангани ҳайратланарлидир.

“Мен гайриодатий хотира билан туғилмаганман”, деди менга Килов. Дарҳақиқат, ўрта мактабда у ўзини

фаромушхотир ва палапартиш ўкувчи деб ҳисоблаган. Дарсларни ўзлаштиrolмай қийналган, охир-окибат унга “Дикқат етишмаслиги синдроми” ташхиси қўйилган. Мамлакатнинг хотира бўйича энг муваффақиятли ва кўзга кўринган чемпионларидан бири Тансел Али билан тасодифий учрашувидан сўнг, Килов ўз хотирасини жиддий машқ килдиришни бошлади. Коллежни битиргунича миллий мусобақада ўзининг ilk медалини қўлга киритишга улгурди.

Унинг жаҳон миқёсидағи ақлий атлетга бу қадар тез айланиши мисли кўрилмаган ҳодиса эмасди. Илмий мавзуларда ёзувчи Жошуа Фуэр 2006 йилда бир йиллик қизгин машқлардан сўнг АҚШнинг Хотира бўйича чемпионатида ғолиб чиқди. Ўз ютуғи ҳакида 2011 йилдаги бестселлер китоби “Эйнштейн билан ойда саёҳат”да ҳикоя килди. Аммо Киловнинг ҳикоясидаги биз учун муҳим жиҳат унинг ўз хотирасини жадал машқ килдириётганда академик кўрсаткичлари қай ахволда бўлганидир. Хотираси устида ишлай туриб, у дикқат етишмаслиги синдромидан қийналган талабаликдан то Австралиядаги энг нуфузли университетни биринчи даражали диплом билан битиришгача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтди. Шунингдек, тез орада у мамлакатнинг энг яхши университетларидан бирининг докторлик дастурига қабул килиниб, ҳозирда таникли файласуфнинг илмий раҳбарлигига ишламоқда.

Киловдаги бу ўзгаришларнинг бир изоҳи Сент-Луисдаги Вашингтон университетида Хотира лабораторияси ни юритувчи Ҳенри Родигер раҳбарлигидаги изланишлар хулосасидир. 2014 йилда Родигер ва унинг шериклари битта гурухни когнитив тестлар тўплами билан Сан-Диегода ўтказилган Экстремал хотира турнирига юборди. Улар сара хотира эгалари бошқалардан нимаси билан фарқ қилишини ўрганишни истардилар. “Хотира атлетлари ва бошқа оддий одамлар ўртасидаги энг катта фарклардан

ИККИНЧИ ҚОИДА: ЗЕРИКИШДАН ЧҮЧИМАНГ

бири – хотиранинг эмас, балки дикқатнинг ўлчови бўлмиш ақлий қобилиятдадир”, дея тушунтириди Родигер “New York Times”даги блогида. Ушбу қобилият “дикқат назорати” деб номланади ва иштирокчининг дикқатни бир жойда ушлаб туриш қобилияти ўлчови ҳисобланади.

Хотира машғулотининг кутилмаган оқибатларидан бири дикқатни жамлаш қобилиятингиз яхшиланишидир. Кейинчалик бу қобилият теран меҳнат талаб қилувчи ҳар қандай вазифани бажарища самарали қўлланиши мумкин. Демак, тахмин килиш мумкинки, Даниел Килов ўзининг тенги йўқ хотираси туфайли аълочи талаба бўлмади, аксинча, хотирани яхшилашга интилиши унга (тасодифан) академик жиҳатдан ўсиши учун зарур бўлган теран фаолият билан машғул бўлишга имкон яратди.

Мен баён қилган стратегия Килов машқларини сиз ҳам такрорлашингиз ва сиз ҳам униқидек муваффақиятга эришишингизни таъминлайди. Хусусан, у сиздан кўпгина ақлий атлетларнинг репертуаридаги стандарт, аммо жуда таъсирли маҳоратни ўрганишни талаб қиласди: чийланган карталарнинг тартибини ёддан айта олиш.

Мен сизга ўргатадиган қарталарни ёдлаш услуги ушбу кийин машқ ҳакида жуда яхши биладиган Рон Уайтга тегишли. У АҚШнинг собиқ хотира чемпиони ва қартани ёдлаш бўйича жаҳон рекордчиси. Уайт таъкидлаган биринчи нарса, бу профессионал хотира атлетлар ёдлашга уринмаслигидир, яъни улар маълумотта қайта-қайта қараб, уни мияда такрорламайди. Эсда сақлашга бундай ёндашув, гарчи кўплаб талabalар орасида машхур бўлса-да, миямизнинг ишлаш тарзини хато тушуниш оқибатидир. Биз абстракт – мавҳум ахборотни тезда ўзлаштира олмаймиз. Аммо кўринадиган нарсаларни яхши эслаб қоламиз. Ҳаётингизда яқинда содир бўлган бирор унугтилмас воқеани эсланг: эҳтимол конференциянинг очилиш маросимида иштирок этганингиз ёки бирмунча

вақт күришмаган дүстингизни учратиб қолганингиз қаби. Иложи борича аниқ тасвирилшага ҳаракат килинг. Ушбу сценарийларда аксарият одамлар воқеани ҳайратда колдирадиган даражада тиник эслаб қолади. Ваҳоланки, ўша пайтда барчасини эслаб қолишга уринишмаган ҳам. Мабодо ўша ҳодисалар бўйича хотираадаги тафсилотларни ҳисоблаб чиксангиз, уларнинг умумий сонидан ҳайрон қоласиз. Аникроқ айтганда, маълумот тўғри қабул қилинса, онгингиз жуда кўп тафсилотларни сақлаб қолиши мумкин. Рон Уайтнинг қартани эслаб қолиш техникаси шунга асосланади.

Катта ҳажмли маълумотни эслаб қолишга тайёргарлик кўриш учун Уайт уйингиздаги бешта хона бўйлаб юраётганингизни тасаввур қилишни маслаҳат беради. Эҳтимол, эшикдан кирарсиз, даҳлиздан ўтиб, ҳаммомга, ундан меҳмонлар учун аталган ётоқхонага, сўнг ошхонага кириб, зинапоянгиздан ертўлага тушарсиз. Ҳар бир хонада кўрган нарсаларингизнинг аниқ тасвирини тасаввур қилинг.

Ўзингизга маълум бўлган жойни қийинчиликсиз эслаетган бўлсангиз, ҳар бир хонадаги ўнтадан нарсани миянгизга муҳрланг. Уайт ушбу буюмлар қалам каби митти эмас, стол каби катта (эсда қоларли) бўлишини тавсия қилади. Кейин ҳар бир хонадаги ушбу буюмларга қараб чиқиш бўйича кетма-кет тартибини белгиланг. Масалан, даҳлизга кираверишдаги гиламча, кейин гилам ёнида турган пойабзалларга, кейин эса пойабзал устидаги ўриндиқ ва бошқаларга қарашингиз мумкин. Элликта буюмни жамлагач, ҳовлингиздан яна иккита буюм қўшинг, шу билан қарталар сонига teng буюмлар тасаввурингизда жам бўлади.

Ушбу хона айланиш машқини ҳар бир хонадаги буюмларни белгиланган тартибда кўриб чиқиб бажаринг. Ушбу турдаги эслаб қолиш, сизга таниш жойлар ва нарсаларнинг визуал суратларига асослангани учун мак-

ИККИНЧИ ҚОИДА: ЗЕРИКИШДАН ЧҮЧИМАНГ

таб давридаги оддий ёдлашдан осонроқлигига амин бүләсиз.

Қарталарни эслаб қолишга тайёргарликнинг иккинчи босқичи – ёдда қоладиган одамни ёки нарсанни эллик иккى қартанинг ҳар бири билан боғлаб чиқишидир. Ушбу жараённи осонлаштириш учун қарта ва мос келадиган буюм ўргасидаги мантикий боғлиқликни сақлашга ҳаракат қилинг. Уайт Доналд Трампни қирол олмос билан боғлашни мисол келтиради, чунки олмос бойликтини англатади. Ихтиёрий қартани дастадан тортиб, унга боғланган тасвирни дархол эсламагунингизча шу усулда машқ қилинг. Аввалгидек, эсда қоларли визуал тасвирлар ва ассоциациялардан фойдаланиш мазкур алоқа ўрнатиш машқини анча соддалаштиради.

Бу айтилган икки босқични бир марта уддаласангиз кифоя, сўнгра карталарни эслаб қолишида ундан қайтакайта фойдаланишингиз мумкин. Ушбу босқич бажарилгандан сўнг сиз асосий ишга тайёрсиз: янги чийланган дастадаги эллик иккى қарта тартибини имкон қадар тез эслаб қола оласиз. Бу ерда усул жуда содда. Уйингизни кезишини бошлайверинг. Ҳар бир буюмга дуч келганингизда, чийланган дастадаги кейинги қартага қаранг ва унга мос келадиган бирор бир одам ёки нарсанинг ўша буюм ёнида эсда қоларли нимадир қилаётганини тасаввурда гавдалантиринг. Масалан, агар оёғингиз остидан чиқкан биринчи элемент шолча бўлса ва биринчи қарта қирол олмос бўлса, Доналд Трампнинг даҳлиздаги шолчада кимматбаҳо туфлисининг лойини артиб турганини тасаввур қилинг.

Ақлий тасвирларни мос тартибда буюмлар билан боғлаб, хоналарни диққат билан кўздан кечиришда давом этинг. Хонани кўриб бўлгач, тасвирни мустаҳкамлаш учун бир неча марта кетма-кет яна айланиб чиқишингиз ҳам мумкин. Ва ниҳоят тугаттагач, қарта дастасини дўстингизга бериб, уларнинг тартибини адаптирумай айтиб уни қойил

қолдираверинг. Албатта, буни амалга ошириш учун шунчаки ҳар бир эсда қоларли одам ёки нарсани тегишли қартага боғлаб, тасаввурингизда яна күпроқ айланиб чикишингиз мумкин.

Агар ўзингиздан олдин үтган кўплаб ақлий атлетлар сингари ушбу техникадан фойдалансангиз, бир неча дақиқада бутун қартани эслаб қолишни ўзлаштириб оласиз. Дўстларингизни лол қилишдан ҳам муҳимроги, бундай машғулотлар онгингизни чинктиради. Юкорида тавсифланган босқичлардан ўтиш учун дикқатни қайта ва қайта аниқ мақсадга йўналтириш керак. Оғирлик кўтарадиган мушак сингари, бу дикқатни жамлаш қобилиятингизни кучайтиради ва алалоқибат кийинчиликсиз теранроқ яшашга имкон беради.

Аммо шуни таъкидлаш жоизки, қартани эслаб қолиша алоҳида мўъжизавий нарса йўқ. Бўлинмас дикқатни талаб қилувчи ҳар қандай тизимли тафаккур буни эплаши мумкин, хоҳ у Адам Мерлин сингари “Талмуд”ни ўрганиш бўлсин, хоҳ самарали медитация билан шуғулланиш ёки қўшиқнинг гитара билан куйланган мусика қисмини эшишиб ўрганиш бўлсин. Агар қартани эслаб қолиш сизга ғалати туюлса, айни шундай ақлий талаблар қўювчи бошқа машғулот билан алмаштиринг. Ушбу стратегиянинг қалити – унинг алоҳида тафсилотлари эмас, балки дикқатни машқ қилиш иштиёқингиз қанчалик кучли бўлса, уни жамлаш қобилиятингиз ҳам шунчалик кучли бўлиши ҳақидаги ғоядир.

Учинчи қоидა

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДАН ВОЗ КЕЧИНГ

2013 йилда муаллиф ва ракамли медиа бўйича маслаҳатчи Баратунде Турстон бир тажриба ўтказди, яъни йигирма беш кун муддатга “Facebook”, “Twitter”, “Foursquare” (мазкур тармоқ 2011 йили уни “Mayor of the Year” деб эълон қилганди) ва ҳатто электрон почтасиз яшашга қарор килди. Унга танаффус керак эди. Дўстлари “интернетсиз яшай олмайдиган одам” дея таърифлаган Турстон, ўз ҳисоб-китобига кўра, тажриба ўтказгунигача бўлган бир йил мобайнода эллик тўққиз мингдан ортиқ электрон хат жўнатган ва “Facebook”да бир ярим мингта пост қолдирган. “Мен куйиб қул бўлгандим, қовурилиб адойи тамом бўлгандим,” дейди у.

Турстоннинг тажрибаси тўғрисида унинг “Fast Company” журналида бош мақола бўлиб чиқкан “#UnPlug” сарлавҳали мақоласи орқали биламиз. Унда айтилишича, Турстоннинг интернетсиз яшай олишига кўп вақт кетмаган. “Дастлабки хафтанинг охирига келиб, кунларнинг соқин ритмига анча ўрганиб қолдим. Янгиликлардан бебахра колганимдан ҳам уччалик қайғурмасдим. Гарчи интернетда ўзимнинг мавжудлигимни кўрсатиб турмасам ҳам, мен ўз мавжудлигимни ҳис қила бошладим”, дейди у. Турстон нотаниш одамлар билан жонли суҳбатлашишини бошлади, “Instagram”сиз ҳам овқатни ҳузур қилиб ейдиган бўлди, велосипед сотиб олди (“Twitter”да дайдимассангиз, велосипедни миниш осонроқ бўларкан). “Лекин интер-

нетсиз кунлар тез тутаб қолди” дея хитоб қилди Турстон. У бошқариши керак бўлган бизнес стартаплар ва сотиладиган китоблар бор эди, шу боис ўша йигирма беш кун ўтгач, яна онлайн дунёга қайтишга мажбур бўлди.

Баратунде Турстоннинг тажрибаси “Facebook”, “Twitter” ва “Instagram” каби ижтимоий тармоқлар, “Business Insider” ва “BuzzFeed” каби ахборот-кўнгилочар сайтлар билан муносабатимиз юзасидан икки нарсани ургулайди. (Бу онлайн чалғитувчи икки категорияни куйида бир ном билан “тармоқ воситалари” деб атайман.) Мазкур тажриба ургулайдиган биринчи жиҳат – ушбу воситалар вактимизни бўлаклайди ва дикқатни жамлаш қобилиятимизни сусайтиради. Бу борада баҳсга ҳожат йўқ – буни ҳар биримиз ҳис қиласиз. Бу кўпчилик учун реал муаммога айланди, лекин агар теран ишлаш қобилиятингизни оширишга уринаётган бўлсангиз, муаммо айникса оғирлашади. Олдинги қоидада, дикқатни чархлашга ёрдам берадиган бир нечта стратегия ҳақида маълумот бердим. Агар сиз машқ қилиш билан бир вактнинг ўзида аввалги Баратунде Турстондек иш тутсангиз, яъни бундай машқлардан бошқа вактда ҳар турли иловалар ва браузерлар сизни чулғаб олишига имкон берсангиз, уринишларингиз самараси пасаяди. Ирода кучингиз чекланган, дикқатни ўзига тортадиган жозибадор воситалар қанчалик кўп бўлса, муҳим нарсага дикқатни жамлаш шунчалик кийин бўлиб бораверади. Теран меҳнат қилиш санъатини эгаллаш учун вактингиз ва дикқатингизни бошқаришни билишингиз лозим, токи ўша жозибадор эрмаклар уларни ўғирлаб кўймасин.

Ушбу чалғишлирга қарши қурашни бошлашдан олдин, жанг майдонини яхшироқ билиб олишимиз керак. Турстоннинг тажрибаси ургулайдиган иккинчи жиҳат: ақлий меҳнат кишилари тармоқ воситалари ва дикқат масаласини англашда ожиздир. Мазкур воситалар вактини ўғирлашидан ташвишга тушган Турстон ўзи учун ягона

йўл – интернетдан фойдаланишни вақтингча батамом тўхтатиши деган тўхтамга келди. Интернетдан таътилга чиқиши¹ ижтимоий медиа ва ахборот-кўнгилочар ресурслар бутун маданиятимизни забт этаётган бир вақтдаги кескин чора эди.

Ушбу масалага нисбатан берилган бу икки жавоб билан боғлиқ муаммо шундаки, бу икки танлов наф беришга халал берадиган даражада жўндири. Чунки интернетдан воз кечиш кўпчиликка имконсиздек туюлади (агар чалғишилар ҳакида ёзаётган журналист бўлмасангиз албатта). Ҳеч ким Баратунде Турстонга эргашмоқчи эмас. Бу реаллик бизда ягона муқобил йўл қолдиради: ҳозирги чалғиган ҳолатимизни муқаррар воқелик сифатида қабул килиш. Турстон интернетдан дам олиб, қанчалик фикри тиниклашиб қолмасин, барибир интернетдан чекланиш тажрибаси тутагач, қаердан бошлаган бўлса ўша ерга – дикқати ва вакти тарқоқ ҳолатга қайтди. Ушбу бобни ёзишни бошлаган кунимда, яъни мақоласи “Fast Company”да нашр қилинганидан атиги олти ой ўтиб, Турстон тонгда уйқудан уйғонганидан кейин дастлабки бир неча соат ичиди “Twitter”га ўндан ортиқ пост кўйишга улгурди.

Бу қоида учинчи вариантни таклиф қилиб, бизни бу гирдобдан олиб чиқиши йўлини кўрсатади: тармок воситалари унчалик ёмон эмаслигини ва уларнинг баъзилари муваффакиятингиз ва баҳтингиз учун жуда муҳим бўлиши мумкинлигини қабул килиш, айни чогда, сайт вақтингиз ва эътиборингизни банд қилишига қатъий чегара кўйиш ва бундай воситалардан камроқ фойдаланиш. Сиздан Баратунде Турстон 2013 йилнинг йигирма беш кунида синааб кўргани каби интернетдан буткул воз

¹ Интернетдан таътилга чиқиши иккинчи қоидада сўз юритилган интернет шанбаси билан айни бир нарса эмаслигини эсда тутинг. Интернет шанбаси мунтазам равишда (одатда бир дам олиш куни) интернетдан дам олишни тақозо этади, интернет таътили эса онлайн оламдан узил-кесил узоқ муддатга, яъни ҳифталар, баъзан ундан ҳам кўпроқ вақт танаффус қилишни назарда тутади.

кечишни сўрамаяпман, аксинча, уни шундай кескин қарорга келишига ундан чалғитувчи гипералокадан воз кечишингизни сўраяпман. Ўргада оралик худуд бор, агар теран ишлаш одатини шакллантиришга жазм килган бўлсангиз, ўша худудда бўлиш учун курашингиз керак.

Тармоқ воситаларини танлашда ушбу олтин оралини топишдаги биринчи қадамимиз, аксарият интернет фойдаланувчилари одатда қандай танлов қилишини тушунишдир. 2013 йилнинг кузидаги “Facebook”дан фойдаланмаслигим сабаблари тўғрисидаги мақоламни ёзиш асносида бу ҳақда тушунчам бойиди. Ўша мақолам кимнидир айблаш эмас, шунчаки изоҳ бериш мазмунидаги бўлса ҳам, мақолани ўқиган кўплаб одамлар менга мурожаат килиб, мазкур тармоқдан фойдаланишнинг афзалликларини асослашга уринди. Мана улар келтирган асослардан айримлари:

- “Вақтни хуш ўтказиш эҳтиёжи “Facebook”га бўлган дастлабки қизиқишимга сабаб бўлди. Дўстларим нималар қилаётганини кўришим, қизик фотосуратлар улашишим, изоҳ ёзишим мумкин”.
- ““Facebook”дан фойдалана бошлаганимда, нима учун бундай қилаётганимни билмаганман... Шунчаки қизикиш ортидан қисқа бадиий ҳикоялар форумига аъзо бўлдим. У ерда эса ҳикоянавислик бўйича камчиликларимни тўғрилаш билан биргаликда ажойиб дўстлар орттирудим.”
- ““Facebook”дан фойдаланишимга сабаб у ерда мактабда бирга ўқийдиган танишларимнинг ҳаммаси бор.”

Мана шу жавоблардан кейин мени ҳайратга соглан нарса улар келтирган сабабларнинг аҳамиятсизлиги эди. Мен, масалан, ушбу рўйхатдаги биринчи шарҳ эгасининг “Facebook” орқали вақтини чоғ ўтказишига

шубҳа қилмайман, лекин тармоққа кирмасидан бурун унинг ҳаётида бошқа кўнгилочар нарсалар ҳам бўлганига аминман. Агар бу тармоқ кутилмагандан ўчиб қолса ҳам, ушбу фойдаланувчи зерикишдан халос бўлиш йўлини топади. “Facebook” шунчаки ўша кўнгилочар воситалар сафига кўшилган, холос.

Иккинчи шарҳ эгаси эса ҳикоянавислар форумида дўстлар орттирганини айтди. Бунақа дўстларнинг борлигига шубҳа қилмайман, лекин уларнинг дўстлиги компьютер орқали қисқа ёзишмалардан нарига ўтмаслигини назарда тутсак, жуда саёз дўстлик дейиш мумкин. Бундай дўстликда ёмонлик йўқ, аммо улар ўша фойдаланувчининг ижтимоий ҳаётига деярли дахл қилмайди. Мактабдаги дўстлари билан қайта алоқа боғлаган изоҳ эгаси ҳакида ҳам шу гапларни айтиш мумкин: Буям яхши эрмак, лекин фойдаланувчининг ижтимоий алоқадорлиги ёки баҳти учун унчалик аҳамиятли эмас.

Очиғи, ижтимоий тармоқларнинг юқорида айтилган афзалликларини қораламоқчи эмасман, чунки улар ҳакида ҳеч қандай алдамчи ёки хато тушунчалар йўқ ҳам. Мен таъкидлаётган жиҳат – бу афзалликларнинг аҳамиятсиз ва мунтазам эмаслигидир. (Аксинча, агар сиз кимдандир бутунжаҳон интернет тўри ёки электрон почтанинг фойдаларини айтиб беришни сўрасангиз, баҳс анча аниқ ва қизғин бўларди.) Ушбу фикрга сиз шундай жавоб беришингиз мумкин: қиймат барибир қийматдир, агар “Facebook” каби тармоқдан кичик бўлса ҳам фойда топсангиз, нега ундан фойдаланмаслигингиз керак? Мен бундай фикрлашни “ҳар қандай фойда” тафаккур тарзи деб атайман, чунки у ҳар қандай фойдани тармоқ воситасидан фойдаланиш учун етарли асос деб ҳисоблади. Батафсил шарҳи шундай:

Тармоқ воситаларини танлашда “ҳар қандай фойда” ёндашуви: Агар ундан фойдаланишда қандайдир наф кўрсангиз ёки муҳим ниманидир ўтказиб юбо-

ришдан чўчисангиз, ўша тармоқ воситасидан фойдаланишига асосингиз бор.

Ушбу ёндашувнинг камчилиги шундаки, у ўша тармоқ воситаларининг барча салбий оқибатларни эътибордан четда қолдиради. Бу тармоқларга боғланиб қолиш осон, улар сизнинг касбий ва шахсий максадларингиз (хусусан, теран иш) йўлидаги ҳаракатлардан вақтингиз ва дикқатингизни чалғитади. Охир-оқибат, агар сиз ушбу воситалардан меъёрдан ортиқ фойдалансангиз, ҳолдан тоясиз ва Баратунде Турстон ва у каби миллионлаб одамларни безовта қилган ўта чалғиши ҳолатига тушиб қоласиз. Айнан шу ерда “ҳар қандай фойда” ёндашувнинг айёр табиатига дуч келамиз. Тармоқ воситаларидан фойдаланиши зарарли бўлиши мумкин. Агар фойда ва зарарни тарозида тортмай, милтираган ҳар қандай фойдани бу воситалардан бетизгин фойдаланиш учун баҳона қилсангиз, у ҳолда ақлий фаолият дунёсида муваффакият қозониш қобилиятингизни беихтиёр аста-секин йўқотасиз.

Холис қарасак, бу хуроса ажабланарли эмас. Тармоқ воситалари масаласида биз “ҳар қандай фойда” ёндашувига анча ўрганиб қолганимиз. Ваҳоланки, ушбу ёндашувни малакали меҳнат контекстига қўйиб, кенгроқ қарасак, бу воситани танлашнинг анча ғалати ва эскирган ёндашувни бўлиб кўринади. Соддароқ қилиб айтганда, биринчи кисмда баён қилганимиз интернетни рад этяпсизми, демак бузғунчисиз қабилидаги риторикаларни четга суриб ўйласангиз, тармоқ воситалари восита сифатида темирчининг болғасию рассомнинг мўйқаламидан фарқ қилмаслиги, устасининг қўлида ҳаммаси ҳам бирдек фойдалилигини тушунасиз. Тарих мобайнида малакали ишчилар янги воситаларни қабул қилишда доим эҳтиёткор ва шубҳачи бўлган. Бу кишилар интернетга келганда ўша эҳтиёткорликларини кўрсатмаслигига ҳеч қандай сабаб йўқ. Уларнинг рақамли технология билан ишлаши эса бу реалликни ўзгартирмайди.

УЧИНЧИ ҚОИДА: ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАН ВОЗ КЕЧИНГ

Эҳтиёткорлик билан воситани бошқариш нимани англатишини тушунишга ёрдам бериш учун рақамли эмас, аналог воситалар билан тирикчилик қиласидиган ва муваффакиятли фаолияти давомида ушбу воситалар билан мураккаб муносабатларга таянадиган киши билан сұхбат куриш мантиққан түгри бўлади. Мақсадимизга мувофиқ келувчи ўшандай сифатларга эга инсонни тоғдим, у муваффакиятли ва ишончли фермерга айланган Форрест Притчард исмли киши.

Форрест Притчард Колумбия округи ғарбидаги, ундан бир соатлик йўлда жойлашган Мовий тоғ тизмалари водийсидаги фермалардан бири бўлмиш “Smith Meadows” оилавий фермасини бошқаради. Билишимча, у отасидан ферма бошқарувини қабул қилиб олгач, дарҳол анъанавий монокултура усулларидан воз кечиб, фақат ўт-ўланлар билан озикланувчи қорамолларнинг гўштини етиштириб беришга мўлжалланган янгича усуслини жорий қилди. Ферма улгуржи савдони шунчаки четлаб ўтмоқда – “Smith Meadows” маҳсулотларини “Whole Foods” супермаркетларидан ҳам топа олмайсиз – улар Вашингтондаги метро худудидаги гўшт бозорларида истеъмолчиларга бевосита етказиб берилади. Бу ферма кичик ўзгаришлар камдан-кам ҳоллардагина иш берувчи саноатда муваффакиятли ишламоқда.

Мен Притчард билан илк маротаба Мэриленд штатидаги Такома паркида жойлашган маҳаллий гўшт маҳсулотлари бозоридаги ўз савдо растасида учрашдим. Унинг шу ерлик харидорлардан бўйи бир қарич баландлиги ва фермерларга хос ранги униккан фланель кийиб туриши Притчардни ўзига ишонган хунармандга ўхшатарди. Унга ўзимни таништирудим. Чунки фермерлик – бу воситаларни пухта бошқаришга боғлиқ бўлган маҳоратдир ва аналог соҳа хунарманди бу муҳим вазифани қандай уdda-лаётганини билишни истардим.

“Хашак тайёрлаш жараёни яхши мисол. Бу шундай мавзуки, у ҳақда сизга унинг тагидаги иқтисодни тиқиширмасдан ҳам асосий ғояни бемалол айтиб бера оламан”, деди у мавзу бўйича сухбатларимизнинг бирида.

Притчард “Smith Meadows”ни бошқариш ишини кўлга олган кезларда моллар ўзи яйловда ўтлай олмайдиган қиши вақтида уларни бокиш учун хашакни ферманинг ўзи тайёрлаган. Хашак тайёрлаш хашак прессловчи қурилма ёрдамида амалга оширилади. У трактор орқасига тиркаладиган, куритилган ўтни хашак боғламига айлантириб берувчи қурилма экан. Агар Шарқий соҳилда қорамол бокаётган бўлсангиз, хашак прессловчи қурилмангиз бўлиши шарт – жониворларга хашак керак. Ўз ерингизда ўсиб ётган ўт бўлса-ю, уни сотиб олиш учун нега пул сарфлаш керак? Агар фермер ақлий меҳнат кишилари кўллайдиган “ҳар қандай фойда” ёндашувини қабул қиласа, демак у албатта хашак прессловчи қурилма сотиб олади. Притчарднинг тушунтиришича, агар фермер ростдан ҳам шундай содда фикрлаш тарзини қабул қилган бўлса, “Мен унинг мулкида “Сотилади” деган ёзув пайдо бўлгунга қадар кун санарадим.” Притчард, фермерликнинг кўплаб тажрибали кишилари сингари, воситаларни баҳолашда янада пухтароқ ўйлади. У хашак прессловчи масаласида ҳам шундай қиласа, уни тезда сотувга кўйди: “Smith Meadows” ўзига керакли хашакни сотиб олади.

Мана, нима учун:

“Дастлаб хашак тайёрлаш учун кетадиган сарф-харажатларни кўриб чикишдан бошлаймиз, – дейди Притчард. – Биринчидан, ёқилғи, таъмиrlаш сарф-харажатлари бор ва хашак прессловчи қурилмани саклаш учун омбор керак. Камига, солиқ ҳам тўлашингиз лозим.” Булар ҳисобласа бўладиган харажатлар эди. Кўпроқ эътибор талаб қиласидан “имконият харажатлари” бўлиб чиқди. Фермернинг ўзи шундай изоҳлайди: “Агар мен ёз бўйи хашак тўпласам, бошқа иш билан шуғуллана

олмайман. Масалан, ҳозир унга кетадиган вақтни товук күпайтиришга сарфляпман. Булар қўшимча даромад деганидир, чунки уларни сота оламан. Шунингдек, уларнинг гўнгидан тупроқ сифатини яхшилаш учун фойдаланишим мумкин.” Шундай қилиб, сотиб олинган хашакнинг иккиламчи қийматини баҳолашда бир нозик масала чиқади. “Захира учун пичан сотиб оляпман, аммо, айни дамда, гўшт сотяпман, шунингдек, еримга эса гўнг соляпман, буларнинг ҳаммаси пичангага тўланган пул эвазига. Бундан ташқари, бутун ёз мобайнода еримга оғир техника киритиб, тупроқни зичлашдан ҳам кутулдим”, дейди фермер.

Притчард хашак прессловчи бўйича якуний тўхтамга келаётганида молиявий харажатларга ҳам кўз юмиб, унинг ўрнига ўз ерининг узок муддатли унумдорлигига кўпроқ эътибор қаратди. Ана шу сабабларга кўра, Притчард захира хашакни сотиб олиш ёр унумдорлигини таъминлайди, деган хulosага келди. Чунки “тупроқ унумдорлиги муҳимроқ эди”, дейди Притчард. Бундан хulosа қилиш мумкинки, хашак прессловчи қурилма сотилиши керак.

Притчарднинг восита танлаш бўйича қарорнинг мураккаблигига эътибор беринг. Ушбу мураккаблик муҳим бир воқеликни ошкор қиласди: Воситанинг бирор бир фойдаси борлиги унга маблағ, вақт ва эътибор сарфлаш учун етарли асос, дейиш бу соҳада кулгили ҳисобланади. Албатта, хашак прессловчи қурилманинг ҳам нафи бор – ферма техник таъминоти дўконидаги ҳар қандай восита фойдали. Шу билан бирга, уларнинг салбий жиҳатлари ҳам бор. Притчард ушбу қарорнинг ижобий бўлишини кутган. У бу қарорга аниқ бир асос билан келди – унинг шароитида тупроқ саломатлиги касбий муваффақияти учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга. Ана шу асос унинг қайси бир воситани танлашини ҳал қиласди.

Агар сиз ўзингизда теран меҳнат одатини шакллантирмокчи бўлган ақлий фаолият кишиси бўлсангиз,

восита танлашга бошқа малакали ишчилар, дейлик, фермерлар каби эҳтиёткорлик билан ёндашишингиз керак. Ушбу стратегиясини умумлаштириб, уни воситаларни танлашда “усталар ёндашуви” деб атадим. Бу ном воситалар охир-оқибат касбий ҳаётда катта мақсадларга эришиш учун ёрдам беришини таъкидлайди.

Воситаларни танлашда усталар ёндашуви: профессионал ва шахсий ҳаёtingизда муваффақият ва баҳтни белгилайдиган асосий омилларни аникланг. Воситани унинг ушбу омилларга ижобий таъсири салбий таъсиридан сезиларли кўп бўлсагина қабул қилинг.

Эътибор беринг, восита танлашга нисбатан “усталар ёндашуви” “ҳар қандай фойда” ёндашувга қарама-қаршидир. “Ҳар қандай фойда” ёндашуви ҳар қандай эҳтимолий фойдани ҳам воситадан фойдаланиш учун етарли асос деб белгиласа, “усталар ёндашуви”, аксинча, воситанинг фойдаси сиз учун мухим бўлган омилларга бевосита таъсир қилиши ва салбий оқибатлари фойдасидан оз бўлишини тақозо этади.

“Усталар ёндашуви” тармоқ воситаларининг фойдали жиҳатларини инкор этмайди ва технологияларнинг қай бири яхши, қай бири ёмон эканлиги борасида аввалдан хулоса қилмайди. Аксинча, у худди маҳоратли ишчилар асрлар мобайнида ўз воситаларини танлашда кўллагани каби, тармоқ воситалари ҳам жиддий мулоҳаза билан танланиши кераклигини таъкидлайди.

Ушбу қоидада келтирилган уч стратегия “ҳар қандай фойда” ёндашувидан воз кечиб, вакт ва диккатингизни олувчи воситаларни танлашда мулаҳазакор усталарнинг фалсафасини кўллашга ёрдам беради. Ушбу кўрсатма жуда мухим, чунки “усталар ёндашуви” котиб қолган стратегия эмас. Ҳаёtingиздаги энг мухим нарсаларни аниклаш

ва турли воситаларнинг уларга таъсирини баҳолашни битта формула билан ифодалаб бўлмайди – бу машқ ва тажриба талаб қиласди. Куйидаги стратегиялар тармоқ воситаларини турли томондан қайта кўриб чиқишга унда, ушбу машқ ва тажриба учун баъзи усувларни кўрсатади. Улар турли воситалар билан ишлashingизни яхшилашга ёрдам беради, бу эса сизнинг вактингизни мукаммалроқ назорат қилишингизда кўл келади.

ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЗАРУРИЙ КАМЛИК ҚОНУНИ

Малколм Гладуэлл “Twitter”дан фойдаланмайди. Ўзининг 2013 йилда берган интервьюсида у нима учун бундайлигини ҳазил йўсинида изоҳлаб кетган: “Мухлисларим янгиликлардан “Twitter” орқали хабардор бўлади деб ким айтди? Бундан ташқари кўпчиликнинг мени кўрарга кўзи йўклигини жуда яхши биламан.” Яна бир машҳур бестселлер асарлар муаллифи Майкл Люис “Twitter”дан фойдаланмаслигини “The Wire”га берган интервьюсида қистириб ўтади “Мен “Twitter”дан умуман фойдаланмайман, ҳатто “Twitter” хабарини қаердан ва қандай қилиб ўқиши ҳам билмайман.” Биринчи қисмда сўз юритилган таникли “New Yorker” мухбири Жорж Пекер ҳам тармоқдан ўзини олиб қочади ва ҳатто якиндагина зарурат сабабли телефон сотиб олишга мажбур бўлди.

Бу уч ёзувчи “Twitter” фойдасиз деб ўйламайди, шунингдек, бошқа ёзувчилар уни фойдали деб билса ҳам баҳслашмайди. Пекернинг “Twitter”дан фойдаланмаслигининг туб сабаби аслида “New York Times” медиа танқидчиси Дэвид Каррнинг ҳеч бир истиҳоласиз “Twitter”ни мақтаб ёзган мақоласи эди. Куйидаги парчада унинг очик фикри мужассам:

“Ва энди, тахминан бир йил ўтгач, “Twitter” менинг миямни бўтқага айлантириб қўйдими? Йўқ, шу да қиқада мен ўзим ўйлаганимдан кўра қўпроқ нарсалар ҳақида ҳикоя қилиб бера оламан ва ярим соат изоҳ қидириб ўтирмаи, Старбаксда буюртма қилинган

қаҳва тайёр бўлгунча кун янгиликлари ва бунга одамларнинг қандай муносабатда бўлаётганини билаламан.”

Гладуэлл, Люис ва Пеккер ушбу тармоқ салбий томонларини қоплашга етадиган даражада наф бершига ишонмайди. Масалан, Люиснинг интернет орқали одамларга очик бўлиши унинг кучини сўндириб, тадқиқотлар ўтказиш ва ажойиб ҳикоялар ёзиш қобилиятини сусайтираш экан: “Одамларнинг тармоқлардан бунчалар бемалол фойдаланиши жуда ажабланарли. Ҳаётимда бойитадиган эмас, сўндирадиган алоқалар сони ортиб кетяпти”. Пеккер эса ўз навбатида чалғишдан хавотирланиб, “‘Twitter’ медиага қарам бўлганлар учун кўнгил ёзиш воситасидир”, дейди. Каррнинг “Twitter” ҳакидаги мақтovларга тўла мақоласини эса “шу пайтгача ўқиганим келажакнинг энг кўрқинчли тасвири” дея баҳолайди.

“Twitter”дан (ва бошқа шунга ўхшаш воситалардан) фойдаланмаслик бўйича ушбу муаллифларнинг шахсий қарорларини муҳокама қилишга ҳожат йўқ, чунки уларнинг китоблари сотилиши ва мукофотлари етарлидир ҳаммаси учун. Бунинг ўрнига улардан воситаларни танлашда “усталар ёндашуви”ни дастакловчи мисол сифатида фойдаланишимиз мумкин. Кўпгина ақлий меҳнат ходимлари, айниқса, ижодий соҳада ишлайдиганлар ҳалихануз “ҳар қандай фойда” гоясига ишонар экан, бундай тармоқларни саралаш юзасидан етукроқ ёндашувни топиш керак. Аммо бунақа мисолларнинг анча озлиги бу турдаги етук ва ишончли стратегияни амалга ошириш осон эмаслигини эслатиб туради. Сал аввал ҳикоя қилинган Притчард ва унинг хашак прессловчи қурилма тўғрисидаги қарори учун зарур бўлган мантикий мулоҳазаларни эсланг: кўплаб ақлий меҳнат ходимлари ва уларнинг ўзлари қўллайдиган воситалар борасидаги қарорлари ҳам худди шундай мураккаб бўлади. Шу боис,

ушбу стратегиянинг мақсади ана шу фикрлаш жараёнига бир қадар тизимли ёндашувни татбиқ қилиш орқали воситаларни қандай танлаш бўйича айрим чигалликларни камайтиришдир.

Ушбу стратегиянинг биринчи босқичи – касбий ва шахсий ҳаётингизда олий мақсадларни аниклашдир. Агар оиласи бўлсангиз, намунали ота-она бўлиш ва саранжом рўзгор юритишни шахсий мақсадларингиз сирасига киритишингиз мумкин. Касбий соҳада ушбу мақсадларнинг қандай бўлиши тирикчилик учун қилаётган ишингизга боғлиқ. Масалан, профессор сифатидаги фаолиятимда икки муҳим мақсадни кўзлайман: бири дарсда яхши ўқитувчи ва илмий иш қилаётган талабаларим учун намунали илмий раҳбар бўлиш, иккинчиси, самарали тадқиқотчи бўлиш. Мақсадларингиз фарқ қилиши мумкин, аммо рўйхатда энг муҳимлари бўлсин ва уларни аниқ таърифлаб олинг. (Агар мақсадингиз “миллион долларлик савдо қилиш” ёки “олтида мақолани чоп эттириш” сингари аниқ бўлса, бу биз учун жуда ҳам специфик.) Рўйхатни тузганда шахсий ҳаётингиз ва касбингиз учун мақсадларни кўпайтириб юбормасликка эътибор беринг.

Мақсадлар аниклангач, уларга эришишга ёрдам берадиган энг муҳим икки-уч вазифани белгиланг. Ушбу вазифалар аниқ бўлиши лозим, токи уларни қандай бажаришни тиниқ тасаввур қилишга имкон берсин. Шунингдек, улар етарлича умумий ҳам бўлиши лозим, чунки улар бир марталик натижага боғлиқ бўлиб қолмасин. Масалан, “яхшироқ тадқиқот қилиш” жуда умумий (“яхшироқ тадқиқот қилиш” нима ўзи?), “келгуси конференцияга қуйи телерадио узатиш мавзусидаги мақолани тутатиш” эса жуда тор (бу бир марталик натижадир). Ушбу контекстда яхши фаолият қўйидагича бўлиши мумкин: “мунтазам равишда соҳамдаги энг охирги янгиликлардан боҳабар бўлиб бораман”.

Ушбу стратегиянинг навбатдаги боскичи ҳозир фойдаланадиган тармоқ воситаларини қўриб чикишдир. Ҳар бир тармоқ воситаси билан ўзингизга белгилаган вазифанинг қандай алоқаси борлигини аниқланг, бу тармоқ воситаларидан фойдаланиш муҳим вазифаларингизни бажаришингизга қандай таъсир қиласди – ижобий, салбий, нейтрал – билиб олинг. Сўнг муҳим қарорга навбат келади: Агар ушбу тармоқ воситаси катта ижобий таъсирга эга бўлиб, салбий таъсиридан фойдали таъсири қўпроқ деган холосага борсангиз, ундан фойдаланишда давом этинг.

Ушбу стратегияни амалда кўрсатиб бериш учун, келинг, бир мисолни қўриб чиқайлик. Дейлик, Майкл Люис ёзувчилик фаолияти учун қўйидаги мақсадлар ва уларга етишишга хизмат қиласдиган вазифаларни белгилаган деб тахмин қиласдик.

Профессионал мақсад: одамларнинг дунёни англаштарзини ўзгартирадиган яхши услубдаги ва қизиқарли мазмундор ҳикоялар ёзиш.

Ушбу мақсадга хизмат қилувчи асосий вазифалар:

- Сабр билан теран тадқиқ қилиш;
- Эҳтиёткорлик ва аниқ мақсад билан ёзиш.

Энди тасаввур қилинг, Люис ушбу мақсаддан келиб чиқиб, “Twitter”дан фойдаланиш ёки фойдаланмасликни мулоҳаза қиляпти. Стратегиямиз Люисдан “Twitter”нинг ўзига белгилаган вазифаларга қандай таъсир қилишини ўрганишни талаб қиласди. “Twitter” Люисга ушбу вазифалардан бироргасини бажаришида кўл келишига доир ишонарли асос йўқ. Менимча, бир неча манбани ўрганиш учун Люис ҳафталаб ёки ойлаб теран тадқиқот қилиши лозим, пухта асар ёзиш учун эса чалғишилардан холи бўлиш тақозо қилинади. Иккала ҳолатда ҳам “Twitter”, омад келса, ҳеч қандай таъсирга эга эмас, омад келмаса, Люиснинг ўрганиб қолишга мойиллигини ҳисобга олсак, оқибати жуда ёмон. Холоса шуки, Люис “Twitter”дан фойдаланмаслиги керак.

Сиз шундай эътиrozларни билдиришингиз мумкин: биргина мисол билан чекланиш жуда сунъий-ку, чунки бу ерда “Twitter” каби тармоқ катта ҳисса кўшадиган соҳалар ҳам борлиги эътиборга олинмаган. Хусусан, ёзувчилар учун “Twitter” ўз ўқувчилари билан алоқа ўрнатишни қулайлаштириб, китобларининг кўпроқ сотилишига йўл очади. Майкл Люис сингари ёзувчи ўз мақсади йўлидаги вазифаларни белгилаганда маркетингни аҳамиятли деб хисобламаган бўлиши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, у анча машхур, агар китоб ҳақиқатан яхши бўлса, нуфузли оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади. Шунинг учун ҳам у бир нечта китоб кўпроқ сотилиши учун муаллиф ташаббус кўрсатишидек самарасиз йўлдан воз кечиб, бор дикқатини яхши китоб ёзишга қаратади. Бошқача айтганда, савол Люис учун “Twitter”дан бирор наф бор-йўклигида эмас, балки “Twitter”дан фойдаланиш унинг профессионал ҳаётидаги муҳим вазифаларни бажаришига ижобий таъсир кўрсатадими ёки йўқ, шу ҳакида.

Ёзувчи унчалик танилмаган бўлса-чи? Бундай ҳолатда, китоб маркетинги унинг асосий мақсадига айланади. Аммо ушбу мақсадга хизмат қиладиган икки ёки учта энг муҳим ишни белгилаш керак бўлса, “Twitter” орқали бўладиган яккама-якка саёз алоқалар бу рўйхатга кириши эҳтимолдан узок. Бу оддий математика. Фараз қилингки, ёзувчи ғайрат килиб, ҳафтасига беш кун мобайнида книга ўнталаб твитни якка шахсга жўнатади дейлик ва уларнинг ҳар бири битта ўқувчи олиб келади. Энди тасаввур қилинг-а, бу тарзда ахборот алмашганиларнинг 50 фоизи муаллифнинг навбатдаги китобини албатта сотиб оладиган содик муҳлисига айланади. Ушбу китобни ёзишга икки йил кетади десак, бу, камтарона айтганда, икки мингта китоб сотилиши демакдир, бестселлер мақомини олиш учун эса ҳафтасига шу микдордан камида икки ёки уч баравар кўпроқ сотилиши керак. Гап “Twitter” қанчадир дараражада наф бериши мумкинлиги ҳакида эмас, балки

сизнинг вақтингиз ва дикқатингизни (бу икки нарса ёзувчи учун жуда қимматли) олганига яраша наф берадими, мана шу ҳакида.

Касбий фаолият контекстида қўлланиладиган ушбу ёндашув бўйича мисолни кўрдик. Келинг, шахсий мақсадларга путур етказадиган бошқа ҳолатларни ҳам кўриб чиқайлик. Хусусан, ушбу ёндашувни ҳаётимиздаги энг оммабоп ва кўпчилик окладиган воситалардан бири “Facebook” учун қўллаб кўрамиз.

“Facebook” ёки шунга ўхшашиб ижтиомий тармоқларнинг афзалликлари ҳакида гап кетса, кўпчилик унинг ижтиомий ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлайди. Шуни ёдда тутган ҳолда, “Facebook” шахсий мақсадларимизга нечоғли ижобий таъсир кўрсатишини англаб етиш учун юқоридаги стратегияни қўллаб кўрайлик. Бунинг учун яна бир бор фаразий мақсад ва уни мустаҳкамловчи тадбирларни мисол келтирамиз.

Шахсий мақсад: мен учун муҳим бўлган одамлар билан қалин ва ўзаро манфаатли дўстликни сақлаш.

Ушбу мақсадни қўллаб-куватловчи асосий саъй-ҳаракатлар:

1. Мен учун энг муҳим бўлган кишилар билан мазмунли алоқада бўлиб туришга мунтазам вақт топиш (масалан, узоқ сухбат, бирга овқатланиш ёки ҳамкорликдаги фаолият)

2. Мен учун энг муҳим бўлган кишиларга ўзимни бағишлиш (масалан, уларнинг ҳаёти учун аҳамиятли арзирли ишлар қилиш).

Бундай аниқ мақсадлар ва вазифалар ҳамма учун муштарак бўлавермайди, бироқ уларни мисол ўлароқ кўпчиликка тагбиқ қилиш мумкин. Энди стратегиямизнинг фильтрловчи мантигини “Facebook” мисолида ушбу шахсий мақсад контекстида синаб кўрайлик. Мазкур тармоқ, албатта, ижтиомий ҳаётда кўп наф келтиради, улардан тез-тез тилга олинадиган бир нечтасини айтиб

үтсак: у бирмунча вақт күришмаган одамлар билан топишишга, танишлар билан мунтазам бўлмаса-да, гаплашиб туришга, одамлар хаётидаги муҳим воқеаларни кузатиб боришга (масалан, улар турмушга чикқанми ёки йўқ, янги тугилган фарзандлари кимга ўхшайди) ва кизиқишиларингизга мос онлайн жамоаларга аъзо бўлишга имкон яратади.

Булар “Facebook” берадиган ҳақиқий нафdir, аммо уларнинг ҳеч бири биз санаб ўтган, иккаласи ҳам оффлайн ва интенсив бўлган асосий фаолиятга сезиларли ижобий таъсир кўрсата олмайди. Шундай қилиб, стратегия асосида кутилмаган, аммо аниқ бир хulosага келамиз: *албатта, “Facebook” ижтимоий ҳаётингизга муайян қулалилк беради, аммо уларнинг ҳеч бири кетказган вақтингиз ва берган эътиборингизга арзигуллк аҳамиятга эга эмас.*²

Ҳамма “Facebook”дан фойдаланишни тўхтатиши керак, деган фикрдан йирокман. Аксинча, ана шу мисолдаги ҳолатда мен таклиф қилган стратегия мазкур тармоқдан воз кечишни таклиф қиласди. Шу билан бирга, тескари хulosага олиб борадиган бошқа тахминий спе-нарийларни ҳам тасаввур қилишим мумкин. Масалан, коллежнинг биринчи курс талабасини олайлик. Унинг учун мавжуд муносабатларни мустаҳкамлашдан кўра янги дўстлар орттириш муҳимроқ бўлиши мумкин. У ижтимоий ҳаётини бойитиш учун нима қилиши лозимлигини аниқлади. Бу мақсадга эса тадбирларда кўпроқ қатнашиш, турли одамлар билан суҳбатлашиш ёрдам беради. Агар коллеж талабаси сифатида шуларни асосий вазифангиз деб ҳисобласангиз, “Facebook” каби тармоқ воситалари сезиларли таъсир кўрсатади ва *ундан фойдаланиши албатта зарур.*

2 Айнан шу турдаги таҳлил менинг “Facebook” тармоғидан фойдаланмаслигимни оклади. Ҳеч қачон унга аъзо бўлмаганман ва, шубҳасиз, юкорида баён этилган турнинг кўплаб кичик афзаликларини бой берганман, лекин бу менинг ижтимоий ҳаётни давом эттиришинга монелик қилмади.

Бошқа бир мисол тарикасида хорижда хизмат килган ҳарбийни олайлик. Ушбу аскар учун уйдан чиқиб кетгач, дўстлари ва оила аъзолари билан тез-тез алоқада бўлиб туриш муҳим аҳамият касб этади ва, шубҳасиз, у ҳам ижтимоий тармоққа суюнади.

Ушбу мисоллардан аён бўладиган нарса шуки, агар ушбу стратегия амалиётда қўлланилса, бугунги кунда “Facebook” ёки “Twitter” каби воситалардан фаол фойдаланаётган кўплаб одамларни улардан воз кечишига ундиҳи, аммо ҳаммани эмас. Шу ўринда бу каби воситаларни танлашда ҳал қилувчи аҳамиятта эга вазифалар сони чеклаб қўйилмоқда, дея эътиroz билдиришингиз мумкин. Илгари муҳокама қилганимиздек, “Facebook” ижтимоий ҳаётингизга жуда катта фойда келтириар экан, нега ўзимиз муҳим деб ҳисоблаган бир неча саъй-ҳаракатларга фойдаси тегмагани учун уни тарқ этиш керак? Бу ерда тушуниш муҳим бўлган нарса шуки, устувор вазифаларни кескин камайтириш мантиқсизлик эмас, балки у мижозлардан келувчи даромаддан тортиб, ижтимоий тенглик ва компьютер дастурлари бузилиши олдини олишгacha бўлган ҳар хил соҳаларда қайта-қайта илгари сурилган ғояга бориб тақалади.

Зарурий камлик қонуни:³ Кўпгина ҳолатларда, натижсанинг 80 фоизи эҳтимолий сабабларнинг атиги 20 фоизи туфайли юзага келади.

Масалан, бизнесдаги умумий даромаднинг 80 фоизи мижозларнинг атиги 20 фоизидан келади, мамлакат бойлигининг 80 фоизи энг бой 20 фоиз фуқаролар кўлида ёки компьютер дастурий таъминотидаги носозликларнинг 80 фоизи 20 фоиз коддаги нуқсонлардан келиб чиқади. Ушбу ҳодисанинг формал математик асоси мавжуд бўлиб, у натижага таъсир қиладиган сабаб доим тенг так-

³ Ушбу ғоянинг турли шакл ва номлари мавжуд бўлиб, улар жумласига 80/20 қоидаси, Парето принципи ёки омиллар сийраклиги тамойиллари киради.

симланмаслигини ифодалайди.

Фараз қилинг, ушбу қонун ҳаётингизда мұхим максадлар билан боғлик. Аввал таъкидлаганимдек, күплаб турли вазифалар шу мақсадларга эришишингизга ёрдам бериши мүмкін. “Зарурий камлық қонуни”га биноан, әңг мұхим 20 фоиз саъй-харакатларга фойданинг катта қисми боғлик. Ҳаётингиздаги ҳар бир олий мақсад учун ўн-үн бештата аник ва потенциал фойдалы ишлар рўйхатини тузиб кўйдингиз деб фараз қилсак, ушбу қонунга кўра, шу рўйхатдагилар орасидан фақат икки ёки учта әңг мұхим ишлар мақсадга эришиш ёки эриша олмаслигинизни ҳал қиласди.

Ушбу натижа билан қониқсангиз ҳам, ўша потенциал фойдалы 80 фоиз саъй-харакатларни эътиборсиз қолдир-маслигингиз керак-ку дейишишингиз тайин. Тўғри, бу кам аҳамиятли ишлар биринчи ва иккинчи даражали иш каби наф келтирмас, аммо қандайдир фойдаси бор, шундай экан нега уларни эътиборсиз қолдириш керак? Агар мұхимроқ ишларни эътиборсиз қолдирмасангиз, баъзи аҳамиятсиз муқобилларни ҳам синаб кўриш зарап қиласди.

Бирок, бу баҳсда бир мұхим нұктა назардан қочирилади, яъни харакатларингизга уларнинг аҳамиятидан қатъи назар, чекланган вақт ва дикқатингиздан бир хил микдорда сарфлайсиз-ку. Демак, кам аҳамиятли ишга вақт сарфлаётган бўлсангиз, мұхимроқ ишларга сарфланиши керак бўлган вақтни кетказаётган бўласиз. Бу ютиш-ютқазиш ўйини. Башарти, юқори қийматли ишга сарфланган вақтингиз паст қийматли ишга сарфлангандан кўра кўпроқ наф берар экан, сиз кейингисига қанча кўп вақт сарфласангиз шунча кўп ютқизасиз.

Бизнес олами бу математикани яхши тушунади. Мана нима учун компанияларнинг самараасиз мижозлардан воз кечиши ҳолати кўп учрайди. Агар даромаднинг 80 фоизи мижозларнинг 20 фоизидан келса, унда ўша мұхим кам сонли мижозларга энергияни йўналтириш кўпроқ

даромад келтиради, яъни 80 фоиз мижозларга сарфланган бир соат 20 фоиз муҳим мижозларга сарфланса, вактнинг киймати ҳам ортади. Бу сизнинг касбий ва шахсий мақсадларингизга ҳам тегишли. “Facebook”да эски дўстлар билан топишишдан кўра энг яқин дўстингиз билан тушлик қилиш каби унумли иш қилсангиз, мақсадингизга эришишингиз осон кечади. Ушбу мантиққа таяниб, тармоқ воситасидан воз кечиш ундан келадиган кичик фойдалан кечишни эмас, аксинча, синалган ишларингиз билан шуғулланиб, каттароқ фойда олишни англатади.

Бошлаган жойимизга қайтсак, Малcolm Гладуэлл, Майл Люис ва Жорж Пеккер учун “Twitter” уларнинг карьерасида муваффақият келтирадиган фаолиятларнинг 20 фоизлик қисмига кирмайди. Алоҳида олингандা бу тармоқ бироз фойда келтирса ҳам, умуман олганда, уларнинг карьерасидаги илгари силжиш нуқтаи назаридан, “Twitter”дан фойдаланмасдан ҳам ютуққа эришганлар. Сиз ҳам чекланган вақтингиз ва зътиборингизни қайси воситаларга ажратишишингиз борасида худди шу тарзда синчковлик билан қарор қилишишингиз лозим.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАН ЧИҚИНГ

Райен Никодем ҳаётини соддалаштиришга қарор қилган пайти, унинг биринчи нишони уйидаги нарсалари эди. Ўша пайтда Райен уч хоналик кенг уйида ёлғиз яшарди. Бир неча йиллардан бўён у истеъмолчилик майлларига эрк бериб, кенг хонасини турли лаш-лушлар билан тўлдиришишга ҳаракат қилди. Энди эса ҳаётини ўша лаш-лушлар кишанидан озод қилиш вақти келганди. У кўллаган стратегия бир қаращда содда, аммо жуда кескин характерга эга эди. Худди бирор ёққа отганаётгандек кечкурун бор нарсасини картон кутиларга жойлаб чиқди. Ўзи “машаққатли вазифа” дея таърифлаган буюм йифишини ташлаб, нисбатан енгилрок, ўзи “кутига жойлаш зиёфати” дея атаган ишини қилди. “Зиёфат барибир яхши-да, шундай эмасми?” дейди у.

УЧИНЧИ ҚОИДА: ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАН ВОЗ КЕЧИНГ

Буюмларини жойлаб бўлгач, Райен кейинги хафтадан одатий яшаш тарзида давом этди. Агар унга кутига жойланган нарсаларидан бирортаси керак бўлиб қолса, уни ўрамдан олиб, аввалги жойига қайтариб кўярди. Ҳафта охирига бориб шунга амин бўлдики, қутилардаги буюмларининг аксарияти умуман тегилмасдан турибди.

Шундай қилиб, у улардан қутулди.

Одамлар ҳаётида лаш-лушлар доим тўпланиб боради, чунки уларни ташлаб юбормоқчи бўлсангиз, “Бир кун керак бўлиб қолса-чи?” деган хавотир билан яна жойида қолдирасиз. Буюмларни қутиларга жойлаши Никодемга ўзига кўп нарса керак эмаслигини кўрсатди ва шунинг учун у содда ҳаёт тарзини танлади.

Сўнгги стратегия вақтингиз ва эътиборингизни ўғир-лайдиган тармоқвоситаларини саралашда ёрдам берадиган тизимли усулdir. Ушбу стратегия сизга бу масалаларга ўзгача, аммо бир-бирини тўлдирувчи ёндашувни таклиф қиласиз. Бу ёндашув Райен Никодемнинг фойдасиз нарсалардан халос бўлиш усулидан илҳомланган.

Батафсилоқ айтсак, ушбу стратегия сиз ҳозир фойдаланаётган ижтимоий тармоқларни “кутиларга жойлаш” тажрибасини ўтказишингизни тақозо этади, лекин “кутиларга жойлаш” ўрнига улардан бир ойга воз кечасиз. Ҳаммасидан – “Facebook”, “Instagram”, “Google+”, “Twitter”, “Snapchat”, “Vine” ёки бу сўзларни ёзганимдан кейин оммалашадиган бошқа хизматлардан фойдаланмайсиз. Бу тармоқлардаги ҳисобингизни деактивация қилишингиз ёки ундан воз кечаеттанингиз ҳакида гапиришингиз ҳам шарт эмас: шунчаки улардан фойдаланишни тўхтатинг. Агар кимдир сизнинг тармоқда кўринмай қолганингизга қизиқса, изоҳ беришингиз мумкин, аммо ҳаммага гапириб ўтиранг.

Ўттиз кунлик тармоқдан узилишдан сўнг, вақтинча тарк этилган тармоқларнинг ҳар бири ҳакида ўзингизга

куйидаги икки саволни бериб күринг:

1. Агар бу тармокдан фойдаланганимда, охирги ўттиз куним анча яхшироқ ўтган бўлармиди?
2. Ушбу тармокдан фойдаланмаётганим кимнидир кизиқтирдими?

Агар иккала саволга ҳам сизнинг жавобингиз “йўқ” бўлса, тармокни бутунлай тарк этинг. Агар жавобингиз аник “ҳа” бўлса, ундан фойдаланишда давом этаверинг. Мабодо жавобларингиз қатъий ёки ноаниқ бўлса, уларга қайтиш ёки қайтмаслигингиз ўзингизга боғлик. Ҳарна бўлса ҳам тарк этишни тавсия киламан. Қайтиш учун эса имкон доим бўлади.

Ушбу стратегия, айниқса, ижтимоий тармоклар масаласида муҳим, чунки улар вақт ва дикқатингизни жалб қиласидиган турли алоқа тармоклари орасида – агар меъёрдан ошиб кетса – теран ишлашингизга путур етказиши аник. Улар кутилмагандан шахсий қизиқиш уйғотадиган маълумотларни тақдим киласи, бу эса уларга ўрганиб қолиш эҳтимолини оширади, дикқатни жамлаш бўйича килинган режаларни барбод қилиши мумкин. Шу хавфларни ҳисобга олган ҳолда, эҳтимол, ақлий меҳнат кишилари, айниқса, тириклилиги теран ишлашга чамбарчас боғлик бўлган дастурчилар ёки ёзувчилар тармоқ воситалардан нари бўлишта уринади, деб ўйлаётгандирсиз. Аммо ижтимоий медианинг маккорлиги шундаки, сизнинг дикқатингизни ўғирлаб фойда кўрадиган компаниялар маркетинг тўнтариши килган: уларнинг хизматидан фойдаланмасангиз, ўзингизни бирор муҳим янгиликдан куруқ колиб кетадигандек ҳис килишингизга эришганлар.

“Бирор нарсани ўтказиб юбориш”дан хавотир олиш худди Никодемнинг уйидаги нарсалар ҳақида бир кун керак бўлиб қолиши мумкин, деган хавотирига ўхшайди. Шунинг учун ҳам унинг “кутиларга жойлаш” стратегиясига яқинроқ таклиф билдиromoқчиман. Бир ойни

ижтимоий тармоқларсиз ўтказиб, ўша воқеаларни, сұхбат ва бошка таассуротларни “ўтказиб юбориш” қўркувини реаллик билан алмаштиришингиз мумкин. Аксарият одамлар учун бу реаллик, ушбу воситалардан келган маркетинг хабарларидан ўзингизни халос этишдек оғир ишни уddaлаганингиздан кейингина яққол намоён бўлади: улар сизнинг ҳаётингизда ўйлаганингизчалик мухим эмас.

Сиздан ўттиз кунлик тажрибангизни эълон қил- маслигингизни сўрашимнинг боиси шуки, баъзи одамларни ижтимоий тармоқларга боғлаб турган иллюзия шу: одамлар сизнинг айтмоқчи бўлган гапларингизни эшитишни истайди ва тўсатдан улар билан фикрингизни бўлишмай қўйсангиз ҳафсалалари пир бўлиши мумкин. Балки енгилроқ қараётгандирман, аммо шундай бўлса ҳам, бу тасаввур жуда кенг тарқалган ва ҳал қилиниши зарур. Масалан, шу сатрлар битилаётган вақтда ҳар бир “Twitter” фойдаланувчисининг обуначилари сони ўргача 208 тани ташкил этади. Сиз айтмоқчи бўлган гапларни икки юздан ошик киши тинглашни хоҳлашини билгач, нима дейсиз? Бундай вазиятда ушбу тармоқдаги фаолиятингизнинг мухимлигига ишонасиз. Гояларини сотиб тириклик қиласидиган одам сифатида тажрибамга таяниб айтишим мумкинки, бу одамни ўзига боғлаб қўядиган туйғу!

Лекин ижтимоий тармоқлар кузатувчиларининг ҳақиқати қўйидагича: Ушбу тармоқ хизматлари кириб келмасидан бурун, яқин дўстларингиз ва оиласингиздан ташқаридан аудитория тўплаш осон эмасди. Масалан, 2000-йиллар бошларида ҳар ким блог юритиши мумкин эди, аммо ойига ҳатто ўқувчиларни бир нечтага кўпайтириш учун ҳам уларнинг эътиборини жалб қиласада қимматли ахборотни етказишингиз керак эди. Мен бу кийинчиликни жуда яхши биламан. Биринчи блогимни 2003 йилнинг кузида бошлаганман. “Inspiring Moniker” деб аталарди. Йигирма бир ёшли талабанинг ўз ҳаёти ҳақидаги ўйлари эди. Хижолатли бўлсаям айтиш

лозимки, эски блогимда ўқилмаган постларим талайгина эди. Ҳозирги блогим “Study Hacks” кузатувчилари сонини кейинги ўн йилда ойига бир нечадан юз минглаб ўкувчига сабр ва тиришқоқлик билан етказганимда шуни англаб етдимки, интернетда одамларнинг эътиборини қозониш жуда қийин иш. Ҳозирги замон бундан мустасно, албатта.

Ижтимоий медианинг шиддат билан ривожланиши сабабларидан бири ҳақиқий қиймат ишлаб чиқарадиган мاشаққатли меҳнат ва одамларнинг сизга эътибор беришига эришиш ўргасидаги қисқа йўлдир. Бу муддатсиз капиталистик айирбошлишни саёз колективист мукобил билан алмаштириди: қийматидан қатъи назар, агар сиз менинг айтганларимга эътибор берсангиз, мен ҳам сизнинг айтганларингизга эътибор бераман. Бирор блог, журнал ёки теледастур одатда “Facebook” ёки “Twitter”да яхши оммалашадиган контентни берса, ўзига аудитория жалб қила олмайди. Аммо ушбу тармоқларда шаклланган тартиб доирасида олсак, айни шу контент “лайк” ва изоҳлар кўринишида эътиборни жалб қиласди. Бу ҳолатни рағбатлантирувчи айтилмайдиган келишув шуки, дўстларингиз ва обуначиларингизнинг эътиборини (аксар ҳолларда арзимайдиган) олиш эвазига сиз ҳам уларга ўз эътиборингизни (лойик бўлмаса ҳам) беришингиз керак. Менинг янгиланган статусимга “лайк” бос ва мен сеникига “лайк” босаман. Бундай келишув эвазига кўп нарса талаб килмайдиган соҳта муҳимлик иллюзиясини пайдо қиласди.

Ушбу тармоқларни огоҳлантирмасдан тарк этиб, у ердаги мақомингизни ҳам билиб оласиз. Аксарият одамлар ва кўпгина хизматларни янгилик ҳушини жойига келтиради, яъни энг яқин дўстларингиз ва оила аъзоларингиздан ташқари ҳеч ким сизнинг тармоқда кўринимай қолганингизни сезмайди ҳам. Буни гапираётганимда ўкувчидаги салбий кайфият қолса керак (уни ҳал қилишнинг бошқа бирор йўли борми?), бироқ нима

УЧИНЧИ ҚОИДА: ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАН ВОЗ КЕЧИНГ

бўлишидан қатъи назар, бу мухокама қилиниши лозим, чунки ўзини ниҳоятда мухим шахс деб билиш вақт ва дикқатни ақлсизлик билан совуришга сабаб бўлади.

Албатта, баъзи одамлар учун ўша ўттиз кунлик тажриба жуда қийин кечиши ва кўплаб муаммоларни келтириб чиқариши тайин. Агар коллеж талабаси ёки интернетдан кўп фойдаланувчи бўлсангиз, ўзингизни тийиш ҳаётингизни бирмунча мураккаблаштиради. Аммо кўпчиллик учун, менимча, ушбу тажриба (агар интернетдан фойдаланиш одатларингиз бир бошдан қайта кўриб чиқиши бўлмаса) ижтимоий тармоқларнинг кундалик ҳаётингиздаги ўрнини ишончли кўрсатади. Ушбу тармоқлар, реклама қилинганидек, ўзаро боғланган дунёнинг томиридаги қон эмас. Улар шунчаки хуссий компаниялар томонидан ишлаб чиқилган, яхши молияланган, пухта маркетинг қилинган, шахсий маълумотларингиз ва дикқат-эътиборингизни реклама берувчиларга сотиши учун мўлжалланган товардир. Улар қанчалик кўнгилочар бўлмасин, ҳаётдаги режангиз ва эришажак муваффакиятларингиз олдида аҳамиятсизdir; сизни теран фаолиятдан чалғитувчи нарсалардан биридир. Ёки сиз учун ижтимоий тармоқлар мавжудлигиниз асосидир, эҳтимол. Қайси йўл тўғрилигини уларсиз яшаб кўрмагунингизча била олмайсиз.

ИНТЕРНЕТДАН ВАҚТИЧОГЛИК УЧУН ФОЙДАЛАНМАНГ

Инглиз ёзувчиси Арнолд Беннетт Англияда 20-асрнинг бошида – мамлакат иқтисодида буҳрон ҳукм сураётган пайтда туғилган. Шунга қадар ўнлаб йиллар ҳукм суриб келган саноат инқилоби империя ресурсларидан мўл капитал жамғарив, янги бир синф шакллантириди – оқ ёқалилар. Эндиликдаофисда ҳафтасига бир неча соат ишлаш эвазига рўзгор тебратиш учун етарли барқарор иш ҳақи олиш имкони яратилди. Бундай турмуш тарзи бизнинг ҳозирги асримизда ҳаммага таниш бўлиб қолган, аммо Беннетт ва унинг замондошлари учун бу янгилик

ҳар жиҳатдан қайгули эди. Беннеттни ташвишга солган муаммолардан бири бу янги синф аъзоларининг мукаммал ҳаёт кечириш учун ўзларига берилган имкониятни қўлдан бой берадиганни эди.

“Бир лондонлик идора ишчисининг ҳаётини олайлик. Унинг иш вақти эрталабки ўндан кечки олтигача бўлиб, эрталаб ва кечкурун уйидан идорагача ва идорадан уйигача эллик дақиқадан сарфлайди”, деб ёзади Беннетт ўзининг 1910 йилги “Кунига қандай қилиб 24 соат яшаш мумкин?” номли асарида. Лондондаги ушбу тахминий олингган идора ходимининг ишидан ортган вақти ўн олти соатдан ошади. Беннетт учун бу жуда кўп вақт бўлса, бошқа кўпчилик фожиали тарзда бу имкониятни сезмайди. “Бу одамлар ўз кунини ўтказиш бўйича қиласидан бир катта хато бор, улар ишларидан унчалик завқ олмаса ҳам, соат ўндан олтигача бўлган вақтга “иш куни” деб, ундан олдинги ўн соатни пролог ва кейинги олти соатни эпилог сифатида қабул қиласиди.” Беннетт бу муносабатни мутлақо мантиқсиз ва носоғлом деб баҳолайди.

Бу ҳолатга бошқача мукобил вариант бўлиши мумкинми? Беннеттнинг фикрига кўра, иш вақтидан ташқаридағи ўша ўн олти соатни “кун ичида кун” деб билиш лозим, “мазкур ўн олти соат ичида у бўш, маош олиб ишловчи эмас, балки молиявий масалаларни ўйлаб ташвиш чекмайдиган, шахсий даромадга эга одамдир”. Демак, у бу вақтни худди асилзодадек ўтказиши, яъни буюк асарлар ва шеъриятдан баҳра олиб, ўз устида ишлапши керак.

Беннетт бу масалалар ҳақида бир асрдан ортиқ вақт олдин ёзган. Бу орада ўрта синф дунё бўйлаб кескин кўпайди, бўш вақтимиз ҳақидағи тушунчаларимиз ҳам ўзгариши керак эди. Аммо ўзгармади. Интернетнинг ва унга таянувчи паст дикқат талаб қилувчи иктисод ўсиши билан ҳафтасига ўргача кирқ соат ишловчи ходим, айниқса, менинг техникага ўч тенгкурларимнинг бўш

УЧИНЧИ ҚОИДА: ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАН ВОЗ КЕЧИНГ

вакти ўша-ўша қолди – рақамли күнгилочишилар ва дикқат чалғитувчи тугмачаларни чиқиллатишлар... Агар ҳозир Беннетт тирик бўлганда, инсоният тараққиётининг бу жабҳасида юксалиш йўклигидан ҳафсаласи пир бўларди.

Очиғини айтганда, Беннеттнинг тавсиялари ортидаги ахлоқий асослар мени қизиқтирумайди. Унинг ўрта синф вакиллари бўш вактда рух ва онгини озиклантирувчи шеър ва буюк асарлар ўқиши кераклиги ҳақидаги тавсияси бугун бир қадар эскирган. Аммо унинг тавсияси замиридаги мантиқ – ишдан ташқари вақтдан оқилона фойдаланиш, айниқса, биз кўриб чиқаётган қоида – тармоқ воситаларининг теран ишлашга халал бериши нуктаи назаридан, бугун ҳам аҳамиятли.

Батафсил айтсан, ушбу қоида доирасидаги стратегияларни муҳокама қилганда теран ишлашга даҳл қилувчи яна бир тур тармоқ воситалари ҳақида гапирмадик: дикқатингизни банд қилувчи күнгилочар вебсайтлар. Китобни ёзаётганимда “Huffington Post”, “BuzzFeed”, “Business Insider” ва “Reddit” кабилар шундай сайтларнинг энг оммалашгандари эди. Ушбу рўйхат, шубҳасиз, ўзгаради, лекин бу сайтлар учун умумий жиҳат уларнинг ўқувчи дикқатини жалб этадиган сарлавҳали осон ҳазм қилинадиган материалларидир.

Ушбу сайтлардан бирида берилган бир мақолада тўхтасангиз, сахифанинг пастки ёки ён қисмидаги ҳаволалар сизни бошқасига, кейин у яна бошқасига жалб киласди. Шунингдек, инсон психологиясининг барча нозик томонларидан фойдаланиб, жумладан, сарлавҳаларнинг “энг кўп ўқилган” ёки “тренддаги” каби рўйхатларию зътибор тортувчи фотосуратларгача сизни сайтда ушлаб туриш учун кўлланади. Масалан, айни пайтда, “BuzzFeed”даги кўп ўқилаётган мақолалар орасида “Тескарисига айтилганда бошқача маъно англатувчи 17 сўз” ва “Доимо голиб 33 ит “ кабилар бор.

Ушбу сайтлар, айниқса, иш куни тугаганидан кейин зарарли. Кун тартибингиз қатъий бўлмаса, улар дарров

диққат марказингизда жойлашиб олади. Агар навбатдаги ТВ шоуда иштирок этиш учун сценарийни ёки овқатни тутатишлирини кутаётган бўлсангиз, зерикишдан кутулиш учун уларга боқасиз. Иккинчи коидада таъкидлаганимдек, бундай одат жуда хавфлидир, чунки бу чалғишиларга қарши туриш қобилиятингизни заифлаштиради ва кейинчалик диққатни жамлашни хоҳлаганингизда ҳам у осон кечмайди. Бундан ҳам ёмони, ушбу тармок воситалари сиз аъзо бўлиб, демакки, аъзоликдан чиқиб ҳам кетишингиз мумкин бўлган нарса эмас (аввалги икки стратегиямиз бу ерда ишламайди), улар ҳар доим олдингизда, шунчаки тутмачани боссангиз кифоя.

Хайриятки, Арнолд Беннетт ушбу муаммонинг ечимини юз йил олдин аниклаб кетган: *Бўш вақтингиз ҳақида кўпроқ ўйлаб кўринг*. ‘Бошқача айтганда, ҳордиқ вақтингиз ҳақида гап кетганда, эътиборингизни дуч келган нарсага қаратаверманг, аксинча, “кун ичидаги кун”ни қандай ўтказишингиз ҳақида аввалдан ўйланг. Юқорида айтилган веб-сайтлар бўшлиқда ривожланади. Агар шу лаҳзада бирор тайинли иш билан машғул бўлмасангиз, улар бўш вақтингизни тўлдиради. Агар бўш вақтни арзирли нима биландир тўлдирсангиз, уларнинг диққатингизни ўғирлаш имкони камаяди.

Шу боис, кечқурун ва дам олиш кунлари нима килишни аввалдан белгилаб олишингиз жуда муҳимдир. Режали ҳоббилар ана шу дамларда пайдо бўлади, улар аниқ мақсад ва аниқ ҳаракатлар билан вақтингизни озиқлантиради. Беннетт тавсия қилгандек, китоб ўқиши дастурини ҳам кўллаб, ўзингизга ёқсан китоблар билан ҳар кеча ошно бўлишингиз жисмоний машқлар ёки яхши инсонлар даврасида бўлишдек ҳузур бағишлийди.

Ўз ҳаётимдан мисол келтирсам, профессорлик ва ёзувчилик ишим, ота сифатидаги вазифаларимдан ортиб, йилда анча китобни ўқишига улгураман (бир вақтнинг ўзида ўртача учтадан бештагача китоб ўқийман). Бу-

нинг имкони бор, чунки болалар ухлагандан кейин бажарадиган севимли машғулотларимдан бири қизиқарли китоб ўкишдир. Натижада, смартфоним ва компьютерим эрталабгача мунғайиб қолаверади.

Ахир ҳордик чиқариш режа ва мажбуриятлардан холилик эмасми, уни ҳам қатъий режага солиш дам олиши ни йўққа чиқармайдими, дея хавотир билдиришингиз мумкин. Қолипга солинган оқшом кейинги иш кунингизгача толиктириб қўймайдими? Беннетт бундай эътиroz бўлишини аввалдан билган. Унинг таъкидлашича, бу каби хавотирлар инсон рухини қувватлантирувчи манбани хато тушунишимиз оқибатидир:

Нима? Ўша ўн олти соатга сарфланган қувват саккиз соатлик ишга салбий таъсир қилиши мумкини?
Ундай эмас. Аксинча, у ишга сарфланадиган ўша саккиз соатнинг самарасини оширади. Одамлар билиши керак бўлган асосий нарсалардан бири бу – ақлий қобилияtlар узлуксиз ишлашга қодирлигидир; улар қўлими ёки оёғимиз каби чарчаб қолмайди. Уларнинг уйқудан бошқа пайтидаги ягона истаги – ўзгаришидир.

Тажрибамдан биламан бу таҳлил жуда тўғри. Уйқудан уйғонган пайтингиз аралаш-куралаш бўлиб ётган интернетни соатлаб кавлагандан кўра онгингизга бирор бир мазмунли нарсани берсангиз, кунни мазмунли якунлаб, кейинги кунингизни ҳам шу сокин руҳда бошлайсиз.

Хулосаласак, вактни ва дикқатни жалб қиладиган кўнгилочар сайtlар оҳанрабосидан кутулмоқчи бўлсангиз, миянгизга сифатлироқ бирор муқобил вариант тошиб беринг. Бу нафақат чалғишга карши туриш ва дикқатни жамлаш қобилияtingизни асрайди, балки Арнольд Беннетт таъкидлаган муҳим мақсад – шунчаки мавжуд бўлмай, чинакам яшаш ўзи нима эканини теран ҳис қиласиз.

Тұрттынчи қоида

САЁЗЛИКДАН ВОЗ КЕЧИНГ

2007 йилнинг ёзида “37сигнал” (хозирги “Basecamp”) дастурий таъминот компанияси тажриба ўтказди, яъни иш ҳафтасини беш кундан түрт кунга қисқартирди. Ходимларнинг бир кун камроқ ишлаганда ҳам, бир хил ҳажмдаги ишни бажариши ойдинлашгач, бу ўзгаришни доимий жорий қилди: эндиликда ҳар йили майдан то октябрғача “37сигнал” компанияси ходимлари (мижозларни күллаб-кувватлаш хизматидан ташқари) душанбадан пайшанбагача ишлайдиган бўлди. Компания асосчиларидан Жейсон Фрайд ўз блогида қарор ҳакида: “Ёзда одамлар об-ҳаводан ҳам баҳра олиши керак-ку”, дея изоҳ берди.

Кўп ўтмай матбуотда ҳар хил танқидлар болалай бошлади. Фрайд компаниясида түрт кунлик иш ҳафтасини доимий жорий қилганидан бир неча ой ўтгач, журналист Тара Вайс “Forbes” журналида “Нега тўрт кунлик иш ҳафтаси ўзини окламайди?” деб номланган мақоласини эълон қилди. У бу стратегиядаги муаммони қуйидагича баён қилди:

“40 соатни тўрт кунга жойлаштириши оқилона усул эмас. Ходимлар шундогам саккиз соатни кўп дейди, улардан яна қўшимчча икки соат ишлаб беришни талаб қилиши руҳиятни ва самарани туширади.”

Фрайд ҳам қараб турмай дарҳол жавоб қайтарди.

ТҮРТИНЧИ ҚОИДА: САЁЗЛИКДАН ВОЗ КЕЧИНГ

Ўзининг ““Форбес” 4 кунлик иш ҳафтасини тушунмалти” деб номланган блог постида Вайснинг кирқ соатлик меҳнатни тўрт кунга тақсимлаш ходимларга босимни орттириши ҳақидаги фикрига кўшилди, аммо у бундай тақсимотни назарда тутмаганди. “4 кунлик иш ҳафтасининг мақсади камроқ иш қилишдир. Бу 10 соатлик иш куни эмас... бу шунчаки 8 соатлик одатдаги тўрт кундир”, деб ёзади у.

Бир қарашда бу сизга чалкашроқ кўриниши мумкин. Илгарироқ Фрайд ходимлари тўрт кунда ҳам худди беш кундагидек тенг микдорда иш қилаётганини таъкидлаган. Энди эса иш соати камлигини даъво қилмоқда. Қандай қилиб иккаласи ҳам ҳақиқат бўлиши мумкин? Орадаги фарқ саёз ишнинг ролига боғлиқ.

Фрайд яна изоҳлайди:

“Жуда кам одам кунига саккиз соат ишлайди. Омадингиз келса, бутун кунингизни эгаллаган учрашувлар, интернетда кезиши, идора сиёсати ва шахсий ишлар оралигига бир неча соат орттирасиз.

Расмий иш соатлари камайтирилса, одатий иш ҳафтасидан ортиқча ишлар сиқиб чиқариб ташланади. Чунки ишини тугатиш учун кам вақт берилгани боис, ходимлар вақтни янада кўпроқ қадрлайди; вақтга эътиборли бўлади ва бу жуда яхши. Вақтини майдада нарсаларга сарфламайди. Вақт озлигини билсангиз, уни ақл билан тақсимлайсиз.”

Бошқача айтганда, “37сигнал” идора ходимларининг иш вақти қисқариши юзаки ишлашни баргароф қилди, теран иш эса жойида қолди. Мухим ишлар эса адo этилаверди. Ўша пайтда жуда долзарб туюлган саёз ишлар, пировардида аҳамиятсиз бўлиб чиқди.

Ушбу тажрибага табиий реакция сифатида “37сигнал” бир қадам олдинга ўтиб кетганида нима бўларди, деган савол туғилади. Агар саёз ишга кетадиган вақтни камайтириш натижага кам таъсир кўрсатган бўлса, у ҳолда улар

саёз ишни йўқотиши билан чекланмай, балки ундан бўша-
ган вақтда янада теранроқ иш билан шуғулланганларида
нима бўлар эди? Яхши ҳамки, бу дадил ғоя тез орада
компанияда синовдан ўтказилди.

Ходимларига иш вақтининг 20 фоизида ўз лойиҳалари
устида ишлашига имкон берадиган “Google” каби
технология компанияларининг ички сиёсатига Фрайд
доим қизиқкан. У гарчи бу ғояни ёқтирган бўлса-да, иш
ҳафтасидан бир кунни олиб ташлаш ҳақиқий самара бе-
рувчи узлуксиз теран меҳнат учун етарли эмаслигини ҳис
киларди. “Беш кунлик бешта иш ҳафтасидан бир марта
кетма-кет беш кунни дам олиш деб белгилаган бўлардим.
Шундай қилиб, ходимларда чалғишилардан холи узлуксиз
кўпроқ вақт бўлса, янада яхши натижаларга эришамиз”,
деб изоҳ беради Фрайд.

Ушбу назарияни синаб кўриш учун “37сигнал” кескин
бир чора кўрди: ходимларга ўз лойиҳалари устида теран
ишлаши учун июнь ойи тўлиқ дам олиш қилиб берилди. Шу муддат мобайнида улар ҳар қандай саёз мажбуриятлар-
дан, жумладан, йиғилишлар, меморандум ва тақдимотлар-
дан озод бўлди. Ой охирида компания йиғилиш ўтказиб,
унда ишчилар устида ишлаган ғояларини тақдим этишиди.
Фрайд “Inc.” журналида чоп қилинган мазкур тажрибани
ёритган мақоласида уни ҳақиқий муваффақият деб ата-
ди. Икки лойиҳа амалиётга татбиқ қилинди: мижозларни
кўллаб-куватлашнинг янгича воситалари ва компанияга
мижозлар маҳсулотлардан қандай фойдаланаётганини
визуал шаклда кўрсатувчи маълумотлар тизими. Ушбу
loyиҳалар компанияга катта фойда келтириши тахмин
қилинмоқда. Агар ходимларга теран иш учун вақт аж-
ратилмагандан бу лойиҳалар ҳам бўлмасди. Уларнинг ҳа-
қиқий имкониятларини чикариб олиш учун ўн соатлаб
чалғишиларсиз вақт ажратиш талаб қилинди.

Шу ўринда Фрайднинг ўринли риторик саволига
эътибор берсак: “Қандай қилиб янги ғоялар билан ўра-

лашиб, бизнесимизни тұхтатиб тура олдик? Қандай қилиб тұхтатмай тура оламиз?”

“37сигнал”нинг тажрибалари мұхым бир реалликни ошкор қилади: ақлий меңнат ходимларининг эътиборини банд қилувчи саёз ишнинг аҳамияти күринганидан күра камроқдир. Аксарият бизнесларда катта микдордаги саёзликни бартараф қылсанғыз ҳам, уларнинг илдизи үзгармай қолиши мумкин. Жейсон Фрайд кашф қилганидек, нафакат саёз ишларни йўқ қилиш, балки бўшаб қолган вактни теран фаолият билан тўлдириш муваффакият гаровидир.

Ушбу қоида мазкур гояларни ўз шахсий ишларингизда ҳам қўллаб кўришингизни тақозо этади. Кейинги стратегиялар ишингиздаги саёзликни аниклаш, теран ишлашга кўпроқ вакт қолдириш учун саёзларни камайтиришга хизмат қилади.

Ушбу стратегияларнинг тафсилотларини ўрганишдан олдин, аввало, бу саёзликка қарши курашишнинг ҳам чегараси борлигини англашимиз керак. Теран меңнатнинг қиймати саёз ишникидан анча баланд, лекин бу доимо теран фаолиятдан иборат иш жадвалига риоя қилишингиз шарт дегани эмас. Биринчидан, иш жойини сақлаб қолиш учун ҳам саёз ишларни бажариш керак, масалан, электрон почтангизни ҳар ўн дақиқада текширишдан ўзингизни тия олишингиз мумкин, аммо мұхым хатларни жавобсиз қолдира олмайсиз. Шу боис, ушбу қоиданинг мақсади иш жадвалингиздан саёзликни батамом ўчириш эмас, балки уни ўзингизга бўйсундириб олишдир.

Ақлий қобилияят масаласи ҳам мавжуд. Теран иш бор қобилиятингизни зўриқтиргани учун тез ҳолдан тойдиради. Психологлар бир кунда бир кипп қанча вакт зўриқиб ишлаши мумкинлигини чукур ўргангандай.¹ Андерс

1 Мен келтирган тадқиқотларда теран ишга берган таърифимизга кўп жиҳатдан (аммо бутунлай эмас) мос келадиган мақсадли фаолият ўр-

Эриксон ва ҳамкорлари мақсадли машқ килиш масаласига доир мақоласида бу борада қилинган тадқиқотларни ўрганиб чиқди. Уларнинг таъкидлашича, бундай амалиёт билан унча таниш бўлмаганлар учун (хусусан, ривожланишининг илк босқичидаги бола) кунига бир соат мөъёрий чегарадир. Бу борада суюги қотганлар учун мөъёрдаги чегара кунига тўрт соат, камдан-кам ҳолларда ундан ошиши мумкин.

Агар бир кунда теран ишлаш чегарасига етган бўлсангиз-у, ишни яна давом эттирангиз, иш сифати пастлайди. Саёз иш башарти теран ишингиздан вактни тортиб олмаса унчалик хавфли эмас. Бу маълум маънода хурсанд қиладиган ҳолатдек кўринади. Одатий иш куни саккиз соатдан иборат. Энг маҳоратли теран фикрловчи одам ҳам бу соатларнинг тўрт соатидан ортиқ теран тафаккур ҳолатида ўтиrolмайди. Бинобарин, иш кунининг teng ярмида бемалол саёз ишларни бажаришингиз мумкин. Лекин ушбу таҳлилда йўл кўйилган камчилик шундаки, бу тўрт соатни йигилишлар, учрашувлар, кўнғироклар ва бошқа режалаштирилган тадбирлар билан банд бўлган пайтингиз қандай қилиб бемалол ўтказиш мумкинлиги хисобга олинмаган. Аксарият касбларда мазкур вақт ўғрилари якка ўзингиз ишлашингиз учун жуда оз вақт қолдириши аник.

Профессор сифатидаги фаолиятим бундай ишлардан йирокроқ бўлса ҳам, шунга карамай, айниқса ўкув йили давомида анча вақтимни олади. Олдинги семестрдаги тақвимнинг тасодифий бир кунини очиб карасак (хозир сокин ёз), соат 11дан 12гача битта, соат 1дан 2 яримгача яна бир учрашув ва соат 3дан 5гача дарс белгиланган. Ушбу мисолда саккиз соатлик иш куним аллақачон тўрт соатга кисқартирилганини кўришингиз мумкин. Бутун саёз ишларимни (электрон почталар, топшириклар) ярим соатга жойлаштирам ҳам, кўзланган кундалик тўрт ганилган. Биз учун мақсадли машқ теран иш мансуб бўлган ажлий зўриктирувчи вазифаларнинг умумий тоифасига мансубдир.

ТҮРТИНЧИ ҚОЙДА: САЁЗЛИКДАН ВОЗ КЕЧИНГ

соатлик теран ишни бажаролмайман. Бошқача айтганда, бутун кунни теранликда ўтказишга қодир бўлмасак ҳам, бу ҳолат саёз ишларни кисқартириш заруратини камайтирмайди, зеро ўртacha ақлий меҳнат кишисининг куни шундоғам ўйлаганимиздан кўра саёз иш сабабли тарқоқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, сиздан саёз ишларга шубҳа билан қарашингизни сўрайман, чунки у келтирадиган зарар етарлича баҳоланмайди, аҳамияти эса бўрттирилади. Бу турдаги ишлар зарурият, албатта. Аммо сиз унинг таъсирини теран фаолиятдан тўлиқ фойдаланишга халақит бермайдиган ҳолатда тутиб туришингиз. Куйида тавсия этиладиган стратегиялар сизга бу борада асқатади.

КУНИНГИЗНИНГ ҲАР ДаҚИҚАСИНИ РЕЖАЛАНГ

Агар ёшингиз йигирма беш ва ўттиз тўрг оралиғида бўлиб, Британияда яшаётган бўлсангиз, ўйлаганингиздан кўра кўпроқ телевизор кўрасиз. 2013 йилда Британия ТВ лицензиялаш бошқармаси телевизор томоша қилувчиларнинг одатлари бўйича сўровнома ўtkазди. Сўровномада қатнашган 25–34 ёшдагилар ҳафтасига 15–16 соат телевизор кўришини айтган. Бу жуда кўпдек туюлиши мумкин, лекин ҳақиқий ҳолат аслида ундан ҳам ортиқ. Биз буни била оламиз. Телерадиоэшиттиришлар аудиториясини ўрганиш кенгаши (Америкадаги Нилсен компанияси)нинг Британиядаги муқобили тегишли хона-донларга ҳисоблагич жойлаштириб чиқди. Ушбу ҳисоблагичлар одамларнинг аслида қанча вакт телевизор томоша қилишини холис қайд этади. Ҳафтасига 15 соат ТВ томоша қиласман деб ўйлаган 25–34 ёшдагиларнинг кўрсаткичи 28 соат бўлиб чиқкан.

Вақтни нотўғри ҳисоб қилиш фақат Британия телевидениеси томошабинлари учун хос эмас. Бошқа ҳолатларда ҳам одамларнинг ўз хатти-ҳаракатларига берган баҳоси аслидагидан ана шундай фарқ қиласди. Бизнес соҳасида ёзувчи Лаура Вандеркам шу мавзуда “Wall

Street Journal”да яна бир нечта мисолларни келтиради. Жумладан, “National Sleep Foundation” ўтказган сўров натижасига кўра, америкаликлар бир кунда ўртача 7 соат ухлаймиз, деб ҳисоблар экан. Одамларнинг уйку вақтини ҳисоблайдиган “Америка Вақтдан фойдаланиш тадқикоти” ракамни 8.6 соат қилиб тузатиб қўиди. Башка бир тадқикот шуни кўрсатдики, ҳафтада 60-64 соат ишлайман, деб юрган одамлар аслида 44 соатдан сал кўпроқ, 75 соат ишлайман деб ҳисобловчилар эса 55 соатдан ҳам кам меҳнат қиласар экан.

Ушбу мисоллар муҳим бир нарсаага ишора қиляпти: кунимизнинг кўп қисмини вақтимизни ҳисоб қilmай ўтказамиш. Бу эса муаммо. Агар сиз теран ва саёз иш ўртасидаги мувозанатга эришмасангиз ва ҳар бир ҳаракатингиздан олдин бироз тўхтаб, “Ҳозир энг муҳими нима?” деб сўрашга одатланмасангиз, майда ишлар кунлик жадвалингизнинг ҳар қисмига суқилиб киришининг олдини олишингиз мушқул. Куйидаги баён қилинадиган стратегия сизни шунга одатлантириш мақсадида ишлаб чиқилган. Аввалига бу ғоя ҳаддан ташқари қаттиқ туюлиши мумкин, бироқ теран ишлаш имконидан тўлиқ фойдаланишда зарурлигини тезда тушунасиз: *Кунингизнинг ҳар дақиқасини режаланг.*

Менинг таклифим эса қуйидагича: Ҳар бир иш куни бошида, мазкур мақсадга бағишлаган дафтарчангиздан янги варак очинг. Сахифанинг чап томонидаги ҳар бир қатор бошига куннинг бир соатини белгиланг-у, шу соат мобайнида қиладиган ишларингизни ёзиб чиқинг. Сўнг муҳим қисми келади: иш кунингиз соатларини блокларга бўлиб, ҳар бир блокка бирор фаолиятни тайинланг. Масалан, эрталаб соат тўққиздан ўн биргача бўлган вақтда мижозлар учун “пресс-релиз” ёзишни белгилашингиз мумкин. Бунинг учун эса ушбу соатлар қаршиисига тўртбурчак чизиб, ичига “пресс-релиз” сўзини ёзиб қўйинг.

Ҳар бир блокни факат иш ёки вазифага бағишилаш шарт эмас. Тушлик ёки дам олиш учун ҳам блоклар ажратинг. Ишларни оқилона бошқариш учун ҳар бир блокнинг минимал узунлиги ўттиз дақиқани ташкил қилиши керак (варақдаги бир қатор ярим соатдан). Бу шуни англатадики, кун давомида қилишингиз керак бўлган кичик ишларингиз, масалан, раҳбарингизнинг электрон хатларига жавоб бериш, Карлдан ҳисобот ҳақида сўраш кабилар учун алоҳида тўртбурчак чизиш шарт эмас. Уларни битта блокка умумлаштиринг. Бу ҳолатда, ана шу блокдан саҳифанинг ўнг томонига чизиқлар тортиб, ҳар бир чизиққа ана шу блокда қилинадиган майда ишларни ёзиб кўйиш мумкин.

Кунингизни режалагач, ҳар бир дақиқангиз блокнинг бир қисми бўлиши керак. Энди иш кунингизнинг ҳар бир дақиқасига бир иш бириктирдингиз. Бутун кун давомида ушбу жадвал асосида ўтказасиз.

Табиийки, шу жойида кўпчилик бир муаммога дуч келади. Кун ўтиб бориши билан икки нарса жадвалингизга тўғри келмаслиги мумкин. Биринчиси, сизнинг ҳисобингиз хато эканлигидан, масалан, пресс-релизни ёзишга икки соат вақт ажратсангиз-у, аслида икки ярим соат вақт кетиб қолса. Иккинчиси, сизга халақит беришади ва сизда янги мажбуриятлар пайдо бўлади. Булар жадвалингизни ҳам бузиб юборади.

Бу унчалик ёмон эмас, чунки агар режаларингиз ўзгариб қолса, вақт топиб куннинг қолган қисми учун жадвални қайта тузиб олишингиз керак. Бунда бемалол янги саҳифага ўтишингиз, блокларни ўчиришингиз ва қайта чизишингиз мумкин. Ёки менинг йўлимдан боринг: куннинг қолган қисми учун барча блокларни устидан чизиб, ўша саҳифадаги эски блокларнинг ўнг томонида янги блоклар очинг (бир неча марта ўзгартиришга жой етарли бўлиши учун блокларни кичикроқ қилиб чизаман). Баъзи кунларда жадвалингизни беш-олти марталаб

қайта тузатишингизга тўғри келади. Агар шунаقا холат содир бўлса, ҳеч ҳам тушкунликка борманг. Сизнинг мақсадингиз ҳар қандай холатда ҳам жадвалга риоя қилиш эмас, балки вақтингизни қандай сарфлаётганингизни мулоҳаза қилишдир.

Агар жадвалларни ўзгартириш кўп такрорланса, вазиятни ўнглаш учун айрим усуллар бор. Биринчидан, одатда иш вақтини аслидагидан кам ҳисоблашингизни англаб еting. Одамлар бу одатни бошлаганда, энг идеал сценарий тузишга интилади. Вакт ўтиши билан ҳар бир вазифа учун вақтни аниқ белгилашга ҳаракат қилишингиз зарур.

Сизга ёрдам берадиган иккинчи тактика – “*тошувчи*” шартли блоклардан фойдаланишдир. Агар берилган топширикка қанча вакт кетишини билмасангиз, кутилган вактни блокка олинг ва унга қўшимча блок улаб кетаверинг. Агар ишингиз учун кўпроқ вакт керак бўлса, қўшимча блокдан фойдаланинг. Агар ишни ўз вақтида тутгатсангиз, қўшимча блокни бошқа мукобил вазифа учун қўлланг (масалан, унчалик зарур бўлмаган вазифалар). Бу эса кун тартибингизни қоғозда қайта-қайта ўзгартиравермай, кутилмаган холатлардан чиқиб кетишга имкон беради. Масалан, пресс-релиз бўйича мисолга яна мурожаат қилсак, уни ёзишга икки соат вакт ажратишингиз мумкин, зарурат бўлса қўшимча блокдан ҳам фойдаланинг ва ишни давом эттиринг. Агар зарурат бўлмаса, қўшимча блокни электрон почтани текшириш учун ажратишингиз мумкин.

Мен таклиф қиладиган учинчи тактика – вазифа блокларидан фойдаланишда бемалолроқ бўлиш. Кун бўйи кўплаб блоклардан фойдаланинг ва режалаган вазифаларингиз учун кетадиган вақтни узайтиринг. Оддий иш кунида жуда кўп кутилмаган воқеалар юзага келади: захира блоклар ишларнинг равон кетишини таъминлайди.

Мазкур стратегияни амалда қўллашдан аввал, кўп тақрорланадиган бир эътиrozга эътибор берайлик. Кундалик жадваллар бўйича тажрибамдан айтишим мумкинки, кўпчилик режалаш ўз эркинлигини ҳаддан ташқари чеклаб қўйишидан хавотирга тушаркан. Масалан, куйида Жозеф исмли ўқувчимнинг ушбу мавзу ҳақида ёзилган постга берган изохини келтираман:

“Ўйлашимча, сиз ноаниқлик ролини жуда паст баҳо-лагансиз... Мен блогпост ўқувчиларининг буни жуда жиiddий қабул қилиб, жадвалига мос равишда дақиқа санаб, ўз иши билан теран шуғулланишдан чалгib кетишидан хавотирдаман.”

Бу нуқтаи назарни яхши тушундим ва Жозеф буни айтган биринчи киши эмас. Яхши ҳамки, уларни осонликча ҳал қилишининг иложи бор. Ўзимнинг қунлик режамда, мунтазам равишда теран фикрлаш ва муҳокамага алоҳида вакт ажратган ҳолда, шунга амал қиласманки, агар миямга ўта муҳим ғоя келиб қолса, бу жадвалимнинг қолган қисмини эътиборсиз қолдириш учун етарли асос бўлади (албатта, ўтказиб юборилиши мумкин бўлмаган ишлар бундан мустасно). Бу кутилмаган ғоя ўз жозибасини йўқотгунча, уни тадқиқ қиласман. Шундан кейин, қуннинг қолган вакти учун жадвалимни қайта тузиб чиқаман.

Аниқроқ айтганда, ўз жадвалимда тасодифлар бўлиб туришини нафақат қабул қиласман, рағбатлантираман ҳам. Жозефнинг танқиди эса иш жадвали тузишдан мақсад одатларимизни мажбуран қатъий қолипга солишадир, деган хато тушунчага асосланади. Аммо бундай режалаш чеклаш эмас, балки мулаҳазалиликдир. Бу кун давомида бир лаҳза тўхтаб, “Қолган вактимни нимага сарфлаганим маъқулрок” деган саволни ўзингизга беришга мажбур қиласдиган оддий одатдир. Бу сизга наф келтирадиган сўроқдир, жавобларга бехуда ёпишиб олиш эмас.

Ушбу батафсил режалаш ва зарур бўлганда режани

мослаштириш ёки ўзгартериш стратегиясини қўлловчилар кунини пала- partiш ўтказувчи одамга нисбатан қўпроқ ижодий фикрлаши мумкин. Аниқ тартиб бўлмаганда вактингизни электрон почта, ижтимоий тармоклар ва интернетни титкилаш каби саёз ишларга сарфлаб қўйишингиз жуда осон. Ушбу саёз ишлар шу дамда сизни қониктирса ҳам, ижодкорликка мутлақо мос келмайди. Аксинча, тартиб асосида мунтазам янги ғоя билан шуғуланиш ёки бирор мураккаб иш устида теран ишлаш учун блокларни кўнгилдагидек режалаётганингизга амин бўласиз. (Ёдингизда бўлса, биринчи қоидада қўплаб буюк ижодкор мутафаккирларнинг қатъий тартиблари ҳақида сўз юритган эдик.) Ва янги ғоя пайдо бўлганда ўз режангиздан воз кечишга тайёр бўлганингиз сабабли, илҳом келган чоғда режани бузиб бемалол ижод қилишингиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу стратегия мақсади теран ишлаш вактингизга жиддий қарашни талаб қилишини тушуниб етишдадир. Бунга томон кўйилган биринчи қадам иш кунингизнинг ҳар бир дақиқасида нима қилишни аввалдан белгилашдир. Дастрраб бу ғоя ёқмаслиги табиий, чунки ички инжиқлик ва ташки талаблар босими остида ишлаш осонроқ. Аммо сиз арзирли нимадир яратмоқчи бўлган киши сифатида ўзингизнинг ҳақиқий потенциалингизни кашф этмоқчи бўлсангиз, тартиблилилкка бўлган ишончсизлигингизни енгишингиз лозим.

ҲАР БИР ФАОЛИЯТНИНГ ТЕРАНЛИГИНИ ТЕКШИРИНГ

Кунингизни режалашнинг афзал томони шундаки, сиз саёз ишларга қанча вақт сарфлаётганингизни аниқлай оласиз. Аммо саёз ишларни жадвалингиздан ажратиб олиш амалда қийин бўлиши мумкин, чунки доим ҳам бирор вазифани қай даражада саёз деб билишингиз аниқ эмас. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун, саёз ишнинг китобнинг кириш кисмида баён этилган таърифини эслашдан бошлаймиз:

Саёз иши: Ақлий зўриқиши талаб қўимайдиган, логистик усулдаги, кўпинча чалгишлар билан ҳам бажариладиган иши. У катта қиймат яратма олмайди ва уни ҳар ким эплаши мумкин.

Баъзи фаолият турлари ушбу таърифга мос келади. Масалан, электрон почтани текшириш ёки конференциянинг ташкилий ишлари табиатан саёз, шубҳасиз. Аммо бошқа фаолият турларини таснифлаш нисбатан мужмалроқ. Мана бу вазифаларни кўриб чиқинг:

1-мисол: Журналга юбориладиган, шеригингиз билан ёзган илмий мақолани таҳрирлаш.

2-мисол: Шу чоракдаги савдо кўрсаткичлари ҳақида “PowerPoint” тақдимотини яратиш.

3-мисол: Мухим лойиханинг жорий ҳолатини мухокама қилиш ва кейинги қадамларни келишиш учун йиғилишда иштирок этиш.

Ушбу мисолларни қандай таснифлаш бир қарашда мавхум кўринади. Дастрлабки икки вазифа жуда эътибор талаб бўлиши мумкин ва охирги мисол ишни асосий мақсад сари йўналтиришда мухимдек кўринади. Ушбу стратегиянинг мақсади сизга мазкур ноаниқликни ечиш учун аниқ ўлчов кўрсатиш, муайян вазифангиз саёзлик-теранлик шкаласининг қаерига тушишини белгилашингизга кўмак беришдир. Ишни баҳолаш учун эса оддий, аммо ҳаммасини ёритиб берувчи савол берни талаб этилади:

Коллеж битиравчиси, менинг соҳамда маҳсус тайёргарлиги бўлмаса, бу топшириқни бажаришига қанча вақт (оий ҳисобида) керак бўлади?

Ушбу ёндашувни тўлиқ ёритиш учун ушбу саволни юқоридаги вазифалар мисолида кўллаб кўрайлик.

1-мисол таҳлили: Илмий мақолани тўғри таҳрирлаш унинг мавзусининг нозик жиҳатларини яхши билиш (аниқ ифодаланганига ишонч ҳосил қилишингиз учун) ва мавзу юзасидан адабиётлардаги тафовутларни тушунишни (ха-

волалар тұғри берилганига ишонч ҳосил қилишингиз учун) талаб этади. Шунингдек, ушбу академик соҳага оид замонавий билимлар ҳам зарурдирки, қунт билан узок вакт үқиб-үрганмасдан бунга еришиб бўлмайди. Демак, бу вазифани уddyлаш учун “жуда кўп вакт, эҳтимол, элликдан олтмиш беш ойгача” керак бўлиши мумкин.

2-мисол таҳлили: Иккинчи мисол бу таҳлилда юқори натижа кўрсатмайди. Ҳар чораклик савдони ифодалайдиган “PowerPoint” тақдимотини яратиш учун уч нарса талаб килинади: а) “PowerPoint” тақдимотини қандай яратишни билиш; б) ташкилотингиз ичидағи ҳар чораклик тақдимотларнинг стандарт форматини тушуниш; в) ташкилотингиз савдо ҳажмини қандай бирликларда ҳисоблаши ва уларни жадвалларга айлантиришни билиш. Коллеж битирувчиси “PowerPoint”дан қандай фойдаланишни аллақачон билади ва тақдимот учун стандарт форматни ўрганиш бир ҳафтадан кўп вакт олмайди. Демак, саволлар шундай қўйилади: аълочи коллеж битирувчиси савдо ҳажмини, натижаларни қаердан топишни ва уларни саралаб, мос келадиган график ва жадвалларга жойлаштириб чиқишни ўрганиши учун қанча вакт кетади? Бу оддий иш эмас, аммо коллежнинг аълочи битирувчиси учун бир ойдан ортиқ машғулотта зарурат йўқ, жуда бўлмаганды икки ойга бориши мумкин.

3-мисол таҳлили: Учрашувларни ташкил қилишни таҳлил қилиш осонмас. Бу ишлар баъзан зерикарли бўлиб туюлса ҳам, одатда ташкилотингиздаги энг муҳим ишлардан бири деб ҳисобланади. Ҳозир тақдим этиладиган усул ушбу сохта муҳимликни фош этишга кўмаклашади. Йиғилишларни ташкиллаш вазифангизни кўлингиздан олиши учун коллеж битирувчисига қанча вакт керак? У лойиҳани ривожлантириш босқичлари ва иштирокчиларини таниб олиши учун лойиҳанинг ўзини етарлича тушуниши лозим бўлади. Битирувчи, шунингдек, шахслараро муносабатлар ва ташкилотда бундай лойи-

ҳалар қандай амалга оширилиши түғрисида баъзи бир маълумотларга эҳтиёж сезиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, коллеж битирувчиси лойиҳа мавзуси бўйича ҳам чукур билимга эга бўлиши керакми, деган ўринли савол туғилиши табиий. Режалаштириш борасидаги йиғилиш учун эҳтимол кераги йўқ. Бундай учрашувларда камдан-кам ҳолларда тайинли гап айтилади, жуда кўп кисқа нутклар сўзланади, иштирокчилар бирор тайинли иш килмаса ҳам, қилаётганини кўрсатишга уринади. Ўша ақлли битирувчига масалани ўрганиш учун уч ой мухлат беринг, у ҳеч қандай мушкулотсиз сизнинг ўрнингизни эгаллаши мумкин. Шундай қилиб, биз жавоб сифатида уч ойни танладик.

Бу савол худди фикрий экспериментта ўхшайди (ишларнинг қийматини баҳолаш учун коллеж битирувчинини ишга олинг демаяпман). Аммо саволга берилган жавоблар турли ишларнинг теранлик ёки саёзлик даражасини объектив баҳолашда аскатади. Агар коллеж битирувчиси ишни ўрганиши учун кўп ойлик тайёргарлик зарур бўлса, демак, бу вазифа эришилиши қийин тажрибани талаб қиласди. Юкорида таъкидлаб ўтилганидек, билим ва тажриба керак бўладиган вазифалар теран вазифалардир ва шунинг учун улар икки баравар фойда келтириши мумкин: улар сарфланган вақт бирлигига нисбатан хисоблаганда кўпроқ қиймат яратади; қобилиятингизни шу қадар зўриқтирадики, ўша қобилиятингиз ўз-ўзидан янада яхшиланади. Коллеж битирувчиси тезда ўзлаштириб олиши мумкин бўлган вазифа катта тажриба талаб қилмайди ва шунинг учун уни саёз иш деб аташ мумкин.

Ушбу стратегия билан нима қилиш керак? Фаолиятингиз теранлик-саёзлик шкаласининг қаерига тушишини билганингиздан сўнг, бор вақтингизни биринччисига қаратинг. Юкоридаги мисолларни қайта кўриб чиқсан, бирламчи вазифа учун аввало вақт ажратилади, иккиламчи ва учламчи вазифалар эса камайтирилиши зарур, чунки

улар фойдалидек туюлгани билан вакт кетказишига арзимайды.

Албатта, саёзликдан теранликка ўтиш жараёни доим ҳам аник эмас, ҳаттоғи ўз мажбуриятларингизни түғри белгилашни билиб олганингиздан кейин ҳам. Бу эса бизни ушбу мушкул мақсадга эришишда қўйл келадиган маҳсус кўрсатмалар берувчи кейинги стратегияларга бошлайди.

РАҲБАРИНГИЗДАН САЁЗ ИШ УЧУН “СМЕТА”НИ СЎРАНГ

Кам бериладиган, аммо муҳим бир савол бор: Вактимнинг неча фоизини саёз ишларга сарфлашим мумкин? Бу саволни ўзингизга бериб кўришингиз зарур. Агар имкони бўлса, ушбу савол бўйича раҳбарингиз фикрини билиб олинг. (Эҳтимол, унга “саёз” ва “теран” иш нимани англатишини аввал тушунтиришингиз керак бўлар.) Агар раҳбарингиз бўлмаса, бу саволни ўзингизга беринг. Иккала ҳолатда ҳам аник жавоб айтилиши керак. Кейин – энг муҳим кисми ҳам шу – ана шу “смета”га амал килинг. (Аввалроқ айтилган ва куйида айтиладиган стратегиялар ушбу мақсадга эришишда ёрдам беради.)

Кўпгина одамларнинг юкоридаги саволга жавоби 30-50 фоиз оралигини ташкил этади. (Кўп вақтни малакасиз ишларга сарфлашғояси психологик жиҳатдан ижобий қабул қилинмайди, шунинг учун 50 фоиз бу табиий энг юкори чегарадир. Шу билан бирга, кўпчилик раҳбарлар бу кўрсаткич 30 фоиздан пастлаб кетса, катта фикрларни ўйлаб топадиган, аммо электрон хатга жавоб бермайдиган ходимга айланаб қолишингиздан хавотирлана бошлайди.)

Ушбу “смета”га риоя қилиш, эҳтимол, хатти-ҳаракатларингизни ўзгартиришни талаб қилас. Саёз ишларга бой лойиҳаларни рад этиб, мавжуд лойиҳангиздаги саёз ишларни ҳам кескин қисқартиришингиз мумкин. Ушбу “смета” ҳафталик хисобот йигилишларини ҳам, агар тайинли натижалар бўлмаса, назарга илмасликка ундаши мумкин (“қачон кўзга ташланарли натижаларга эришганингиз ҳакида менга айтинг; кейин гаплашамиз”).

ТҮРТИНЧИ ҚОИДА: САЁЗЛИКДАН ВОЗ КЕЧИНГ

Бундан ташқари, кўпроқ тонгларни тармокдан узилган ҳолда ўтказишингиз ёки электрон почтангизга келган ҳар бир хатга тезда ва тўлиқ жавоб қайтармасликка қарор килишингиз ҳам бор.

Бу ўзгаришлар теран иш профессионал ҳаётингиз марказида бўлишида ижобий таъсирга эга. Бир томондан, улар асосий саёз мажбуриятлардан воз кечишингизни талаб қилмайди – ана шу талаб кўпчиликда норозилик ўйғотади – чунки ҳануз бундай ишларга кўп вакт сарфлаётган бўласиз. Бошка томондан эса, улар иш жадвалингизга суқилиб кирадиган майда вазифаларга қаттиқ чеклов қўйишга мажбур қиласиди. Ана шу чеклов сабабли орттирилган вақтингизни теран ишлар учун сарфлашингиз мумкин.

Айнан нега ушбу қарорлар раҳбарингиз билан сухбатдан бошланиши кераклигининг сабаби шундаки, ушбу келишув иш жойингизда режангиз учун шароит бўлишини белгилайди. Агар сиз ким учундир ишлаётган бўлсангиз, ушбу стратегия саёзликни камайтириш учун бирор мажбуриятдан воз кечганингизда ёки лойиҳанинг бирор ерига ўзгартиш киритганингизда сизга кулайлик яратади. Теран ва саёз иш тақсимоти бўйича режангиз амалга ошиши килаётган ўзгартиришларингизни оқлади. Иккинчи бобда муҳокама қилганимиздек, аклий фаолиятда кўп микдорда саёз ишларнинг бўлишига сабаб уларнинг умумий таъсирини доим ҳам сезмаслигимиздир. Бунинг ўрнига ушбу ишларни алоҳида-алоҳида, жойида баҳолаймиз ва бундай ҳолатда улар жуда окилона ва қулайдек кўринади. Ушбу қоидада келтирганимиз воситалар бу таъсирни очиқлади. Энди бошлиғингизга bemalol “Бу менинг ўтган ҳафтада саёз ишимга сарфлаган вақтимнинг аниқ фоизи” деб айтишингиз ва унинг шу тахлит ишлашингизга розилигини олишингиз мумкин. Ушбу рақамлар ва улар кўрсатадиган иқтисодий воқеликка дуч келганда (масалан, электрон почта хатларини юбориши

ва ҳафтасига ўттиз соат давомида йиғилишларда қатнашиш учун юқори малакали мутахассисга беҳудага пул тўлаш), бошлиқ ўзи учун ёки сиз учун ёки бирор ҳамкасбингиз учун нокулийлик келтириб чиқарса ҳам, баъзи нарсаларга “йўқ” дейишингизни табиий равишда тушунади. Албатта, бизнеснинг пировард мақсади ҳам ишчиларининг ҳаётини иложи борича енгил қилиш эмас, балки кийматга эга маҳсулот яратишидир.

Агар ўзингиз учун ўзингиз ишласангиз, ушбу машқ сизни “тиғиз” жадвалингизда самарали иш учун ниҳоятда оз вакт ажратилганини тан олдиради. Бу рақамлар вақтингизни ўтираётган саёз ишларни ғайрат қилиб қисқартиришингизда сизга ишонч беради. Бу рақамлар бўлмаса, исталган тадбиркор бирор ижобий натижа бериши мумкин бўлган имкониятни рад этиши қийин. “Мен ‘Twitter’да бўлишим керак!”, “Мен ‘Facebook’да фаол бўлишим керак!”, “Блогимда маҳсулотни тарғиб қилишим лозим!” – бу каби нарсаларга “йўқ” дейиш сизни эринчоққа айлантириб кўйишидан чўчийисиз. Агар саёзликнинг теранликка нисбатини билиб, унга амал қиласангиз, ўзингизни айбдор ҳис қилмасдан саёз ишларга ажратилган вақтингизни теран ишларга йўналтириб, бизнесингиз жадал олға силжишига эришишингиз мумкин.

Албатта, бу саволни берганингизда жавоб оддий бўлиб чиқиши эҳтимоли бор. Ҳеч бир раҳбар очиқасига “вақтингизнинг юз фоизи саёз ишдан иборат бўлиши керак!” демайди (агар сиз тажрибасиз ходим бўлмасангиз, чунки ишда етарли кўнилмаларни ҳосил қилмагунингизча ушбу машқни кечиктириб туришингизга тўғри келади). Айни дамда, у куйидагича узун жавоб бериши ҳам мумкин: “Хозирда қилишингиз керак бўлган вазифаларингизни тезда бажаришингиз учун зарур бўлган даражада саёз иш қиласиз”. Бу вазиятда ҳам жавоб барибир фойдали, чунки вазифангиз теран меҳнат талаб қиласлигини

ТҮРТИНЧИ ҚОИДА: САЁЗЛИКДАН ВОЗ КЕЧИНГ

ва теран меңнатни рағбатлантирумайдиган иш ҳозирги ахборот иқтисодиётіда мұваффакият көлтирмаслигини билиб оласиз. Бошлиғингизга фикр-мулоҳазалар учун миннэтдорлик билдириб, теранлыкни қадрлайдиган янги лавозимга қандай үтишни режалайверинг.

ИШИНГИЗНИ СОАТ БЕШ ЯРИМГАЧА ТУГАТИНГ

Ушбу сүзларни ёзгунимгача бўлган етти кун ичидаги олтмиш бешта турли хил электрон хатларини қабул килиб ва жўнатиб, ўша олтмиш бешта ёзишма орасида бештасини соат кечки 5:30дан кейин жўнатибман. Ушбу статистикадан хулоса шуки, баъзи истисноларни ҳисобга олмагандага 5:30дан кейин электрон почта хатларини юбормас эканман. Аммо электрон почта ва иш қай тарзда бир-бири билан чамбарчас боғликларини ҳисобга олсак, бу факт ортида яна бир хайратланарли ҳақиқат бор: Соат 5:30дан кейин ишламайман.

Бу ҳолатни “режаланган самарадорлик” деб атайман, чунки аниқ белгиланган вақтдан кейин ишламасликка одатланганман. “Режаланган самарадорлик”ка қарийб беш йилдан бўён амал қиласман, бу теран меңнатта асосланган самараали касбий ҳаёт қуриш ҳаракатларим учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Навбатдаги сахифада сизни ушбу стратегияни қабул қилишга ишонтириш учун ҳаракат қиласман.

Анъанавий қарашларга кўра, мен мансуб бўлган академик ҳаётда “режаланган самарадорлик” мұваффакият қозона олмас экан. Профессорлар, айникса, ёш профессорларнинг иш жадваллари ҳатто кечаси ва дам олиш кунларини ҳам қамраб олиши ҳаммага маълум. Масалан, мен Том деб атовчи ёш компьютер фанлари профессори ёзган блогпости олайлик. 2014 йил кишида ёзилган ушбу блогда Том режа асосида 12 соат вақтини идорасида ишлаб ўтказганини ёзган. Унинг иш жадвали эса беш учралгув ва уч соатлик “маъмурий” вазифани қамраб олади, буларни

эса у “электрон хатларга жавоб қайтариш, бюрократик қоғозларни түлдириш, йиғилиш баёнларини тайёрлаш ва келгусидаги учрашувларни режалаш” деб таърифлаган. Умумий иш вактининг фақат бир ярим соатидагина кабинетида ўтириб, тадқиқотларида силжиш қиладиган ҳақиқий иш билан шуғулланган. Томнинг иш вактидан ташқари ҳам ишлашга мажбур бўлгани ажабланарли эмас. “Мен дам олиш кунлари ҳам ишлашим кераклигини аллақачон қабул қилганман. Жуда кам сонли ёш ходимлар бундай тақдирдан қочиб қутула олади”, дея хулоса қилади у бошқа постида.

Бироқ мен ҳам қочиб қутулганлар сафидаман. Кечаси умуман ишламай, дам олиш кунлари эса камдан-кам ҳолларда ишласам-да, 2011 йил кузида Жоржтаунга келганимдан то 2014 йил кузида ушбу боб устида иш бошлагунимгача йигирмага яқин мақола эълон қилдим. Ўша Том кабилар зарур деб ҳисоблаган жадваллардан қочиб, иккита танловда грант ютиб олдим, битта китобим нашр қилинди ва ҳозир сиз ўқиётган китобни деярли тугаллагандим.

Бунинг сири нимада? Бу саволга жавобни соҳасининг мендан-да етукроқ ва устароқ вакили бўлган олим ва Ҳарвард университетининг компьютер фанлари профессори Радика Нагпал 2013 йилда ёзган ва кенг тарқалган мақоладан оламиз. Нагпал мақолани доимий ишга қабул қилинган профессорлар бошдан кечирадиган стрессга аксарият ҳолларда уларнинг ўзлари айбдор, деган таъкид билан бошлайди. “R1(илмий тадқиқотга ихтинослашган) университетга доимий ишга қабул қилинган профессорнинг ҳаёт ҳақидаги одамни чўчи-тадиган афсона ва маълумотлари анчагина”, дейди у. Нагпал қандай қилиб анъанавий тушунчадан воз кечгани ва унинг ўрнига кўтаринкиликини сақлаб қолишида ўзига хос йўлни танлагани ҳақида гапиради. Ана шу йўл унга ўқитувчилар таркибига доимийга қабул қилинишдан

ТҮРТИНЧИ ҚОИДА: САЁЗЛИКДАН ВОЗ КЕЧИНГ

аввалги “даҳшатли” ҳаётидан завқ ола билишига ёрдам берган экан.

Нагпал ўз саъй-харакатларини бир нечта мисоллар билан батафсил баён қиласди, аммо улар орасида бир тактика борки, сизга таниш бўлиши керак. Нагпалнинг тан олишича, академик карьерасининг бошида тонгти еттидан ярим тунгача бўлган ҳар бир бўш соатдан фойдаланиб, ишлаб қолишга ҳаракат қилган (фарзандлари бўлгани сабабли, айниқса, куннинг иккинчи ярмида вақти тарқок бўлар эди). Кўп ўтмай бу стратегия бефойда деган қарорга келиб, ҳафтанинг эллик соатини ишга ажратди ва бу меъёрни саклаш учун зарур қоида ва одатларни ишлаб чикди. Нагпал, бошқача айтганда, “режаланган самарадорлик” стратегиясини қўллади.

Бу стратегия унинг академик мартабасига зиён этказмади, чунки у жадвал бўйича ишлашни давом эттириди ва яна уч йилдан сўнг тўлиқ профессор даражасига кўтарилиди (ажойиб юксалиш). У бунга қандай эриши? Маколосида ёзишича, унинг ўзи белгилаган иш вақтига риоя қилишида асосий усувларидан бири бу академик ҳаётидаги саёз ишларни чеклаш экан. Масалан, у ҳар қандай мақсад учун йилига бештадан ортиқ сафарга чиқмасликка қарор қилди, чунки сафарлар саёз мажбуриятларни кўпайтириши мумкин (туаржой масаласидан тортиб музокараларни ёзib боришгача). Йилига беш марта сафарга чиқиш кўпдек туюлиши мумкин, аммо тадқиқотчилар учун бу анча кам. Буни тасдиклаш учун, Нагпалнинг Ҳарвард университети компьютер фанлари бўлимидаги собиқ ҳамkasби (хозир “Google”да ишлайди) Матт Уэлш ўзинининг блог постида университет ўқитувчилари йилига одатда ўн иккитадан йигирма тўрттагача сафарга чиқишини таъкидлаган эди. (Тасаввур қилинг-а, Нагпал кўшнимча ўн ёки ўн беш марта сафарни бекор қилиб, ортиқча саёз ишлардан кутуди!) Сафар жадвали Нагпал иш кунини назорат қилишда фойдаланган усувлардан бири эди (у, шунингдек, йил

давомида тақриз ёзиладиган мақолалар сонини ҳам чеклаб күйгән), лекин унинг тактикаридан умумий жиҳат бу теран фаолиятга – касбий ҳаётининг асоси бўлмиш илмий ишларга вакт ажратиш учун, саёз ишларни чеклаш эди.

Ўз мисолимга қайтсан, режа асосида ишлаш орқали муваффакият қозониш менда ҳам шу тарзда кечди. Мен ҳам самарадорлик луғатидаги энг хавфли “ҳа” деган сўзни ишлатишида жуда эҳтиёткорман. Мени саёзликдан дарак берувчи ишни қилишга кўндириш жуда қийин. Агар университетда заруриятсиз ташкилий ишларга бош кўшиб туришимни сўрашса, мени ишга олган кафедра мудири айтган гапни айтаман: “Доимий ўқитувчиликка қабул қилинганингиздан кейин мен билан гаплашинг.” Яхши ишлайдиган яна бир усул рад жавобини айтиш, аммо нега рад этишимга чалкаш изоҳ бериш. Мухими, сўраган одам баҳонангизни чиппакка чиқаришига имкон қолдирмасликдир. Агар, масалан, кўп вакт олувчи қандайдир сұхбатта рад жавоби бериш учун сафарим борлигини баҳона қилсан, сўраган одам ўзининг ишини менинг иш жадвалимга бир амаллаб тиқишига уринади, шу боис, шунчаки “Сұхбат анча қизиқарли бўладиганга ўхшаяпти, аммо режаларимга тўғри келмас экан”, дейдиган бўлдим. Бундан ташқари, бутун иш жадвалимни бузиб юборадиган, ҳар хил рағбатлантирувчи нимадир берадиган учрашувларга ҳам розилик бермайман (Масалан, “Маъзур тутасиз, ҳозир иштирок этолмайман, лекин агар мувофиқ бўлса баъзи таклифларингизни кўриб чиқишидан курсанд бўлардим”). Танаффус энг яхши вариантидир.

Мажбуриятларимни бажаришга шароит яратишдан ташқари, вактимни тўғри тақсимлашга астойдил ҳаракат қиласман. Кунлик вақтим чеклангани боис, яна бир ишни муддатида бажаришни бўйнимга ололмайман ёки эрталабки арзимас нарсага вакт сарфламасликка тиришаман, чунки мукаммал режани ишлаб чиқишига оз вакт кетмайди. “Режаланган самарадорлик” иш кунимни тар-

ТҮРТИНЧИ ҚОИДА: САЁЗЛИКДАН ВОЗ КЕЧИНГ

тибли тутиш йўлидир. Мазкур муқаррар чегараларсиз, одатларимда мунтазамлик йўқоларди.

Ушбу кузатувларни умумлаштирадиган бўлсам, Нагпал ва мен икки сабабга кўра Томга ўхшаб ортиқча юклама олмасдан академияда мұваффақият қозонишпимиз мумкин. Биринчидан, биз белгиланган жадвал бўйича вазифаларни адо этамиз. Ушбу стратегия теранликни саклаган ҳолда саёзликни кескин қисқартириш орқали вактимизни тежайди. Дарҳақиқат, саёзликнинг камайиши теран фаолият учун кўпроқ энергия қолдиради ва одатдаги тигиз ва бетартиб режага амал қилганимиздан кўра кўпроқ натижага эришишимизни таъминлайди. Иккинчидан, вактимиз чеклангани иш тартибимизга жиддий қарашга мажбур қиласди; тарқоқ ва узун режалардан кўра қисқа вактда кўпроқ киймат яратишга йўл очади.

Ушбу стратегиянинг асосий аҳамияти унинг аксарият аклий фаолият кишилари учун фойдалилигидир, яъни профессор ўқитувчи бўлмасангиз ҳам, “режаланган самарадорлик” катта фойда келтириши мумкин. Кўп иш жойларида заарсиз бўлиб кўринган қаҳва ичиш таклифини қабул қилиш ёки кўнғирокқа жавоб бериб юбориш сингари майда мажбуриятларга “йўқ” дейиш кийин. “Режаланган самарадорлик”ка амал қилсангиз, тежамкорлик йўлига ўтасиз. Теран ишларингиздан бошка ҳар қандай мажбуриятга шубҳа билан қарайдиган, уларни зарарли ҳисобладиган бўласиз. Сизнинг одатий жавобингиз “йўқ” дейиш бўлади, вақт ва дикқатингизни ажратиш учун янада баландроқ талаб қўясиз. Ана шу қўйган тўсиқларингиздан ҳам ўтса, ишларни қаттиқ тартибда саранжомлайсиз. Шунингдек, компаниянингизда илдиз отган иш маданиятига ҳам шубҳа билан қарайсиз ва ўзгартиришга уринасиз. Бошлиғингиздан соатма-соат электрон хатлар олишингиз одатий тусга кирган бўлса, “режаланган самарадорлик” бу хатлар устида тонггача бош қотирмаслигинизни тақозо этади. Кўпчилик бу

раҳбарингиз билан ўргада муаммоларни келтириб чиқарди-ку дейди, лекин стратегия бу борада ҳам ёрдам беришига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

“Режаланган самараадорлик”ни ўзлаштириш жуда осон, аммо таъсири кенг. Агар диққатни теранлика йўналтирадиган биргина одатни танлашингиз керак бўлса, унда “режаланган самараадорлик” рўйхатингизнинг бошида туриши лозим. Мабодо иш жадвалингиздаги сунъий чекловлар сизни янада муваффакиятли қилиши мумкинлигига ҳамон ишончингиз комил бўлмаса, яна бир бор эътиборингизни “режаланган самараадорлик” тарафдори Радика Нагпалнинг карьерасига қаратишни тавсия этаман. Тасодифни қарангки, Том ёш профессор сифатида оғир юкламалар остида ишлаётгани ҳақида интернетда нолиган пайтда, Нагпал қатъий тузилган иш жадвалига қарамасдан эришган кўплаб профессионал зафарларининг навбатдагисини нишонлаётганди: Унинг олиб борган тадқиқоти “Science” журналида бош мақола сифатида чоп этилди.

СИЗНИ ТОПИШ ҚИЙИН БЎЛСИН

Саёз иш ҳақида гап кетганда электрон почтани эсламаслик мумкин эмас. Мазкур тамоман саёз фаолият кўплаб ақлий меҳнат билан шуғулланувчиларнинг диққати ва вақтини ўғирлашда ниҳоятда маккор, чунки у фақат сизга йўналган ҷалғитувчи оқимни олиб келади. Электрон почта хизмати профессионал одатларимиздан бирига айланиб улгургани сабабли унинг ҳаётимиздаги ролини тасвирлашга тил ожиз. Жон Фриман ўзининг 2009 йилдаги “Электрон почта зулми” китобида огоҳлантирганидек, технология ривожланиши билан “биз аста-секин иш кунимизни қайта ташкиллаш ёки унинг жорий ҳолатига қарши бўлиш, шикоят қилиш қобилиятини аста-секин йўқотмоқдамиз”. Электрон почта мутлақ ғолиб. Қаршилик бехуда.

Мазкур стратегия бундай тақдирга тан беришга қарши чорадир. Ушбу воситадан батамом воз кеча олмасангиз

ТҮРТИНЧИ ҚОИДА: САЁЗЛИКДАН ВОЗ КЕЧИНГ

ҳам, онгингизни түлік әгаллашига йўл берманг. Қуйида дикқатингиз ва вактингизни бу технология таъсиридан қандай халос қилиш ва Фриман аниклаган эркинлигингизнинг емирилишидан сакланишга ёрдам берувчи учта маслаҳат бераман. Қаршилик беҳуда эмас: Электрон алоқаларни тасаввур қилганингиздан ҳам кўра кўпроқ назоратга олишингиз лозим.

Биринчи маслаҳат: *Сизга электрон почта орқали хабар юборадиган одамларни кўпроқ ишилашига мажбурланг.*

Аксарият нобадий асар ёзувчилари билан боғланиш жуда осон. Улар ўз муаллифлик веб-сайтларида электрон почта манзилларини кўрсатиб, таклиф ва сўроввлар бўлса, мурожаат қилиш мумкинлигини айтади. Ҳатто кўплари шундай фикр-мулоҳазалар олиб туришни содик ўқувчиларини кўпайтириш йўли деб билади. Аммо гап шундаки, мен бу фикрга кўшилмайман.

Менинг веб-сайтимдаги “боғланиш учун” бўлимига кирсангиз, электрон почта манзилини топмайсиз. Аксинча, мавзуга қараб, боғланишингиз мумкин бўлган кишиларнинг рўйхатини берганман: муаллифлик ҳукуклари бўйича вакилим, сұхбатларга чакириш бўйича сўровларга бошқа бир вакилим. Мабодо менинг ўзим билан боғланишни жуда истасангиз, маҳсус мақсадлар учун почта манзилимни беришим мумкин, факат жавоб олишингиз эҳтимоли паст бўлиши шарти билан:

Агар ҳаётимни янада қизиқарлироқ қўлиучи қандай-дирик таклиф, имконият ёки ғоянгиз бўлса, interesting@calnewport.com манзилига жўнатинг. Юқорида келтирганим сабаблар туфайли фақат иш жадвалим ва қизиқишишга мувофиқ келувчи таклифларга жавоб қайтараман.

Бу ёндашувни “жўнатувчи фильтри” деб атайман, чунки улар мен билан боғланишдан олдин ёзмоқчи бўл-

ганларини ўзлари фильтрлесинлар. Бу фильтр почтани текширишга кетадиган вактимни сезиларли қисқартиради. “Жүнатувчи фильтри”ни күллай бошламасымдан илгари менинг ҳам сайтимда электрон почта манзилим ёзиғлик турарди ва талабалардан, карьерасини мустаҳкамлаш илинжидаги ходимлардан бир дунё турли-туман хатлар олардим. Уларга ёрдамим тегишидан мамнун эдим, бирок уларнинг сони ошиб кетди. Жүнатувчиларнинг савол ёзишга кетадиган қиска вактидан фарқли ўлароқ, менинг уларга масалани батафсил тушунтириб беришим анча вакт оларди. “Жүнатувчи фильтри” шундай ёзишмаларни камайтирди ва почта кутимга бетўхтов келувчи хатлар сони кескин пасайди. Ўкувчиларимга ёрдам беришига бўлган ўз қизикишимга келсак, мен бу энергияни сал бошқачароқ томонга йўналтирдим. Масалан, ҳар қандай талабага менга савол юборишига имкон яратиш ўrniga, ҳозир оз сонли талабаларга очиқман, уларга ҳар томонлама устозлик қиляпман.

“Жүнатувчи фильтри”нинг яна бир афзаллиги шуки, у жавобни қутмасликка ўргатади. Ўкувчиларга айтган энг муҳим гапим шу: “иш жадвалим ва қизикишимга мувофиқ келувчи таклифларга жавоб қайтараман”. Бу аҳамиятсиз бўлиб туюлиши мумкин, аммо хат юборувчилар ўз айтмоқчи бўлган гаплари ҳақида қандай ўйлашига таъсир қиласди. Электрон почта борасидаги ҳозирги ижтимоий қараш шундан иборатки, агар сиз таникли бўлмасангиз, кимдир сизгабирор хат юборса, унга жавоб қайтаришингиз шарт. Шу боис, кўпчилик учун хатга тўла почта кутиси катта мажбурият ҳиссини уйғотади.

Агар хат жўнатувчиларни жавоб қайтармаслигингиз мумкинлиги ҳақида аввалдан огоҳлантирангиз, бу энди бошқа гап. Келган хатлар эндиликда бўш вактда қараб чиқишингиз мумкин бўлган имкониятлар тўпламига айланади, яъни ўзингизга маъқул келгани билан шуғулланасиз. Аммо ўқилмаган хатлар энди мажбурият ҳиссини уйғотмайди. Агар хоҳласангиз, барчасини эътиборсиз

ТҮРТИНЧИ ҚОИДА: СЛЁЗЛИКДАН ВОЗ КЕЧИНГ

колдиришингиз мумкин ва ҳеч қандай ножушлик бўлмайди. Психологик жиҳатдан, ўзингизни эркин ҳис этасиз.

“Жўнатувчи фильтри” стратегиясини қўллай бошлиганимда, менинг вақтим ўқувчимнидан қадрлирок дегандек бўлиб, уларни ранжитиб кўймаяпманни дея иккиландим ҳам. Аммо бу хаёл ўринисиз бўлиб чиқди. Аксарият одамлар кимдан хат олишни ўзингиз ҳал қилиш ҳукукига эга эканингизни ҳурмат қиласди, чунки улар ҳам худди шу ҳукуқдан фойдаланишни истайди. Энг муҳими, одамлар аниқликни қадрлайди. Кўпчилик одамлар агар умид қилмаса, жавоб келмаса ҳам хафа бўлмайди (умуман олганда, жамоатчиликка кам кўринадиганлар, масалан, муаллифлар одамлар ўз хатларига келган жавобга қанчалик аҳамият беришини бўрттирворади).

Баъзи ҳолларда, агар одамлар жавоб беришингизга умид қилмаса, жавоб бериб қолган вақтингизда сизга ишончи ва ҳурмати ошади. Масалан, бир онлайн нашр муҳаррири минг истиҳола билан (менинг фильтрим сабабли) мени меҳмон блогер сифатида ўз нашрига материал беришимни сўраб хат жўнатибди. Менинг жавоб берганим унинг учун кутилмаган бўлган. Унинг ушбу ҳолат бўйича умумий холосаси шундай:

Шундай қилиб, мен Кэлга нашримизда ёзib туришини хоҳлайсизми деган мазмунда электрон почта орқали мурожсаат қилганимда, жавобдан унчалик умид қилмагандим, чунки унинг меҳмон ёзувчи сифатида ёзишга хоҳиши сезилмасди, шу боис жавоб келмаса ҳам ташвиши чекмасдим. Кейин, у жавоб бергач, ҳаяжонга тушдим.

Менинг “жўнатувчи фильтри” усулим умумий стратегиянинг фақат бир намунасиdir. Технология бўйича стартапларни маблағ билан таъминлаш бўйича кампаниялар ўтказиши эксперти, маслаҳатчи Клей Хербертни олайлик. Бу соҳа маслаҳат ораб мактуб йўлловчиларни кўп ўзига жалб қиласди. “Жўнатувчи фильтри” ҳакида

“Forbes.com”да чиққан мақолада айтилишича: “Вақти келиб, унга мурожаат қилаётган одамлар сони унинг (Хербертнинг) кутганидан ошиб кетди, шу боис у ёрдам сўраб мурожаат қилаётганларнинг масъулиятини оширадиган фильтрларни яратди.”

Унинг ҳам мақсади меники каби бўлган эса-да, Хербертнинг фильтрлари бошқачароқ эди. У билан боғланиш учун бермокчи бўлган саволингизга аввал жавоб берилмаганини “Кўп сўраладиган саволлар” рўйхатидан текширишингиз керак (Херберт фильтрларни ўрнатмагунга қадар, жавоб берилган саволлар тақрор сўралаверарди). Агар “Кўп сўраладиган саволлар”дан жавоб топа олмасангиз, у сиздан анкета тўлдиришингизни сўрайди, бу эса сизнинг саволингиз унинг соҳасига мос келишини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу босқичдан ўтганларга Херберт билан боғланишдан аввал бироз тўлов амалга ошириши кераклиги айтилади. Бу тўлов кўшимча даромад топиш учун эмас, балки маслаҳат олиш ва унга амал қилишга жиддий бел боғлаганларни танлаш учун киритилган. Хербертнинг фильтрлари унга одамларга ёрдам бериш ва, айни чоғда, қизиқарли имкониятларга дуч келишига имкон беради. Шунингдек, келувчи хатларни кўриб чиқса бўладиган даражада камайтиради.

Яна бир мисол сифатида машхур “Real Man Style” блогини юритадиган Антонио Центенони олайлик. Центенонинг “жўнатувчи фильтри” икки босқичдан иборат. Агар сизда савол бўлса, уни оммага кўринадиган жойга қўясиз. Центено бир хил саволга тақрор ва тақрор шахсий ёзишмаларда жавоб бериш бефойда деб билади. Агар сиз ушбу босқичдан ўтсангиз, у учта ваъдани бажаришни сўрайди:

- Мен Антониога 10 дақиқада жавобини “Google”да қидириб топса бўладиган саволни бермайман;
- Мен ўзимнинг унга алоқадор бўлмаган бизнесимни тарғиб қилиш учун Антониога спам жўнатмоқчи эмасман.

ТҮРТИНЧИ ҚОИДА: САЁЗЛИҚДАН ВОЗ КЕЧИНГ

- Агар Антонио 23 соат ичида жавоб берса, мен бирор ихтиёрий нотаниш одамга яхшилик қиламан.

Сиз ўз хатингизни киритишингиз мумкин бўлган хабарлар ойнаси ушбу уч ваъдани тасдиқламагуningизча кўринмайди.

Хулосаласак, электрон почта асосидаги технологиялар ўзгарувчандир, аммо ушбу технологияни қандай қўллашни кўрсатадиган ҳозирги тушунчалар суст ривожланган. Барча хабарлар, мақсади ва жўнатувчисидан қатъи назар, бир жойга тушади ва ҳар бир хабар ўз вақтида жавоб берилишга лойик кўрилади – булар бориб турған самараисизликдир. “Жўнатувчи фильтри” – аҳволни яхшилашда, айниқса, сафи кенгайиб бораётган, кўп хат қабул қилувчи ва айни дамда қандай қабул қилишни ўзлари ҳал қила оладиган тадбикорлар ва фрилансерлар учун кичик, аммо фойдали қадам. (Шунингдек, бундай қоидалар йирик ташкилотларда офис ичидаги мулоқот учун ҳам жорий этилишини истардим, лекин иккинчи бобда келтирилган сабабларга кўра, биз бунга етгунимизча ҳали анча бор.) Агар шундай инсонлардан бири бўлсангиз, “жўнатувчи фильтри”ни вақтингиз ва диққатингизни назоратга олиши суули сифатида бир ўйлаб кўринг.

Иккинчи маслаҳат: Электрон почта хатларини юборганингизда ёки уларга жавоб берганингизда кўпроқ ишланг.

Куйидаги одатий электрон мактубларга эътибор беринг:

Биринчи хат: “Ўтган ҳафта сизни учраттаним жуда яхши бўлди. Муҳокама қилган баъзи масалаларимизни қаҳва устида чукурроқ кўриб чиқишни истардим. Бир финжон қаҳвага нима дейсиз?”

Иккинчи хат: “Сўнгти ташрифим давомида муҳокама килганимиз тадқиқот муаммосига қайтишимиз керак. Қаерга келиб қолганимизни менга эслатиб юборинг.”

Учинчи хат: “Үша мұхокама қилингандың мақоланы таҳлил килишінде уриниб күрдім. Униям жүнатдым. Нима дейсиз?”

Ушбу уч мисол күплаб ақпараттың мәннен ходимларига таниш бўлса керак, чунки булар почта кутиларини тўлдирадиган күплаб хатлар намунасиdir. Улар, шунингдек, потенциал самараадорлик йўлидаги минадир, уларга қандай жавоб беришингиз ёзишма яна қанча вакт давом этишига таъсир килади.

Хусусан, савол шаклидаги ўша электрон хатларга ўша заҳоти кисқа жавоб қайтариб, кутидан ўчириб ташлашни истайсиз. Тез қайтарилган жавоб мувакқат енгиллик беради, чунки сиз зиммангиздаги юқдан соқит бўлиб, хатни уни жўнатувчига йўллагансиз. Аммо бу енгилликнинг умри қисқа, чунки бу масъулият қайта ва қайта ўзингизга келаверади, вактингиз ва эътиборингизни еб битиради. Шунинг учун, ушбу турдаги хатга дуч келганда дарров жавоб беришдан олдин бир нафас тўхтаб, ўзингизга савол беринг:

Ушбу хат орқали қандай лойиҳа назарда тутилмоқда ва лойиҳадан муваффақиятли натижса (ёзишмаларнинг чўзилиб кетмаслиги маъносидан) чиқарии учун энг тўғри йўл қайси?

Ушбу саволга ўзингиз учун жавоб топгач, шошмаршошарлик билан кисқа жавоб бериш ўрнига ўша энг тўғри йўлни тушунтирувчи жавоб ёзинг. Имкон қадар ҳозирги ва кейинги босқични айтинг. Хатларга бу шаклда жавоб беришни мен “жараён-марказли ёндашув” деб атайды. Бу сиз қабул қиласиган электрон хатлар сонини камайтиради, дикқат чалғышларнинг ҳам олди олинади. Ушбу жараённи ва у қандай самара беришни яхшироқ тушуниш учун юқоридаги уч электрон почта хатларига “жараён-марказли ёндашув” асосида берилган жавобларни кўриб чиқинг:

Биринчи хатга жавоб: “Қаҳвага йўқ демасдим. Келинг, университет ҳудудидаги Старбаксда учрашайлик. Куйида

ТҮРТИНЧИ ҚОИДА: САЁЗЛИҚДАН ВОЗ КЕЧИНГ

келгуси ҳафтада бўш бўладиган икки кунимни қайд қилиб қўйдим. Ҳар бир кун учун уч хил вақтни кўрсатдим. Агар ўша кун ва вақтдан қай бири маъқул келса, менга хабар беринг. Учрашувга розилик жавобингизни ўйлаб кўраман. Агар ўша кун ва вақт тўғри келмаса, қуидаги ракамга қўнғироқ қилинг ва иккимизга ҳам мос вақтни келишиб оламиз. Учрашувни интизорлик билан кутаман.”

Иккинчи хатга жавоб: “Мен бу муаммога қайтишимиз лозимлигига қўшиламан. Мана менинг таклифим...

Кейинги ҳафтанинг бирор кунида, ушбу муаммо муҳокамаси ҳакида эслаган барча нарсаларингизни менга электрон почта орқали юборинг. Ушбу хабарни қабул қилгандан сўнг, мен лойиҳа учун маълумотнома тузиб, менга юборган маълумотларингизни ҳам умумлаштириб қўшиб қўяман. Хужжатда кейинги икки ёки уч истиқболли босқичларни ажратиб кўрсатаман.

Кейин бир неча ҳафта давомида навбатдаги босқичларни қайта кўриб чиқишимиз мумкин. Шу мақсадда бир ойлик қўнғироқлар режасини тузишни маслаҳат бераман. Қуидида қўнғироқ қилишингиз мумкин бўлган саналар ва вақтларни қайд қилдим. Ўзингизнинг қайдларингиз билан жавоб берганингизда, сизга мос келадиган сана ва вақтни ҳам белгиланг ва ушбу жавобни қўнғироқлар учун тасдиқ деб қабул қиласман. Мен ҳам ушбу муаммонинг ҳал қилинишини кутяпман.”

Учинчи хатга жавоб: “Менга мурожаат қилганингиз учун ташаккур. Ушбу мақоланинг қораламасини ўқиб чиқаман ва сизга жума куни (ўнинчи санада) таҳрирланган нусхасини кўшимча изоҳлар билан жўнатаман. Жўнатадиганим нусхани қўлимдан келганча таҳрирлайман, ўзингиз кўриб чиққанингиз маъқул деб ўйлаганим жойларини белгилайман. Зарур жойларига сайқал бериб, якуний қоралама вариантини топширинг, шунинг учун бу ишларни ўзингизга қолдираман – бу хабарга жавоб ёзишингиз ёки таҳрирларни қайтарганимдан кейин мен

билин яна боғланишингиз шарт эмас, албаттага агар бирор мухим муаммо чиқиб қолмаса.”

Ушбу намуна жавобларини ёзиши хатда назарда тутилган лойиҳани аниқлаштиришдан бошладим. Эътибор беринг, бу ерда “войиҳа” сўзи кенг маънода ишлатилган. У тадқикот мавзуси ишланиши бўйича илгарилаш (иккинчи мисол) каби катта ва аниқ-равшан лойиҳаларни қамраб олиши мумкин, аммо у кофе устида учрашувни ташкил этиш (биринчи мисол) сингари кичик логистик масалаларга ҳам яхши мос тушади. Ёзишмалар сонини камайтирган ҳолда бирор масалани тутал ҳал килиш жараёнини бир-икки дакика ўйлаб оламан. Якуний қадам бу жорий ҳолатни ва келгусида нима қилишни ифодаловчи жавоб хати ёзишдир. Ушбу мисоллар электрон почтага қандай жавоб бериш ҳакидадир, аммо улар умуман бошидан электрон хат ёзишга ҳам таалукли.

Электрон почта масаласида “жараён-марказли ён-дашув” ушбу технологиянинг вақтингиз ва дикқатингизга таъсирини сезиларли камайтириши мумкин. Бунга эса икки сабаб мавжуд. Биринчидан, бу электрон почтангиздаги хатлар сонини сезиларли камайтиради (агар эҳтиётлик билан жавоб ёзмасангиз, қаҳва устида учрашувни келишишнинг ўзига икки-уч кун бир неча марта хат ёзиб, хат олишингиз керак бўлади). Бу ёндашув эса ўз навбатида почтангизни текширишга кетадиган вақтингиз ва аклий энергиянгизни тежайди.

Иккинчидан, Дэвид Алленнинг таъбири билан айтсак, жараён-марказли хат лойиҳага нисбатан ноўрин ташвишларга ҳам дарҳол чек кўяди. Сиз юборган ёки қабул қилган электрон хат орқали лойиҳа бошланса, у сизнинг онгингизда муқим ўрнашиб олиб, худди олдингиздаги ликопчага қўйилгандек, унга дикқат қаратишингизни ва у билан шуғулланишингизни эслатиб тураверади. Мазкур усул эса ушбу ҳолатнинг олдини олади. Бутун жараённи биттада аниқлаштириш, вазифалар рўйхати ва тақвимга

ТҮРТИНЧИ ҚОИДА: САЁЗЛИҚДАН ВОЗ КЕЧИНГ

ўзингизга тегишли мажбуриятларни қўшиш ва иккинчи томонни тезлаштириш миянгизнинг қачонлардир лойиҳа талаб қилган ҳолатга қайтишига имкон беради. Камроқ аклий толиқиши теран фикрлаш учун кўпроқ аклий ресурс ортиб қолишини англатади.

Жараён-марказли электрон хатлар дастлаб табиий кўринмаслиги мумкин. Биринчидан, улар хатга жавоб ёзишдан олдин ўйлаб олишга вақт талаб қиласди. Бунда электрон хатларга кўп вақт сарфланётгандек туюлади. Аммо эсда тутиш лозим жиҳат шуки, ушбу ҳолатда сарфланадиган кўшимча 2-3 дақиқангиз кейинроқ кераксиз хатларни ўқиш ва жавоб қайтишига кетадиган кўпроқ вақтингизни тежаб қолади.

Бошқа бир масала, жараён-марказли хатлар қуруқ ва сунъий туюлиши мумкин. Электрон почта ҳакидаги анъанавий қарашларга кўра, ёзишмалар табиий, оддий гаплашиб ўтиришга ўхшаш бўлиши лозим. Бу эса “жараён-марказли ёндашув”даги тизимли режалар, қарорларга зиддир. Мабодо бу сизни қизиқтирса, хатларингиздаги мулокот муқаддимасини узунроқ қилиши маслаҳат бераман. Ҳаттоқи, хатнинг жараён-марказли қисмини мулокотнинг кириш қисмидан чизик билан ажратишингиз ёки унинг техник оҳанги контекстда янада мувофиқ кўриниши учун уни “таклиф қилинадиган кейинги қадамлар” деб белгилаб қўйишингиз ҳам мумкин.

Охир-оқибат, бу кичик қийинчилликлар ўзини оқлади. Электрон почта хатлари орқали таклиф қилинган масалаларнинг ўзига кўпроқ эътибор қаратсангиз, ушбу технологиянинг аслида муҳим ишларга салбий таъсирини камайтирган бўласиз.

Учинчи маслаҳат: Жавоб берманг.

МТИ битирувчиси сифатида таникли академиклар билан алоқада бўлиш имконига эга бўлдим, шу аснода кўпчиликнинг электрон почтага нисбатан жуда ғалати ва кам учрайдиган ёндашувини пайқадим: улар электрон хат

олгач, одатда жавоб қайтармас экан.

Вақт ўтиши билан бу одат ортидаги фалсафанинг тагига етдим: Жўннатувчи ўз хатига жавоб қайтарилиши муҳимлигига қабул қилувчини ишонтира олиши керак. Агар ишонтира олмасангиз ва профессорнинг жавоб беришга кетадиган куч сарфини камайтирмасангиз, жавоб ололмайсиз.

Масалан, мана бу электрон хат институтдаги қўплаб таникли ўқитувчиларни жавоб беришга ундан олмайди:

“Салом профессор! Бироздан сўнг сиз билан <Х мавзуси> ҳақида гаплашмоқчи эдим. Вақтингиз борми?”

Ушбу хатга жавоб бериш жуда кўп меҳнат талаб киласди (“Вақтингиз борми? деган саволга тезда жавоб бериш мушкул). Шунингдек, ушбу сұхбат профессорнинг вақт ажратишига арзиши ҳақида бирор сўз йўқ. Ушбу танқидни ёдда туттган ҳолда, худди шу хатнинг жавоб қайтарилишга арзидиган версиясига қаранг:

“Салом профессор! Мен шимий раҳбарим <профессор Й> билан <Х мавзуси>га ўхшаш лойиҳа устида ишламоқдаман. Пайшанба куни иш вақтингиз тугашига ўн беш дақиқа қолганда оғисингизга ўтиб, ҳозиргача нима иши қилганимиз ҳақида айтиб берсам, бу сиз шуғуланаётган лойиҳага ҳам асқатиши мумкинми-йўқми кўрсак, нима дейсиз?”

Биринчи хатдан фарқли ўлароқ, бунисида учрашувнинг аниқ мақсади кўрсатилган бўлиб, хатни қабул қилувчи ҳам жавоб бериши қулай.

Ушбу маслаҳат, касбий ҳолатингиздан келиб чиқиб, имкон қадар электрон хатга ўзгача ёндашишни талаб қиласди. Бу борада асқатиши учун қайси хатларга жавоб бериш керак ва қайси бирига жавоб шарт эмаслиги ҳақидаги куйидаги уч қоидани татбиқ қилиб кўринг:

Ўқитувчининг электрон хатларни саралаши: Агар

ТҮРТИНЧИ ҚОИДА: САЁЗЛИКДАН ВОЗ КЕЧИНГ

куйидагилар мавжуд бўлса, хабарларга жавоб берманг:

- Хат мужмал ёзилган ёки унга оқилона жавоб бериш жуда мушкул;
- Бу сизни қизиқтирадиган савол ёки таклиф эмас.
- Сиз жавоб берсангиз ёки бермасангиз ҳам ҳеч қандай наф ёки нохушлик келтирмайди.

Шундай бўлса ҳам, жуда кўп истисноли вазиятлар мавжуд. Масалан, агар компаниянгиз бош директоридан сизга умуман дахли йўқ лойиҳа ҳакидаги дудмол хат келса, албатта жавоб ёзасиз. Аммо ушбу истисно ҳолатлардан ташқари, ўқитувчиларга хос ёндашув жавоб бериш ёки бермасликда қаттиққўл бўлишни тақозо қиласди.

Аввалига ушбу маслаҳат нокулай бўлиши мумкин, чунки бу электрон почта ҳакидаги умумий тушунчага терс келади: жавоблар унинг аҳамияти ёки мақсадга мувофиқлигидан қатъи назар, барибир кутилади. Ушбу ёндашувни кўлласангиз, айрим кўнгилсизликлар бўлиши мумкин. Баъзи одамлар электрон хатга жавоб берилмаса, нима бўлаёттанини тушунмаслиги, ҳатто хафа бўлиши мумкин. Ёзувчи Тим Феррисс ёзади: “Кичик нохушликлар бўлиб туришига одатланинг. Агар шундай йўл тутмасангиз, ҳаётни ўзгартирадиган буюк ишларга вақт тополмайсиз.” МТИ профессорлари кашиф эттанидек, одамлар сизнинг мулоқот қилиш борасидаги одатларингизга тезда мослашишини англасангиз тасалли топасиз. Уларнинг шоп-ма-шошарлик билан ёзилган хатларига жавоб бермаганингиз, эҳтимол, улар учун ҳаётдаги энг муҳим воқеа эмасдир.

Ушбу ёндашувни кўллаб, бироз нокулайликларни бошдан кечиргач, албатта унинг мукофотини ҳам хис қила бошлайсиз. Электрон почта юки остида қолиш муаммосини ҳал қилиш юзасидан икки тур масала мавжуд. Бирига кўра, электрон хатларни юбориш янада кўпроқ электрон хатлар ёзилишига сабаб бўлади деса, бошқаси мужмал ёки аҳамиятсиз электрон хатлар билан курашиш

стресснинг асосий манбаи эканлигини айтади. Юқорида таклиф қилинган усул иккала масалага ҳам ўринли жавоб беради, яъни камрок электрон хатларни юбориб, кийинчларини эътиборсиз қолдиринг ва шу орқали вактингиз ва эътиборингизни почта кутисидан озод қилинг.

ХУЛОСА

“Microsoft”га асос солиниш тарихида кўп ва хўб гапирилган, афсонага ҳам айланишга улгурди. 1974 йилнинг қишида Ҳарварднинг ёшгина талабаси Билл Гейтс “Popular Electronics” муқовасида дунёдаги биринчи шахсий компьютер бўлган “Алтаир”ни кўриб қолади. Гейтс машина учун дастурий таъминот яратиш имконияти борлигини англайди-ю, Пол Аллен ва Монте Давидофф билан кейинги саккиз ҳафта ичида “Алтаир” учун BASIC дастурлаш тилининг версиясини яратди. Ушбу воқеа кўпинча Гейтснинг ақл-идрохи ва қатъияти намунаси сифатида тилга олинади, аммо охирги интервьюлар унинг муваффакиятида ҳал қилувчи роль ўйнаган яна бир хусусиятни очиқлади: Гейтснинг ҳадсиз теран ишлай олиш қобилияти.

Үолтер Айзексон ўзининг мазкур мавзуга оид 2013 йилда “Harvard Gazette”да эълон қилган мақолосида тушунтирганидек, Гейтс ушбу икки ой давомида шу қадар интенсив ишлаганки, кодларни ёзиб ўтириб, клавиатура устида ухлаб қоларди. Шунда ҳам бир-икки соат ухлаб, дарров уйғонар ва келган жойидан давом этарди. Бу ҳолатни унга ҳамон қойил қилувчи Пол Аллен “буюқ диққат жамлаш маҳорати” дея таърифлайди. Айзексон “Инноваторлар” номли китобида кейинчалик Гейтснинг теранликка бўлган ўзига хос мойиллиги ҳакида қўйидагича хулоса қилди: “Гейтсни [Аллендан] ажратиб турадиган

белги унинг дикқатни жамлай олиши эди. Алленнинг мияси жуда кўп ғоя ва кизиқишлиар билан тўла эди, Гейтс эса бир ишга киришса, шунга муккасидан кетарди.”

Гейтснинг бўлинмас дикқати ҳақидаги шу ҳикоя теран меҳнат аҳамиятини яққол тасдиқлади. Тинимсиз ривожланаётган ахборот асрининг асов оқимидан нолиш жуда осон. Орамиздаги эскиликни қўмсовчилар телефонга муккамиздан кетганлигимиздан дарғазаб бўлиб, сокин, оғир карвон ўтмишни қўмсайди, технология ишқибозлари эса уларни зерикарлиликни қўмсаш ва лудчиликда айблайди ва ахборот алмашинуви утопик келажак пойдевори деб ишонади. Маршалл МакЛуҳан дейдики, “восита – бу хабар”, аммо бизнинг ушбу мавзулардаги муҳокамаларимиз ахлоқий тус олган, сиз “Facebook” билан бир кемада бўласиз ёки унга ўз чўкишимиз тимсоли сифатида қарайсиз.

Ушбу китобнинг кириш қисмида таъкидлаганимдек, менинг бу мунозарага қизиқишим йўқ. Теран ишларга содиқлик ахлоқий масала эмас ва фалсафий фикр ҳам эмас, бу дикқатни жамлаш қобилияти ҳақиқий қимматта эга ишларни амалга оширадиган маҳорат эканлиги тасдигидир. Теран меҳнат муҳимлиги чалғишиларнинг зарарли эканлиги сабабли эмас, балки Билл Гейтсга бир семестрдан оз вақт ичida миллиард долларлик саноатни бошлап имконини берганлиги учун ҳам муҳимдир.

Бу мен учун ўз тажрибамда шахсан қайта ўргангандек яна бир дарс бўлди. Ўн йилдан ошик вақт давомида теран ишлашга иштиёқманд бўлсам ҳам, ҳануз унинг кучи мени ҳайратда қолдиради. Бу маҳоратга илк марта дуч келган ва биринчи ўринга кўйган пайтим, яъни магистратура босқичида ўқиётганимда, белгиланган иш соатидан ортиқ ва дам олиш кунлари ишламаганимда ҳам, теран иш шарофати билан икки илмий мақола эълон қилдим (талаба учун юқори натижга).

Профессорлик босқичига ўтиш яқинлашган сари ташвишга туша бошладим. Талаба ва фан доктори си-

фатида мажбуриятларим кўп эмасди – кунимнинг аксарият қисмини ўзим истаганча ўтказишм мумкин эди. Фаолиятимнинг кейинги боскичида бу қулайликни йўқотишимни билардим ва самарадорлигимни сақлаб қолиш учун етарлича теран ишларни тифиз иш жадвалимга кирита олишимга ишончим комил эмасди. Ташибишларга кўмилиб ўтириш ўрнига, бу борада бирор нарса қилишга қарор қилдим – теран меҳнат қилиш маҳоратимни мустаҳкамлаш режасини туздим.

Ушбу машкларни МТИда ўтаётган сўнгти икки йилим мобайнида бажардим, ўшанда профессорлик лавозимига ҳаракат қилаётган фан доктори эдим. Менинг асосий мақсадим иш жадвалимни янада қисқартириб, профессорликдаги чекланган бўш вақтимга мослаштириш эди. Кечаси ишламаслик ҳақидаги қоидамга кўшимча, куннинг ўргасида югуриб келиш ва квартирамда тушлик қилиш учун тушлик вақтини узайтирдим. Шунингдек, тўртингчи китобим “Эътиборсиз колдириша олмайдиган даражада яхши бўлинг”ни ёзиш бўйича ҳам шартномага имзо чекдим. Бу лойиха ҳам кагтагина вақтимни оларди.

Ушбу янги чекловларнинг ўрнини босиш учун теран ишлаш қобилиятимни чархлаб олдим. Теран иш билан шуғулланиш соатларини алоҳида блок қилиб олдим ва бу блокка бошқа юмушлар кўшилиб қолишига йўл кўймадим. Шунингдек, ҳар ҳафта пиёда юриб ўтказган вақтим мобайнида фикрларимни тартибга келтириш маҳоратимни ривожлантирдим (самарадорлик учун кони фойда маҳорат) ва дикқатимни жамлаш учун холи жой қидирадим. Хусусан, ёз пайтида ўқиш даврида жуда гавжум бўлиб колувчи улкан Баркер муҳандислик кутубхонасида ишлардим, қишида эса сокин, кўздан пана жойларни қидириб, охир-оқибат кичик, аммо шинамгина Люис мусиқа кутубхонасини маъкул кўрдим. Ҳаттоқи, ўша вақтда сарф қилинган пул жиддий ишлашга ундейди, деган умидда математик ноботлар устидаги машклар учун 50 долларга катак блакнот ҳам сотиб олганман.

Теранликка бу қадар кучли урғу берганим қанчалик муваффакият олиб келганидан ўзим ҳам ҳайрон қолдим. 2011 йилнинг кузида Жоржтаун университетида информатика профессори сифатида иш бошлаганимдан сўнг, мажбуриятларим кескин кўпайди. Аммо давомий машқлар орқали бунга аллақачон тайёргарлик кўриб кўйгандим. Нафакат тадқикот маҳсулдорлигини сақлаб қолдим, балки уни янада яхшилашга ҳам эришдим. Магистрантлик давримда йилига иккита мақола ёзган бўлсам, бу кўрсаткич энди йилига ўртacha тўрттага етди.

Бундан анча таъсиранган бўлсам ҳам, аммо кўп ўтмай теран ишлашнинг ҳақиқий чўққисига ета олмаганимни билдим. Жоржтаунда профессор сифатида иш бошлаган давримнинг учинчи йили, яъни 2013 йилнинг кузидан 2014 йилнинг ёзигача бўлган вакт мобайнида теран меҳнат қилиш одатимга кайтиб, уни янада такомиллаштириш учун кўпроқ имкониятларни қидира бошладим. Ана шу ҳаракатларимга асосий сабаб – сиз ҳозир ўқиётган китоб бўлиб, аксарият қисми худди шу даврда ёзилган. Албатта, етмиш минг сўздан иборат кўлёzmани ёзиш шундоғам тифиз иш жадвалимни янада таранглаштириди, илмий ишларим самараדורлигига путур етишини истамасдим. Теранликка мурожаат килганимнинг иккинчи сабаби – доимий профессорлик лавозимини эгаллаш жараёни эди. Доимий профессорликка ўтишим бўйича хужжатларимни топширишга бир йил муддат ва икки ишни нашр қилиш колганди. Бу вакт, бошқача қилиб айтганда, қобилиятларим тўғрисида баёнот бериш пайти эди (шу билан бирга, доимий таркибдаги профессор бўлгунимгача охирги йилда оиласизни иккинчи фарзанд билан кенгайтиришни ҳам режалаётгандик). Теранликка яна қайтганимнинг охирги сабаби, тан олишим керак, қайсаrlигим эди. Кўп ҳамкасларим қўлга киритаётган нуфузли грантни ютиб олиш учун топширган хужжатларим рад этилди. Хафа бўлдим, уялдим, лекин шунчаки шикоят қилиш ёки ўзимдан шубҳаланиш ўрнига, ўша грант дастурида мувафф-

факиятга эришолмаганим эвазига нима килаётганимни аниқ билишимни яққол күрсатищ мақсадида чоп қилинаётган ишларим сони ва сифатини ошириб бордим.

Аллақачон моҳир теран меҳнат қилувчи одамга айланаб улгурган бўлсам-да, юқоридаги уч омил мазкур одатимни охиригача кучайтиришга ундади. Кўп вакт оладиган ишларни рад қилишда анча қатъиятим ошди, офисимдан ташқаридағи холи жойларда ишлай бошладим. Теран ишга ажратилган соатларимнинг хисобини иш столим ёнидаги кўзга якин жойга қайд қилиб борарадим, агар у керагича тез суръатда ўсмаса хафа бўлардим. Эҳтимол, энг таъсири нарса, МТИдаги аввалги ҳолатимга яна қайтганилигим, бўш вақтим бўлиши билан, у хоҳ итимни сайр қилдириш, хоҳ пиёда юриш бўлсин, ундан фойдаланиб қолишга урина бошладим. Ваҳоланки, илгарилари фақат белгиланган муддат яқинлашганда теран ишлаш ҳолатига ўтардим, бу йил эса сал бошқачароқ кечди, деярли ҳар куни, аниқ белгиланган муддат бор ёки йўқлигидан қатъи назар, миямни масалага ечим топишга, унинг оқибатлари ҳақида бош қотиришга ундардим. Ҳатто метрода кетаётганимда ва кор кураётганимда ҳам миямда исботлар айланарди, дам олиш кунлари ўғлим мизғиган пайт эса ҳовлига чиқиб ўй сурардим, агар тирбандликда қолиб кетсам, мени қийнаётган ва тинчлик бермаётган муаммолар устида тизимли равишда ишлардим.

Ўтган бир йил мобайнида теран меҳнат машинасига айланаб қолдим ва бу эврилиш натижасидан ўзим лол қолдим. Китобни ёзган ва тўнгич ўғлим икки ёшга қадам кўйган иили кечалари ишлаш чекловига содик қолган тарзда тўққиз илмий мақолани нашр қилдириб, ўртacha илмий фаолиятим унумдорлигини икки баравар кўпайтиришга муваффақ бўлдим. Ва айни пайтда аввал гидек кечқурунлари ишламас эдим.

Тан олишим лозимки, ашаддий теранлик ҳолатида ўтган дастлабки йилим ақлий жиҳатдан жуда ҳолдан тойдирди, балки энди бундай инстенсив ишлашни сал пасайтиарман. Аммо тўплантган тажриба ушбу хулоса марказидаги ғояни дастаклайди: теран меҳнат кўпчилик ўйлагандан кўра анча муҳим. Ушбу маҳоратга эътиқод Билл Гейтсга янги саноатни яратиши учун кутилмаган имкониятдан фойдаланишга ва менга бир вақтнинг ўзида ҳам китоб ёзиб, ҳам илмий фаолиятим унумдорлигини икки баравар кўпайтиришимга йўл очиб берди. Кам сонли аник мақсадлилар жамоасига қўшилиб, кўп сонли чалғиганлар тоифасини тарқ этиш – ана шу аник ўзгаришлар қиласидиган тажрибадир.

Албатта, теран ҳаёт кечириш барчага ҳам мос келмайди. Бу оғир меҳнат ва одатларингизни тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Кўпчилик учун тезкор электрон почта орқали хабар алмашиб ўтириш, ижтимоий тармоқлар орқали маълумот тарқатиш билан зоҳирдагина банд бўлиш қулайдир, ҳолбуки, теран ҳаётда уларнинг кўпини орқага ташлаб ишлашингиз лозим. Имконингиз етган қадар энг яхши ишни қилиш ҳам анча ноқулай, чунки чираниб қилган энг яхши ишингиз ҳам ўйлаганингизчалик яхши бўлмаслиги мумкин. Маданиятимиз ҳакида четдан туриб изоҳ бериш унинг ичига кириб, ниманидир яхши томонга ўзгартиришдан кўра осонроқ.

Аммо, агар ушбу қулайлик ва қўркувларни четлаб, ақлингизни арзирли нарсаларни яратиш учун ишлатишга тайёр бўлсангиз, шунда ўша теранлик ҳаётни самарадор ва маъноли қилишига ўзингиздан аввалгилар каби гувоҳ бўласиз. Биринчи қисмда ёзувчи Уинифред Галлагердан куйидагича иқтибос келтиргандим: “мен мақсадли ҳаёт кечирмоқчиман, чунки шу энг яхши ҳаётдир”. Унинг фикрига тўлиқ қўшиламан, Билл Гейтс ҳам қўшилади, ушбу китобни тугата туриб, сиз ҳам қўшилишингизга умид қиласман.

**“ASAXIY BOOKS” ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ЧОП
КИЛИНГАН КИТОБЛАР:**

1. Жорж Оруэлл, “1984”, 2019, 296 бет.
2. Жорж Оруэлл, “МОЛХОНА”, 2019, 100 бет.
3. Ден Браун, “РАҚАМЛИ ҚАЛЪА”, 2019, 480 бет.
4. Уолтер Айзексон, “СТИВ ЖОБС”, 2019, 624 бет.
5. Малcolm Гладуэлл, “ЗУККОЛАР ВА ЛАНДОВУРЛАР”, 2019, 220 бет.
6. Элиф Шафақ, “ИШҚҚА ОИД 40 ҚОИДА”, 2019, 288 бет.
7. Лара Эдриан “ТУНГИ ТАШРИФ”, 2019, 240 бет.
8. Стивен Р. Кови, “МУВАФФАҚИЯТЛИ ИНСОНЛАРНИНГ 7 КҮНИКМАСИ”, 2020, 438 бет.
9. Брайан Трейси, “САМАРАДОРЛИКНИНГ 21 ЙЎЛИ”, 2020, 92 бет.
10. Дэниел Киз, “ЭЛЖЕРНОНГА АТАЛГАН ГУЛЛАР”, 2020, 320 бет.
11. Марк Мэнсон, “БЕПАРВОЛИКНИНГ НОЗИК САНЬАТИ”, 2020, 192 бет.
12. Рамита Наваи, “ЁЛГОНЛАР ШАХРИ”, 2020, 276 бет.
13. Пауло Коэльо, “АЛИФ”, 2020, 308 бет.
14. Тони Шей, “БАХТ ЕТКАЗИШ: МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК ИНТЕРНЕТ ДЎКОН ТАРИХИ”, 2020, 298 бет.

КЭЛ НЫЮПОРТ
**ДИҚҚАТ: ЧАЛҒИТУВЧИ
ДҮНЁДА МУВАФФАҚИЯТ
СИРЛАРИ**

*Инглиз тилидан
Сожида Самандарова
таржимаси*

Мұхаррир	Х. Йўлдошев
Мусахихлар	Т. Эшбоева
	Г. Қодирова
Дизайнер	А. Умарова
Саҳифаловчи	Х. Йўлдошев

Ушбу китобнинг ўзбек тилига таржимаси учун муаллифлик хукуки “Asaxiy Books” лойиҳасига тегишли бўлиб, “Asaxiy Books” руҳсатисиз китобни босма, электрон, аудио, видео ёки бошқа ҳар қандай шаклда тарқатиш Ўзбекистон Республикаси конунларига биноан тақиқланади.

Босишига 09.08.2023 да рўҳсат этилди. Бичими 84x108/32. Офсет когози. Офсет босма. Times New Roman гарнитураси. Шартли босма табори 12.09. Босма табори 7.2. Адади 5000 нусха.

RAVZA YAYINLARI VE MATBAACILIK-ÖMER FARUK KASADAR
Davutpasa cad. Kale iş merkezi no:51/52
Topkapı/zeytinburnu/istanbul
02124819411
Matbaa sertifika no: 43988

Қайдлар учун

Қайдалар учун